



УДК 811.1/12

Махина АБДУВАХАБОВА,
Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси
E-mail: makhina.abduvahabova@gmail.com
ЎзДЖТУ доценти, PhD Мухаммедова Х.Э. тақризи асосида

COMMUNICATIVE POSSIBILITIES OF FOLKLORIC DISCOURSE - THEORY OF SPEECH ACTIVITIES, ON THE EXAMPLE OF H.GRICE'S MAXIMS

Abstract

Although the concept of "folklore discourse / communication" is common in modern research, its full description is not yet available, and although there are a number of individual observations, the problem of describing folklore discourse has not yet been resolved. Folklore speech is an aesthetically reworked traditional text that meets the needs of the community and reflects the collective knowledge that sustains society. Modern society consciously refers to folklore as a source of national ideas, understanding folklore as an integral part of the cultural heritage that needs to be preserved and promoted.

Keywords: Folklore discourse, narratives, speech acts, communication maxims, postulates.

КОММУНИКАТИВНЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ ФОЛЬКЛОРНОГО ДИСКУРСА - ТЕОРИЯ РЕЧЕВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ, НА ПРИМЕРЕ МАКСИМ Г. ГРАЙСА

Аннотация

Хотя понятие «фольклорный дискурс/речь» является общепринятым в современных исследованиях, полное его описание до сих пор отсутствует, и хотя имеется ряд отдельных наблюдений, проблема описания фольклорного дискурса до сих пор не решена. Фольклорная речь представляет собой эстетически переработанный традиционный текст, отвечающий потребностям сообщества и отражающий коллективное знание, поддерживающее общество. Современное общество осознанно обращается к фольклору как к источнику национальных идей, понимая фольклор как неотъемлемую часть культурного наследия, которое необходимо сохранять и пропагандировать.

Ключевые слова: Фольклорный дискурс, нарративы, речевые акты, коммуникативные максимумы, постулаты.

ФОЛЬКЛОР ДИСКУРСИНИНГ КОММУНИКАТИВ ИМКОНИЯТЛАРИ- НУТҚ АКТЛАРИ НАЗАРИЯСИ, Х.П.ГРАЙС МАКСИМАЛАРИ МИСОЛИДА

Аннотация

Замонавий тадқиқотларда “фольклор нутқи/ дискурси” тушунчаси тез-тез учраб туришига қарамай, унинг тўлиқ тавсифи ҳали мавжуд эмас, бир қатор индивидуал кузатувлар мавжуд бўлса-да, бугунги кунгача фольклор дискурсини тавсифлаш муваммоси ҳал килинмаган, шу кунга қадар одатда дискурснинг прагматик тавсифи тадқиқ этилган. Фольклор нутқи эстетик жиҳатдан қайта ишланган анъанавий матн бўлиб, у жамоат эҳтиёжларини кондириди ва жамиятни баркарорлаштирадиган жамоавий билимларни акс этиради. Замонавий жамият онгли равишда фольклорга миллий ғоялар манбаи сифатида мурожаат қиласи, фольклорни саклаш ва тарғиб қилиш керак бўлган маданий мероснинг таркибий қисми сифатида тушунади.

Калил сўзлар: Фольклор дискурси, нарративлар, нутқ актлари, мулоқот максималари, постулатлар.

Кириш. Фольклор дискурси ўзига хос шаклланган бўлиб, у инсон фаолиятининг турли соҳаларига хизмат килувчи бир қатор коммуникатив вазиятларни ўз ичига камраб олади. Ушбу тур дискурсида коммуникантлар бир ижтимоий ҳамжамиятнинг вакиллари сифатида ҳаракат қиласи, жамоада эса турли жинс, мақом, касбий жиҳатдан аниқланган гурухлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири коммуникатив вазиятда белгиланган ролни бажаради. Шуни таъкидлаш керакки, дискурс позицияси одатда жанрга боғлиқ бўлади, коммуникантлар “жанр регистри”га ўтганда жанрда белгиланган ролларни ижро киласи. Шундай килиб, маросим ёки маросим бўлмаган жанрларда коммуникантлар позицияси турлича гавдаланади. Умуман олганда, фольклор дискурси тарихий нарративлар сифатида ўтмишининг субъектив тасвири хисобланади [1]. Бунда гап XXI аср маданий контекстини шакллантиришда кўзга кўринмас, аммо фаол иштирок этувчи ўтмиш фольклори ҳақида кетмоқда. Мулоқотнинг алоҳида тури сифатида фольклор матни иштирокчиларини тавсифлаш юзасидан кўплаб саволлар пайдо бўлади.

Фольклор нутқининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида муълумот берисида турли методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: коммуникантлар билан сұхбат, матн таҳлили, психолингвистик эксперимент. Кўпгина ҳолатларда, мулоқот килувчининг шахсиятига мурожаат қилиш керак бўлади, Мулоқотнинг фольклор шахси учун аввало умумий нарса биринчи навбатда, қадрият муносабатлари, дунёкарашнинг ўзига хослиги, муълумотни шахсий эмас, балки жамоавий тарзда етказиш истаги устунлик қиласи. Фольклор шахси ҳам анъанавий, ҳам замонавий фольклор матнларда ўзини “мен-бошқалар учун” сифатида намоён қиласи, жамоа номидан гапиради, жамоавий анъаналар ва коидаларга бўйсунишини намшийш этади.

Фольклор нутқи иштирокчилари ўтгасидаги мақом-роль муносабатлари мурожаат позициясининг вариантига боғлиқ. Ягона турмуш тарзи билан бирлашган, умумий конуниятларга бўйсунадиган ҳар қандай ижтимоий гурух умумий ахлоқий фольклор билимлана гэга бўлади. Фольклор дискурси иштирокчилари ўтгасидаги мақом- роль муносабатлари мурожаат позициясининг вариантиларига боғлиқ. Ягона турмуш тарзи билан

бирлашган, умумий қонунларга бўйсунадиган ҳар қандай ижтимоий гурух умумий фольклор билимiga эга бўлади. Фольклор дискурси шахсий (ҳам кундалик, ҳам экзистенционал шаклда) ва институционал нутқларнинг мураккаб аралашмаси бўлганиниги сабаб ушбу дискурс иштирокчилари ўз мақомларига оид ҳамда шахсий ролларни бажарадилар. Иштирокчиларнинг хусусиятларини уларнинг коммуникатив позициялари нутқи назардан кўриб чиқамиш.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Адресант (сўзловчи). Халқ оғзаки нутқида адресат ўзининг маълум бир жамиятга мансублигини актуаллаштирувчи субъектидir. Фольклор дискурсида адресант мураккаб тузилишга эга: муаллиф- сўзловчи (матнни яратувчи)-субъект. Эътибор беринг, XX аср филологияси учун долзарб бўлган муаллиф-сўзловчи-мавзу фольклорда ўз ечимини топади. Номланган триадада марказий ўринни сўзловчи эгаллади. Фольклор дискурси кўпкиррали бўлиб, айни пайтда у матннинг “кўпайтирувчиси”, муаллифи, таржимони бўлиши мумкин. Фольклор анъянаси матнлар сонини кўпайтиришга эмас, балки уларни вариантли шаклларда бўлса-да саклаб колишига каратилган, шунинг учун кўпинча муаллиф матннинг таржимони, хикоячиси, кўшикчи-репродуктори вазифасини бажаради. Бошка томондан, фольклорнинг “иккинчи даражали моделлаштирилган тизимлари”га тегишилиги бизга адабий анъянадагидек нотик ва муаллифинини бир хил бўлмаган, аммо жуда якин, умумий жамоа деб ҳисоблайдиган шахслар сифатида кўриб чиқишига имкон беради.

Хабарнинг лингвистик шакли уни узатишнинг структуравий схемаси элементлари билан белгиланади [5]. Юқоридаги компонентларнинг ҳар бири мулокот жараёнида бажарадиган алоҳида функцияга эга, хусусан, экспрессив, назмий, конатив, мавхум, фатик ва металингвистик кабилар. Ҳар бир нутқий хабар мурожаат қилувчининг фикрини ифодалаш воситаси сифатида тушунилади. Конатив функция доирасида хабар тегишили тарзда расмийлаштирилган ва реал мазмун билан тўлдирилган хусусиятга эга бўлади [7]. Хабарда қўшимча равиша алокани ташкил килиш (фатик функция) ва матнни тартибга солиши (металингвистик функция) воситалари мавжуд [4]. Р.Жакобсон схемаси оғзаки мулокот жараёнининг ilk қолипи ҳисобланади. Навбатдаги Л.Блюмфильд моделида эса нутқ реал мухитда намоён бўлади. Нутқнинг таъсири Л.Блюмфильдга кўра ҳаракатнинг бир тури сифатида гавдаланади [10]. Нутқ акти иштирокчисининг коммуникатив ва информатив ҳатти-ҳаракатлари ўртасида фарқ, мулокотнинг энг мухим жиҳатлари ва мақсадли кирраларини Л.Блюмфильднинг мулокот концепцияси камраб олмайди. Оғзаки мулокот тадқиқотларининг кейинги босқичи Ж.Остин, Ж.Сёрл, Х.Грайс ва бошқа олимлар номлари билан боғлиқдир. Айнан улар бутун дунёда эътироф этилган оғзаки мулокотнинг изчил концепциясининг асосчиси ҳисобланадилар. Яратилаган илмий тадқиқотлар асосан “нутқ актлари назарияси” номи билан жудо ҳам машҳурдир.

Тадқиқот методологияси. Нутқ актининг икки машҳур мумтоз таснифи юкорида таъкидланганидек, Ж.Остин ва Ж.Сёрлга тегишилдир. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам нутқий ҳаракатнинг бешта умумий синфини ажратиб туради, аммо улар таснифлаган нутқий актлари турлари қисман мос келади. Барча нутқий акт тоифалари коммуникатив аҳамияти билан фарқланади. Ҳар қандай гапда сўзловчи томонидан бажариладиган уч жиҳат ёки ҳаракат фарқланади [11]: гапни ҳақиқатда ифодала килиш ҳаракати (locutionary act); b) таклиф акти (шу жумладан, маълумотнома акти – маълум обьектларни кўриқ

чиқилаётган худудга олиб кириш ва предикация акти-ушбу обьектларга хоссалар бериш); c) illocutionary act (масалан, тасдиқ, въъда, илтимос, миннатдорчилик ифодаси; бўйруқ ва маслаҳат бериш, савол бериш, бир сўз билан айтганла, сўзловчининг ниятини амалга ошириш).

Ж.Сёрль иллокутив актни ҳодиса сифатида ажратиб кўрсатган ва тавсифлаган Ж.Остин ғояларини ривожлантираш экан, ўз таснифига ўн икки мезон асосида нутқий ҳаракатларнинг беш турини ажратиб кўрсатади. Ж.Сёрль иллокутив актларнинг асосий тоифалари рўйхатини қуидагида таклиф килади: 1. Баёнотлар; 2. Комиссивлар (ваъдалар); 3. Директивлар (рецептлар); 4. Экспрессив (психологик муносабатлар); 5. декларативлар.

Нутқ актлари назарияси Г.П.Грайс асарларида кизиқарли ривож топди, айнан ушбу муаллиф нутқ имкликациясининг механизмларини ишлаб чиқди [3]. Унинг фикрича, Грайс нутқ актида узатиладиган маълумотларни икки кисмга бўлади. Тингловчи томонидан маълум бир гапдан олинини мумкин бўлган колган барча маълумотлар учун “имплекатура” атамасини таклиф килди. Имплекатуранинг икки тури ажратилади [2]: 1. Анъанавийлашмаган (мулокот имплекатураси); 2. Анъанавийлашмаган (дискурс имплекатураси). Грайс умумий принциплардан фарқли ўлароқ оғзаки мулокотнинг яна бир канча маҳсус қоидаларига амал килиб, уларни коммуникатив постулатлар, яъни “мулокот максималари” деб атайди. Муаллиф қуидаги “мулокот максималари”ни аниқлайдилар: 1. Хушмуомалалик максимаси (бировнинг манфаатларини кузатиш); 2. Саҳиълик максималари (ўзгalarни безовта қилмаслик); 3. Маъкуллаш максимаси (бошқалардан ёмон эмас); 4. Камтарлик максималари (ўзингдан мактобни олиб ташла); 5. Розилик максимаси (муруваттав кўрсатиш).

Таҳлил ва натижалар. Ушбу постулатлар сўзловчига тингловчи томонидан қилинган баённинг тўғридан тўғри маъносидан хулоса чиқариш мумкин бўлган нарсаларни оғзаки ифодалашга мурожаат қилмасдан, ўзининг коммуникатив ниятини амалга оширишга имкон беради. Улар қандай қилиб “сўзловчи маъноси” жумланинг тўғридан-тўғри маъносидан кўпроқ нарсани ўз ичига олиши, қандай қилиб тўғридан-тўғри маънодан четта чиқиши ёки унга тескари маъно берилиши мумкинлигини тушуниришга мўлжалланган. Нутқ акти маърузачи ва қабул қилувчини ўз ичига олади, улар ўзаро келишилган маълум ижтимоий роль ва функцияларнинг ташувчиси сифатида ишлайди [9]. Нутқ акти ҳар доим сўзловчининг киёфаси билан боғлиқ. Тил воситалари сўзлашувчи шахс, “мен” билан боғланганда нуткка айланади. Нутқ акти барча долзарб (оғзаки) ва потенциал (ҳали айтилмаган) баёнотларни ўз ичига олади [6]. Сўзловчи адресатсиз нутқ одатда амалга оширилмайди. Нутқ ҳаракатлари назариясида нутқ фаолияти субъекти деганда бир қатор хусусиятларнинг ташувчиси бўлган мавхум шахс тушунилади: психологик (ниятлар, билимлар, фикрлар, хиссий ҳолатлар) ва ижтимоий (tinglovchiga нисбатан ҳолат). Нутқ ҳаракатлари назариясида нутқ фаолияти субъекти деганда бир қатор хусусиятларнинг ташувчиси бўлган мавхум шахс тушунилади: психологик (ниятлар, билимлар, фикрлар, хиссий ҳолатлар) ва ижтимоий (tinglovchiga нисбатан ҳолат, функция). Адресат мулокотга сўзловчи каби мавхум шахс сифатида эмас, балки сўзловчининг, мурожаат қилувчининг жиҳатлари ва вазифаси билан боғлиқ бўлган маълум бир жиҳат, роль ёки функция орқали киради [8]. Оддий нутқ мухитида мурожаат қилувчи ва қабул қилувчининг параметрлари бир-бирига мос келиши керак (ўқувчи-

шогирд, боўлиқ-бўйсунувчи) ёки мувозанатли вазиятларда (дўстлар, кўшилар) баъзан эса жинс, ёш, ижтимоий мавқе ва бошқаларда асимметрик фарқлар кузатилади. Суҳбатдош параметрлари ўртасидаги номувоғиқлик кўпинча алоқанинг узилишига олиб келади. Ҳар қандай нутқий ҳаракат адресатнинг маълум бир модели учун мўлжалланган ва бу унинг самарадорлигининг муҳим шартларидан биридир [7]. Грайс тамойиллари адресатнинг коммуникатив манфаатларини қабул қилювчининг мумкин бўлган “нутқ тажовузкорлиги”дан химоя қиласиган ўзига хос “химоя комплекси” сифатида намоён бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Асосий тамойил “хамкорлик принципи” қабул қилинган мақсад ва

суҳбатнинг йўналишига мос келадиган нутқ алоқасига хисса қўшиш талабларидан келиб чиқади. Бунга тўрт хил максима сизиб чиқади: абортнинг тўлиқлиги максимаси, сифат максимаси (тўғрисини айтинг), долзарблик максимаси (мавзудан четга чиқманг), услугуб максимаси (аниқ гапиринг). Мурожаат қилювчи ва олуви чиқасидаги муносабатларни тартибга солувчи бир хил даражада муҳим принцип- бу нутқ одоби соҳасига тегишли бўлган хушмуомалалик принципидир. Хушмуомалалик максималарининг ўзига хос хусусияти шундаки, нафакат уларнинг бузилиши, балки уларга тиришкоклик билан риоя килиш ҳам нокулайлик туғдиради.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуваҳабова М.А. Лингвофольклоршунослик ва Симпсон типологияси: фанларро муносабатлар// ЎзМУ хабарлари. № 1/1/2, 2022, 169-171 б.
2. Грайс Г.П. Парадокс как принцип организации художественного текста. //Вестн. С-петерб. ун-та. Сер.2, История, языкознание, литературоведение.- СПб., 1998, Вып. 3, с. 40-50.
3. Падучев Е.В. Речевая интенция, интенциональное значение и смысл. Семантика языковых единиц: //Доклады 4-й международной конференции. Ч.Ш, М., 1994.
4. Сиротинина О.Б. Русская разговорная речь.- М., 1983.
5. Танеев Б. Парадокс. Москва, 1978. - с.64.
6. Формановская Н.И. Русский речевой этикет: лингвистический и методический аспект. М., 1982.
7. Шерба Л. В. Процессы говорения.- М., 1958.
8. Якобсон Р.О. Избранное.- М., 1989.
9. Якубинский Л.П. Избранное: Язык и его функционирование.- М., 1986.
10. Bloomfield L. Organisational Decision Making and Information.- Norwood, 1983.
11. Carlson L. Dialogue Games. An Approach to Discourse Analysis.- Boston, 1983.



УДК:821.512.133:81'255.2(73)

Мухтасар АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Миллий университети
Инглиз тилишоғиси кафедраси
капта ўқитувчиси
E-mail: amukhtasar@mail.ru
тел: 97 734 76 66
ЎЗМУ доценти, ф. ф. д.
ДЖУМАБАЕВА Ж.Ш.
ва Ислом Каримов номидаги
Тошкент давлат техникауниверситети

Амалий инглиз тили кафедраси доц., PhD
Тұхмаходжаева Н.А. тақризлари ассоцида

THE RECREATION OF EXPRESSIONS OF HOSPITALITY IN LITERARY TRANSLATION

Abstract

Translation is a rendering from one language into another. Translation may be defined as a means of interlingual communication which renders meaning across cultures. Translation is the process and result of creating a text in a target, or translating language; this text has approximately the same communicative value as the corresponding text in the source language. Thus, translation unifies two different language speech acts in one communicative situation. It can be defined as a special type of communication intended to convey information between the participants speaking two different languages.

Key words: Translation, interlingual, communication, equivalence, source text, target text, language, translator.

ВОССТАНОВЛЕНИЕ ВЫРАЖЕНИЙ ГОСТЕПРИИМСТВА В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ

Аннотация

Перевод – это процесс перевода с одного языка на другой. Перевод можно охарактеризовать как средство межъязыковой коммуникации, имеющее смысл в разных культурах. Перевод — это процесс создания текста на переведимом языке и результат этого процесса; этот текст имеет примерно такую же коммуникативную ценность, как и соответствующий текст на исходном языке. Таким образом, перевод объединяет речевое действие на двух разных языках в одну коммуникативную ситуацию. Это можно определить как особый тип общения, предназначенный для передачи данных между носителями двух разных языков.

Ключевые слова: Перевод, межъязыковой, общение, эквивалентность, исходный текст, целевой текст, переводчик.

МЕХМОНДҮСЛИККА ОИД ИБОРАЛАРНИНГ БАДИЙ ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ

Аннотация

Таржима – бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш жараёни хисобланади. Таржима турли маданиятларда маъно берувчи тиллараро мулоқот воситаси сифатида таърифланиши мумкин. Таржима – матн ўтирилаётган тилдаги матнн яратиш жараёни ва шу жараённинг натижасидир; бу матн манба тилидаги мос келадиган матн билан таҳминан бир хил коммуникатив қийматга эга. Шундай қилиб, таржима икки хил тилдаги нутқий ҳаракатни бир коммуникатив вазиятда бирлаштиради. Бу икки хил тилда сўзлашувчилар ўргасида маълумот узатиш учун мўлжалланган маҳсус алоқа тури сифатида белгиланиши мумкин.

Калил сўзлар: Таржима, тиллараро, алоқа, эквивалентлик, исходный текст, аслият, ўтирилаётган матн, тил, таржимон.

Кириш. “Мехмондустлик барча миллатларга ва эзлатларга хос. Бирок бу хусусият турли миллатларда турли даражада намоён бўлади. Мехмондустлик хусусиятининг муайян ҳалқда ривожланиши ўша ҳалқнинг ўтмиши, тарихи билан боғлиқ. Савдо билан кўпроқ шуғулланган ҳалқларда бу хусусият юкорироқ даражада ривожланган. Масалан, Буюк Ипак йўлида жойлашган ҳалқларда, жумладан, ўзбекларда бу хусусият азалдан юксак даражада ривожланиб сайқал топиб келмоқда. Бунинг сабабларидан бири шундаки, меҳмонхоналар ривожланмаган қадимги даврда савдогарлар йўл-йўлакай турли хонадонларда, хусусий уйларда тўхташига тўғри келган. Мехмондуст бўлмаган қишлоқлар, огулларни савдогарлар четлаб ўтган. Оқибатда савдогарларга меҳмондустлик қўрсатмаган қишлоқ ва огуллар тараққиётдан ортда қолган.”

Қрим Давлат индустрималь-техника институти ректори, профессор Февзи Якубов ўзбек ҳалқининг

бағрикенглиги ҳақида сўз юритар экан, у шундай дейди: “....Фақатина шундай ахлоқий қарашлар орқали ўзбекона меҳмондустликнинг қадрига етиш мумкин. Ҳар йили миллионлаб одамлар Ўзбекистонга зиёрат қилишга ошиқади. Шубҳа йўқки, мен шунга аминман, ҳар бир меҳмонга мезбоннинг чексиз кувончидан, оила аъзоларининг юксак эътибори ва кўшниларнинг самимилигидан, бетакрор инсоний фазилатлардан хайратга тушмаган кимса топилмайди. Бундай мурувватпешалик фақат хизмат юзасидан ёки сайдик важидан бу ерга ташриф буюрганларгагина кўрсатилмайди. Масалан, ўзингиз хоҳлаган бир қишлоқ чойхонасига киринг-да, бироз дам олинг. Дарҳол дастурхонга чой келтириб қўйишади ва қанча пул тўлашингизни асло эслатишмайди. Агар узоқ вақт коладиган бўлсангиз, катта ёшлилардан бири олдингизга келиб, ёрдам керакмасми, деб сўрайди. Розилик билдирангиз, албатта уйига меҳмонга таклиф этади. Бу

ҳол хотирангизда узоқ вақт сақланиб қолади, фикрлай бошлайсиз, бошкаларга ҳам гапириб берасиз ва беихтиер муруваттеша бўлганингизни ўзингиз ҳам сезмай коласиз.

Бундай қадрият ҳамиша бўлган-даҳшатли кирғинбарот уруш йилларида ҳам, ундан олдин ҳам, ундан кейин ҳам. Буларнинг бари ана шу манбадан қувват олган турли дин, тил ва маданиятлар етиштирган ниҳоллар самарасидир. Бир-бирини инкор этмаган ҳолда тарихий эришилган қадриятлар гулчамбаридан бир умр миннатдор бўлиб яшайсиз.

Шубҳасиз, меҳмондўстлик – халқнинг энг қадрланадиган маънавий хазинаси. Унинг миқёсини ўлчаб бўлмайди....!” [1]. Меҳмондўстлик — биринчи навбатда, эзгулик ва ўзаро хурмат деганидир.

Асосий қисм: Биз юқоридаги масалаларни ўзбек тилидан восита тил, яъни рус тилидан инглиз тилига килинган бაъзи ўзбек ҳикоя ва романлар мисолида кўриб чиқамиз.

Ойбекнинг “Навоий” романидаги баъзи парчалар таржимасини таҳлил қилас эканмиз, қўйидаги ҳолатни кузатамиз:

<p>Ўзбек тилида (аслият) Ойбек. Танланган асарлар. 123-б..</p> <p>“Тўрдаги катта оқ уйда одам кўп, хизматкорлар ўз юмушларини ифтихор билан бажарадилар. Уй соҳиби- шоир ўз одатича, бир нафас қўнмайди” [2]</p>	<p>Русча таржимаси: Айбек. Навои. М.Салье таржимаси. 99-стр.</p> <p>“В просторном белом доме собралось много гостей. (Ø) Хозяин дома приветливо встречал входящих.” [3]</p>	<p>Инглизча таржимаси: Aybek. Navoi. Uzbekistan speaks. Г.Ханна ва Д. Сквирскийлар таржимаси. Р.41.</p> <p>“Many people gathered in the big white house. (Ø) The host did not sit for a moment for such was his manner; he courteously welcomed all newcomers.” [4]</p>
--	---	---

Юқоридаги келтирилган мисолда ўзбекча матн билан русча ва инглизча матнларнинг бир-бири билан айнан мос келмаслигини кўришимиз мумкин. “ифтихор билан бажарадилар” – русча матнда умуман таржима килинмаган, буни биз ушбу белги Ø орқали бердик, инглизча таржимасида ҳам тушириб қолдирилган. Русча ва инглизча таржималарда хизматкорларнинг меҳмонларга кўрсатаётган хизматлари акс этмаган. Асарнинг ушбу қисмидағи уй соҳибининг меҳмонларга нисбатан эътибори юқори бўлганлигини акс эттирувчи ибора “бир нафас қўнмайди” рус тилига таржима килинган матнда умуман тушиб қолган, инглизча таржимада эса “host did not sit for a moment” ибораси билан берилган. Бу каби ҳолат ўзбек меҳмондўстлигининг таржимада бироз саёз ҳолатда ифодаланишига олиб келган. Химаткорларнинг эса уй юмушларини ифтихор билан бажарадиларни русча ва инглизча матнларда умуман тушуриб қолдирилган.

<p>Ўзбек тилида (аслият) Р. Файзий. Янги йил оқшомида 293-б..</p> <p>Ҳамма гап биз хотинларнинг эскича расми-руссимиизда. Олинг қуда, беринг қуда, расми қуда расми ўлсин. ...[6]</p>	<p>Русча таржимаси: Рахмат Файзи. В пустыню пришла весна. Повесть и рассказы Л.Бать ва П.Қодировлар таржимаси 324-стр.</p> <p>Да, всему виной наши глупые старые обычай: Бери, кума, - верни, кума! [7]</p>	<p>Инглизча таржимаси: Rakhmat Fayzi. New Year's Party/Uzbekistan speaks. Short stories. Г.Ханна ва Д. Сквирскийлар таржимаси. Р.134.</p> <p>Of course, the whole trouble was caused by our ridiculous old customs: Take it, old girl – return it, old girl! [8]</p>
---	---	--

Ўзбек тилидаги Олинг қуда, беринг қуда идиомасининг рус ва инглиз тилларида эквивалентлари мавжуд эмас. Чунки рус ва америка менталитетида қудаларнинг бир-бирларига бўлган бундай “олди-бердиш” и йўқ. Бундай ибораларнинг рус ва инглиз тилларида мавжуд бўлмагани учун таржимонлар сўзмасўз таржима килингандар. Бундай тўғридан-тўғри таржима килиш рус ва инглиззабон ўқувчиларга тушунарсиз бўлиши табиий. Чунки улар ўзбекларнинг бундай урфодатларидан умуман бехабар. Шунинг учун сўзма-сўз

таржима килингандарда ҳам матн сўнггида ёки китобнинг охирида бунга рус ва инглиз тилларида изоҳ бериб кетишлари керак эди. Шу ўринда инглизчада мавжуд бўлган *Scratch my back and I'll scratch yours*, русчада эса *Услуга за услугу* мос келиши мумкин. Лекин ушбу ибораларда қуда-андачиликдаги бундай муносабатлар мавжуд эмас, аммо сўзма-сўз таржимадаги англашилмовчиликдан ҳоли хисоблаш мумкин, яъни мос келади, деган фикрдамиш.

Кейинги мисолга мурожат қиласиз:

<p>Ўзбек тилида (аслият) Р. Файзий. Янги йил оқшомида 294-б..</p> <p>-Ҳечнарса эмас, хола, арзимаган...</p>	<p>Русча таржимаси: Рахмат Файзи. В пустыню пришла весна. Повесть и рассказы Л.Бать ва П.Қодировлар таржимаси 325-стр.</p> <p>-Так, пустячок, тетушка.</p>	<p>Инглизча таржимаси: Rakhmat Fayzi. New Year's Party/Uzbekistan speaks. Short stories. Г.Ханна ва Д. Сквирскийлар таржимаси. Р.134.</p> <p>Just a little present, auntie.</p>
---	--	---

Санобарнинг “Хечнарса эмас, арзимаган” деган сўзлари рус тилига “так, пустячок...” тарзида имплицитликни сақлаган ҳолда таржима қилинган бўлса, инглиз тилига “just a little present”, яъни “кичкинагина сөвға” деб эксплицит равишда ўтирилган. Бунинг асосий йўзбек тилида (аслият)

P. Файзий. Янги йил оқшиомида .296-б.

—Худди меҳмонга чақирган одамнинг уйида нони ё меваси йўқдай, уни ҳакорат қилаётгандай бўлиб кўринади, билсангиз.”

Ҳалимахоннинг бу сўзлари рус ва инглиз тилларига таржима қилинмаган. Унинг бу сўзлари рус тилига “...Как будто у человека, которого ты приглашаешь, нет в доме ни хлеба, ни фруктов, и его оскорбляют, понимаешь”, инглиз тилига эса “...It's as if

сабаби, инглиз тилида *nothing* ёки *unworthy* тарзида берилиши, сўзма-сўз таржима бўлиб қолгандек туюлади, таржимон эса уни ойдинлаштиришга ҳаракат қилган.

Ҳалимахон Санобарга бундай катта тугунларни кўтариб келмаслигини айтар экан, шундай дейди:

Йўзбек тилида (аслият)
P. Файзий. Янги йил оқшиомида 299-б..

Бор товогим, кел товогим,
келишингда қуруқ бўлсанг ўрта ерда
син товогим дегани
эшишмаганмисан.

Русча таржимаси:
Рахмат Файзи. В пустыню пришла весна. Повесть и рассказы Л.Батьява
П.Қодировлар таржимаси. 327-стр.

Иди, мой поднос, вернись, мой поднос, а не вернешься, чтоб черт тебя унес!

Инглизча таржимаси:

Rakhmat Fayzi. New Year's Party/Uzbekistan speaks. Short stories. Г.Ханна ва Д. Сквицкийлар таржимаси. Р.139.

Go my tray, return, my tray, and if you don't return may the devil take you!

Йўзбек тилида (аслият)
A.Мухтор. Ona-singillar. 28-б..

Онахон эшикни қия очиб Собиржонга мева-чева, чойнак-пиёла узатаркан, уларнинг гаплари қулогига чалинап эди .[9].

Русча таржимаси:
Аскад Мухтар. Сестры.. А.Пантилев
таржимаси. 24-стр.

Подавая в полуоткрытую дверь лепешки и фрукты, Анахан напряженно прислушивалась [10].

Инглизча таржимаси:

Askad Mukhtar. Sisters. Д.Сквицкий таржимаси. Р.33

Anakhan listened attentively while she served flat cakes and fruit through the half-open door [11].

Меҳмоннинг хузурига мева-чева ва чойнак-пиёла олиб кирган Онахон негадир романнинг русча ва инглизча таржималарида нон ва мева-чева олиб кирган. Сўнгра бу нарсаларни эшик кия очиқ ҳолда узатар экан, атайлаб эшик олдидаги уларнинг сухбатига кулоқ солиб тургани йўқ. Уларнинг сухбати қулогига чалинмоқда эди. Русча ва инглизча таржималарни ўқиётган, аслиятдан бехабар китобхон Онахоннинг бундай одатга, яъни “шилон” деган

бор. Русча матндан фойдаланган инглиз мутаржими хам мақолни *go my tray, return, my tray, and if you don't return may the devil take you* деб тўғри таржима қилган. Асарнинг миллийлигига ҳеч қандай зарар етмаган.

Кейинги мисолларни таникли ўзбек ёзувчиси, романнавис Аскад Мухторнинг “Опа-сингиллар” романидан келтирамиз: Собиржоннинг уйига унинг кадрдан дўсти Ефим Данилович келади.

Йўзбек тилида (аслият)
A.Мухтор. Ona-singillar. 58-б.

Оиласда кўпчилик бўлиб, стол тўллатиб ўтириб овқатланишини яхши кўрадиган Софья Борисовна Башоратнинг қарашаман деганига қўймай, семиз ўрдакдай лапанглаб ичкарида стол тузади ва қизларни жой-жойига ўтказди.

Русча таржимаси:
Аскад Мухтар. Сестры.. А.Пантилев
таржимаси. 43-стр.

Софья Борисовна любила, чтобы за столом было побольше народу, и с удовольствием хлопотала. Усадила девочек каждую на свое привычное место и строго следила за тем, чтобы ели за обе щеки.

Инглизча таржимаси:

Askad Mukhtar. Sisters. Д.Сквицкий таржимаси. Р.55

Aunt Sofya liked to have many people at her table and enjoyed serving them. She sat the girls in their usual seats and saw to it that they had their fill.

Софья Борисовнанинг меҳмондўстлигини қуидаги иборалардан кўришимиз мумкин. Оиласда кўпчилик бўлиб, стол тўллатиб ўтириб овқатланишини яхши кўрадиган ибораси рус тилига Софья Борисовна любила, чтобы за столом было побольше народу ва инглиз тилига эса *Aunt Sofya liked to have many people at*

her table тарзида ўтирилган. Бу таржималардан русийзабон ва инглиззабон ўкувчи ўзбек халкининг меҳмондўст эканлиги ҳақидаги тасаввурга эга бўлади.

Асл нусхадаги мезбоннинг меҳмонга бўлган эҳтиромини ифодалаб келаётган *семиз ўрдакдай лапанглаб* салбий тасвирлаш ибораси русчада с

удовольствием хлопотать, инглизчада эса *enjoyed serving them* иборалари ижобий тасвир билан ўтирилган, бу ерда рус тилига переваливаясь как толстая утка ва инглиз тилига *waddling as a fat duck* деб ўтирилса рус ва

Ўзбек тилида (аслият)

A.Мухтар. Ona-singillar. 74-б.

— Ии бўлмагани учун мояна ҳам чиқмай қолди... Куруқ бўлса ҳам чойга уннай, ёзилиброқ ўтирип, раҳмат-э, бошим осмонга етди, синглим...

Кумри ковушини судраб ўчоқ бошига кетди.

Русча таржимаси:
Аскад Мухтар. Сестры.. А.Пантилев таржимаси. 116-стр.

... Работы нет, и жалованья не видим... Займусь-ка я чаем, хотя и на столе пусто. — И Кумри волоча кожаные калоши, надетые на босую ногу, пошла к очагу.

инглиззабон ўқувчилар Софья Борисовна хақида салбий тасаввурга эга бўлар эдилар. Бу эса мутаржимларнинг юксак маҳоратта эга эканликларидан далолат беради.

Эътиборимизни яна бир мисолга қаратамиз:

Инглизча таржимаси:

Askad Mukhtar. Sisters. Д.Сквирский таржимаси. Р.114

...There's no work and we don't see any wages. Here, I'll put some tea on the fire even though there's nothing on the table. Her leather overshoes slapping against her bare feet. Kumri went to the fire.

Мехмондустликнинг яна бир белгиларидан бири меҳмон мезбоннинг уйини ўз уйидек хис кишили, очилиб-сочилиб сухбатлашиб, дастурхондаги ноз-неъматдан уялмай олиб ўтириши учун унга “Ёзилиброқ ўтиринг”, “Олиб ўтиринг”, “Тортинманг” каби сўзлар айтиб турилади. Лекин Кумрининг юкоридаги, яъни “Ёзилиброқ ўтирип” деган сўзлари рус тилидаги ва инглиз тилидаги таржималарда акс этмаган. Анчадан бери кўрмаган одами бирдан келиб колгандга мезбон меҳмонга карата “бошим осмонга (кўкка) етди”, “Сизни кўрганимдан жуда хурсандман” деб айтиди. Лекин мезбоннинг меҳмонни кўргандаги “боши осмонга етгани” ҳам таржима килинмаган. Ўзбек тилидан ўтираётган рус мутаржими юкоридаги сўзларнинг маъносини тушунмаганни ёки рус тилида илтифотли сўзларнинг эквивалентини топа олмаганими, таржима қилмай ташлаб кетган. Рус таржимони А.Пантилев изидан борган, аслиятдан бехабар бўлган Ольга Шарц ҳам худди шундай хатога йўл кўйган. Ўзбек тилидаги “Ёзилиброқ ўтиринг”, “Олиб ўтиринг”, “Тортинманг”, “бошим осмонга (кўкка) етди”, “Сизни кўрганимдан жуда хурсандман” каби ибораларга рус тилида мос келадиганчувству́й себя́ как дома́, очень рада́ тебе́ видеть, как ты обрадова́ла меня́ своим приходом каби, инглиз тилида эса *feel at home in, I'm very glad to see you, how you made me happy with your arrival* каби сўз ва иборалар мавжуд. Шунинг учун бу ерда келтирилган таржима рус таржимонининг аслият матнидаги иборалар нимани англатишидан бехабардек туюлади, аммо таржимон уларни билиши лозим. Рус тилига ўтирган ҳамкасбининг хатоси инглизча матнга ҳам кўчган.

“Таржимага ижодий иш, таржимонга эса муаллифнинг онгли, содик дўсти деб қараш лозим.

Таржимон ҳар иккала тилни чукур билиши лозим. Лекин “тил билиш” – бу факат турли академик грамматикаларнинг курук, ясама конун ва коидалар билан чегаралаб кўйилган расмий идора тилини эгаллаш эмас, балки адабий тилдан ташқари, халқ жонли тилини чукур хис кишиш дегани. Бугина эмас. Таржимон тилдан “ташқари” яна “баъзи нарсалар”, яъни экстралингвистик омиллар ҳеч қандай луғат, ҳеч қандай грамматикаларда кўрсатилмайдиган турмуш ходисалари, халқнинг тарихи, урф-одатларидан ҳам хабардор бўлиши лозим. Таржимон – китоб матнини бир тилдан бошқа тилга кўчирувчи котиб, тилмоч эмас, балки тил соҳасида дадил янгилик яратувчи, жуъъатли ижодкордир. Муаллиф ва таржимон муносабати хусусида эса шуни айтиш керакки, муаллифнинг илмий эътибори, нуфузи ва адабий салмоли канчалик юкори бўлгани сайин таржимоннинг маъсулияти янада ошиб боради. Танқид чинакам адекват таржима яратишга, унда мавжуд нуқсонларни бартараф қилишга, имкон яратувчи энг синалган макбул воситадир” [12].

Таржима ва маданиятни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Таржима маданиятсиз ривожланмайди. Адабиёт, фан ва фалсафа таржимонларнинг тушунчаларига таъсири килади. Бошқа тарафдан, маданият таржимасиз ривожланмаган бўларди, чунки таржималар халқларни бошқа халқларнинг маданий қадриятлари билан бойитади[13]. Шуни таъкидлаш жоизки, мутаржимлар адекват таржимага эришишлари учун ўзбек халқи учун қадрият хисобланган сўз ва ибораларнинг туб моҳиятини англаб, уларнинг қайси маънода кўлланганини чукур тахлил қилган ҳолда таржима киссалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Улар юкоридаги камчиликларга йўл кўймаган бўлардилар.

АДАБИЁТЛАР

- Февзи Якубов. Ўзбекона бағрикенглик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 24 февраль, 2012. №8. Б.2.
- Ойбек. Танланган асарлар. Учинчи том. Навоий ЎзССР Давлат Бадиий Адабиёт. 1957.
- Айбек. Навои. – М.: «Художественная литература», 1989.
- Aybek. Navai/ Uzbekistan-Contact, 1/1995.
- Ислом Каримов. Юксак маънавият- енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2011. – Б.8.
- Рахмат Файзий. Повесть ва ҳикоялар /Янги йил оқшомида/. Т.: Уздаврнашр, 1954.
- Рахмат Файзи. В пустыню пришла весна. Повесть и рассказы /Под новый год/. М.: Советский писатель, 1985.
- Rakhmat Fayzi. New Year's Party/Uzbekistan speaks. Short stories. Foreign Languages Publishing House. Moscow, 1958.
- Мухтар Аскад. Сестры. – М.: Советский писатель, 1957.
- Мухтар Аскад. Опа-сингиллар. Роман. ЎзССР Давлат нашриёти, –Т., 1955.
- Mukhtar Askad. Sisters. – M.: Foreign Languages Publishing House, 1959.
- Саломов F. Таржима назарияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б.60.
- Proshina Z. Theory of translation (English and Russian) 3rd edition, revised Vladivostok Far Eastern University Press, 2008. – P.12.



УДК: 82-131:821.512.133

Yulduz ABDULHAKIMOVA,

Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti tayanch doktoranti

E-mail: abdulhakimovayulduz@mail.ru

Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti professori, f.f.d. D.R. Yusupova taqrizi asosida

THE SKILL OF ALISHER NAVOI AND MUHAMMAD FUZULI IN THE DESCRIPTION OF THE IMAGE OF QAYS

Annotation

The article analyzes the description of love in the poems "Leyli and Majnun" by Alisher Navoi and Muhammad Fizuli. On the basis of examples, the artistic skill of two great creators is compared.

Key words: Earthly love, allegorical love, divine love, psyche, majzubi solik, soliki majzub.

МАСТЕРСТВО АЛИШЕРА НАВОИ И МУХАММАДА ФУЗУЛИ В ОПИСАНИИ ОБРАЗА КАЙСА

Аннотация

В статье анализируется описание любви в поэмах «Лейли и Меджнун» Алишера Навои и Мухаммада Физули. На основе примеров сравнивается художественное мастерство двух великих созидателей.

Ключевые слова: Земная любовь, аллегорическая любовь, божественная любовь, психика, маджзуби солик, солики маджзуб.

QAYS OBRAZI TASVIRIDA ALISHER NAVOIY VA MUHAMMAD FUZULIYNING MAHORATI

Annotatsiya

Maqolada Alisher Navoii va Muhammad Fuzuliyning "Layli va Majnun" dostonlarida Ishqning tasviri bayoni tahlilga tortiladi. Ikki buyuk ijodkorning badiiy mahorati misollar asosida qiyoslanadi.

Kalit so'z: Nafsoniy ishq, majoziy ishq, ilohiy ishq, ruhiyat, majzubi solik, soliki majzub.

Kirish. Badiiy adabiyotda qahramonlar ruhiyatining xarakterlari orqali ochib beriladi. Aslini olganda ruhiyat tasviri keskin ziddiyatlar asosida namoyon bo'ladi. Ruhiy tasvirning bu xususiyati uzoq davrlar mobaynida shakllangan va klassik tasvirning asl mohiyatini tashkil etadi. Majnun ruhiyatining tub mohiyatida komil ishq, vafo, sadoqat, va chin muhabbatning hech bir to'siq oldida bosh egmay doimo g'olib kelishida namoyon bo'ladi. Bu kurash qahramonlari esa ruhan bir-birlariga zid xarakter sohiblari. Ular o'rtasidagi qarama-qarshiliklar keskin kurashlar va kuchli ruhiy iztiroblardan iborat. Dostonlardagi Majnun obrazi esa ana shu keskin va murosasiz to'qnashuvlar, ruhiy kechinmalar markazida shakllanadi, kamolga yetadi.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Alisher Navoyning "Layli va Majnun" va Fuzuliyning "Layli va Majnun" dostonlari qiyosiy adabiyotshunoslikning nazariy masalalari doirasida tahlil etilishi muhim ilmiy to'xtamlarga olib keladi. D.Dyurishenning "Теория сравнительного изучения литературы" asarida qiyosiy tahlil tamoyillari aniq belgilangan. Jumladan, olim qiyoslash doirasini kengaytirish zarurligini alohida ta'kidlaydi "...mushtarak va farqli jihatlar qiyosi faqat adabiy yo'nalishlar, janrlar va janr ko'rinishlari doirasida emas, balki, badiiy asaring boshqa tarkibiy qismlari: g'oyaviy-psixologik yo'nalish, personajlar tavsifi, kompozitsiya va syujet qurulishi, motivlar, obrazlar tizimi, badiiy tasvir vositalari, metrik unsurlar va boshqalarni ham nazarda tutgan holda amalga oshirilishi zarur" [1]. Olimning ushbu fikri Alisher Navoii va Muhammad Fuzuliyning "Layli va Majnun" dostonlarining qiyosi uchun ham qo'l keladi. Har ikki dostonning bosh qahramonlardan biri Majnun ruhiyatini qiyosiy aspektida tahlili qilishda bu kabi nazariy qarashlardan foydalанилди.

Adabiyotshunos olim, professor Nurboy Jabborovning "Maoniy ahlining sohibqironi" monografiyasida "Xamsa" va jumladan, "Layli va Majnun" dostoni yuzasidan tahliliy fikrlar berilgan. Maqolada ushbu monografiyadagi ilmiy-nazariy qarashlardan ham foydalaniildi.

Tadqiqot metodologiyasi. Navoyning ishq haqidagi tushunchasi insonning ilohiy fayzdan bahramandligi bilan bog'liq e'tiqodiga asoslangan, ya'ni haqiqiy muhabbat faqat pokiza insonlar qalbidangina joy olishi mumkin. Majnumning qalbidagi ana shu ishq uning siyratini ziynatlab, sur'atiga ham go'zallik baxsh etgan. Alisher Navoii ham Majnun timsolini shunday ulkan muhabbat bilan yaratadiki, bu obraz qiyofasi o'zining yagonaligi, betakrorligi, takrorlanmasligi bilan boshqa obrazlardan ajralib turadi.

Alisher Navoii dostonning 9-bobida Tun ta'rifi birga bilan Ishqning ta'rifini ham keltiradi:

Gah Yasrib uza bu barq inib tez

Zulmatqa ashi'asi ziyoroz.

Andoqki rasuli Hoshimiykesh.

Hajr ichra chu bo'lди vuslatandesh.

Me'roj tuniki avj tutti,

Yuz lam'asidin jahon yorutti [3].

"Mahbub ul-qulub"da Navoii ishqning "marotib"lari borligini aytib, uning uch turini qayd etadi: nafsoniy ishq ("avom ishq'i"), majoziy ishq ("xavos"- xos kishilar ishq'i) va ilohiy ishq ("avliyolar ishq'i"). Bu o'rinda Navoyning "ishq marotibdir" degan so'ziga diqqat qilishingizni istar edik, zero "marotib" so'zi tariqat ahlining istilohlaridan bo'lib, u solikning ruhiy-ma'naviy taraqqiyot darajasini belgilaydi. Demak, ishq insonning kamolot darajasini ko'rsatuvchi fazilat "[4].

Dostonning XXXVI bobi “Ishq ta'rifidakim...” deb nomlanadi. Bobning yuqoridagi ikki bayti shunday boshlanadi:

Ey ishq, g'arib kimiyozen,
Bal oyinai jahonnamosen.
Ham zotinga darj kimiyoqliq,
Ham oyinai jahonnamoliq [3].

“Shoir ishqni kimiyoqa va oyinai jahonnamo, ya’ni olamni ko’rsatuvchi ko’zguga o’xshatadi. “Kimiyo”- hozirgi til bilan aytganda ximiya, ammo bu so‘zning mo’jiza, mo’jizakorlik degan ma’nolari ham bor. Aytishlariga qaraganda, qadimgi kimiyoqarlar mis va boshqa madanlarni yuqori harorat ta’sirida oltunga aylantirish mumkin, degan xayolga ishonib, bu orzu yo’lida ko’p kuch sarflaganlar. Navoiy ana shu afsonaga ishora etib, odam aslida tuproqdan yaratilgan, ammo ishq otashining “kimiyoqliq” tufayli u oltunga aylanadi, ya’ni ishq inson vujudini pishiradigan, har xil chiqindilardan tozalaydigan olov, deydi...Ana shu yomon xislatlardan qutulish jarayoni bag’oyat og’ir kechadikim, oshiq yoki solikning ohu- nosasi, iztiroblari shundan. Oshiq shuning uchun ham “hajr o’ti”da qiyinalishga mahkum”[4].

Yozmoqta bu ishqni jovidona,
Maqsudim emas edi fasona.
Mazmunig’a bo’ldi ruh mayli,
Afsona edi aning tufayli.
Men turkcha boshlabon rivoyat,
Qildim bu fasonani hikoyat [3].

Fuzuliy esa Majnunning ishq bilan tug'ilganligi, iztiroblarini quyidagicha bayon etadi:

Süd içsə sanırdı kim, içər qan,
Əmcək görünürdü ona peykan.
...Əlbəttə, bu tifsi zar edər eşq,
Aşüftəyi-rüzigar edər eşq [5-47].

Mazmuni: Majnun doimo nola qılardi, uni hech bir narsa shod qila olmas edi. Dardining kuchliligidan hatto o’ziga ziyon yetkazar edi. Emgan har yutum suti tomog’idan qon bo’lib o’tar edi. Onasining ko’kragi esa unga paykon bo’lib ko’rinar edi. Majnun hali yosh bola bo’lsa-da ishq uni oshufta qilib, tunu-kunini qorong’u etardi.

Fuzuliy “Bu, Məcnunun nəsihət qəbul etmədigidir və atasinin dördi dərmana yetmədigidir” bobining so’ngida Majnun tilidan g’azal keltiradi. G’azalda Majnun Ishq haqidagi fikrlarini quyidagicha bayon etadi:

Eşq dördi, ey müalic, qabili-dərman degil!
Cövhərindən eyləmək cismi cüda asan
degil!

Dövr cövründən şikayət edənə aşiq demən,
Eşq məsti vaqifi-keyfiyyəti-dövran degü!
Şəhrədən səhryaya bir fərq olduğun hər kim
bilir,
Bilmış ol kim, eşq səhrasında sərgərdan
degil. [80]

Yoki Dostonning “Bu, Məcnuni-biçarənin Kə'bəyə üz urduğudur va münacatla sevdası artdığıdır” bobida Majnun Allohdan ishqini yanada orttirishini so’raydi:

Əndişiyei-eqlədən cüda qıl,
Eşq ilə həmişə aşına qıl!
Artır mənə zövqü şövqi-Leyli,
Daim mənə onda qıl təcəlli! [87]

Mazmuni: Ishq ichra meni shavqimni orttir, shavq bilan mudom zavqimni orttir. Qayerda alam, g’am bo’lsa mani ko’nglimni shu g’amga giriftor qilgin. Ishq bilan doim oshno qilib, andishadan, aqldan mani judo qilgin. Laylining timsolidə Sen tajallı qılarsın, maning qalbimda Laylining shavq-zavqını orttirgin!

Fuzuliy tasviridagi Majnun timsoli Navoiy yaratgan Majnunning ruhiy holati bilan juda yaqin. Bu yuqoridagi parchada, ayniqsa, yaqqolroq namoyon bo’ladi. Bobning davomida Fuzuliy Majnun tilidan bir g’azal keltiradi:

Az eyləmə inayətini əbli-dəeddən,
Yə’ni ki, çox bələlərə qıl mübtəla məni!
Olduqca mən, götürmə bələdən iradətim,
Mən istərəm bələni, gü istər bəla məni! [87]

Mazmuni: Yo Rab, ishq bilan oshno qıl mani, bir on bo’lsa-da ishqdanudo qılma mani! Manga inoyatingni oz etma. Kerak bo’lsa yana ko’p balolarga mubtalo qilgin! Manim irodamga dard-u baloni yuqtirgin. Chunki, man baloni istarman. Balo ham istar mani!

Tahlil va natijalar. “Hamd bobining har bir baytida nafaqat birinchı dostonga, balki “Xamsa” umumsuyjetiga zamin bo’luchı fikrlar yüksək badiiyat bilan ifodalanadi. Masalan, Ishq yelin yetkurbedon tundu tez, Aql alochug’ın etib rez-rez satrlarida ishqning shiddatlı shamoli yetsa, aql chaylasını mayda-mayda qılıb sovrishi haqidagi fikr Qaysning Majnunga aylanishi misolida ta’sirli talqin etilgan” [6].

Navoiy Said Hasan Ardasherha yozgan maktubida Haqni tanishning ilkita yo’li bor, deb aytadi. Soliki majzub va Majzubi solik yo’li. Biri Majnun yo’li biri esa Farhod yo’lidir. Navoiy Majnunning yo’lini tanlash Haq tomonidan berilishini aytar ekan, unga bunday yo’l nasib etmaganini lekin bu yo’l uning orzusi ekanligini aytadi:

...Ki bir jazb ila oshno bo’lg’ay ul,
Muqimi harimi safo bo’lg’ay ul.
...Alarkim nishoni masolik debon,
Burung’uni majzubi solik debon.
Menikim, bu savdo nizor ayladi,
Havas ilgida beqaror ayladi.
...Agar bo’lsa bu yo’lda umrim talaf,
Chu bu yo’ldadir ul ham erur sharaf [7].

Tasavvufda majzubi solik va soliki majzub degan tushunchalar bor. Ya’ni majzubi solik-Haqdan jazba yetgan, ustozı ham, Piri ham ishq bo’lgan, hech qanday maqomlarnı egallamasdan turib hol martabasiga erishgan oshiq timsolidir. Tasavvufda bu yo’l “Majnun yo’li” deb ataladi. Soliki majzub esa Haqning visoliga ustozning, pirning yordamida maqomlarnı egallagan oshiq yo’li, ya’ni, “Farhod yo’li” dir.

Alisher Navoiyining mashhur “Munshaot” asarida bir qancha maktublar keltiradi. Ularning orasida asrab olgan o’g’li Shohquliga bitgan maktubi ham bor. Maktubda Navoiy yomon yo’llarga kirib ketgan o’g’liga quyidagicha nasihat qiladi:

“Ey nafs havosig’ a giriftor o’lg’on,
Shayton ishiga ishing namudor o’lg’on,
Ham zuhd ila izzatqa sazovor o’lg’on,
Ham fisq ila olam eliga xor o’lg’on.[8]

Alisher Navoiy Majnunga faqat otasining tilidan nasihat etsa, Fuzuliy esa doston tarkibida Majnunning ham otasining ,ham onasining nasihatini keltiradi: “Kel ey, bo’stonni odad qilgan bulbul, ahvolingni mengə bayon et, sir-asroringni ayon et. Sening ixtiyorinğı kim oldı, ro’zigorinğı kim qaro, g’am-g’ussali qıldı? Sen qay niyatda kezarsanki, qanday talabing bor, bu nola-yu- zoringni sababi nima? Agar daryodan dur tilasang uni muhayyo qilayin. Agar zulmatda sha’m izlasang men seni ravshan qilay?”:

...Dəryadə isə sənə dürü-kam,
Sən söylə, mən eyləyim sərəncam.
Zülmətdə isə şəm’i-məqsud,
Rövşən qılū məndən istə movcud. [5-73,74]

Bilamizki, Fuzuliy Nizomiy va Navoiynı o’ziga ustoz deb biladi. Fuzuliy yaratgan Majnun timsoli ham olım I.G’afurov Nizomiyining Majnunini qanday sıfatlaşan bo’lsa, xuddi shu sıfatlarga mos keladi. Masalan, Fuzuliy Majnunning otasiga bergen javobini quyidagicha keltiradi:

Mən böylə kəmələ tutmazam guş,
Leyli sözü söyla, yoxsa xamus!”
...Dedi: “Nədir, atə, yoxsa anə?

Leyli gərək, özgödər fəsanə". [5-74]

Fuzuliyda Majnunga onasi nasihat qilganidan so'ng, u o'zining qilgan ishlardan pushaymon ekanligini, ammo bu holga tushushi uning taqdiriga yozilganligi, u uchun sevgilisidan o'zga hech kim yo'qligini aytadi:

K'ey ruhi-rəvanim ata, ana!

Kami- dilü canım ata ana!

Təhqiq edibəm, işim xətadir,

Hər nə desəniz mənə rəvadır.

Yoxdur bu işimdə ixtiyarım,

Zəbtimdə inani-iqtidarım! [5-78]

Lekin shunda ham ularning amriga bo'yshishni istamaydi. Balki, ularga ta'na qıladıki, "Sizlar meni ko'p hurlıqolar bilan ishrat qilib yuribdi dersiz, lekin man uchun Layli va uning g'amidan o'zga hech narsa yo'qdır", deydi:

Dersiz mənə var dirlübələr,

Leyli kimi çox pəriliqalər...

Billah, deməngiz bu hərfi zinhar!

Aləmdə bir ondan özgə kim var? [5-80]

Fuzuliy dostonda Majnunning ta'rifini ko'p va xo'p keltirsada, ammo ba'zi o'rinlarda Majnunning ishqı Haqqı emas, balki bandaga nisbatan qaratilganligiga guvoh bo'lamız. Masalan, Majnunning Layliga yozgan maktubida yoki Laylining o'lganimi eshitib hushdan ketishida bunga guvoh bo'lishimiz mumkin:

Bidarlığa gətirmədim tab,

Şəhla günüñ oldu maili-xab.

Həmrəhəm idin bu yolda, ey mah!

Həmrəhə qoyub gedərmi hamrah? [5-217]

Fuzuliyda Majnun yozgan maktubini o'qib, yana shunday xulosaga kelish mumkinki, (Alisher Navoiy Allohnning tajallisini Layli timsolidə ko'radi) Majnun Layliga shaxs sifatida murojaat etadi. Undan gina qiladi, uni ta'riflashda ham insonni madlh etguvchi sifatlarnı keltiradi:

...Peyvəndini qeyr ilə eşitdim,

Billah ki, bası təəccüb etdim.

...Nə böylə edib, ne öylə, ey gul,

Yaxşımızdır eyləmək təğaful?!

Ey canım içində cana düşmən!

Hər necə ki, düşmənəm sənə mən [5-146].

Fuzuliyning dostonida Majnun Laylining qabilasiga qilingan urushdan so'ng sahroga chiqib ketadi. Sahroda bir pirni ko'radi. Pir qo'lidagi zanjiriga bir qulni bog'lab kelayotgan edi. Majnunning istagi bilan qulni zanjirdan ozod qilib o'rniga Majnunni bog'laydi. Majnun Pirning qo'lida zanjirlangan holatda Laylining qabilasiga kirib boradi:

Məcnun dedi: "Səhv edibən, ey pir!

Divanələrə gərək bu zəncir.

Gəl hacətimi mənim rəva qıl,

Bənd eylə məni, bunu rəha qıl!" [5-125]

Fuzuliy qahramonning ruhiy holatini yanada aniq ifoda etish uchun qahramonlarning zanjir, oy, sabo,sha'm kabi biq qancha narsalar bilan suhbatini keltiradi. Bu bilan qahramon ruhiyatı, xarakteri aniq ochib beriladi. Masalan, Majnunning zanjırğa dardi-hol etgani:

Şərhi-qəmə var min dəhanın,

Təprəndikçə çıxar fəğanın!

Başdan-əyağə dəlik-dəlik tən,

Könlündəki razı etdi rövşən.

Ey muntəziri-nəzareyi-yar,

Nəzzareyi-yarə min görün var! [5]

Alisher Navoiy Majnunni tug'ma ishq sohibi qilib tasvirlaydi. Majnun ruh kishisiga aylanadi. Uni Allohdan o'zga dardi ham, sog'inchi ham qolmagan. Foniy dunyoning tashvishlaridan xoli inson chinakam komillik namunasi bo'lsa, Fuzuliy esa doston davomida Majnunni mashaqqatlarda toplab, kamolga yetishtirib boradi.

Xulosa va takliflar. Yuqoridagi qiyoşlarnı jamlagan holda quyidagi xulosaga keldik: Alisher Navoiy doston voqeaları ichida yashaydi. Qahramon dardını o'zidan o'tkazib bayon etadi. Navoiy Dostonning ba'zi joyida Majnun, ba'zi joyida ota-onası, ba'zi joyida haqiqiy oshiqliq qiyo fasida namoyon bo'ladı. Fuzuliy esa dostonni juda ko'p o'rnidə uchinchi odam bo'lib hikoya qılıdı. Asosan kuzatuvchi bo'lib ishtirot etadi. Shuning uchun ham dostonning ba'zi bir o'rinalarda Majnunning dardi biroz yengil bayon etiladi.

Fuzuliy yaratgan Majnun obrazı xarakteri, ruhiyatidan kelib chiqib Haqning visoliga yetishish yo'lida doston davomida pishib, yetilib boradi. Demak, Fuzuliyning Majnuni Navoiy tasvir etganidek majzubi solik emas balki soliki majzubdir.

ADABIYOTLAR

- Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. -М.: Прогресс, 1979.-С.183.
- Qosimov S., Hamroqulov A., Xo'jayev S. Qiyoşiy adabiyotshunoslikka kirish. O'quv qo'llanma. Andijon, 2018
- Alisher Navoiy. Layli va Majnun. –Т.: G'afur G'ulom nomidagi NMIU, 2006
- Комилов Н. Хизр чашмаси/ Ишқ оташининг самандари. -Т.: Маянвият, 2005. – Б.76
- Muhammad Fuzuliy. Layli va Majnun. –Baki: Şərq-Qərb, 2005
- Жабборов Н. Маоний ахлиниң соҳибкорони. –Т.: Adabiyot, 2021
- Alisher Navoiy Devon. Masnaviy. – Т.: Tamaddun, 2011
- Alisher Navoiyning mashhur uch maktubi. kh-davron.uz. 04.05.2018
- G'afurov I. O'ttiz yil izhori. Ishq shiddatining pog'onaları. –Т.: G'afur G'ulom nomidagi NMIU, 1987



Dilnura AVEZOVA,
Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti magistranti
e-mail:davezova@gmail.com

Guldu dotsenti Y.Xodjiyev taqrizi asosida

BOSHLANG'ICH SINFLARDA ADABIY TALAFFUZNI SHAKLLANTIRUVCHI MASHQ VA TOPSHIRIQLAR YARATISHGA TIZIMLI YONDASHISH

Annotatsiya

Mazkur maqolada adabiy talaffuzni shakllantiruvchi mashq va topshiriqlar tayyorlashga tizimli yondashish va dars jarayonida ushbu mashq va topshiriqlardan o'rinni foydalanishga doir bir qator uslubiy tavsiyalar berilgan.

Kalit so'zlar: Adabiy talaffuz, mashq, topshiriq, nutqiy malaka, nutqiy kompetensiya, lingvistik kompetensiya, orfoepiya.

СИСТЕМНЫЙ ПОДХОД К СОЗДАНИЮ УПРАЖНЕНИЙ И ЗАДАНИЙ ФОРМИРУЮЩИХ ЛИТЕРАТУРНОЕ ПРОИЗНОШЕНИЕ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ

Аннотация

В данной статье представлен системный подход к подготовке упражнений и заданий, формирующих литературное произношение, и ряд методических рекомендаций по правильному использованию этих упражнений и заданий по урокам.

Ключевые слова: Литературное произношение, упражнение, задания, навыки речь, речевая компетенция, лингвистическая компетенция, орфоэпия.

A SYSTEMIC APPROACH TO CREATING EXERCISES AND TASKS FORMING LITERARY SPEECH IN THE PRIMARY CLASSES

Annotation

This article presents a systematic approach to the preparation of exercises and tasks that form literary pronunciation, and a number of methodological recommendations for the correct use of these exercises and assignments for the lesson.

Key words: Literary pronunciation, exercise, tasks, speech skills, speech competence, linguistic competence, orthoepy.

Kirish. Boshlang'ich ta'limg umumiy o'rta ta'limgning poydevori hisoblanadi. Shuning uchun ham mamlakatimizda boshlang'ich ta'limg sifatini oshirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Har bir ta'limg muassasasida boshlang'ich sinf o'quvchilar uchun qiziqarli o'quvmetodik adabiyotlar, elektron resurslarning katta zahirasi mavjud.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. O'quvchilarga taqdim etilayotgan o'quv materiallari bitta muammo yoki mavzu bilan chegaralanib qolmasdan, o'quvchilarda ikki yoki uch zaruriy malakalarni ya'ni adabiy talaffuz, imlo savodxonligi, zarur so'z boyligi va mustaqil ishslash malakalarini shakllantirishga xizmat qila olsa ko'zlangan maqsadga erishish oson bo'ladi. Masalan, o'quvchiga til bo'limlari haqida nazariy ma'lumotlarni ketma-ket bergandan ko'ra, ularda og'zaki va yozma nutqni, to'g'ri talaffuzni va o'z fikrini aniq, ravon va sodda va jozibali ifodalay olish ko'nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladigan amaliy jihatlarni o'rgatish afzaldir. O'quvchilarga orfoepiyaga doir biror topshiriq berishdan maqsad, nutq tovushlari va so'zlarni to'g'ri talaffuz qilish, hamda gap yoki matn tarkibidagi talaffuzi qiyin so'zlarni to'g'ri talaffuz qilish va shu bilan bir qatorda ravon nutq, mazmunli muloqot malakasini va o'z ustida mustaqil ishslash ko'nikmasini shakllantirishga erishishdan iboratdir. Bu esa dars samaradorligining oshib borishini ta'minlaydi.

Bugungi kunda ta'limg jarayoniga turli zamonaliviy pedagogik texnologiyalar tafbiq qilinmoqda. Ilmiy tadqiqotchilarimiz, olimlarimiz tomonidan bir qator yangi tipdag'i mashq va topshiriqlar amaliyotda sinab ko'rilmoxda.

Avvalo, boshlang'ich sinf ona tili darsliklarida talaffuz va imlo qoidalarini amaliy singdirishga ko'proq e'tibor qaratilishi, talaffuz ustida ishslash keyingi sinflarda ham uzlusiz davom ettirilishi lozim.

O'quvchilar o'z ona tili imkoniyatlardan mahorat bilan samarali foydalansalar, o'z fikrlerini ta'sirchan, tushunarli bayon qila olsalar, ajdoddlardan qolgan boy ilmiy, badiiy merosini chuqur anglash darajasida o'z tilini bilsalar, ona tili ta'limi o'z maqsadiga erishgan bo'ladi. Buning uchun esa ona tili darslarida foydalanayotgan darsliklarimiz puxta ishlangan bo'lishi va ko'nikmalarni kompleks tarzida shakllantirishi lozim. Bir paytning o'zida ham talaffuz, ham imlo, ham so'z boyligini oshirish, qolaversa mustaqil fikrleshga yo'naltirishga sharoit yaratish zarurati takrorlash jarayonini talab qiladi va nutqiy mahoratni oshiradi.

O'quvchi nutqiy malakasining rivojlanishida til bo'limlaridan fonetika, orfografiya, orfoepiya bo'limlarini o'qitishda mashqlardan ko'proq foydalanish, qolgan bo'limlarni o'qitishda esa topshiriqlardan foydalanish samaralidir.

Ona tili darslarida nutqiy malakalarni shakllantiruvchi asosiy o'quv materiali bu mashq va topshiriqlar tizimidir. Tadqiqotchi T.G.aniyevning ona tili bo'yicha mashqlar bajarish jarayonida o'quvchilarning bilim faoliyatini faollashtirishga bag'ishlangan tadqiqoti [1]ham bu borada muhim ahamiyat kasb etadi. Shunga qaramasdan, tili o'qitish jarayonida, ayniqsa adabiy talaffuz bilan bog'liq bo'lgan muammolar o'z yechimini topmayapti. Bu muammolarni bartaraf etish mashq yoki topshiriqlarning sifati va berilishi bilan bog'liq. Agar topshiriq maqsadli va puxta tuzilgan bo'lsa ya'ni o'zida to'rtta nutqiy ko'nikmani shakllantira olsa

maqsadga muvofiq bo'ladi. Bugungi kunda faoliyat olib borayotgan ona tili o'qituvchilarimizning barchasini tajribali va malakali deb aytolmaymiz. Zamonaviy interfaol usullar dars jarayoniga tabbiq qilinishiga qaramasdan, o'quvchilarda nutqiy kompetensiya kutganimizdek rivojlanmayotganini kuzatishlarimiz natijasida ham ko'rib turibmiz. Shu o'rinda nutqiy kompetensiyaga to'xtalish joiz.

Nutqiy kompetensiya (tinglab tushunish, so'zlash, o'qish, yozish) – o'quvchi

shaxsini fikrashga, o'zgalar fikrini anglashga, o'z fikrini og'zaki hamda yozma shaklda savodli bayon qila olishga va uni rivojlantirishga qaratilgan. Ya'ni bolaning nutqiy bilimi bilan bir qatorda orfoepik, orfografiq bilimlariga ham e'tibor qararish lozim.

Masalan: Maqollarni o'qing.

Odob – oltindan qimmat.

Aql bilan odob – egizak.

Berilgan maqol tarkibidagi odob, aql,qimmat so'zlarini noto'g'ri talaffuz qilishlari natijasida imloviy xatoga ham yo'l qo'yishadi. Bu mashqda nafaqat orfoepik e'tibor balki boladan maqol yuzasidan o'z xulosalarini berish, uni og'zaki tarzda bayon etish, o'quvchi nutqining ravon bo'lishi, va dars jarayonida o'z nutqini erkin bayon qilishlariga zamin yaratadi.

Lingvistik kompetensiya – o'quvchilarda grammatikaga oid o'zlashtiriladigan

bilmilarni (fonetika, leksikologiya, so'zning tarkibi, so'z yasalishi,morfologiya,

sintaksis, yozuv va imlo, tinish belgilari, nutq uslublari, stilistikaga oid tushunchalarini) rivojlantirish hamda bunday keng imkoniyatlardan unumli foydalangan holda fikrni to'g'ri va ravon bayon eta olishga qaratilgan.

Quyidagi mashq asosida lingvistik komponentsiyanı ko'rib chiqamiz. Ushbu mashqda fonetik bilmillardan mashq jarayonida foydalanish, fonemalarning farqlanishiga e'tibor berish talab etiladi.

Ovoz chiqarib o'qing. So'zlar qaysi tovushlar bilan farqlanayotganini toping ?

Bilak – tilak, lola – tola – bola– xola, bolg'a – bolta, savob – javob, keng – teng, mosh –tosh–bosh–qosh, bino – kino, havo – navo va hokozo.

Mazkur masalaga ona tili ta'limi maqsadi nuqtai nazaridan yondashilganda, nutqiy malakalarni kompleks tarzda rivojlantirish imkonini beruvchi maxsus topshiriqlar tizimini, darsda ulardan foydalanish texnologiyasini ishlab chiqish zarurati borligini aniq sezishimiz mumkin[2].

Boshlang'ich sinf o'quvchilarida nutqiy malakalarni shakllantirishni quyidagi pedagogik texnologiyalar orqali amalga oshirish mumkin.

Bitta topshiriqi bajarish orqali bir nechta zarur nutqiy ko'nikmani shakllantirishga erishish texnologiyasi

1-topshiriq.Berilgan hikmatli so'zning ma'nosini tushuntiring.Talaffuzi va imlosida farq qiluvchi so'zlarini aniqlang.Har bir so'zning ma'nodoshini topib yozing.

Do'stga agar qo'shilsa do'st-yor,

Orzu og'ochi bo'lur hosildor[3]. (Jomiy)

Qo'llanilishi:

1.Dastlab yuqorida berilgan hikmatli so'zning ma'nosini tushuntirib berish so'raladi. O'qituvchi bu o'rinda "Aqliy humuj" metodidan foydalanishi kerak bo'ladi. 5 daqiqa mobaynida bir nechta o'quvchilar hikmat haqidagi o'z fikrlarini bildirishlari mumkin bo'ladi. O'qituvchi bu o'rinda o'quvchilar nutqiga e'tibor qaratishi va so'zlearning to'g'ri talaffuz qilinishini nazorat qilib boradi va to'g'ri talaffuz bo'yicha eslatma berishi lozim. Bu o'rinda adabiy talaffuz ustida ishlanaadi.

2. Topshiriqning keyingi bosqichi yozma bo'lib, unda barcha o'quvchilar faol ishtirot etadi. Sinf o'quvchilari soniga

qarab guruhlarga bo'lib chiqiladi va har bir guruhg'a nom beriladi. Hikmatda ishtirot etgan imlosi qiyin bo'lgan so'zlarni har bir guruh yozib chiqadi. So'ngra, o'quvchilar tomonidan yo'l qo'yilgan kamchiliklar ustida ishlanaadi. Bu o'rinda hamkorlikda ishslashga sharoit yaratiladi.

3. Ushbu bosqichda hikmat tarkibidagi so'zlearning ma'nodoshlarini topib yozish topshiriq'i beriladi va va o'quvchilar do'st so'ziga o'rtoq; orzu so'ziga istak; hosildor so'ziga serhosil so'zlarini yozadi. O'qituvchi ma'nodosh so'zlearning to'g'ri yoki noto'g'ri qo'llashganini nazorat qiladi. Bu o'rinda savodxonlik ustida ishlanaadi.

4.Keyingi topshiriq sifatida hikmat tarkibida qo'llangan notanish so'zlarini topish beriladi. O'quvchilar misradagi "og'ochi" so'zinig ma'nosi yuzasidan muhokama qilishadi. Ushbu so'z daraxt ma'nosini anglatishi o'qituvchi tomonidan aytilishi yoki o'quvchilarga izohli lug'atdan toptirishi kerak bo'ladi.Ushbu tipdag'i topshiriqlar orqali o'quvchining so'z boyagini oshirishga erishish mumkin.

5.O'quvchilar nutqini o'stirishga, fikrini erkin bayon etishga qaratilgan topshiriqlar tayyorlashda asosan aforizmlardan, donolar hikmatlardan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Shu o'rinda ularda matn yaratish ko'nikmasi ham shakllanib boradi.Topshiriqqa bunday yondashish darsni samarali tashkil etish va o'quvchi uchun foydali bo'lgan bilim, ko'nikma va malaka berishga imkoniyat yaratadi.

1-2-sinf Ona tili va o'qish savodxonligi darsliklarida bunday tipdag'i topshiriqlar takomillashganini ko'rishimiz mumkin. Darslikda " Sabzavotlar nima deydi?" matni berilgan. Matn asosida ikkita topshiriq tayyorlangan. Birinchi topshiriqda matn yuzasidan savollar berilgan, bu o'quvchining og'zaki nutqini rivojlantirishga qaratilgan. Ikkinci topshiriq esa tutuq belgisi ishtirot etgan so'zlarini to'g'ri talaffuz qilish va xatosiz yozishga e'tibor qaratishni nazarda tutadi.

Topshiriq birgina ko'nikmani hosil qilishga qaratilgan bo'lsa, u bugungi kun talabiga to'liq javob berishi qiyin. Darslik hamda o'quv qo'llanmalarining aksariyatida mashq va topshiriqlardan unumli foydalanilmaydi. Ya'ni birgina topshiriq bilan kifoyalaniladi.Aslida bir paytning o'zida bir nechta topshiriqlar berish samarali natija beradi.

Nutqiy ko'nikmalarni kompleks tarzda shakllantiruvchi topshiriqlarning tarkibi quyidagicha:



1.1-rasm[4].

Topshiriqlar tayyorlashda yuqorida ko'rsatilgan to'rtta qismiga asoslanib ish olib borilsa, darsliklarimizning saviysi ortib boradi.Dars jarayonida topshiriqlardan o'z o'rniда samarali foydalanish ham muhim ahamiyatga egadir.

Topshiriqlar, asosan lingvistik kompetensiyanı shakllantirishga, bilim olishga xizmat qiladi, o'quvchilarning mustaqil fikrashga o'nikmalarini rivojlantiradi, shuning uchun ularning qo'llanish o'rinnarini ham aniqlab olish lozim.

Fonetikaga doir o'quv materiallarini o'qitishda, asosan, mashq turlaridan unumli foydalanish, qolaversa, imlo, orfoepiya, orfografiya, tinish belgilari va husnixat bilan bog'liq darslarda nutqiy kompetensiyanı shakllantirish uchun topshiriqdan ko'ra mashqqa ehtiyoj borligini unutmasislik kerak.



1.2-rasm.

Zamonaviy darsliklarda topshiriqlar ma'lumotlarni xotiraga kirituvchi qurilma vazifasini bajaradi. O'quvchining tafakkuri, so'z zaxirasini boyitmasdan turib, uning ravon, mantiqan izchil, ta'sirchan nutqi haqida gap bo'lishi mumkin emas. Bugun dars jarayonida juda ko'p qo'llanilayotgan "Matn tuzing" qabilidagi topshiriqlar endi o'zini

oqlamayapti. Chunki o'quvchi o'zidagi nochor so'z boyligi, tor tafakkuri bilan istalgan mazmunni, kutilgan saviyada yozib bera olmaydi. O'quvchida aynan mavzuga aloqador muhim, foydali, ta'sirli ma'lumotlar juda kam yoki umuman bo'lmaydi[5].

Dastlab talaffuzi qiyin tovushlar ustida ishlash, so'ngra shu tovushlar ishtirotida bo'g'in, so'z hosil qilish va matn tarkibida ushbu tovushlar ishtirot etgan so'zlarni aniq, jozibali talaffuz qilishni mashq va topshiriqlar asosida amaliy ishlar bajarish orqali samarali natijaga erishish mumkin.

Xulosa va takliflar. Boshlang'ich sinf o'qituvchisi nafaqat ona tili darslarda balki, o'qish darslarda ham o'quvchining nutqiga, talaffuziga e'tiborli bo'lishi va talaffuzida muammosi mavjud o'quvchilar bilan individual tarzda shug'ullanish ham maqsadga muvofiqidir.

ADABIYOTLAR

1. G'aniyev T. Ona tili bo'yicha mashqlar bajarish jarayonida o'quvchilarining bilim faoliyatini faollashtirish. Ped. Fanlari nomzodi dissertatsiyasi.–T.,1991.–12 b.
2. Hamroyev G'. Umumiyo o'rta ta'lim tizimida fonetikaga doir o'quv materiallarining metodik ta'minotini takomillashtirish.(PhD) Dissertatsiyasi. Samarqand – 2019– 57 b.
3. Ikromova R., G'ulomova X., Yo'ldosheva SH., SHodmonqulova D. Ona tili. Umumiyo o'rta ta'lim maktabalarining 4-sinfi uchun darslik. –T., 2013.
4. Hamroyev G'. Umumiyo o'rta ta'lim tizimida fonetikaga doir o'quv materiallarining metodik ta'minotini takomillashtirish.(PhD) Dissertatsiyasi. Samarqand – 2019– 61 b.
5. Hamroyev G'. Umumiyo o'rta ta'lim tizimida fonetikaga doir o'quv materiallarining metodik ta'minotini takomillashtirish.(PhD) Dissertatsiyasi. Samarqand – 2019– 63b.



Нилуфар ДИЛМУРОДОВА,
Тошкент молия институти доценти
E-mail: nilu.01@mail.ru

Тошкент молия институти доценти ф.ф.д. А.Д.Сапаров тақризи асосида

РОМАНДА ИНСОН ШАХСИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИ ТАЛҚИНИ

Аннотация

Маколада Замон ва макон моҳияти, кечаги кун билан бугунги кунни боғловчи ижтимоий-фалсафий мувозанатни аниқлаш, бу мувозанат кимматини кўнгил илмига интилиш баробарида бадиий-эстетик нуктаи назардан талқин этиш ва умумлашма хулосалар чиқариш адид эстетик концепцияси ҳамда позициясининг бош мақсади эканлиги хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Ўзбек миллий адабиёти, архитектоника, диалектика, бадиий-эстетик тафаккур, бадиий концепция, психологик драматизм, жамият ва шахс, рамзийлик.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ЛИЧНОСТИ ЧЕЛОВЕКА И ПСИХОЛОГИИ В РОМАНЕ

Аннотация

В статье говорится о том, что эстетической концепцией и главной задачей позиции писателя является определение сути времени и пространства, социально-философского баланса, соединяющего вчерашний день с сегодняшним, анализ и обобщенные выводы этого балансового значения с художественно-эстетической точки зрения наряду со стремлением к науке о душе.

Ключевые слова: Узбекская национальная литература, архитектоника, диалектика, художественно-эстетическое мышление, художественная концепция, психологический драматизм, общество и личность, символичность.

INTERPRETATION OF HUMAN PERSONALITY AND PSYCHOLOGY IN THE NOVEL

Annotation

The article states that aesthetic conception and main objective of writer's position is the definition of essence of time and space, social and philosophical balance connecting yesterday with today, analysis and generalized conclusions of this balance value from artistic and aesthetic point of view together with pursuance of the science of soul.

Key words: Uzbek national literature, architectonics, dialectics, artistic and aesthetic thinking, artistic concept, psychological drama, society and personality, symbolism.

Кириш. Чинакам сўз санъати, аввало, жамият ва ҳаёт, инсон-ижодкор шахси, тафаккур ва кўнгил илми, бадиий маҳорат, малака ва истеъодод ҳамкорлиги натижасида туғилади; ижтимоийлик билан индивидуал унсурлар бирдамлигини ёклаб, кенг маънодаги бадиий-эстетик ва фалсафий-эстетик манфаатни мўлжаллайди.

Кейинги йиллар миллий адабиётимизда чинакам ўзгаришлар ва янгилинишлар даври бўлди, поэзия билан бирга проза ўзини англаш ўйлidan бориб, инсон шахси ва психологиясини тадқиқ этишида самарали изланди ва изланмокда. Пиримкул Кодиров «Она лочин видоси», Муҳаммад Али «Улуғ салтанат», Омон Мухтор «Ишқ ахли», Эркин Самандар «Султон Жалолиддин», Тоғай Мурод «Бу дунёда ўлиб бўлмайди», Улуғбек Ҳамдам «Мувозанат» романлари билан маънавиятимиз хазинасини бойитишиди. Носирлар орасида инсон шахси ва руҳияти гўзалликларини бадиий талқин қилиш борасида Хуршид Дўстмуҳаммад «Бозор» романи психологияк дунё эврилишларини турли тарафдан текширади ва кузатади.

Адид ижод жамият ва шахс психологиясини, ҳар иккала тушунча мужассам этган фалсафий-маърифий маънолар салмоғини кенг камраб олади. Адид, айниқса, тарихни ҳаракатга келтирган, бугунги ижтимоий тараққиётга асос солган инсон шахсига алоҳида ургу беради, инсоннинг мураккаб руҳий дунёси ва қалбига зийраклик билан назар ташлайди.

«Бозор» романини кўздан кечирав эканмиз, адид, анъанавий ва модернистик усуслар имкониятларидан самарали файдалангани ва ижод майдонида, умуман,

маҳорат жабҳасида бир қадам олға босганига ишонч ҳосил қиласиз. Чиндан ҳам «Бозор» кейинги йиллар миллий адабиётимизда ўзига хос алоҳида ходиса, десак муболага бўлмайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Роман ҳаяжон билан кизиқиб ўқилади, жамият ва шахс ҳакида мухим бадиий-эстетик материаллар беради, бу материаллар замирида, аввало, жамият ва шахс психологияси эврилишларини ҳис этамиз, яна ҳам мухими, романдаги ҳар бир бадиий восита моҳиятида инсон маънавияти, инсоннинг жамиятда ва турли табака-жамоаларда тутган ўрни, қалб тўлғоқлари акс этганини кўрамиз.

Романда қиссаларда кўтарилган масала - эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашни ифодалайдиган нафс ва одам муносабатлари теран бадиий-эстетик талқинлар асосида яна ҳам ривожлантирилади ва ўқувчига бу ҳақда янада кенгрок фалсафий тушунча берилади.

Моҳиятнан роман жамият ва шахс психологияси мантиғини белгилайдиган турли мураккаб тақдирлар, воқеа-ҳодисалар ва характерлар тўқнашувидан иборатдир. Факат ана шу тўқнашувлар моҳият бадиият конунларига ктушадиган, муайян эстетик мақсаддага йўналтирилган, ортиқча ва кераксиз тафсилотлар оқимидан ҳоли килинган, умумлашма ечимга бўйсундирилган бўлиши керак.

Ана шу бадиий-эстетик ҳақиқатни назарда тутган улуг рус тақидчиси В.Г. Белинский роман бадиийлиги даражаси чинакам ҳаётий салмоқдорлик касб этиши зарурлиги, бадиийлик асосий ғоя чуқурлигини белгилаши,

айрим хусусиятларда эса ўша ғояни ташкил этган куч билан жиддий алоқага киришмоги лозимлигини тасдиқлаб, куйидагиларни ёзди:

“Бадиий асар сифатида роман вазифаси кундалик ҳаётдан ва тарихий воқеалардан барча тасодифий нарсани олиб ташлаш, уларнинг яширин калбига, жонли идеясига кириш, ташки, тарқоқ воқеаларни рух ва ақл маскани килишдан иборатдир” (1).

Мана шу нұқтаи назар талаудан келиб чиқиб «Бозор» романини таҳлил қиларканмиз, роман бадиий-эстетик күvvати алохіда таассурот үйготади.

Романда, биринчидан, жиддий ишлов берилган жонли-харакатчан поэтик сўз воситасида, саргузаштнамо воқеа-ходисалар тафсилотига берилмай, кайфият ва холатга асосланган анча таранг сюжет доирасида рух ва ақл - кўнгилдаги Ҳол билан Илм, тафаккур ва фантазия, эстетик идеал ва пафос ўзаро кўшиб юборилади.

Тадқиқот методологияси. Иккинчидан, романда рух-калб, тафаккур ва ақлу идрок харакати кескин зиддиятлар оқимида бирлашади, фалсафий мантиқни янада чукурлаштириб, мажозийлик, мистик-романтизм хусусиятларни бўрттиради, анъанавий ва модернистик бўёклар бирлиги ва нағислигини таъминлаганидан ташқари, сюжетда кўп катламлиликни вужудга келтиради.

Ниҳоят, уччинчидан, мавзу, эстетик идеал, пафоснинг фалсафий-ижтимоий талқини роман мазмун-моҳиятидан чукур ўрин эгаллаган жамият ва шахс психологияси талқини билан тулашиб кетади.

Шубҳасиз, рух ва ақл - кўнгилдаги Ҳол ва Илм, тафаккур ва фантазия ҳамкорлиги заминида туғилган, фалсафийлик, мистик-романтизм ва мажозийлик омилларидан озиқланган ҳаётни бадиий ҳакиқат, шунингдек, жамият ва шахс психологияси, эстетик идеал, ҳаётий-ижтимоий ғоя, бадиий-эстетик жозиба моҳиятида жам мантиқни ҳазм килиш, тушуниш алохіда нозик дид, жиддий мутолаа ва меҳнат талаб этади.

Таҳлил ва натижалар. Асарда мистик романтизм ва мажозийлик белгилари, сюжет ва композиция чизигини нурлантириш баробарида, жамият психологиясини шахс харакатига, шахс психологиясини жамият фаолиятига кўчиради.

Мана шу жиҳатлардан олганда «Бозор» кўпроқ Альбер Камьюнинг «Вабо» романи билан бўйлашади, зеро, «Вабо»га хос реализм билан бирлашган мистик романтизм, мажозий-фалсафий йўналиш «Бозор» шаклу шамойилига тўласинча хосдир (2).

Кўпгина насрый асарлар, жумладан, «Вабо»да бўлганидек, эстетик идеал «Бозор»да яратилган психологик ҳолатлар заминида туғилади, турли типлар ва тақдирлар ўртасида кечадиган рухий курашлар жамиятда учрайдиган нотекис маънавий унсурлар пайдо қиласидан мусибатларга ишора беради. Турли типлар ва тақдирлар билан ёнма-ён ҳаракат қиласидан мажозий образлар бадиий-эстетик ва фалсафий мантиқни кучайтириб, жамиятда ҳукм суроётган нотекислик психологиясини тўлароқ рўёбга чиқаради (3).

Альбер Камю «Вабо»да йирик шаҳарни дунё-ҳаёт ва жамият тимсоли қилиб олган бўлса, Хуршид Дўйстмуҳаммад «Бозор»да бозорни дунё-ҳаёт ва жамиятга қиёслайди. Агар «Вабо» романи тасвир доирасида бемор-ўлакса қаламушлар подаси шаҳарни комига тортса - инсон кабоҳат ва таназзулга маҳкум эканлигига ишора берувчи ўлат касаллигини тарқатса, «Бозор» тасвир доирасида бозорни жадал урчиётган сичқонлару қаламушларни ортидан етаклаган очофат митти маҳлук - Ножинс исказнажага тортади ва савдо-тижорат аҳли ўртасида маънавий әмирилиш ифодаси бўлган баднафслик иллатини ёяди.

«Вабо» романидаги чет-чақадаги унтуилаёзган шаҳар - дунё-ҳаёт ва жамиятда ҳукм суроётган лоқайдлик, манманлик, кибуру ҳаво ва амалпарастлик иллатлари даҳшатли мусибатга замин ҳозирлаган омиллар тарзида кўрсатилади.

Чиндан роман персонажлари, ҳатто бош қаҳрамон - ҳаким Бернар Риэ руҳияти, хулқ-атворида ҳам бепарволик хусусияти мужассамлашган: уйи зинаси долончасида қаламуш ўлигига қоқилса-да, пинак бузмайди, бутун теварак-атроф вахимага тўлганига ишонч хосил қилмагунча ўзини гўлликка солади. Баланд мартабаларда ўтирган шахслар, тепса тебранмас типлар сифатида тақдим этиларкан, улар психологиясига ўрнашган ҳудбинлик дарди бемор қаламушлар етказадиган зиёндан ҳам хавфлироқ эканлиги англанади.

Жамият томонидан қарийб унтуилган, ғаламис-бемор қаламушлар ва вабо - таназзул гирдобига улоқтирилган шаҳар ҳаёти жаҳолат ва қабиҳлик кўйнида эзилиб-букланган, оғир-оғир энтиқиб нафас олаётган, эзгулик ҳомийлигидан умидини узган аянчли тақдирлар тимсолидир. Мана шуни тасаввур қиласан Альбер Камю роман мазмун-моҳияти ҳақида афсус-надомат билан кўйидагича ёзди:

«Вабо воситасида мен бизни азоблаган бикиқ шарт-шароитни, биз яшаган таъкиб ва кўркув муҳитини ифодаламокчи бўлдим. Шунинг билан бир пайтда, бу талқинни атрофимизда ҳукм суроётган мавжудликка ҳам татбиқ этгим келади». Вужудимиз, руҳимизни кийнайдиган шарт-шароит, нафрат ва қаҳру газабга лойик маҳдудона мухит тасвири «Бозор» романи моҳияти ва шаклу шамойилида ҳам кенг ўрин эгаллайди. Ана шу шарт-шароит ва мухит манзаралари ифодаси роман бадиий-эстетик ва фалсафий оқимида ўзига хос сирлилик бағишлайди, муҳими, Фозилбек ва бошқа катта-кичик образлар характери ва психологик эврилишлари ҳамда итилишларни бўрттириб кўрсатади.

Таъкидаш лозимки, Фозилбек ҳаёт ва жамият моҳиятига кенгроқ қараши, одамлар ва воқеа-ходисаларга фаол муносабат билдириши - куйинчаклиги ва мулоҳазакорлиги билан Бернар Риэдан кескин фарқ киласи. Факат жоҳиллик ва бепарволик иллатига чалинган кўпгина персонажлар - тижоратчи оломон, Чойхонани эгаллаб олган, нағсини кондириш ва айшу ишратдан бўшамайдиган нусхалар, жумладан, Ажабзотлар, Ходи паттачи, Югурдак, Корасокол тиланчи киёфаси «Вабо»да тасвирланган, дунёни сув босса ўрдакка не ғам қабилида иш тутадиган амалдор зотлар киёфасига ўхшаб кетади (4).

Адиб «Бозор»да ўнлаб турли-туман шахс ҳаёти, турмуш тарзи ва хулқ-атворини тасвирлайди, лекин муҳими бу эмас, муҳими шуки, адиб асосий эътиборини бир-бирига қарама-карши, бир-бирини инкор этувчи тақдирлар, эътиқодлар, маслаклар, оқимлар моҳиятини яхлит призмада кўрсатишга қаратади.

Умарали Норматов билан сұхбат қиласан Дилмурод Куровон роман бадиий фалсафасини учта асосий образ - бозор, чойхона ва қироатхона тутиб туришини таъкидлайди.

Асаддаги асосий ягона бош мажозий образ бозор бўлиб, қолган образлар ёрдамчи тимсоллар ҳисобланади, бинобарин, Чойхона ва Қироатхона билан бирга Инсофийлар, тимдан чиқкан жондор - Ножинс, Найнов закун, Кампир, қамоқдан кочтан аристон, копкон, ҳандакка ағанаб ўлган от, Қосимбекни яширинча таъкиб этувчи номаълум кимса (шарпа) шу сирага киради (5).

Фалсафий моҳият нұқтаи назаридан қаралса, бу размлар иштирокида ёнма-ён ифода этилган нафси бало васвасаси, муҳаббат ва ёшлик, туғилиш ва ўлиш, уйлаш ва уйланиш чизиклари бозор, яъни, ҳаёт-муҳитни ураган занжирнинг катта-кичик ҳалқаларидир (6).

Ягона бош мажозий образ бозор эзгулик ва ёвузлик ўртасида кечган не-не тўқнашувларни кўрган ва ҳали яна кўрадиган қадим дунё моделига ўхшайди. Бозор - дунёда мавжуд бўлган ҳар бир манзара ва ҳолат инсон турмуш тарзи, фаолияти ва руҳиятига ёндош-туташ бўлиб, бу ижтимоий-ахлокий жараёндан ҳеч ким четда туролмайди.

Адид Қироатхона-китоб халоскор омил эканлигини Фозилбек ва Қадрия интилишлари оркали бўрттириб кўрсатишга эришади, бозордек гавжум жойда кутубхонадек муқаддас даргоҳ унуптилиб ётганига таассусу билдиради. (7).

Қироатхона, гўзаллик ва ҳалоллик каби, халоскор куч эканлигини теран хис этган Фозилбек илм-маърифат уйини асраш, китоб кадру кимматини тиклаш учун ёрдам бершига ошиқади, доимий мутолаага қайтилган тақдирдагина бозор муносабатларида рўй берастган қабиҳликлар йўқолиши, жумладан, хандақда азоб чекаётган отни ҳеч ким куткаришни истамаётгани, тимдан очопат жондор чиққани, ҳамма ёқда сичкон-қаламушлар учриб кетгани, қартайган Кампир туғишига орзумандлиги, бемаврид ҳазон бўлган Найнов закун жасади кўмилмай

овора қилинаётгани сабабларини билиш учун имкон яратилишига ишонади (8).

Хулоса ва тақлифлар. Мухими шундаки, Фозилбек Қироатхонада факат тафаккур ва ақлу заковат эмас, кўнглига қанот, руҳига мадад бершига қодир умид шуъласини ҳам кўради. Китоблар мамлакатида баҳти-таҳти пинҳон эканлигини гойибдан хис этаркан, мустаҳкам ва холисона севги асосида оила куриш бурчи эканлигини янада теран тушунади.

«Бозор» романни моҳиятан маърифатпарварлик фазилатини намоён этиши, фалсафий қарашлар ва хулосаларга бойлиги, мухими, жамият ва шахе психологиясини анъанавий-модернистик ва мистик романтизмдан кучланган мажозийлик услубларини ўйғунлаштириш воситасида талкин қилиб бериши билан ўзига хос бадиий-эстетик қимматга эгадир (9).

Романда икки кутб - эзгулик билан ёвузлик ўртасида кечадиган зиддиятли руҳий курашлар ва бадиий-эстетик мотивлар бўртиб кўринади. Гўзаллик ва эътиқод, китоб ва муҳаббат, поклик ва ҳалоллик оламу одамни манфурлик ҳамда кабоҳат чангалидан куткаради, деган долзарб эстетик идеал роман мағзига сингдирив юборилгани, айниқса, таҳсинга сазовордир.

АДАБИЁТЛАР

1. Белинский В.Г.. Танланган асарлар. Ўздавнашр. Т., 1955, 176-бет.
2. Альбер Камю. Избранное, «Правда», М., 1990, стр. 19
3. Уэллек Р., Уоррен О. Теория литературы. М., «Прогресс», 1978.
4. Хуршид Дўстмуҳаммад. Жажман. Қиссалар ва хикоялар. Т., «Шарқ», 1995, 174-бет.
5. Наим Каримов. Ҳалқ дилининг таржимони. Абдулла Қаҳҳор “Танланган асарлар”ига ёзилган сўзбоши. Т., Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа изходий уйи, 2007, 8-бет.
6. Хуршид Дўстмуҳаммад. Беозор қушнинг қарғиши. Т., “Шарқ”, 2007.
7. Абдулла Қаҳҳор. “Танланган асарлар”. Т., Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа изходий уйи, 2007.
8. Шуҳрат Ризаев. Яхши “ёмон” одам ёхуд янгилangan реализм. “Шарқ юлдузи” журнали, 2011 йил, 3-сон, 163-бет.
9. М.М.Бахтин. Литературно-критические статьи. М., “Художественная литература”, 1986, стр. 68.



Nuriya JUMANIYOZOVA,
O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti
Ingliz tili tarjima nazariyasi kafedrasi tayanch doktoranti
E-mail: jumaniyozovanuriya@gmail.com

Filologiya fanlari doktori, professor X.D. Paluanova taqrizi asosida

PRESUPPOSITIONAL ASPECT OF LEGAL DISCOURSE IN ENGLISH

Abstract

The paper discusses pragmalinguistics and one of its main criteria -presupposition. It is well known that this phenomenon, which depends on the context, the speech situation and the general background knowledge of the speakers and their language skills, contributes to the full and correct understanding of the content of the speech. The peculiarity of presupposition is that it is expressed in different languages by different signals or triggers. Although these triggers lead to formal-semantic inconsistencies in the sentence or utterance, they are easily understood by speech participants. The article focuses on the presupposition and its triggers in the English legal discourse, based on various examples.

Keywords: Pragmatics, pragmalinguistics, presupposition, proposition, presupposition signals, context, addresser, addressee

ПРЕСУППОЗИЦИОННЫЙ АСПЕКТ ЮРИДИЧЕСКОГО ДИСКУРСА В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

Аннотация

В статье рассматривается прагмалингвистика и один из ее основных критериев -пресуппозиция. Общеизвестно, что это явление, зависящее от контекста, речевой ситуации и общих фоновых знаний говорящих и их языковых навыков, способствует полному и правильному пониманию содержания речи. Особенность пресуппозиции в том, что в разных языках она выражается разными сигналами или триггерами. Хотя эти триггеры и приводят к формально-смысловым несоответствиям в предложении или высказывании, они легко понимаются участниками речи. Статья посвящена презумпции и ее триггерам в англоязычном юридическом дискурсе на различных примерах.

Ключевые слова: Прагматика, прагмалингвистика, пресуппозиция, пропозиция, пресуппозиционные сигналы, контекст, адресант, адресат.

INGLIZ TILIDA YURIDIK DISKURS PRESUPPOZITSION ASPEKTI

Annotatsiya

Maqolada pragmalingvistika va uning asosiy mezonlaridan biri bo'lmish pragmatik hodisa-presuppozitsiya to'g'risida fikr yuritilgan. Ma'lumki, mazkur hodisa kontekst, nutqiy vaziyat va til egalarining umumiy bilish fondi hamda til ko'nikmalariga bog'liq bo'lib, gap mazmunini to'liq va to'g'ri anglashilishiga xizmat qiladi. Presuppozitsiyaning o'ziga xos xususiyati esa turli tillarda turlicha signallar yoki ishora vositalari orqali ifodalishidir. Ushbu vositalar gapda shakliy-mazmuniy nomuvofiqlikka olib kelsa-da, nutq ishtirokchilari tomonidan hech qanday qiyinchiliklarsiz tushuniladi. Maqolada asosan ingliz yuridik diskursida presuppozitsiya va unga yo'l ochuvchi vositalar turli xil misollar asosida yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: Pragmatika, pragmalingvistika, presuppozitsiya, propozitsiya, presuppozitsion signallar, kontekst, adresant, adresat

Kirish. O'tgan asrning 60-70-yillarda til belgilarini kontekst, ya'ni nutqiy vaziyat doirasida o'rganish hamda ularning nutqdagi funksional ifodalanishini aniqlashga bo'lgan qiziqish tilshunoslikda semantik tadqiqtarning yanada kengayishiga va yangi yo'naliш - pragmalingvistikating ajralib chiqishiga olib keldi. Dastlab falsafiy atama sifatida o'rganilgan "pragmatika" (grekcha pragma-ish, harakat) XX asr boshlariga kelib taniqli semiotiklar – G. Klaus, Ch. Pirs, Ch. Morris, Y. Stepanovlar tomonidan atroflichqa tadqiq etildi [1]. Binobarin, Ch. Pirs semiotikada uch ilmiy soha - sintaktika, semantika va pragmatikani mustaqil yo'naliш sifatida ko'rsatdi. Ammo keyinchalik Ch. Morris o'z ishlarida pragmatikaning qolgan ikki yo'naliшhga nisbatan o'rganish ko'lami kattaligi, shuning uchun yuqoriroq pog'onaga joylashtirish zarurligini ta'kidladi [2] va bora-bora til belgisi va uning foydalanuvchisi o'tasidagi masalalarining o'rganilishi tilshunoslikda pragmalingvistik, lingvistik pragmatika, pragmatik tilshunoslik deb ataluvchi yo'naliшhni yuzaga keltirdi. Aytish joizki, lingvistik pragmatikaning tadqiqt obyekti til birliklari va ma'lum bir kommunikativ pragmatik makon (adresant va adresat orasidagi o'zaro aloqani qamrab oladi) da ulardan foydalanish shartlari o'tasidagi

munosabat va ma'lum bir maqsadga asoslangan o'zaro muloqotni o'z ichiga oladi. U, shuningdek, muayyan muloqotda retsipient (tinglovchi)ga ta'sir ko'rsatish va ko'zlangan maqsadga samarali erishishda tilda mayjud bo'lgan optimal vositalarni tanlash va qo'llay olish bilan ham shug'ullanadi. Tilshunos M. Hakimov mazkur fikrga qo'shilgan holda pragmalingvistikaga shunday ta'rif beradi: "Inson tildagi barcha semantik ilmlarni bilish bilan birga ularni o'z maqsadi yo'lida tanlay olishi va ifodalash imkoniga ega bo'lishi lozim. Tildagi ayni manashu jihatlarni lingvistik pragmatika o'rganadi" [3]. Bundan tashqari, olim pragmatik lingvistikating umumnazariy masalalari qatoriga quyidagilarni kiritish lozimligini qayd etadi: (1) jumlaning kontekst bilan aloqador aspekti; (2) kishilar o'tasidagi munosabatni ifodalovchi nutqiy etiket ko'rinishlari, nutqning sotsial xoslanishi; (3) ifodaning subyektiv modal aspektiga aloqador kirish, baho bildiruvchi so'z va vositalar; (4) insonning subyektiv ichki ruhiyatini ifodalovchi diskurs nazariyasi va (5) presuppozitsiya [4].

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Ma'lumki, o'tgan asrning so'nggi choragidan boshlab tilshunoslikda semantik tadqiqtarning pragmatik tahlil asosida

murakkablashishi lisoniy birliklarni kontekst, nutq vaziyati hamda so'zlovchi va tinglovchiga oldindan ma'lum bo'lgan umumiylar bilimlar asosida presuppozitsion aspektida tadqiq etilishiga olib keldi. Shu kunga qadar *tagbilim, prezumpsiya, ichki ma'no, pragmatik ma'no, sigmatik ma'no, monema* terminlari bilan nomlanib kelgan presuppozitsiya (lot. *prae-oldinda, oldin va suppositio-taxmin*) muhim pragmatik hodisa sifatida gap mazmunini to'g'ri va to'liq ochib berishga xizmat qiladi [5]. Mazkur hodisa haqidagi ilk mantiqiy qarashlar nemis faylasufi G. Frege (1952) nomi bilan bog'liq bo'lsa-da, keyinchalik P. Stroson, Ch. Filmor, J. Lakoff, R. Stolneyker, F. Kifer va b. ishlardida presuppozitsiyaga lingvistik baho berildi va ilmiy adabiyotlarda "so'zlovchining umumiylar bilish fondi, ularning oldindan kelishushi" [6], "so'zlovchi va tinglovchining umumiylar bilim elementi yoki muvaffaqiyatlari nutqiy muloqotning zaruriy sharti" [7], "adresatdagi nutqni tushunish uchun muhim bo'lgan bilimlar to'plami" [8], "so'zlovchi va kontektsda berilgan gap mutanosibligi o'rtaqidagi munosabat" [9] kabi ta'riflar keltirildi. Bugungi kunda esa bu muammoning "propozitsiya (obyektiv mazmun, hukm) ni to'g'ri tushunilishiga xizmat qiluvchi nutq ishtirokchilarini orasidagi "bilishning umumiylar fondi", "oldindan bilishning jami'" kabi talqini keng qo'llanilmoxda [10]. Umuman olganda, mazkur termin orqali zohiriylar ma'no ostidagi muayyan lisoniy vositalar yordamida namoyon bo'luvchi botiniy, qo'shimcha ma'noni tushunishimiz mumkin va kontekst, nutq vaziyati, nutq egalariga oldindan ma'lum bo'lgan bilimlar hamda ularning til ko'nikmalari bu ma'noning voqealanishidagi asosiy elementlardir.

Tadqiqot metodologiyasi. Shunisi xarakterlikki, mazkur hodisa gap semantik tuzilishining murakkablashuvi va yashirin mazmunning reallashuviga olib keldi. Chunonchi, muloqot jarayonida so'zlovchi nutqiy ta'sirchanlik yoki shakliy tejamlilikka erishish maqsadida har doim ham fikrni to'liq ifodalaymaydi. Buning natijasida gapda bevosita ifodalangan propozitsiyaga nisbatan zidlanish va shakliy-mazmuniy nomuvofiqlik yuzaga keladi. Masalan, "*darsga faqat Olim keldi*" gapida *faqat* yuklamasi orqali "*boshqa o'quvchilar kelmadи*" yoki "*golganlar kelmadи*" presuppozitsiyasi yashirin tarzda ifodalanadi. Ammo

tilshunoslar e'tiroficha "presuppozitsiya matnni semantik murakkablashtiradi. Bunday vaqtida ayrim so'z yoki grammatic shakl orqali ifodalangan propozitsiya o'zining eng ixcham shakliga ega bo'ladi. So'zlovchi va tinglovchi uchun uning tushunarli bo'lishida presuppozitsiya yordamga keladi" [11]. Ushbu fikrni ma'qullagan N. Mahkamov ham "presuppozitsiya orqali axborot muayyan lingvistik birliklarning ishorasi bilan implisit ifodalansa-da, nutq egalarini tomonidan hech qanday qiyinchiliklarsiz anglashiladi", - deya ta'kidlaydi. Demak, tilda ma'lum bir presuppozitsion signalr yoki ishora vositalarining mavjudligi ushbu pragmatik hodisaning o'ziga xos xususiyatlardan biridir. Bunday signalr barcha tillarda mavjud bo'lib, ular asosida presuppozitsiya bir necha turlarga bo'lib o'rganiladi.

Tahlid va natijalar. Ingliz tilida ko'plab bahsmunozaralarga sabab bo'lgan **presupposition triggers** (presuppozitsiyaga ishora qiluvchi vositalar) Keenan (1971), Karttunen (1983), Levinson (1983), Yule (1996) va boshqalar tomonidan maxsus o'rganilgan. Binobarin, Karttunnen tasnifi bo'yicha 31 ta presuppozitsion signalr aniqlangan bo'lsa, Keenan "mantiqiy presuppozitsiya" nomi ostida 9 ta vositanini ajratib ko'rsatadi. Karttunnen ishi asosida Levinson ham o'zining 13 xildagi presuppozitsiyani tashqi signalrini taklif etadi, ya'ni: *definite descriptions (the definite article or a possessive), factive verbs (know, realize, regret...), implicative verbs (manage, forget, avoid...), iteratives (again, anymore, return...), change of state verbs (stop, begin, continue...), verbs of judging (praise, accuse, criticize...), temporal clauses (before, while, since...), cleft sentences (It is/wasn't...that/who...), implicit clefts with stressed constituents, comparisons and contrasts (too, back, in return, comparative constructions...), non-restrictive relative clauses (who, which, when, where...), counterfactual conditionals (if conditions contrary to facts), questions (alternative, rhetorical questions, wh-questions)*[12]. Biroq mashhur ingliz lingvisti G. Yule ularni umumlashtirgan holda 6 ta guruhga ajratadi va ushbu klassifikatsiya bugungi kunda pragmatik lingvistikada presuppozitsionsignallarga xos asosiy hodisa sanaladi. Quyidagi jadval orqali mazkur turlarni ko'rib chiqishimiz mumkin:


Jadval 1

Presuppozitsiya turi	Izohi	Misol	Ifodalangan presuppozitsiya
Existential (Ekzistensional)	So'zlovchi yetkazilayotgan propozitsiya orqali nomi keltirilgan obyektlarning mavjudligiga ishonadi	Mary's sister is naughty	>> Mary has a sister
Factive (Faktiv)	"know", "realize", "be aware", "regret" kabi fe'llar orqali propozitsiya fakt sifatida qaraladi	He regrets lying him	>> He lied him
Lexical (Leksik)	Bitta so'zni qo'llash orqali so'zlovchi boshqa ma'noni anglatishga harakat qiladi	They stopped smoking	>> They used to smoke
Structural (Struktural)	Muayyan strukturani qo'llash orqali anglashiladigan qo'shimcha ma'no	Where did she go?	>> She went
Non-factive (Faktiv bo'limgan)	Aslida haqiqat bo'limgan propozitsiya	She pretends to be good	>> She is not good
Counter-factual (kontrafaktual)	Taxmin qilinayotgan ma'no nafaqat haqiqat emas, balki faktga ham ziddir	If he had been there, they would have stopped quarreling	>> He was not there
>> presuppozitsiyani anglatadi			

Ishda ingliz yuridik diskursi presuppozitsion tahlili G. Yule tasnifiga binoan amalgalashirildi.

Existential presuppositions in English legal discourse (Ingliz yuridik diskursida ekzistensional presuppozitsiya). B. Russellning “Theory of Descriptions” deb nomlangan mantiqiy nazariyasiga “o’zida ba’zi fundamental xatoliklarni mujassam etgan” deb tanqidiy fikr bildirgan taniqli ingliz faylasufi P. Stroson *singular demonstratives (birlikdagi ko’rsatish olmoshlari), proper names (atoqli otlar), singular personal & impersonal pronouns (kishilik & shaxsiz olmoshlari) va definite noun phrases (aniq oqli birikmalar)* ni “asosiy referentlar” sifatida ko’rsatadi [13]. G. Yule esa bu turdaki implisit ma’no nafaqat **possessive constructions** (egalik konstruksiyalari), balki ko’pincha **definite noun phrases** (aniq oqli birikmalar) yordamida reallashishini e’tirof etgan [14]. Kuzatishlarimiz natijasida ingliz yuridik diskursda odatda ma’lum bir ism yoki tavsifdan foydalanan orqali ko’rsatilgan yoki tavsiflangan obyektning mavjudligini nazarida tutuvchi bunday referentlar birliklarni juda ko’p qo’llanilishi aniqlandi. M.: **Mr. Katyal:** *Thank you, Mr. Chief Justice, and may it please the Court: McDonough’s Section 1983 suit claimed that Smith brought and maintained criminal proceedings against him based on fabricated evidence (Case 18-485, McDonough versus Smith).* Presuppozitsiyaning ekzistensional signallari bilan adresant adresatga juda ko’p axborot yetkazadi. Berilgan misolda “Chief Justice exists”, “the Court exists”, “McDonough has a Section 1983 suit” va

Diagramma 2



Demak, ingliz yuridik diskursida presuppozitsiya dolzarb pragmatik hodisa sifatida muayyan lingvistik vostilar asosida shakllanadi. Biroq mazkur diskursda presuppozitsiyaning barcha turlari ham keng

qo’llanilavermaydi. Binobarin, ingliz yuridik diskursida ekzistensional (tahminan 80%) va struktural (tahminan 65 %) presuppozitsiyalar juda sermahsul bo’lsa, qolgan turlar nisbatan kamroq ishlataladi.

ADABIYOTLAR

1. Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиций в лингвистике//Известия АНССР. -Сер. лит. и яз,1973. -Т.XXXII.-Вып. I.-C. 85-95.
2. Дейк Т.А. ван. Вопросы прагматики текста/ /Новое в зарубежной лингвистике: Лингвистика текста. -Вып.8. -М.: Прогресс,1978. —С. 259-336.
3. Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. М., 1981. С. 14
4. Hakimov M. Tagma’no va tagbilim xususida ba’zi mulohazalar // O’zbek tili va adabiyoti. – Toshkent, 2001. - № 1. - B. 30-34
5. Hakimov M. O’zbek pragmalingvistikasi asoslari. -Toshkent: “Akademnashr”, 2013. – 176 b.
6. Keenan, E.L. “Two kinds of presuppositions in natural language,” in Fillmore, C.J. and D.T. Langendoen (eds.) Studies in Linguistic Semantics, 1971. -P. 45-54.
7. Karttunen, L. Presuppositional phenomena. Mimeo. Department of Linguistics, University of Texas, Austin. In Levinson, S. C. (ed.), Pragmatics (pp. 181-184). Cambridge: Cambridge University Press, 1983.
8. Karttunen, L. (2016). Presupposition: What went wrong? Proceedings of SALT 26, 2016. –P. 705–731
9. Levinson, S. C. (1983). Pragmatics. Cambridge: Cambridge University Press, 1983.
10. Mahkamov N. Lisoniy ortiqchalik va tejamlilik natijasida vujudga kelgan desemantizatsiya// O’zbek tili va adabiyoti. –T.- 2002. - №2. –B. 25.
11. Nurmonov A., Mahmudov N. va boshqalar. O’zbek tilining mazmuniy sintaksisi. –Toshkent: “Fan”, 1992. -296 b.
12. Падучева Е. В. Понятие презумпции в лингвистической семиотике// Семиотика и информатика. Вып.8. -М.,1977. - с.91-124.
13. Safarov Sh. Pragmalingvistika. –Toshkent, 2008. –318 b.
14. Strawson, P.F. (1950). On Referring. Mind, New Series, Vol. 59, No. 320-344 p. Stable URL: <http://links.jstor.org/sici=0026-4423%28195007%292%3A59%3A235%3C320%3AOR%3E2.0.CO%3B2-U>
15. Yule, G. Pragmatics. Oxford: Oxford University Press, 1996.

“Smith exists” degan qo’shimcha presuppozitsiyalar anglashiladi.

Ma’lumki, semantik jihatdan so’zlovchi egalik shakllarini qo’llash orqali obyekt hamda unga egalik qiluvchi shaxs o’rtasidagi munosabatga ishora qilib, uning egalik maqomini ko’rsatadi. Shunga ko’ra, B. Heine “existence as one of numerous event schemas or source domains from which possessive constructions are derived (mavjudlik egalik konstruksiyalari kelib chiqadigan ko’plab hodisa sxemalaridan yoki manba domenlaridan biri)”, -deb ta’kidlaydi [15]. Ko’rinadiki, egalik konstruksiyalari ham ekzistensional presuppozitsiya hosil qilishda faol hisoblanadi. Quyidagi yuridik nutqlar buning yorqin misoli bo’la oladi:

Mr Gompertz: *This treatment of a grieving family by the media is wholly unacceptable. As one member of the family puts it, and I quote, “We would like to see the media raise its game” (Hutton Inquiry). >>a grieving family has a treatment; >> the family has members; >>the media has a game.*

Mr. Justice Forbes: *Miss Davies made it clear that her criticisms of the pre-trial publicity were not limited to its sensational nature (Shipman Trial). >>Miss Davies has criticisms of the pre-trial publicity; >>the pre-trial publicity has sensational nature.*

Xulosa va takliflar: O’rganilgan materiallar tahliliga ko’ra ingliz yuridik diskursida uchraydigan ushu turlarni quyidagicha tasvirladik:



Sabrina JUMANOVA,

– teacher Department of practical disciplines № 2

Uzbek State World languages University, Tashkent, Uzbekistan

E-mail: jumanovasabrinav@gmail.com

Based on the review of Candidate of Philological Sciences, docent R.G. Karimov

JEYN OSTEN ROMANLARIDAGI FEMINISTIK MOTIVLAR

Annotatsiya

Ushbu maqola Jeyn Osten asarlaridagi feministik nuqtai nazarlarni umumiy o'rganishga qaratilgan. 19-asrning mashhur yozuvchisi sifatida Jeyn Osten o'z davridagi ayollarning haqiqatlarini ko'sratishga harakat qildi. Ostening barcha asarlaridagi umumiy mavzu yosh ayollarning nikohi va 19-asrda Angliyaning umumiy ijtimoiy sinf tuzilishini o'z ichiga oladi. Jeyn Osten noshir ayol yozuvchi bo'lib, o'z nomi bilan asarlar yozgan va ularda muhim feministik fazilat sifatida qaralishi mavjud. U o'quvchilarga ayollarning fikrlari, istaklari va xatti-harakatlariga bag'ishlangan oltita romanni sovg'a qildi.

Kalit so'zlar: Jeyn Osten, 19-asr adabiyoti, feminism, romantiklar, zulm.

ФЕМИНИСТСКИЕ МОТИВЫ В РОМАНАХ ДЖЕЙН ОСТЕН

Аннотация

Эта статья направлена на изучение феминистских взглядов в работах Джейн Остин в целом. Как знаменитая писательница XIX века Джейн Остин пытается показать реалии женщин своего времени. Общей темой во всех работах Остина являются браки молодых женщин и общая социальная классовая структура Англии в 19 веке. Джейн Остин была опубликованной женщиной-романисткой, которая писала под своим собственным именем, что можно рассматривать как важное феминистское качество. Она подарила читателям шесть романов о женщинах, сосредоточенных на их мыслях, желаниях и поведении.

Ключевые слова: Джейн Остин, литература XIX века, феминизм, романтика, угнетение.

FEMINIST MOTIVES IN JANE AUSTEN'S NOVELS

Abstract

This article aims to explore feminist viewpoints in Jane Austen's works in general. As a famous 19th Century novelist, Jane Austen tried to show the realities of women in her time. The common theme in all Austen's works includes the marriages of young women and the general social class structure of England in the 19th Century. Jane Austen was a published female novelist who wrote under her own name which can be seen as an important feminist quality. She gifted six novels to readers about women centred in the thoughts, desires and behaviours of them.

Key words: Jane Austen, 19th Century Literature, Feminism, romantics, oppression.

Introduction. The 19th Century has brought unused patterns to writing and is the foremost vital period in numerous nations as well as England's scholarly history. Eagleton claims that the present day sense of the word writing as it were really gets beneath way within the nineteenth century [5]. The common highlights of scholarly works within the 19th century were concerned with course refinement, industry, vote based system, craftsmanship and culture. The 19th Century opens with Sentimentalism, a development that spread all through Europe in response to 18th-century logic, and this century created itself with a design to respond against the emotional changes on people. According to romantics, the foremost critical include of a work is to specific the emotions. Agreeing to Moran, from presently on, a work is no more reflect but a window which is open through the soul of the craftsman.

Methods. It was, in reality, as it were with what we presently call the Sentimental period that our claim definitions of writing started to create. Another vital essayist of the 19th century in Britain is Jane Austen. Concurring to Burgess, Austen is the primary critical lady writer who appears the small world of the ordinary families [3]. Subsequently, ready to say that she makes a introduction of human circumstances. Austen can be portrayed as a practical, ethical and social pundit. We may say that by utilizing to some degree twisted circumstances and irritably clashing characters, Austen paints a full picture of the landed nobility and anticipates her

perusers to draw certain ethical conclusions. Austen's courageous women are autonomous ladies who share beliefs in a male-dominated society. In her books she communicates the women's activist sentiments of her time. In this manner, Austen makes associations with choice in marriage and the consistent female contemplations. Austen's courageous women are interesting ladies who attempt to stand up for themselves in a society which is an perfect of feminism. Although Women's liberation picked up notoriety within the moment half of the 20th Century, it is simple to say that the celebrated 19th Century lady writer Jane Austen was moreover a women's activist. Wilks states that in 1978 the Marxist-Feminist Writing Collective embraced Mary Wollstonecraft and Jane Austen as figures epitomising the women's activist and female motivations in women's composing [7]. Wilks also notices that the Marxist-Feminist Writing Collective exemplified how these two ladies scholars within the past had picked to concentrate their energies on get to the open circle of life or else. By common definition, woman's rights may be a reasoning in which ladies and their commitments are esteemed.

It is based on social, political and financial uniformity for ladies. Women's activists can be anybody within the populace, men, ladies, young ladies or boys. Women's liberation can moreover be depicted as a development or a transformation that incorporates ladies and men who wish the world to be rise to without boundaries. These boundaries or

bars are way better known as segregation and predispositions against sexual orientation, sexual introduction, age, conjugal status and financial status. Everybody sees the world with his or her claim sense of sex and balance. Women's activists see the world as being unequal. They wish to see the sex crevice and the thought that men are prevalent to ladies diminished or indeed annulled. DeLamotte states that Women's liberation has been one of the foremost imperative strengths in forming our modern-day society [5].

The dichotomy between "sense" and "sensibility" is one of the lenses through which this novel is most commonly analyzed. The distinction is most clearly symbolized by the psychological contrast between the novel's two chief characters, Elinor and Marianne Dashwood. According to this understanding, Elinor, the older sister, represents qualities of "sense": reason, restraint, social responsibility, and a clear-headed concern for the welfare of others. In contrast, Marianne, her younger sister, represents qualities of "sensibility": emotion, spontaneity, impulsiveness, and rapturous devotion. Whereas Elinor conceals her regard for Edward Ferrars, Marianne openly and unashamedly proclaims her passion for John Willoughby. Their different attitudes toward the men they love, and how to express that love, reflect their opposite temperaments. This dichotomy between "sense" and "sensibility" has cultural and historical resonances as well. Austen wrote this novel around the turn of the eighteenth century, on the cusp between two cultural movements: Classicism and Romanticism. Elinor represents the characteristics associated with eighteenth-century neoclassicism, including rationality, insight, judgment, moderation, and balance. She never loses sight of propriety, economic practicalities, and perspective, as when she reminds Marianne that their mother would not be able to afford a pet horse or that it is indecorous for her to go alone with Willoughby to Allenham. It was during the Classical period and its accompanying cultural Enlightenment that the novel first developed as a literary genre: thus, with the character of Elinor, Austen gestures toward her predecessors and acknowledges the influence of their legacy on her generation. In contrast, Marianne represents the qualities associated with the emerging "cult of sensibility," embracing romance, imagination, idealism, excess, and a dedication to the beauty of nature: Marianne weeps dramatically when her family must depart from "dear, dear Norland" and willingly offers a lock of her hair to her lover. Austen's characterization of Marianne reminds us that she was the contemporary of Wordsworth, Coleridge, and Walter Scott, the luminaries of the English Romantic literary scene. Austen's depiction of Elinor and Marianne thus reflects the changing literary landscape that served as a backdrop for her life as a writer.

Jane Austen, who may be a foundation of the 19th Century English writing, is clearly a evaluate of presumptions almost both sex and social lesson. Her convictions and behaviours are based on women's liberation (conviction within the social, political, and financial uniformity of the genders). Wilks states that woman's rights is evoked, as by Charlotte Bronte in Jane Eyre, basically to initiate our recognizable proof with the courageous woman in her enduring [7]. Austen investigates the profundity at which women may act in society and finds her possess boundaries within the 19th Century's Britain. Hence, the ideas of women's liberation frequently take after the subjects of course distinctions and boundaries. At the starting of the 19th century, small opportunity existed for ladies, as a result of this, numerous of them felt awkward when endeavoring to enter numerous parts of society.

The nonattendance of progressed instructive openings for ladies and their distance from nearly all areas of work gave them small choice in life. Austen's books were composed around the time of the early women's rights development

when ladies were beginning to think approximately break even with rights. She is a critical step within the advancement of the women's activist development. Austen was fundamentally saying that ladies are rise to men in each way. Austen's books appear that a few Victorian ladies were getting to be autonomously disapproved. Agreeing to Hohne , Women's activists more frequently see exchange as a shape of abuse, a war in which the party with the weakest and slightest bound together voice continuously loses [6]. Women's liberation has been a conspicuous and disputable subject in works. An imperative topic, parallel to woman's rights, in Austen's books is the endeavors of the champions to state their claim character inside a male-dominated society. Through her novel, Austen invalidates Victorian generalizations almost ladies, articulating what was for her time a radical women's activist reasoning. Austen criticizes the ladies in her books who need the highlights of rationale thought. The writer too criticizes uneducated ladies which could be a point of interest for women's activists. In Sense and Sensibility, for case, the character Lucy Steele is portrayed as 'ignorant and illiterate' [2]. In this novel Lucy is such a character that the readers dislike since she needs the instruction to form rationale choices. In Pride and Preference Mary Bennet is criticized by Austen. She appears more diligent than her other sisters. Mary in this novel accepts herself predominant to her sisters since of her perusing side interest, but this pastime has given her a untrue pride. In spite of the fact that Mary peruses a part she gotten insufficient instruction to create rationale choices. As a women's activist writer, Austen gives the message that all ladies ought to get formal instruction. Elinor Dashwood, Elizabeth Bennet and Anne Elliot are perfect ladies characters who can contribute to the society as a entirety. In Persuasion, Anne Elliot learns to form her claim choice which is a perfect of women's liberation. Through Elizabeth Bennet, for case, Austen appears the battle of a woman's capacity for insights and distinguishing herself. In Jane Austen's perspective the autonomy of her courageous women could be a fundamental component for the development of ladies inside society [1]. Austen's books are all approximately youthful ladies who discover genuine cherish after a few encounters. Her books conclusion with the heroine's marriage.

J. Austen is often cited by critics as an author whose books were far removed from the reality of her time - that they rarely reflected the state of war that Britain was in for most of her life or the social and political changes happening at a rapid pace. But this could not be further from the truth. Austen did reveal her beliefs, not just about domestic life and relationships, but about the wider political and social issues of the day. She did so warily and subtly, but with the understanding that her readers would know how to read between the lines and mine her books for meaning.

Austen's subtlety and coded language is due in large part to necessity. Austen lived in a world where the roles of women were so tightly controlled by men, that women writers had to tread ever so carefully. Austen was aware of what could and would happen if she stepped a foot into the seemingly "improper" - she had plenty of contemporary examples. The reputation of the feminist writer Mary Wollstonecraft had been destroyed after her death in 1797. Rumors circulated that Ann Radcliffe, the author of "The Mysteries of Udolpho"—Catherine Morland's favorite novel in "Northanger Abbey"—had gone insane. Cahrlotte Smith anticipated that some people would find the political commentary in her 1792 novel, "Desmond" disturbing coming from a woman. And she was proven right when Smith's defense of the principles of the French Revolution saw the novel rejected by her usual publishers and her place in society questioned. Even Maria Edgeworth, the most successful novelist of the period, was forced to rewrite her 1801 novel "Belinda" to remove a

marriage that critics thought morally dangerous because one character was white and the other black [2].

Conclusion. Austen's choice to type in books almost ladies within the 19th Century may be a fundamental component of the women's activist thought which developed

within the 20th Century. Her champions are people who are autonomous to think and who guard their claim choices. The novelist's characters are solid, free and brilliantly which women's liberation requires for ladies.

REFERENCES

1. Austen, J., (1988). Pride and Prejudice. Harmondsworth: Penguin.
2. Austen, J., (1992). Sense and Sensibility. Ramsbridge: Wordsworth Editions.
3. Burgess, A., (1984). English Literature. Essex, England: Longman Group.
4. Butler, M., (1990). Jane Austen and the War of Ideas Oxford: Clarendon.
5. DeLAMOTTE, Eugenia, C., (1990). Perils of the Night: A Feminist Study of Nineteenth-Century Gothic. Cary, NC, USA: Oxford University Press, Incorporated.
6. Hohne, K. (Ed.), (1994). Dialogue of Voices: Feminist Theory and Bakhtin.
7. Wilks, B., (1984). Jane Austen. London: Hamlyn.



Bibish JO`RAYEVA,

BuxDU filologiya fanlari doktori, professor

Nodira ASHUROVA,

Buxoro davlat universiteti magistranti

E-mail: nodiraashurova798@gmail.com

BuxDU f.f.doktori, professor Y.S.Saidov taqrizi asosida

RAGMATIC FEATURES OF UZBEK FOLK PAREMS FORMED ON THE BASIS OF "OT", WHICH ARE FOUND IN ARTISTIC WORKS

Annotation

This article discusses speech acts, which are an important tool in pragmatic analysis, and illustrates locutive, illocutive, and perlocutive acts with examples. The pragmatic features of Uzbek folk proverbs formed on the basis of the lexical spiritual group "Horse" are revealed on the basis of the text of the work of art. The implicative nature of proverbs, their pragmatic functions are proven.

Keywords: Pragmatics, speech act, locutive act, illocutive act, perlocutive act, imlitsit meaning, implicature, pragmatic function.

ПРАГМАТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ УЗБЕКСКИХ НАРОДНЫХ ПОСЛОВИЦ, СФОРМИРОВАННЫХ НА ОСНОВЕ ЛМГИ "ЛОШАДЬ", ВСТРЕЧАЮЩИХСЯ В ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ

Аннотация

В этой статье обсуждаются речевые акты, которые являются важным инструментом pragматического анализа, и иллюстрируются примерами локтивные, иллоктивные и перлоктивные акты. На основе текста художественного произведения раскрываются pragmaticальные особенности узбекских народных пословиц, образованных на основе лексической духовной группы «Конь». Доказывается импликативный характер пословиц, их pragmaticальные функции.

Ключевые слова: Прагматика, речевой акт, локтивный акт, иллоктивный акт, перлоктивный акт, значение имлицита, импликатура, pragmaticальная функция.

BADIIY ASARLARDA UCHRAYDIGAN "OT" LMGI ASOSIDA SHAKLLANGAN O'ZBEK XALQ PAREMALARINING PRAGMATIK XUSUSIYATLARI

Annotatsiya

Mazkur maqolada pragmatik tahlilda muhim vosita hisoblangan nutqiy aktlar haqida fikr bildirilib, lokutiv, illokutiv va perllokutiv aktlar misollar asosida yoritilgan. "Ot" lug`viy ma`noviy guruhi asosida shakllangan o'zbek xalq maqollarining pragmatik xususiyatlari badiiy asar matni asosida oshib berilgan. Maqollarning implikativ xususiyati, pragmatik funksiyalari oshib berilgan.

Kalit so`zlar: Pragmatika, nutqiy akt, lokutiv akt, illokutiv akt, perllokutiv akt, imlitsit ma`no, implikatura, pragmatik funksiya.

"Pragmatika" (yunoncha pragma - ish, harakat) aslida falsafiy tushuncha bo`lib, u Sokratdan oldingi davrlarda ham qo`llanishda bo`lgan va keyinchalik uni J. Lokk, E.Kant kabi faylasuflar Aristoteldan o`zlashtirganlar. Shu tariqa falsasada pragmatizm oqimi yuzaga kelgan. Bu oqimming asosiy taraqqiyot davri XIX-XX asrlardir. Ayniqsa, XX asrning 20-30 yillarda pragmatizm g`oyalarining keng targibi aniq sezila boshladi. Amerika va Yevropada bu targ`ibotning keng yoyilishida Ch.Pirs, R.Karnap, Ch.Morris, L.Vitgenshteyn kabilarning xizmatlarini alohida qayd etmoq kerak [1]. XX asrning ikkinchi yarmidan boshlab tilshunoslikka antroposentrik nuqtai nazaridan yondashish boshlangandan so`ng, pragmalingvistik tadqiqodlarda inson omilini birinchi o`ringa qo`yib ish yuritish muhim masalaga aylandi. Pragmalingvistik tahlilda nutqiy aktlar alohida o`ringa ega. Nutqiy akt muloqotchilarining o`zaro ijtimoiy munosabatlari asosida shakllanadi. Nutqiy muloqot davomida so`zlovchi (adresant), tinglovchi(adresat) va nutq vaziyati ta`sirida nutqiy akt paydo bo`ladi. Nutqiy aktga xos asosiy belgilardan biri uning yashirin tarzda ifodalanishidir. Nutqiy akt so`zlovchinga aniq vaziyatda, konkret maqsad, intensiyada tinglovchiga munosabatidir. Bu munosabat darak, xabar, so`roq, inkor, his- hayajon, hurmat, iltimos, qo`rqitish, tajovuz qilish, ruxsat berish, nasihat qilish, maslahat, ogohlantirish, tavsiya, undash, haddi sig`ish, yo`l- yo`riq ko`rsatish kabi turli mazmundagi nutqiy harakatlardan iborat bo`lishi mumkin.

So`zlovchi muloqotga kirishar ekan, "Hozir men senga tahdid qilaman", "Hozir men seni qo`rqitaman", "Men mazkur nutqim orqali sizni haqorat qilyapman", "Sizni hurmat qilyapman, sizni kalaka qilyapman", "Sizga va'da beryapman" kabi ifoda shakllaridan oshkora foydalanmaydilar. Nutqiy aktlarga xos bunday mazmuniy va lug`aviy strukturalar faqat muloqot chog`ida nutq yoki matn mazmunida anglashiladi [2]. Pragmalingvistikada so`zlovchi va tinglovchi, nutqiy vaziyat va muhit, muloqot odobi, ifoda etilayotgan fikrning yashirin (implitsit) va oshkora(eksplitsit) ma`nolari, nutqiy akt kabilar asosiy tushuncha sanaladi.

Jahon tilshunoslida nutqiy aktlar dastlab J.Ostin tomonidan lokutiv, illokutiv, perllokutiv kabi guruhlarga ajratilgan. Bugungi kunda ham ko`plab pragmalingvistlar tomonidan e'tirof etilib, tadqiqotlarning asosini tashkil etmoqda. Ma'lum tilning grammatik va sintaktik qoidalarini asosida gap yoki matning talaffuz jarayoni lokutiv akt sanaladi [2]. Lokutiv akt talaffuz etilmas ekan, nutqiy bosqichga ko`tarilmas ekan lokutiv harakat yuzaga kelmaydi. Masalan, "ot aylanib qozig`ini topadi", maqoli qog`ozda qolib ketsa lokutsiya yo`q. Ammo boshqa gaplar singari ushbu maqol ham o`z-o`zidan tuzilmaydi, talaffuz qilinmaydi, ularda qandaydir aniq maqsad yashiringan bo`ladi. Ushbu maqsad va niyatning voqelanishi illokutiv akt sanaladi. Illokutiv aktlar so`zlovchi niyatining lokutiv aktlar orqali ifodalanishidir [2]. Masalan, yuqoridaq maqolni talaffuz etish natijasida

so`zlovchi biror sabab bilan arazlab, xafa bo`lib, kelisholmay, norozi bo`lib, biror ayb qilib, o`z yurtidan, oilasidan yo ish joyidan boshqa yerlarga ketib qolgan odam bir kunmas bir kun qaytib keladi, yana o`z tug`ilib-o`sgan joyida, o`z ishida muqim topib, tinib tinchib turg`un bo`lib ketadi, degan kommunikativ niyatda suhbatdoshiga murojaat qilyapti. Badiiy asar parchasida ushbu maqsad yanada yaqqolroq namoyon bo`lgan: "Ot aylanib qozig`ini topadi, deganlar. Tug`ilgan yer, el-yurtni unutish osonmi? Kelganingga biz ham, ota-bobolaringning arvohi ham xursand; girmanni yengib, tinchlik bo`lsa, sen ham uy-joy qilarsan, bola-chaqali bo`larsan" — deyishardi keksalar. Ular Doniyorning yetti pushtini surishtirib, uning qaysi urug`dan ekanligini, ovuldagi ba`zi bir tug`ishganlarining kimligini ham aytib berishdi. Xullas, ovuldagilar: "Doniyor dunyoga yangi kelgandek bo`di", deyishadigan bo`lishdi. (Chingiz Aytmatov. Tanlangan asarlar).

Har qanday muloqot harakati natijaviy (oxirgi) maqsadni ko`zlab bajarilishi ma'lum. Bu maqsadga erishish uchun so`zlovchining nutqi tinglovchiga ta'sir o`tkazmog`i darkor. Nutqiy faoliyatning ta'sir o`tkazish bosqichi perlolutiv akt nomini olgan. Biz "ot aylanib qozig`ini topadi" maqoli talaffuzining natijasini tinglovchi ushbu nutqiy harakatni biz istagan maqsadda (masalan, tinglovchi tug`ilgan yerni tashlab ketish oson emasligini eshitib, qaytib el-yurtni tashlab ketmaslikka qaror qilganligida) ko`ramiz. Demak, perlolutsiya tinglovchi ongiga, his-tuyg`ulariga va xatti-harakatiga ta'sir o`tkazish harakatidir. Perlolutiv akt nutqiy ta'sir etish akti deb ham yuritiladi. Perlolutiv akt ushunchasi so`zlovchi va tinglovchi o`rtasidagi o`zaro kommunikativ munosabat natijadorligi bilan belgilanadi. Nutqiy ta'sir etish aktida so`zlovchi qaysidir sintaktik birlıklar yoki nutqni talaffuz qilish orgali tinglovchilar his-tuyg`usi, fikri va harakatiga ta'sir ko`rsatadi [2,146].

Hozirgi bosqichda maqollar majmuasini ilmiy o`rganishga katta ahamiyat berilmoqda. Maqollar faqat til materiallaridangina yaratilgan emas, balki tilning beqiyos qudrati tufayli vujudga kelgandir. Bu holat nutqda keng qo`llanilib kelinayogan maqollarni yanada chuqur ilmiy tadqiq etishni talab qiladi [3,10]. Maqollar mazmunan gapga teng keladi, shuning uchun maqollarni nuqtda qo`llash nutqiy aktni yuzaga chiqaradi. Maqol yordamida so`zlovchi fikrini ixcham, asosli, obrazli va ta`sirchan shaklda ifoda etadi, bu esa illokutiv maqsad va niyatning "o`z egasi"ga yetib borishini osonlashtiradi hamda perlolutiv akt bosqichi ham tez sodir bo`ladi. Chunki maqol vositasida ifodalangan fikrni tilning hech bir vositasi almashtira olmaydi yoki maqol darajasida asoslab berolmaydi. Shu bois nutqda qo`llanilgan maqol adresat (tinglovchi)ga kuchli ta'sir qiladi, biror- bir perlolutiv natijaga erishishga sabab bo`ladi. Nutqiy parchalarni tahlil qilishda implikatura muhim sanaladi. Implikatura – nutqda aynan talaffuz qilinmaydigan, o`zgaruvchan, ya`ni muhim bo`lmagan, kontekstda reallashadigan, lug`aviy ma`nodan tashqari qo`shimcha ma`noga ishora qiluvchi ifodaning yashirin ko`rinishidir [5,16]. Implikativ mazmunning umumiyashirin shakllariga xos matnlar tarkibiga matal, ibora, maqol, topishmoq kabilar kiritilib[6:40], ularda ifodalangan implitsit (yashirin ma`no) ko`rinishlari farosatli va zukko tinglovchilarning barchasi uchun aniq bo`lishi bilan ajralib turadi. Maqolada ham badiiy asarlarda uchraydigan "ot" LMGiga asoslangan o`zbek xalq paremalarining pragmatik xususiyatlarini ko`rib chiqildi.

Ot-te dek-muzdek qilib, ikki-uch bossangiz, o`rniga kelib qoladi. Ot tepkisini ot ko`taradi. Xudo uchun kechirib qo`ya qoling, xolang o`rgulsun. Kechirimli bo`ling degan Hazrat payg`ambarimiz. Ming qilganda ham siz bilan biz bozorda turamiz-da... Shunday bo`lgach siz bilan biz mezbon hukmidamiz. Mehmon akam kayf ustida bir ezmalık qildi-da, deb qo`yaqolasiz-da, qoqindiq. (E.Malik.Tanlangan asarlar).

Implikatura: do`stlar bir-birlarining qora-qurum gaplarini, hazil-huzul harakatlari ko`tarishlari kerak. Siz nima bo`lganda ham kechirishingiz lozim. Illokutiv maqsad: vaziyatdan chiqish. Pragmatik funksiya: kechirim so`rash.

Oysara, bechora Oysara opam, o`z g`ami o`ziga yetmagandek, mening qo`ltig`imga kirdi. "Xursand bo`ling, jon singlim! O`g`lingiz tirik ekan, shunga shukr qiling. Ot aylanib qozig`ini topadi. Bir kuni sizni o`zi topib keladi..."

(O'. Hoshimov. "Ikki eshik orasi", 413-bet). Implikatura: ko`p ham siqilavermang, o`g`lingiz, albatta, qaytib keladi. Illokutiv maqsad: tasalli berish. Pragmatik funksiya: yupatish.

Hamdamning taklifini o`ylab ko`rishga ulgurmay depara ichki ishlar bo`limi boshlig`i kapitan Mirsultonov kirib keldi: — Ot aylanib qozig`ini toparkan. Bizdan qutolib bo`psiz! — u shunday deb Zohid bilan qo`shqo`llab ko`rishi. — Yaxshi, yaxshi. Ishni o`zimizdan boshlaganingiz, yaxshi bo`libdi. Qiynalmaysiz. Mana, bu yoqda biz bor. Borib ko`rgandirsiz? Nima qilmoqchisiz?

-Hali tayin bir xulosaga kelganim yo`q.

-Bu ko`p o`yaydigani ish emas. Qamoqqa olish haqida sanktsiya beravering. (Tohir Malik. "Shaytanat". 1-kitob, 26-bet). Implikatura: bizdan hech qachon qutulolmaysiz. Illokutiv maqsad: jinoyatchimi jazolash, hibsga olish. Pragmatik funksiya: ruxsat berish.

Ot bosgan yerni toy bosar. O`rtoqlar, vaziyatning nechog`liq muhim ekanligi hammaga ma'lum. Ot bosgan yerni toy bosar, o`smirlarimiz, qiz-kelinlarimiz, qolaversa, yoshi ulug`larimiz jag`dayiga qarab ish qilsin. Shu vajdan bugun har kim dilida borini o`rtaga to`kib solsin. (To`ra Sulaymon. "Qorasoch", 8-bet). Implikatura: ota – bobolarimiz azaldan bir- biriga yordam qo`lini cho`zgan, siz ham shunday qilishingiz, ularga munosib bo`lishingiz darkor. Illokutiv maqsad: yoshlarni tartibga chaqirish. Pragmatik funksiya: nasihat qilish.

Oziqlik ot horimas. Ovqatdan so`ng, maza qilib kerishib oldik. Tuxum, so`k, qurtlarni mening belbog`imga tugib oldik. Omon: – Oziqlik ot horimas, qolgan zog`orani ham ro`molga tugib qo`y, – dedi. Qovun bilan tugunchani men, tarvuzni Omon ko`tarib oldi. (G`. G`ulom. "Shum bola", 22-bet). Implikatura: ovqatni g`amlasak, zarar qilmaydi. Illokutiv maqsad: yo`lda och qolib ketmaslik. Pragmatik funksiya: maslahat.

Otdan tushsa ham, egardan tushmaydi. Omon churq etmay borar edi. Oramizdagagi janjal puch yong`oqqa arzimaydigan bo`lsa ham har ikkalamizdagagi o`jarlik o`zimizga yetarli edi: qaytib keleshiga u or qilar edi, men bo`lsam, otdan tushsam ham, egardan tushmas edim. Men kimman, axir. Omon qo`sqiga bo`ysunib ketaveramanmi! (G`. G`ulom. "Shum bola" 92-bet). Implikatura: Omonga hech qachon yalinmayman. Illokutiv maqsad: Omonga oriyatli bola ekanligini, buysinmasligini ko`rsatib qo`yish. Pragmatik funksiya: qaysarlik, bosh tortish.

Ajab bo`pti,-deb kuldil Bodom.-Vaqtida o`qing edi, sandiraklab, ov deb, ko`pkari deb yurmasdan. Ayb o`zingizda. Endi, ayb bizdami, boshqadami, o`tgan ish o`tdi.

Xo`sh, nima ish qilasiz endi?

Hozircha bekorchilik...

Podachi bo`ling.Qo`y boqing... Nimasi yomon?

E, siz ham gapisrasiz-da.

Otdan tushsangiz ham, egardan tushmang. (Sh.Xolmirzayev. "Arpali qishlog`ida", 52-bet). Implikatura: Shuncha sizga maslahat bergenim bilan baribir o`z bilganiningizdan qolmaysiz. Illokutiv maqsad: suhbatdoshining qandaydir ish bilan band bo`lishini istashi. Pragmatik funksiya: yo`l- yo`riq ko`rsatish.

Ot bo`l, it bo`lma. – O`n tanga, hech bo`limganda, sakiz tanga olarsiz, – dedi Qori Ishkamba. – Qori aka! – dedi Arbob jiddiy ohangda, – muomalada ot bo`ling, it bo`lmang!

Otlar o`zaro kelishgandan – hingillashgandan keyin " u ko`p yedi, men oz yedim " deb qayg urib o'tirmaydi. Birisi yem yeya bersa, ikkinchisi uning bo`ynini o`pib, qashib turadi, ammo itlar qancha inoq bo`lsalar ham ko`zlariga biror suyak ko`ringan hamon darrov do`stlikni unutib, bir-birlari bilan olishadilar-talashadilar va urishadilar. (S. Ayniy. "Sudxo`rning o`limi", 103-bet). Implikatura: ko`p meni savolga tutavermand, mening cho`ntagim bilan ishingiz bo`lmasin. Illokutiv maqsad: tartibga chaqirish. Pragmatik funksiya: tanbeh berish.

Ot topadi, eshak yeysi. - Ha? - dedi ammam yo`g`on tovushda. – To`rvasini yo`qotgan gadoydek talmovsirab qopsiz, kelinposhsha?!

-Yo`q, opa, o`zim... – Oyim chaynalib qoldi. – Ziragim o`igurning bir poyi tushib qopti...

-Qo`ying, opajon, - oyim uning yelkasiga ohista kaftini qo`ydi.–Yuring uyg`a, hali zamon ukangiz kelib qoladilar.

-O`zi shunaqa bo`ladi, - dedi ammam yerdan bosh ko`tarmay.–Ot topadi, eshak yeysi! (O'. Hoshimov. "Nurli

dunyo", 116-bet). Implikatura: Mehnati, mashaqqati, azobini birov tortib, rohatini boshqa kishi ko`radi. Illokutiv maqsad: o`z qarindoshining mehnatini ko`z- ko`z qilish. Pragmatik funksiya: jahil qilish.

Xulosa va takliflar. Nutqda voqelanadigan birgina maqolda nutqiy aktning uch bosqichi amalga oshadi. Ulardagi lokutiv harakat uzoq davom etadi, illokutiv va perlokutiv aktlar esa tez va ta`sirchan xususiyatga ega bo`lib, boshqa lisoniy birlikkaldan tubdan farq qiladi. Maqollarini kerakli joyida ishlata bilish, nutqni yanada aniq va ta`sirchan qiladi. Maqollar o`zida juda ko`p pragmatik funksiyalarini qamrab olgan ekan, ularni alohida tarmoq sifatida o`rganish maqsadga muvofiqdir. Pareopragmatika, pragmaparema singari yangi tarmoqlar vujudga kelsa, maqollarining pragmalingvistik xususiyatlardan ko`pchilik xabardor bo`ladi. Bu esa asrlar silsilasidan o`tib, zamonalrararo ko`prik vazifasini o`tab kelayotgan maqollarimizning turli- tuman xususiyatlarini aniqlashga yordam beradi.

ADABIYOTLAR

1. Safarov SH. Pragmalingvistika. Monografiya. –Toshkent. 2008 yil. –41 b.
2. Hakimov M., Gaziyeva M. Pragmalingvistika asoslari. –Farg`ona, "Classic". 2020 yil, –420.
1. Jo`rayeva B.M. O`zbek xalq maqollari shakllanishining lingvistik asoslari. –Toshkent: "Akademnashr", 2019. –224 b.
3. Kazakova N. A. G`afur G`ulom nasriy asarlarining pragmalingvistik tadqiqi: filol. fan. nomz...diss. – Namangan, 2019.
4. Minniqulov. I.U. Ingliz va o`zbek tillarida shart munosabatlарini ifodolovchi til birliklarining pragmatik aspekti (shart gaplar misolida): filol.fanlai bo`yicha falsafa doktori (PhD) diss...avtoref. – Toshkent, 2020. – 16b.
5. Primov A., Qodirova X. Tilshunoslikning dolzarb muammolari. O`quv-uslubiy qo`llanma. – Toshkent, "Adabiyot uchqunlari". 2019, 40-bet.
2. Tosheva D.A., Xolmanova Z. Zoonim komponentli paremalarning izohli lug`ati: –Toshkent, 2016. –360 b.
3. Jo`rayeva B. Maqolning yondosh hodisalarga munosabati va ma`noviy xususiyatlari. – Toshkent: Fan, 2007.
4. Jo`rayeva B. O`zbek xalq maqollarining qisqacha sinonimik lug`ati. –Toshkent: "Fan", 2016. –96 b.
5. Hakimov M. O`zbek tilida matnning pragmatik talqini: Filol. fanlari d-ri ... diss. -Toshkent, 2001. – 265 b.



УДК 82.09(575.1):37.013.21(09)

Dilfuz ZARIPOVA,

TIQXMMIMTU Buxoro tabiiy resurslarni

boshqarish institute o'qituvchisi

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

E-mail:dilfuzda8110@mail.ru

Tel:91/415 82 64

BuxDU katta o'qituvchisi, f.f.d. R. Z. Rajabova taqrizi asosida

ARTISTIC INTERPRETATION OF LANGUAGE ETIQUETTE IN DIDACTIC WORKS OF XI CENTURY PERSIAN-TAJIK AND TURKISH LITERATURE

Abstract

The article is devoted to the analysis of the ethics of truthfulness in the educational and didactic works of our classical literature, such as "Kutadgu bilig" by Yusuf Khos Khojib, "Hibat ul hakoyik" by Ahmad Yughnaki, as well as "Kobusnama" by Kaikovus. It compares the artistic style and originality of each author. In addition, the use of proverbs and other artistic means is analyzed.

Key words: Didactics, didactic literature, ethics of truthfulness, knowledge, kindness, enlightened person, proverbs, art style.

ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ЯЗЫКОВОГО ЭТИКЕТА В ДИДАКТИЧЕСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ТУРЕЦКОЙ И ПЕРСИДСКО-ТАДЖИКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ XI ВЕКА.

Аннотация

Статья посвящена анализу по этике правдивости в учебно-дидактических трудах нашей классической литературы, таких как "Кутадгу билиг" Юсуфа Хос Ходжиба, "Хибат уль хакойик" Ахмада Югнаки, а также "Кобуснома" Кайковуса. Здесь сравнивается художественный стиль и своеобразность каждого автора. Кроме того анализируется использование пословиц и других художественных средств.

Ключевые слова: Дидактика, дидактическая литература, этика правдивости, знание доброты, просветленный человек, пословицы, художественный стиль.

XI АСР ФОРС-ТОЖИК ВА ТУРКИЙ АДАБИЁТИ ДИДАКТИК АСАРЛАРИДА ТИЛ ОДОБИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ

Аннотация

Мақолада Юсуф Хос Ҳожибининг "Қутадғу билиг", Ахмад Юғнакийнинг "Ҳибат ул-ҳақойик", Кайковуснинг "Қобуснома" асарларидаги тил одоби ҳақидаги қарашлари киёсий таҳлил қилинган. Бунда ёзувчиликнинг бадиий маҳорати, услуби, ўзига хос ижоди киёсан тил одоби ҳақидаги қарашлар орқали очиб берилган. Уч адаб ижодида мақолларнинг ўрни ҳакида ҳам назарий хулосалар берилди, бадиий тасвир воситаларининг кўлланилиши таҳлил қилиниб, уч ижодкорнинг сўз кўллашдаги маҳорати киёсан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Дидактика, дидактическая литература, этика правдивости, знание доброты, просветленный человек, пословицы, художественный стиль.

Кириш. Дунё адабиётшунослигида дидактика масалалари, хусусан, дидактик асарлар ва унинг эволюцион тараққиёти, Шарқ мумтоз адабиётига дидактиканинг кириб келиши, муайян асарлардаги мазмун ва ғоя уйғуларини тадқиқ этиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Адабий ҳодисаларни тўлалигича типологик ўрганиш масаласи ва бадиий адабиётнинг ривожланиш конуниятларини очиш В.Жирмунский, А.Скафтилов, Б.Путилов каби олимларнинг тадқиқотларида илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилди. Уларнинг қарашларида киёсий-типологик таҳлилнинг бир кўриниши бўлмиш спиралсимон типологик алоқалар у ёки бу адабий ҳодисанинг турли ҳалклар адабиётида юзага келиши ва ривожланиш қонуниятлари кўрсатилади. Уч асарнинг деярли бир даврда панднома жанрида яратилгани, бу асарлар мазмунида бир-бирига яқинлик мавжудлиги уларни ўзаро қиёсий-типологик ўрганиш имконини беради.

Юсуф Хос Ҳожибининг "Қутадғу билиг", Ахмад Юғнакийнинг "Ҳибат ул-ҳақойик", Кайковуснинг "Қобуснома" асарларидаги тил одоби ҳақидаги қарашлар киёсий таҳлил қилинганда, уларда гоявий муштараклик

мавжудлиги кўринади. Бу асарларни тил одоби ҳақидаги қарашлар ифодаси нуктаи назаридан киёсий таҳлил килиш натижасида "Қутадғу билиг" асарининг "Ҳибат ул-ҳақойик"га таъсири ҳамда туркий ва форсий адабиётларнинг ўзаро мустаҳкам алоқаси борлиги аникланди.

Асосий қисм: "Қутадғу билиг"да:

178 "Эки нэн билэ эр қарымаз өзи,

Бир эдгу кылъинчы бир эдгу сөзи". [2,89]

(Киши икки нарса туфайли қаримайди: Бири – эзгу хулқи, бири – эзгу сўзи). "Ҳибат ул-ҳақойик" асарида Юғнакий киши икки нарсани тарк этмаса, унга яхшиликлар йўли ёпилишини таъкидлайди:

"Икки ненг биринча бир эрди қоли,

Буқанди ул эрга мурувват йўли". [3,50]

(Ким икки нарсадан эмасdir холи, ёпилгандир унга мурувват йўли). Шоир мурувват йўлини тўсадиган иллатларнинг нималар эканини кейинги байтда баён килади:

"Бир ул янгшар эрса кераксиз сўзин,

Иккинчи ялғон эрса ул эрнинг тили". [3,50].

(Бириси – бехуда вайсаса тинмай, бириси – кўп ёлғон сўзласа тили). Тилимизда неча асрлардан бўён ишлатилиб келадиган салбий бўёққа эга “яңгашамоқ” сўзи байтнинг таъсиричанигини кескин оширган. Тил одоби хақидаги пандларини баён этишда Юсуф Хос Ҳожиб ижобий маънодаги, Аҳмад Югнакий эса салбий маънодаги сўзлардан моҳирона фойдаланишган. Кайковус эса “Қобуснома”да ёзди: “...сўз ҳам тўрт навдур: бири, билинмайтургон ва айтилмайтургон; иккинчиси айтилатургон ва билинатургон; уччинчиси, ҳам билинатургон ва ҳам билишга заруратсиз, аммо айтса бўлатургон; тўртинчиси, билинатургон ва айтилмайтургон. Аммо айтилмайтургон ва билинмайтургон ундоқ сўздирки, дунёнинг салохи унга боғлиқдир. Ул сўздин айтигувчига ҳам эшитувчига ҳам кўп наф етар. Аммо билинатурғон бирор айтилмайтурғон ундоқ сўздирким, бир мухташам одамнинг айби сенга маълум бўлар. Лекин ақл тариқидин хаёлағ келсанг, уни айтмоқ бешармликдур. Чунки яйтсанг, ул мухташамнинг қаҳри ё у дўстнинг озори сенда ҳосил бўлур, ёхуд ўз бошинга улуг шўриш ва ғаво пайдо қилурсан. Шул важдин ҳам бул сўз билинатурғон, аммо айтилмайтурғон сўздир. Бу сўзларнинг яхшироғи ҳам билинатурғон ва айтилатурғон сўздор”[4,50]. Асарнинг бундай ифодаси китобхонни кизиктириб кўяди, уни ўгит маъносини чакишга ундиади.

“Кутадғу билиг”да сўзнинг кадри олтин, кумушдан баланд экани ўзига хос йўсинда тасвирланади:

185 “Кумуш қалса алтун мэниндин сэнэ,
Аны тутмагыл сэн бу сөзкә тэн-э” [2].

(Мендан сенга кумуш, олтин колса, уларни сен сўзга тенг тутмагин). Сўзни олтину кумушдан баланд тутган одамгина комиллик йўлига киради. Шоир фикр айтибина қолмай, уни асослайди ҳам:

186 “Кумуш ишқа тутса тутғар алқынур,
Сөзум ишқа тутса кумуш қазғанур”[2].

(Кумушни ишга солсанг, тугайди, олқинади, сўзимни ишга тутсанг, сен учун кумуш қозонади). Чиндан ҳам, ақл билан сўзлайдиган доно одам кумуш ва олтин топа олади. Кўринадики, Юсуф Хос Ҳожиб яхши сўзни кумуш ва олтindan юкори кўйган бўлса, Югнакий “Хибат ул-ҳақойик”да ёмон ва ёлғон сўзни сассик пиёзга ўҳшатиб, бетакрор поэтик эффект яратади:

“Кўни сўз асалтек бу ялғон басал,
Басал еб ачитма ағиз е асал”[3,51].

(Ёлғон – сассик пиёз, тўғри сўз – асал, пиёз еб сасима, бол е ҳар маҳал). Сўзларнинг тарди акс тарзида қайтарилиб кўлланиши маънони таъкидлаш ва кучайтириш, мазмунни бўрттиришгагина хизмат килиб қолмай, балки ифоданинг таъсиричанини кескин оширган ҳам. Тарди аксни маънавий санъатларга яқинлаштирилиб, фақат шакл эмас, балки мазмун кўркамлигига ҳам хизмат килиши мумкинлигини тасдиқлайди. “Хибат ул-ҳақойик”да ишлатилган тарди акс санъати адабиётшунос Ваҳоб Раҳмонов фикрлари билан айтганда, ”...текст маъносини кучайтириш: қарама-қарши маънавий вазият яратиш: аввалги фикрга сезидирмай қайтиш процессида мулоҳазага зилзила ташлаш ва мушоҳадани сезгилаштириш каби мухим вазифаларни бажаради”[5]

“Ёлғон сўз йигтек кўни сўз шифо,
Бу бир сўз ўзаги урулмиш масал” [3].

(Ёлғон сўз, касаллик кабидир, чин сўз шифодир, бу сўз тўғрисида шундай масал тўқилган). Аҳмад Югнакий масал келтириб, ёлғон сўзни касаллик, тўғри сўзни эса касалликни тузатиш воситасига менгзаб, ёлғончиликни коралайди.

Таъкидлаш керакки, “Кутадғу билиг”да араб ва форс сўzlари салмоғи 4-5 foizidan oshmайдi. Aҳmад

Югнакийнинг “Хибат ул-ҳақойик” асарининг тил хусусиятлари бир томондан “Кутадғу билиг”га, иккинчи томондан “Қисаси Рабгузий”га ўхшаб кетади. Югнакий ўзаро зид маъноли сўзлардан кўп фойдаланади. Чунончи, билим-жаҳолат, ҳалол-харом, тўғрилик-эгрилик, атлас-бўз, асал-пиёз, касал-шифо каби.

Дидактик асарлар муаллифлари одам умрининг узунлиги яхши амаллари билан ўлчаниши, эзгу сўзгина одам абадиятини таъминлашини қайта-қайта таъкидлайдилар. “Кутадғу билиг”да туғилган одамки бор ўлиши, ўлгандан кейин ҳам ўлмаслик, яъни ному нишонсиз кетмаслик учун эзгу сўзлар айтиш кераклиги таъсирилак эттирилади:

177 ”Туғулғы өлур көп қалыр бэлгусиз,
Сөзун эдгу сөзла езун өлгусиз” [2,89].

(Туғилган ўлади, кўр, ном-нишонсиз қолади, сўзингни эзгу сўзла, ўзинг абад ўлмагайсан). “Хибат ул-ҳақойик”да бу фикр қайтарилимаган ҳолда янада кучайтирилади:

“Кўни бўл, кўни қил, отин кўни,
Кўни тэю билсин ҳалойик сени” [3,51].

(Тўғри бўл, тўғри юр, тўғри ном қозон, тўғри десин сени ҳар битта инсон). Адид Аҳмад бу мисралар орқали киши ҳар доим эзгу ишларни килиб тўғри йўлдан юриши керак, – дея ўгит беради. Кайковус “Қобуснома”да шунга ўхшаш фикрларни Ануширавон тилидан баён килади:

1. Агар ҳалқ сенинг ҳақингда яхши сўз айтирин тиласанг, ҳалқ ҳақида яхши сўз айтиғил.

2. Агар тилинг узун бўлмоғин тиласанг, кўлингни киска қилгил.

3. Агар қадрли бўлмоқ тиласанг, ҳалқнинг қадрини билғил”[4].

“Қобуснома”да пандлар маълум бир шахс томонидан баён этилишига кўра ҳам юқоридаги икки туркӣ пандномага ҳамоҳангдир. “Кутадғу билиг”да Ўгдулмиш образи орқали, “Хибат ул-ҳақойик” асарининг бაъзи ўринларида пайғамбар тилидан ўгит айтилиши, “Қобуснома”да турли донишмандларнинг насиҳат қилиши тасвири бу давр дидактик асарлари учун адабий анъанадир.

Шуни айтиш керакки, уч адидба ҳам қарама-қарши маъноли сўзларни кўллаш, сўзларни такрорлаш орқали маънони кучайтириш, тасвир таъсирини орттиришга уриниш кўп учрайди. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадғу билиг” асарида тил ишлатишда ғоят ҳушёр бўлишга чақиради:

160 ”Тил арслан турур көр эшиқдэ йатур,
Айа эвлуг арсық башынны йэйур” [2].

(Тил қафасда ётган арслон кабидир, эй, қафасдаги ваҳший бошингни ейди). Тил гўёки қафасдаги арслон, у қафасдан чиқса, кишининг бошини ейди. Ҳақиқатдан ҳам, тилнинг қудрати арслоннинг кучидан ортиқ бўлса ортиқдир, лекин кам эмас.

163 ”Сөзунни көдэзгил башын бармасун,
Тилингни көдэзгил тышын сыймасун” [2].

(Сўзингга эхтиёт бўл, бошинг кетмасин, тилингга эхтиётсизлик бошга, тилга бепарволик тишига хавф келтириши мумкин. Тилни билиб ишлатиш кишини саодатга етказиши мумкин, ақлли одам шуни ҳисобга олади:

165 “Билиглиг билиг бэрди тилқа бышығ,
Айа тил идиси көдэзгил башығ”[2].

(Билимли (яъни Худо) тилга пишиқ билим берган, эй, тил эгаси, бошингни асрарин). Бу байтда “Айа тил идиси” (эй, тил эгаси) бирикмаси орқали нидо санъати юзага келтирилган. “Нидо – лирик қаҳрамон ҳар қандай

нарса ҳодисаларга, табиатдаги исталган нарсага, ўзининг қалбига, сұхбатдошига мурожаатидир”[6,78]

167 Билиб сезләсө сөз билигкә санур,

Билигиз сөзи өз башыны йэйур” [2,89]

(Билиб сўзласа, сўз донолик саналади, нодоннинг сўзи эса ўз бошини ейди). Бу сатрларда тил одобини билиш ва қўллаш учун ҳам билим кераклиги айтилган.

174 “Тил асғы тэлим бар басынма ёқуш,

Ара өғдилур тил ара мын сёкуш”. [2,89]

(Тилнинг нафи талайдир, ортиқча ховлиқма, гоҳо тил мақтлади, гоҳо сўклилади). Шошилмай, ховлиқмай, ўйлаб ўринли сўзлашни саодатга элтиши Юсуф Хос Ҳожиб ўгитномасида алоҳида ўрин тутади. Шоир “Кутадғу билиг” асарида ўзининг тил одоби ҳақидаги дидактик қарашларини таъсирили ифодалаш учун тазод, ирсоли масал, нидо, таносуб сингари шеърий санъатлардан моҳирона фойдаланади. Аҳмад Юғнакийнинг тил одоби ҳақидаги қарашларida ҳам Юсуф Хос Ҳожиб қарашларига ўхшаш фикрлар борлиги, ифодада ҳам “Кутадғу билиг” муаллифи қўллаган санъатлардан фойдаланганини кузатиш мумкин:

“Эшит, бут бу сўзга камуғ тенг-да тенг,

Кўдуб тилга юқаниб тазарру килур” [3].

(Кулоқ тут, бу пандга – у барчага тенг, ким уни дилга жо қилар, юқинар). Байтдаги “эшит” сўзи нидо санъатининг намунаси бўлиб, муаллиф Адиг Аҳмаднинг тингловчига бевосита мурожаатини англатади. Бошқа бир ўринда бу санъат ўзга бир сўз билан ифодаланади:

“Кўдазгил тилингни, кел, оз қил сўзунг,
Кудазилса бу тил кудазлур ўзунг”.

(Тилингни тий, сўзингни қисқа қил, бу тил тийилса, ўзинг ҳам сакланасан). Айтиш керакки, “Қутадғу билиг”да нидо санъати “Ҳибат ул-ҳақойик”ка караганда кўпроқ учрайди. Бу Юсуф Хос Ҳожибининг бадий маҳоратининг ўзига хослигидир. Болософуний бу санъат орқали китобхон дикқатини ўзига қаратиш ва сўзлар таъсирини оширишга эришади. Кайковус эса “Қобуснома”да хикоят жанридан фойдаланиб, бадийликка эришади. Тилга олинган санъатлар асрлардаги дидактик қарашларни китобхонга етказиша мухим аҳамият касб эта олган.

Хулоса. Уч асарда ҳам тил одоби ҳақидаги тилга эрк бермаслик, ўринсиз сўзламаслик, ёмон тил бошга мусибат келтириши ҳақида фикрларда уйгунлик кўзга ташланади. “Кутадғу билиг”даги “Тилингни тий, токи тишинг синмасин” мисрасининг “Ҳибат ул-ҳақойик”да “Тилинг бекта тутгил, тишинг синмасун” шаклида қайтарилиши ўзаро адабий таъсиirlарни кўрсатади. “Қобуснома”да “ҳар сўзни андиша билан бошлиғил, токи айтғон сўзингдан пушаймон бўлмағайсан” дейилиши яқин маконлардаги қарашлар универсалигидан далолатdir. Бу уч асарнинг бир-бирига яқин даврда, битта панднома жанрида яратилгани асрларнинг мазмуни ва шаклида бир-бирига яқин унсурлар бўлишини таъминлаган. Ушбу холат бу асрларни ўзаро киёсий-типологик ўрганиш имконини берди.

АДАБИЁТЛАР

- Мирзиёев Ш., Танқидий тахлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қойдаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон нашриёти. 2017
- Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг.(нашрга тайёрловчи Қаюм Каримов) – Т.: Фан нашриёти.1971
- Аҳмад Юғнакий. Ҳибат ул-ҳақойик. (нашрга тайёрловчи Қозоқбой Маҳмудов). –Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти. 1971.
- Кайковус. Қобуснома.– Т.: Ўқитувчи нашриёти. 2011
- Рахмонов В. Шеър санъатлари. – Ленинобод: 1972. – Б. 106
- Ҳожиаҳмадов А. Мумтоз бадиият малоҳати. –Т.: Шарқ нашриёт - матбаа концерни Бош таҳририяти. 1999. – Б. 78.
- Иzzat Султон. Адабиёт назарияси. –Т.:1980
- Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти.Ўрта Осиёда IX-XII асрларда маданий тараққиёт. – Т.: Фан нашриёти.1994]
- Азимов И, Саидов М. Юсуф Хос Ҳожибининг ахлоқий қарашлари. –Т:1993
- Жўраев О.Ўзбек классик адабиётида фалсафий-дидактик достончилик. –Т.:Фан.1985
- Рахмонов Н. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: Сано-стандарт нашриёти. 2017
- Хўжанова Г.. “Ҳибат ул-ҳақойик” ҳақиқатлари. –Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001
- Маҳмудов Қ..Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳибат ул- ҳақойик” асари ҳақида. –Т.: Фан. 1972]
- Рустамов Э.. Узбекская поэзия в первой половине XV века. –М.:1963. стр.35]
- “Ҳибат ул- ҳақойик” қачон ёзилган?”.Ёзувчи, 1998,14-октабр. Бу ҳақда яна каранг: Ражабов Н.Маънавият сарчашмалари. –Т.: 1999. –В. 37-44.



УДК 159.9 (575.1)

Шаходат ЗИЯЕВА,

ЎзДЖТУ катта ўқитувчиси

Эл.почта: ziyayeva71@list.ru

ЎзМУ профессори, филология фанлари доктори А.Э.Маматов тақризи остида.

МЕРИМЕ НОВЕЛЛАЛАРИ ТАРЖИМАСИДА МУАЛЛИФ ПОЗИЦИЯСИ САТИРА ВА ЮМОР ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ҚАЙТА ТИКЛANIШИ

Аннотация

Ушбу мақолада муаллиф томонидан П.Мериме ижодида китобхонларда муайян эстетик завқ, қаҳрамонларга, асардаги воқеа ҳодисаларга нисбатан ижобий ёки салбий муносабат уйғотиш учун воқеа ҳодисаларни ва ўз қаҳрамоннинг жисмоний кўриниши, ҳатти ҳаракатларини, қайси касб вакили эканлигини, унинг ташки киёфасидаги, хулқ-авторидаги типик белгиларни бўрттириб кўрсатиш учун тилдаги сатира ва юмор элементларидан фойдаланиши илмий тахлил килинган. Тилдаги бундай воситалар бадий асарнинг коннатаатив маънно ташувчи компонентлари деб аталаши, коннатаатив компонентлар асар муаллифининг ўз персонажига нисбатан, ёки бир персонажнинг бошқа персонажга нисбатан ижобий, салбий ва нейтрал муносабатини ифодаловчи тил воситалари орқали ифодалаши шулар жумласидандир.

Калил сўзлар: Бадий асар, стилистик воситалар, таржима, лексик ва семанти трансформацилар

АВТОРСКАЯ ПОЗИЦИЯ И РЕКОНСТРУКЦИЯ ЭЛЕМЕНТОВ САТИРЫ И ЮМОРА В ПЕРЕВОДЕ РОМАНОВ МЕРИМЭ

Аннотация

В данной статье произведение П.Мериме призвано доставить читателям определенное эстетическое удовольствие, положительное или отрицательное отношение к главным героям, событиям в произведении, научно проанализировано использование элементов сатиры и юмора в языке для преувеличения. Такие средства в языке называются коннотативными компонентами художественного произведения, коннотативные компоненты выражаются через средства языка, которые выражают положительное, отрицательное и нейтральное отношение автора к своему персонажу или одного персонажа к другому персонажу.

Ключевые слова: Произведение искусства, стилистические средства, перевод, лексико-семантические трансформации.

AUTHOR'S POSITION AND RECONSTRUCTION OF THE ELEMENTS OF SATIRE AND HUMOR IN THE TRANSLATION OF MERIME'S NOVEL

Abstract

In this article, the work of P. Merime is intended to give readers a certain aesthetic pleasure, a positive or negative attitude towards the main characters, events in the work, the use of elements of satire and humor in the language for exaggeration is scientifically analyzed. Such means in the language are called the connotative components of a work of art, connotative components are expressed through the means of the language, which express the positive, negative and neutral attitude of the author to his character or one character to another character.

Keywords: Work of art, stylistic means, translation, lexical-semantic transformations.

Ҳозирги замон адабиётшунослиги ва таржимашунослигига бадий асарда сатира ва юмор элементларидан стилистик мақсадларда фойдаланиши ва уларни таржимада қайта яратиш масаласи, таржима жараёнида рўй берадиган лексик ва семанти трансформациялар кенг ва атрофлича ўрганилган.

Асар муаллифи ўз ижод маҳсулининг ифодали ва бадий таъсирини ошириш, китобхонларда муайян эстетик завқ, қаҳрамонларга, асардаги воқеа ҳодисаларга нисбатан ижобий ёки салбий муносабат уйғотиш учун воқеа ҳодисаларни ва ўз қаҳрамоннинг жисмоний кўриниши, ҳатти ҳаракатларини, қайси касб вакили эканлигини, унинг ташки киёфасидаги, хулқ-авторидаги типик белгиларни бўрттириб кўрсатиш учун тилдаги сатира ва юмор элементларидан фойдаланади. Тилдаги бундай воситалар бадий асарнинг коннатаатив маънно ташувчи компонентлари деб аталади. Коннатаатив компонентлар асар муаллифининг ўз персонажига нисбатан, ёки бир персонажнинг бошқа персонажга нисбатан ижобий, салбий ва нейтрал муносабатини ифодаловчи тил воситалари орқали ифодаланади. Буларнинг хаммасини асарнинг бадий эстетик таъсирини белгиловчи, китобхонни завқлантирувчи, қизикирувчи, кулдирувчи сатира ва юморлар элементлари ҳисобланади. Бундай элементлар орқали асар персонажнинг портрети, тилига хос ўзига хос хусисиятлари, бу воситаларнинг стилистик функциялари, уларнинг бевосита ва билвосита таржимада қайта яратилиши масалалари ўрганилади.

Аслият тилининг сатира ва юмор элементларини шу тилда ифодаланган миллий ўзига хосликлар, фразеологизмлар, контаминацияшган элементлар кўчирма маънодаги метафоралар билан ифодаланиши мумкин. Демак шу нуқтаи назардан уларни таржима тилида қайта тиклаш, таржимада аслиятта функционал мос сўзларни танлаш, тил нормаси ва маданиятига боғлиқ

барча жиҳатларни ҳам ўз ичига олади. Аслият тилида сатира ва юморни кўлланишидаги прагматик белгилар, хусусиятлар ва ундаги коннататив элементларнинг, яъни экспрессив, эмотив компонентларни таржима тилида адекват ўтирилиши асарнинг бадиийлиги, эстетик таъсирига ҳам боғлик. Рус ва ўзбек таржимашунослигига бу масала оид F.Саломов, Қ.Мусаевларнинг тадқиқотларида бу муаммо эквивалентлик, сўз танлаш, таржимада фразеологик бирликларнинг берилиши, тил нормаси ва маданияти даражасида ўрганилган.

Тадқиқотлардан маълумки, бадиий асарнинг коннататив компонентлари стилистик, паралингвистик воситаларида, экспрессив эмотив элементларида ҳам ўз аксини топади. Аслият тили ва таржима тилидаги лексик, морфологик, стилистик, семантик хусусиятларнинг турли-туманлиги, коммуникатив компетенция ва миллий менталитетнинг турли туманлиги бадиий асардаги айнан ана шундай хусусиятларни таржима тилида адекват қайта тикланишига муайян даражада қийинчилик туғдиради. Қолаверса, ўзбек таржимашунослигига муайян бир француз муаллифининг асаридаги сатира ва юмор элементларининг персонаж портретидаги коннататив, эмоционал- экспрессив компонентларнинг ўзбек тилида қайта яратилишига доир маҳсус тадқиқотнинг мавжуд эмас.

Маълумки асардаги сатира ва юмор элементлари персонажининг маънавий қиёфасида, хулқ авторида, бошқаларга бўлган муносабатларида, ўлар эса ўз навбатида асарнинг коннататив воситаларида, экспрессив эмотив элементларида ӯз аксини топади. Аслият тили ва таржима тилидаги лексик, морфологик, стилистик, семантик хусусиятларнинг турли-туманлиги, коммуникатив компетенция ва миллий менталитетнинг турли туманлиги бадиий асардаги айнан ана шундай хусусиятларни таржима тилида адекват қайта тикланишига муайян даражада қийинчилик туғдиради. Қолаверса, ўзбек таржимашунослигига муайян бир француз муаллифининг асарида коннататив, эмоционал- экспрессив компонентларнинг ўзбекча таржимаси маҳсус тадқиқт обьекти сифатида ўрганилмаганлиги ҳам битирув малакавий ишимизга шу мавзуни танлашга туртки берди. Демак, бу мавзуда ўзбек тилшунослигига бирорта илмий тадқиқот ўтказилмаганлиги битирув малакавий ишимиз мавзусининг янгилигини белгилайди.

Мерименинг новеллашунослик фаолиятида униг аввал ёзган асарларига нисбатан танқидий ва инсонпарварлик ғоялари реалистик оҳангда жаранглай бошлайди. Унинг новеллаларидаги ғоявий кўтарникилик буржуа жамиятихутидаги инсон шахсини ерга урадиган, одамларда майда тубанлик, разиллик,

шахсиятпастлик, эгоизм сифат ва фазилатларни шакллантиришга фош қилишга йўналтирилганлиги билан характерлана бошлади. Мериме новеллаларида энди инсоннинг ички дунёси янада чукурроқ таҳлил қилиниб, у ижтимоий муҳитга боғлик эканлиги реалистик бўёқларда акс эта бошлади.

Таржимада сатира ва юморни ифодаловчи эмотив- экспрессив компонентларнинг қайта тикланишида сўз семантикасидаги коннататив компонентларни аниқлаш ва уларга функционал мос мос адекватларни қайта тиклаш муҳимдир. Сўз замиридаги коннататив семалар гапиравучи шахснинг референта нисбатан ижобий ва салбий муносабатини, гапиравучи шахснинг гапираётган пайтидаги эмоционал ҳолатини ифодаловчи эмоционал квалификаторлар вазифасини бажаради. Бундай квалификаторлар тури биринчидарда ифодаланиб, коммуникатив вазият ва коммуникатив мақсад орқали бошқарилади. Бундай квалификаторларни тилшуносликда эмотив, экспрессив, баҳоловчи, стилистик ва прагматик компонентлар (семалар) деб юритилади.

Эмотив семалар орқали инсон ўз хис хаёжонини ифодалайди. Матнда бундай семалар эксплицит ва имплицит сема кўрсаткичларининг (эркалаш, камситиш, пўписа, ишончсизлик, хавотир ва хакозо) мавжудлиги билан аниқланади. Нутқ ва матнда уларнинг асосий кўрсаткичлари вазият ва контекст хисобланади.

Бу холда ижобий маъно ифодаловчи компонентлар хурмат-иззатни, эъзозлашни, эркалашни, ифода килиб келса, салбий маънодаги компонентлар дўй-пўписани, нафратни, менсимаслик ва кинояни ифодалаб келади. Коллектив муаллифлар томонидан нашр қилинган «Человеческий фактор в языке и языковые механизмы экспрессивности» (М.1991, 212 с.) китобида рус тилдаги экспрессив компонентларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг инсоннинг коммуникатив фаолиятидаги ўрни ҳакида кизиқарли фактлар байн қилинган бўлиб, улар эмотив- экспрессив компонентларни таржима тилида қайта яратиш муаммосини ўрганишда муҳим кўлланма бўлиши мумкин.. Дарҳақиқат, бундай элементлар турли тилларда турли воситаларда ифодаланади. Асосий мақсад эса уларни таржима тилида аслиятуга функционал мос, ифодали, аслият даражасида таъсиричан эмотив воситалар билан қайта яратишида.

Баҳоловчи эмотив компонентлар персонаж тилининг ўзига хос хусусиятларини, характеристидаги ўзига хосликни ифодаловчи муҳим стилистик белги вазифасини бажаради. Баҳоловчи компонентлар ғоҳо биргина сўз билан ифодаланса, бальзан бутун бир абзалии жумла орқали ҳам ифодаланиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Бархударов Л.С. Общелингвистические значения теории перевода. Всб. «Теория и практика перевода.» Л., Изд. ЛГУ, 1962.
2. Берков В.П. Вопросы двуязычной лексикографии. Л., 1973.
3. Влахов С., Флорин С. Непереводимые в переводе. М.1986
4. Владимирова Н. Некоторые вопросы художественного перевода с русского на узбекский язык. Т., 1957.
5. Дониёров Р. Бадиий таржимада миллий хусусиятларни акс эттиришга доир. Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1962, №3, 52 б., №5, 72 б.
6. Крисин Л.П. Иноязычные слова в современном русском языке. М.,1968.
7. Мирзаев И.К. Проблемы передачи слов обозначающих реалии французской жизни на узбекский язык. А.К.Д., Ленинград, 1975.
8. Мериме П. Новеллы. Москва, 1976. – 250 с.



Маърифат ИСМАИЛОВА,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таянч докторанти

e-mail:marifat.baxramova@gmail.com

ЎзМУ доценти И.К. Ўсаров тақризи асосида

STRATEGIC COMPETENCE AND ITS COGNITIVE AND METACOGNITIVE ASPECTS

Annotation

Applied linguists suggested the term communicative competence which includes a major component, usually named as strategic competence. Foreign language teachers, however, are usually unaware of the significance of this competence, and hardly any activities have been developed to include strategy training in actual language teaching. The aim of this article is to bridge the gap between theory and practice by first describing strategic competence and then presenting the essential components of it in language teaching.

Key words: component, cognitive and metacognitive aspect, planning, assessment, action, strategy.

СТРАТЕГИК КОМПЕТЕНЦИЯ ВА УНИНГ КОГНИТИВ ВА МЕТАКОГНИТИВ АСПЕКТЛАРИ

Аннотация

Амалий тилшунослар коммуникатив тушунчани илгари сурдилар ва унинг асосий таркибларидан бири хисобланган стратегик компетенцияни ўз ичига олади деган гояни илгари суринди. Бироқ, кўп чет тил ўқитувчилари одатда бу компетентиянинг аҳамиятини билишмайди ва амалиётда кам қўлланилади. Демак, таълим жараённида стратегик компетенциянинг ўрни жуда бекиёсdir чунки айнан шу компетенция талабалар мулоқот жараённида самарали мулоқот натижасига эришишга катта асос бўлади. Ушбу маколанинг мақсади стратегик компетенцияни тавсифлаш, сўнгра унинг ривожланишига ёрдам бериш учун таркибий кисмларини тақдим этишдир.

Калит сўзлар: компонент, когнитив ва метакогнитив аспект, режалаштириш, баҳолаш, ҳаракат, стратегия.

СТРАТЕГИЧЕСКАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ И ЕЕ КОГНИТИВНЫЕ И МЕТАКОГНИТИВНЫЕ АСПЕКТЫ

Аннотация

Прикладные лингвисты предложили термин коммуникативная компетенция, который включает основной компонент, обычно именуемый стратегической компетенцией. Преподаватели иностранных языков, однако, обычно не осознают значение этой компетенции. Цель этой статьи — описать стратегическую компетентность, а затем предоставить компоненты, которые помогут ее развить.

Ключевые слова: компонент, когнитивный и мета когнитивный аспект, планирование, оценивание, действие, стратегия.

Кириш. Бахман ва Палмер томонидан стратегик компетенция метакогнитив стратегиялар йиғиндиси дея тарифланган. Демак, бу стратегиялар йиғиндиси тил ўрганувчиларига мълум бир вазиятларда ёки тилдан фойдаланаётган вактларда кийинчиликларни ёнгишга имкониятлар беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Бахман ва Палмер тарифига кўра стратегик компетенция кўйидаги хусусиятларни ўз ичига олади: тилдан фойдаланишида, шунингдек, бошқа когнитив фаолият жараёнларида когнитив вазифаларни ўзида мужассамлаштирувчи метакогнитив таркиблар ёки стратегиялар йиғиндиси. Тилдан фойдаланишида ўрганувчидан билим ва кўнкимлар талаб қиласи. Демак, реал вазиятларда тилдан фойдаланишга имкон берадиган нарса бу барча метакогнитив таркибларни умумлаштирган ҳолда вазиятга тўғри баҳо бериш ва қўллашдир[3].

Улар метакогнитив компонентлар ишлайдиган учта умумий соҳани аниқладилар: мақсадни белгилаш, баҳолаш ва режалаштириш. Бахман ва Палмер бу кобилиятларни метакогнитив қобилиятлар сифатида тавсифлайди. Даставвал, улар иштирок этадиган жараён табиати туфайли когнитивдир ва кейинчалик ўша жараёндаги фаолиятида ўз-ўзини англиш мавжуд бўлганлиги туфайли метакогнитив хисобланади.

Тилдан фойдаланишида метакогнитив стратегияларнинг ёрқин кўринишини кўйидаги жадвалда

кўришимиз мумкин. Бахман ва Палмер (1996) Скеҳан (1998) тил ўрганишга когнитив ёндашувида эътибордан четда қолган аффектив схемаларнинг марказий ролини яна бир бор таъкидлайди.

Кларк (1977) томонидан тилни ифодалаш модели таклиф килинган ва Литтлешоод (1979) ва Эллис (1986) томонидан иккичи тил ишлаб чиқаришда қўлланилган. Бу шунингдек уч босқичли модел бўлиб, у кўйидагилардан иборат:

- режалаштириш,
- тил компонентларини режага мувофиқ ифодалаш ва

• гапнинг маъноли ифодасини етказиб бериш.
Дастлабки икки босқич рекурсивдир, чунки шахс нимани айтишини режалаштириши ва уни кандай айтишини ифодалаш ўртасида олдинга ва орқага ҳаракат қиласи. Режалаштириш босқичи мулоқот учун мақсадни белгилаш ва нутқ, жумла ва таркибий даражаларда режалар ишлаб чиқишдан иборат.

1. Мақсадни белгилаш компоненти.
Бахман ва Палмер (1996) формуласига кўра, мақсадни белгилаш тил фойдаланувчисини у бажаришга ҳаракат килиши мумкин бўлган бир ёки бир нечта вазифаларни аниқлаш ва танлашда, шунингдек, топшириқ(лар)ни бажаришга ҳаракат қилиш ёки кильмаслик ҳақида қабул қилишда иштирок этади. Улар мақсадни белгилашнинг кўйидаги йўналишларини

санаб ўтадилар (нима қилиш кераклигини ҳал қилиш), улар қўйидагиларни ўз ичига олади:

- тилдан фойдаланиш вазифаси ёки тест топшириклини аниқлаш,
- мумкин бўлган вазифалар тўпламидан бир ёки бир нечта вазифаларни танлаш
- танланган вазифаларни бажаришга ҳаракат қилиш ёки қиласлик ҳакида қарор қабул қилиш.

2. Баҳолаш компоненти.

Стратегик компетентсияни баҳолаш компоненти Бахман (1998:5) томонидан такидлаганидек нима зарурлиги, нима билан ишлаш кераклиги ва қанчалик яхши бажарилганлиги ҳакида хулоса чиқариш деб тушунилади. Демак, бунда шахс ўзининг билимларини тақдим этилган топширикларга ёки тест вазиятига боғлаш воситасида кўллайди. Баҳолаш компоненти тил фойдаланувчиларига қўйидагиларга имкон беради:

- маълум бир контекстда маълум бир коммуникатив мақсадни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотни, жумладан, тил хилма-хиллиги ёки диалектни аниқлаш;
- коммуникатив мақсадга эришишда ушбу маълумотни энг самарали тарзда таъминлаш учун қандай тил компетенциялари (она тили, иккичи ёки чет тили) мавжудлигини аниқлаш;
- мулоқотга киришгандан сўнг, коммуникатив мақсадга кай даражада эришилганлигини баҳоланг.

Бахман (1996) баҳолаш компонентини учта усулда ишлайди, деб такидлайди. Демак, улардан биринчиси тилдан фойдаланиш хусусиятлари ёки берилган топширикларни хусусиятларини баҳолашни ифодалайди ва у қўйидагиларни ўз ичига олади:

топширикни муваффакиятли бажаришнинг мақсадга мувофиқлиги;

маълум бир вазиятда ёки топшириқ берилганда фойдаланувчидан қандай билим ва қўникалар талаб килиши мумкинлиги.

Кейингиси, шахснинг мавзу ва тил билимини баҳолаш бўлиб, у қайси мавзуга оид билимлар ва тил билимлари соҳалари ва мавжуд бўлса, қайси бири вазифани муваффакиятли бажариш учун ишлатилиши мумкинлигини аниқлашни ўз ичига олади.

Якунийси тест топширигига жавобнинг тўғрилиги ёки мослигини баҳолаш деб аталади ва шахснинг топширикга жавобини тўғрилик ёки мослик учун қабул қилинган мезонларга қараб баҳолашни ўз ичига олади. Баҳолашнинг ушбу жиҳати шахсга муаммонинг мумкин бўлган сабабларини ташхислаш имконини беради, бу эса коммуникатив мақсадни, режани ўзгартиришга олиб келиши мумкин[3].

3. Режалаштириш компоненти

Бахман ва Палмер (1996) режалаштириш компонентини тил компетенциясидан тегишили элементларни (грамматик, матн, тилшунослик, социолингвистик) олиш ва коммуникатив мақсадга эришиш учун амалга оширилиши кутилаётган режани шакллантириш сифатида тавсифлайди.

Режалаштириш тест топширигини муваффакиятли бажариш учун тил билимлари, мавзуга доир билимларни, ва аффектив стратегиялардан қандай фойдаланиш керакликларини ҳал қилишини ўз ичига олади. Баҳолаш стратегиялари ушбу компонентлардан қайси биридан фойдаланиш мумкинлигини аниқлайди деб фараз килсан, режалаштириш (қандай фойдаланишни) учта жиҳатни ўз ичига олади:

-режада кўлланиладиган лингвистик ва мавзуга алоқадор билимлардан (масалан, тушунчалар, сўзлар, тузилмалар, вазифалар) фойдаланиш

-вазифага жавоб бериш учун бир ёки бир нечта режаларни шакллантириша

-дастлабки қадамни амалга ошириш учун битта режани танлаш[4].

Режани шакллантириш танланган турли элементлар орасида ички устуворликни, шунингдек, жавобни шакллантириш учун уларни қандай қилиб энг самарали тарзда бирлаштириш мумкинлигини кўриб чикишини ўз ичига олиши мумкин. Шундай килиб, режа жавоб сифатида амалга оширилганда турли элементлар қандай бирлаштирилиши ва тартибга солинишни белгилайди. Демак, режалаштириш стратегиясининг маҳсули бу вазифага жавобни қандай амалга ошириш режасининг ўзидир.

Демак, режалаштириш компоненти Фронтинус томонидан "Қийин вазиятлардан қочиш тўғрисида" бўлимида кўрсатилган стратегиялари билан жуда ухшашдир. Режалаштириш иккичи тилни ўзлаштириш учун асосий метакогнитив стратегия бўлиб, қабул қилиш ва ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда иштирок этади. Андерсон (1983) га кўра, бу музокарали вазиятда кўлланиладиган мақсад ва вазифаларни амалга ошируви бажариши гояларини тадбик этиш хусусиятларини ўз ичига олади[1]. Демак, режалаштиришда мақсадларнинг ўрни бекиёсdir. Ўкувчилар кўпинча юкори даражадаги мақсадларни амалга ошириш учун юкоридан пастга караб кетувига жараёнга самарали йўл сифатида қарашади. Андерсон (1983) фикрига кўра базан инсонлар олдига кўйган мақсаддан келиб чиқкан холда юкоридан пастга ва пастдан юкорига кўрсатилган жараёндан фойдаланишар экан.

3.4. Амалга ошириш компоненти

Бахман (1990) га кўра, ижро компоненти режани коммуникатив мақсад ва контекстга мос келадиган модалликни амалга ошириш учун тегишили психофизиологик механизмларга таянади[2].

Фаэрч ва Каспернинг (1983) мулоқот модели стратегик компетентсия назариясида ҳам катта аҳамиятта эгадир чунки бу моделда тил фойдаланувчиси вазиятни баҳолаш ва муайян вазиятда қандай мақсадларга эришиш мумкинлиги ҳакида қарор қабул қилиш каби хусусиятлага эгадир[4].

Бошқа тадқиқчилар стратегик компетенциянинг когнитив ва ҳаракат компонентларини ажратиб кўрсатдилар. Н.В. Пахаренко ва И.Н. Золников уларга мотивациян ва шахсий турларини ҳам қўшиб кўйдилар ва уни кўйидагича ифодаладилар [6]:

Тақдим этилган компонентларни стратегик компетенцияда қандай амалга оширилишини кўриб чикамиз:

Шундай килиб, агар когнитив компонент коммуникатив фаолиятнинг мазмуни ва мақсадлари, янги билимларни олиш ва куриш усуллари тўғрисидаги билимларга эга бўлишини очиб берса, демак бу компонент стратегик компетентсияни амалга оширишда ҳам, кундаклик ва профессионал мулоқот ҳолатларида ҳам кўлланиладиган асосий алоқа стратегиялари сифатида оператсион билим сифатида кўлланилади[5].

Ҳаракат компоненти стратегик компетенциянинг бир кисми сифатида мулоқотнинг бошқа иштирокчилари билан ўзаро муносабатларга тайёрликни таъминлайди. Айнан шу тайёрлик, бизнингча, когнитив компонент (яъни назарий билим) ва мотиватсион (яъни, мулоқотга кизиқиши)ни амалиётда кўллаш имконини беради. Бу энг муҳим таркибий кисмлардан биридир, чунки мулоқот ёки коммуникатив фаолият коммуникантларнинг ўзаро таъсисиз мумкин эмас. Шу сабабли, ҳаракат компоненти кўшма коммуникатив фаолият жараённида ижтимоий ўзаро таъсир доирасида стратегик

компетентсияни шакллантирадиган жараённи ўз ичига олади[7].

Шундай килиб, А.В Щепилова таърифига кўра когнитив стратегиялар

"талабалар томонидан янги тилни ўзлаштиришда амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар ва ақлий оператсиялардир". Когнитив стратегиялар талабаларнинг лингвистик компетентсиясини шакллантиради ва таҳлил, синтез қобилиятларни ривожлантиришини ўз ичига олади. Муаллифнинг фикрича, компенсацион стратегиялар булар тил воситаларининг етишмаслиги ёки нутқ кўнкималарининг етарли даражада ривожланмаганлигини бартараф этишга имкон берадиган техникалардир [7].

Хулоса ва таклифлар. Хулоса сифатида

айтишимиз мумкинки, метакогнитивизм фикрлашнинг юкори чўққисидир. Метакогнитивизм интеллект билан бевосита боғлиқ бўлиб, билиш жараёнини фаол бошқаришни ўз ичига олади. Талабаларнинг ўкув топширигини бажариш босқичларини режалаштириш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш каби ҳаракатлари метакогнитив хусусиятга эга. Ушбу нуқтаи назар бизга ўкувчиларни метакогнитив стратегиялардан фойдаланишга ўргатиш уларни когнитив ресурслардан тўғри фойдаланишга ўргатиш ва муваффакиятли талаба бўлишга ўргатиш деган хуносага келишимизга имкон беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Anderson, J. (1983). *The Architecture of Cognition*. Harvard University Press, Cambridge, Massachusetts.
2. Bachman, L. (1990). *Fundamental Considerations in Language Testing*. Oxford: Oxford University Press.
3. Bachman, L. and Palmer, A. (1996). *Language testing in practice*. Oxford: Oxford University Press.
4. Faerch, C. and Kasper, G. (1983). *Strategies in interlanguage communication*. Longman: London & New York.
5. Михайлина, О.Н. Коммуникативные стратегии при формировании стратегической компетенции в иноязычной подготовке студентов / Михайлина О.Н. // Азимут научных исследований: педагогика и психология, том 6, №2 (19), 2017.
6. Петровский, В. А. Построение развивающей среды в дошкольном учреждении. / В.А. Петровский, Л. М. Кларина, Л. А. Смыгина, Л. П. Стрелкова – М: Новая школа, 1993.
7. Щепилова, А. В. Коммуникативно-когнитивный подход к обучению французскому языку как второму иностранному: [Текст] / А. В. Щепилова. – М.: ГОМЦ «Школьная книга», 2003.



УДК: 81.32

Гулсара КУРБОНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети доценти
E-mail: gulsara.qurbanova@gmail.com
Тел: 994824830

ЎзМУ профессори, ф.ф.д. А.Э.Маматов тақризи асосида

TRANSLATION ASSESSMENT MODELS

Abstract

This article is devoted to the study of "Types of mistakes in translation". The difference between the concepts of error in the research process is determined by which of them was taken as the initial criterion. Unlike linguistic translation errors, translation errors can be eliminated with a full and complete understanding of the content of the text. From this point of view, the classification of translation errors is based on the translator's errors in the target language (lexical, grammatical, stylistic level) and translation criteria (semantic and cognitive level) in accordance with the level of understanding of the source text. Translation errors Based on the theory of translation scholars, in our study, translation errors were studied by dividing them into the following two types: 1) detection of errors in the language system; 2) methods for detecting translation errors.

Key words: Translation errors, language error, substitutive-transformational ontology, translation norm, semantic level, cognitive level, originality and translation text.

МОДЕЛИ ОЦЕНКИ ПЕРЕВОДА

Аннотация

Данная статья посвящена изучению «Виды ошибок в переводе». Различие понятий ошибки в процессе исследования определяется тем, какое из них было взято за исходный критерий. В отличие от лингвистических ошибок перевода, ошибки перевода могут быть устранены при полном и полном понимании содержания текста. С этой точки зрения классификация переводческих ошибок основывается на ошибках переводчика в языке перевода (лексический, грамматический, стилистический уровень) и переводческих критериях (семантический и когнитивный уровень) в соответствии с уровнем понимания исходного текста. Ошибки перевода Опираясь на теории переводоведов, в нашем исследовании переводческие ошибки изучались путем разделения их на следующие два вида: 1) обнаружение ошибок языковой системы; 2) методы обнаружения переводческих ошибок.

Ключевые слова: Переводческие ошибки, языковая ошибка, заместительно-трансформационная онтология, переводческая норма, смысловой уровень, когнитивный уровень, оригинальность и переводческий текст.

ТАРЖИМАНИ БАҲОЛАШ МОДЕЛЛАРИ

Аннотация

Мазкур мақола «таржимада хато турлари»ни ўрганишга бағишиланган. Тадқиқот жараёнида хато тушунчалари ўртасидаги фарқ, улардан қай бири бошланғич мезон сифатида олингандылық билан белгиланади. Тушуниш орқали таржиманинг тил хатоларидан фарқли ўлароқ таржима хатоларини матн мазмунини тўла ва янгилисиз тушуниш орқали бартараф этиш мумкин. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб таржима хатолари таснифи таржимоннинг аслият матнни тушуниш даражасига кўра таржима тилида йўл қўйилган лисоний хатолар (лексик, грамматик, стилистик даражада) ва таржима меъёри (семантический и когнитивный уровень) даги хатолари асосида очиб берилади. Таржима хатолари таржимашунос олимлар назариялардан келиб чиқиб, бизнинг тадқиқода таржима хатолари кўйидаги икки типга ажратиб ўрганилди: 1) тил системаси хатоларини аниқлаш; 2) таржима хатоларини аниқлаш усуллари.

Калит сўзлар: Таржима хатолари, лисоний хато, субститутив-трансформация онтологияси, таржима меъёри, семантический и когнитивный уровень, оригинальность и переводческий текст.

Кириш. Лингвистик таржимашунослик назарияси аслият маданиятининг матн микродаражаси (гап, гапдан ташқари бирлик) масалаларини ўрганиди, сўнгра матн даражасига ўтади. Шунга кўра ушбу назария (Я.И.Рецкер, Chesterman, Gilear ning тушуниш концепцияси) асосида карор қабул килиш аслият матнининг ҳар бир элементини таржима варианtlари элементига ўтказилиши натижасида такомиллаштирилади. Мазкур назария педагогик амалиётда кенг кўпланиладиган баҳолашнинг формал танқидий усулини таклиф этади. Бу каби баҳолашлар таржимада бир тилнинг компонентларини бошқа тилнинг мувофиқ келувчи элементларига алмаштириш, хато эса таржима тилига нотўғри ўтказилиши сифатида таржиманинг субститутив-трансформация онтологиясида ўрганилади. Унда асосий ургу аслият матни компонентларини сегментларга ажратиш, таржима тилига

мувофиқ келувчи таржиманинг адекват бирлигини кидиришга қаратилади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Таржиманинг ахборот назариясидаги манба матн, таржиманинг лингвистик назариясидан фарқли ўлароқ, трансформация объектини эмас, балки ҳар хил турдаги маълумотни ташувчи ахборотни англатади. Чунки таржима жараённинг ўзи тилларро алмашинишни эмас, балки ахборотни кидириш ва узатишига кўра талқин килинади. Р.К.Миняр-Белоручев маълумотларнинг кўйидаги турларини аниклайди: фон ахбороти, шовкин, семантический и когнитивный уровень маълумотларни ўз ичига олган ҳолатли маълумотлар [8]. Уларнинг комбинацияси коммуникантта қўшимча эстетик таъсир қўрсатиши мумкин бўлган фикрнинг маъноси ва нутқий асарнинг структураси тўғрисида информация бериш билан

якунланади. Р.К.Миняр-Белоручевнинг фикрича, таржимон манба матнининг бутун ахборот мажмусини узатиши шарт эмас, асл матн адресантга нимани хабар кильмоқчи бўлса, шуни етказса етарли [8, 153]. Бундай ахборотни узатишни олим таржиманинг инвариантни деб атайди. Ахборот таржима назариясининг энг муҳим хуносаларидан бири шуки, таржимада бир тилдан иккинчи тилга ўтиш ахборот даражасида амалга оширилади. Бироқ бу хуноса замонавий таржима назариясида, шунингдек, таржимани ўқитиши методикасида етарли даражада ўзлаштирилмаган. В.Н.Комиссаров таржимада мавжуд ёндашувларни таржима эквивалентлиги ва таржима адекватлигигидан иборат икки категорияга ажратади [6, 84]. У аслият ва таржима матнини сўзма-сўз, жумлама-жумла киёслаб таржима килинмайдиган миллий маданий тил бирликларни трансформация килганда муҳим тузатишларни амалга ошириб муқобиллик категорияси асосида ўзининг таржимани баҳолаш моделини яратади [10, 28]. Аслиятнинг таржима тили услуби билан мувофиқ келиши ёки эътиборга олинмайди, ёки “стилистик синонимлар категоридан танланган варианти сифатида талқин этилади” [2, 4]. Шунга қарамай таржима танқидчилари аслиятта алоҳида эътибор бермасдан бевосита таржима тилидаги матн билан кўпроқ ишлаб, унинг муқобиллигини баҳолайдилар.

Таржима сифатини баҳолашнинг иккинчи тури таржима тилига тегишли бўлиб, В.Н.Комиссаров, R.D.Snell Trampus назариясига кўра, “функционал ёндашув”ни талаб этади [5], [18]. Коммуникатив актда таржимон бевосита иштирокчи эмас, кузатувчи сифатида таржима жараённида бошқа бир шахснинг таржимага бўлган эҳтиёжини амалга ошириш учун хабарни ишлаб чиқувчи ва етказувчи сифатида намоён бўлади. Снелл Трампус эса таржимонни дастлабки коммуникация ҳолатини алоҳидалаш, уни мазкур мулокот жараёни асосида ётган меъёри тушунишига халақит беради [17, 45], деб хисоблайди.

Тадқиқот методологияси. А.Честерман матн сифатини ўлчашда баҳолаш сифатига турли ёндашувларни ўрганиб чиқади ва қуидаги баҳолаш моделини ажратиб кўрсатади: ретроспектив (ўтмишга қаратилган), проспектив (келажакка қаратилган), латерал (параллел матнларнинг тил меъёрларига мослиги), интроспектив (таржима усулини таҳлил этиш) ва педагогик таржима жараёнини баҳолаш каби моделлари [12, 27]. Ретроспектив баҳолаш бошланғич манба маданиятига асосланади ва таржимон қанчалик аслият тилини етказиб берган, унинг сегментлари қанчалик таржима тилига тўғри келишини аниқлайди.

Мазкур таржимани проспектив баҳолашда аслият ва таржима тили реципиентлари қанчалик таъсир кўрсатиш натижаси қиёсланади. В.Жигалина фикрича, таржима тилидаги кутилган таъсир худди аслиятдагидек бир хил натижада беради [4]. И.-А.Гутт матн реципиенти (ахборот қабул килювчи) турлича бўлса, бу матндан кутиладиган таъсир натижаси бир хил бўла олмайди, дея таъкидлайди [13].

Таҳлил ва натижалар. Проспектив баҳолаш методи нафакат ўқувчининг матн ахборотини нечоғли англашини, балки таржима таҳлилида аслият матни омиллари ўқулигини ҳам танқид остига олади. Албатта, аслиятни хисобга олмасдан туриб кутилган таъсир натижасига эришиб бўлмайди.

Латерал баҳолаш усулини таржима матни баҳоламайди, балки таржима тили маданиятида “параллел матнлар” корпусида мавжуд бўлган тил меъёрларининг мос келишини аниқлайди. Таржиманинг ретроспектив баҳолаш модели реляция (нисбий билиш) меъёри амалга

оширилгандан кейинги таҳлилга асосланади, проспектив модел эса коммуникатив меъёрларни таҳлил қилиш, латерал баҳолаш модели таржиманинг экспектив (эксплицит ифодаланган нутқ акти) меъёрини ўрганишга йўналтирилган. Бу модел аслиятга хос аутентик матнларни маданият тилидаги ўхшаши билан солишириш асосида ўрганади ва, натижада, ушбу таржима модели мазкур маданият учун янада объективлашади.

Латерал баҳолаш методининг ижобий жиҳатлари билан бирга салбий томонлари ҳам мавжуд, масалан, таржима килинадиган ва таржима килиб бўлмайдиган матнлар ўртасидаги фарқларнинг мураккаблигини хисобга олиш ёки ўхшаш параллел матнларни топишнинг имкони ўқулиги, шунингдек, “типик” параллел матнларни асослаш зарурлиги ва унинг меъёр сифатида қабул килиниши каби. Ундан ташқари таржима тили маданиятида ўхшаш матнларни ўтириш зарурлиги масалалари ҳали ҳануз очик. Л.Виттгенштейн таъқидича, “меъёрлар – бу конун ҳисобланмайди, улар мутлақ эмас” [19, 307]. Шу ўринда тилларнинг бир оиласига мансублиги хақида гап кетганда таржимон ва аслият муаллифи ўртасида ўзаро мулокотни кузатиш мумкин, таржимон муаллифдан илҳомланиб, янги асар яратиши зарурлигини хисобга олиши муҳим.

Интроспектив баҳолаш таржима усули жараёнларини таҳлил этишга асосланади. Бу хусусида В.Вильс таржима усулининг ички жараёнларини баҳолашнинг бошқа моделлари билан мувофиқлида ўрганишни таклиф этади. Унинг фикрича, муайян қарорни баҳолашдан олдин унинг келиб чиқиши сабабларини кидириш лозим [20]. Баҳолаш модели идеал даражада бўлиши учун психолингвистик реконструкцияни кўллаб таржима жараёнини тўлиқ тиклаш лозим. Бироқ ҳар доим ҳам таржимоннинг онгини бевосита таҳлил этиб бўлмайди, чунки таржима жараёнини бавосита услублар орқали намоён этувчи аниқ усуулар мавжуд. Масалан, протокол усууда таржимон ўз фаолиятини таржима жараённида оғзаки шарҳлайди. Бу хусусида таржимонларнинг турли хил ёндашувлари мавжуд. Дж.Хаус таржимонлар бир-бирини изоҳлаб жуфт ишлайдилар, В.Лершер “протокол методи таржимонга нафакат матнни сўзма-сўз тиклашга, балки аклий ишлашига ҳам имкон беради” [15]. Шу тариқа таржимоннинг матн таржимаси усули унинг фикрлашига мувофиқ бўлиб, бизга таржимон фаолиятини кузатишимишга имкон беради. Таржима сифатини баҳолаш хусусидаги изланишларнинг катта қисми ўқув таржима жараёнинг тегишли. Бу хусусида таржимонлар В.Н.Комиссаров, С.Флорин, А.Chesterman, G.Tougu каби таржимонларнинг таржимада хатога йўл қўйиши таржима меъёридан чекиниши ёки, аникроғи, таржимонлик меъёридан асосланмаган воз кечишини англатишини таъкидлайдилар [9]. Бадий асар таржимаси хусусида гап кетганда таржимон тилга оид ҳатоларни қандай бартараф қилиш тўғрисида эмас, балки аслият матни мазмунини таржима тилига ўтказища ўз фоалиятини қандай оптималлаштириш тўғрисида ўлаши лозим. Чунки матнни бошқа тил маданияти нуктаи назаридан ишлаб чиқиши субъектив ва индувидуал жараён ҳисобланади. Б.Хэтим ва Я.Мейсон бадий асар таржимасини сифатини аниқлашнинг имконизз эканлигини таъкидлайдилар [14]. Уларнинг фикрича, битта матнни иккита бир хил нусхаси бўлиши мумкин эмас. Шубҳасиз, бу сингари таржималарнинг адекватлигини таъминлашда таржимон шахсияти таъсир кўрсатади.

Ўқув жараёнига тегишли таржима сифати ўзида таржиманинг барча меъёрларини мужассам этган бўлсада, бадий таржима сифатини баҳолашда бу меъёрлар ҳар

доим ҳам тўғри келмайди, чунки бадиий таржимага баҳо беришда маъно йўқолишининг сабаби етарли эмас, асл нусханинг тўлиқ бўлмаган, бузуб идрок этилиши таржиманинг онтологик субститутив-трансформацион моделларига асосланади бунда асл нусхани тушуниш умуман муаммо тутдирмайди, кўшимча изоҳ, тушунтириш талаб этмайди. Мазкур таржима моделлари таржиманинг барча афзалликлари ва камчиликларини кўрсатиб беришга қодир эмас, улар факатгина семантик таҳдил методикаси ёрдамида матннинг семантик дараҷасини ўрганади. Таржима матнни семантик дараҷада таҳдил килиш фалсафий мушоҳадали, кучли мазмунли, бўёқдорликка эга матнлар мазмунини таржима матнларидаги тўлиқ акс эттира олмайди, ҳатто аслият матннинг ҳар бир элементини сегментларга бўлиб таржима тилига ўтказганида ҳам мазкур моделни кўллаб бўлмайди. Масалан, *Se rend-il à la taverne, ce soir-la, ou est-ce le hasard des flâneries qui le porte? Frais plaisir d'arpenter une ville inconneue, les yeux ouverts aux mille touches de la journée finissante:...[1]*. Матн таржимасида таржима тили соҳиблари дунёкарашибдан келиб чиқиб, таржимон конструктив мазмунли кийинчиликни камайтиради. Ўзбек ўқувчиси учун “taverne”, яъни кичик қовоқхона сўзи ўрнига “майхона”сўзи ёки *Frais plaisir d'arpenter une ville inconneue, les yeux ouverts aux mille touches de la journée finissante:...[1]* (номаълум шаҳарни ўрганиш завқи, кун якунида минглаб таассуротлардан кўзларнинг очилиши) риторик сўроқ мазмунли гап орқали таржима тили маданиятига хос параллел матн берилган: Ким билсин, ўша фусункор оқшом у ҳам май илинжида бу тарафларга қадам ранжида қилдими ёки сайру томоша баҳона тавқи лаънат майхона тарафларга тасодифан келиб қолдимикан? [7]

Н.Л.Галеева фикрича, бадиий асарларни таржима килишда таржимани баҳолашнинг герменевтик моделини кўллаш зарур [3]. Ушбу модельда таржимон рефлексия фаолиятини амалга ошириши натижасида аслият матнни тушунади. Биз юқорида кўрсатиб ўтган таржиманинг

субститутив-трансформацион модели таржимада фақат асл нусха мазмунни имконияти ва маъносини аниқлаш зарурлигини эътибордан четда қолдиради.

Таржимани баҳолашнинг герменевтик моделига мувофиқ аслият бу аналогик тушуниш сатҳи, таржима эса бошқа тил воситаларида тушунишнинг қайд этилишидир. Г.И.Богин тушунишни инсоннинг “матн маъносини одатий усууллар билан идрок этишнинг имкони йўқ бўлаклари мазмунини англаш” тажрибасига тенглаштиради [1]. Таржиманинг герменевтик модели нуктаи назаридан таржимон матнни тушуниши билан бирга уни ўкувчи учун ҳам худди шундай тушунтира оладиган объектга айлантириши лозим.

Таржимани баҳолаш модели маълум меъёрларга таянади, аммо меъёр тушунчаси ҳар доим ҳам бир хил колавермайди. Баҳолашнинг энг объектив мезони таржима адекватлиги таржимани ўқитиш методикасида ёки таржима назариясида ҳар бир ситуация учун алоҳида яратилади. Демак, таржима адекватлиги айтайлик, адабий танқидчи, тадқиқотчи, муҳаррир каби эксперторларнинг шахсий тил тажрибаси асосида амалга оширилади. Баҳолаш эксперт мезонлари ва таржима мақсадига кўра турличи бўлиши мумкин. Албатта, бу икки ҳолат ёндашувида таржима хатосини тавсифлаш бир-бирига ўхшамаган ҳодисани юзага келтиради.

Хулоса ва таклифлар. Зеро, аслият матннинг энг кўзга кўринимас деталларини ҳам мантикий мазмун ташкил этишини назардан қочирмаслик керак. Бадиий матн таржимаси учун таржиманинг номувофиқ холатларини таҳдил этиши ва адекват таржимага эришиш учун, биринчидан, аслият ва таржима матннинг шаклий pragmatik мувофиқлигини аниқлаш, иккинчидан, таржима аслият матннинг барча таржима мезонлари, таржима нутқи, таржима эквивалентлиги мезонларига мослигини аниқлаш, учинчидан, таржима матнни аслият фоя ва мазмунига мувофиқ интерпретация қилинганини аниқлашда таржиманинг герменевтик моделига мурожаат этиш зарур.

АДАБИЁТЛАР

1. Богин Г.И. Источники неявной динамики текста // Англистика = Anglistica / Под общ. ред. А.Д. Травкиной. – Тверь: ТвГУ, 1999. – С.9-23.
2. Гак В.Г. Сопоставительная лексикология. – М.: Высшая школа, 1977. – С.4.
3. Галеева Н.Л. Параметры художественного текста и перевод / Научн. ред. Г.И. Богин. – Тверь: ТвГУ, 1999. – С.54.
4. Жигалина В.Н. Герменевтические основания типологии переводческих ошибок и неудачных переводческих решений. Тверь, 2006. – С.45.
5. Комиссаров В.Н. Лингвистическое переведование в России. – М.:ЭТС,2002. – С.84 ;
6. Комиссаров В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). – М.: Высшая 7. Маалуф Амин. Самарқанд ёхуд Зулматда йўқолган зиёни излаб....[Матн]: роман/Таржимон А.Кўчибоев. Тошкент: “O'zbekiston” НМИУ, 2018. – 360 (Мисоллар бети кўрсатилган ҳолда қавс ичидаги берилади).
7. Миньяр-Белоручев Р.К. Общая теория перевода и устный перевод. – М.: Высшая школа, 1980. – С. 138-153.
8. Флорин С. Муки переводческие: Практика перевода. – М.: Наука, 1983. –С.169.
9. Anthony Pym, Philosophy and Translation // A companion to translation studies, Clevedon-Buffalo-Toronto, 2007. (2, 24).
10. Amin Maalouf. Samarcande. Paris: Editions Jean-Claude Lattès, 1988. – P.13.
11. Chesterman A. Memes of Translation. - Helsinki: Finn Lectura, 1997. – P.27.
12. Gutt E.-A. Translation and Relevance. Cognition and Context. – Oxford: Blackwell, 1991. – P.162.
13. Hatim B., Mason J. The Translator as Communicator. – London: Aslib, 1997. – P. 164-232.
14. House J. A. Model for Translation Quality Assessment. – Tübingen: Narr, 1981. –P.84.; Lorscher W. Translation Performance, Translation Process and Translation Strategies: A Psycholinguistic Investigation. – Tübingen: Narr, 1991. – P.39.
15. Neubert A. Translation, Intefreting and Text Linguistics // AILA 82 Proceedings: Lectures / Eds. B. Sigurd, J. Svartvik. – Kent: Kent State University Press, 1981. – P. 141-156.
16. Scholz R. Lfntersuchungen zur Verwendbarkeit und Präzisierung der Kriterien der Übersetzungskategorien // Fremdsprachen. – Nr. 1, – 1974. – P. 25.
17. Snel Trampus R. D. Aspects of a Theory of Norms and Some Issues in Teaching Translation // Translation Studies. Perspectives on Emerging Discipline / Eds. G. Anderman, M. Rogers. – Clevedon: Multilingual Matters Ltd., 2003. – P. 45.
18. Wittgenstein L. Philosophical Investigations. – Oxford: Blackwell, 1953. – P.307.
19. Wills W. Übersetzungswissenschaft. – Stuttgart: Klett, 1977. – P. 115.



Shokirjon MARDIYEV,

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti Samarkand filiali o'qituvchisi

E-Mail: shokirjon_mardihev@mail.ru

O'zMU dotsenti I.O'sarov taqrizi asosida

XXI CENTURY YOUTH JARGAN IS A MEANS FOR DEVELOPING STUDENT COMMUNICATION

Abstract

This article discusses the explanations of common terms in the speech of young people in the field of translation in German and Uzbek. We need to pay special attention to strengthening the position of languages among the modern younger generation, because it is at this age that moral principles are formed. In this process, it is very important to set them right, to cultivate certain moral values.

Key words: Youth, jargon, dictionary, term, student, language, english, russian, colloquial speech, literary language, computer

XXI ВЕК МОЛОДЕЖНЫЙ ЖАРГАН - РАЗРАБОТКА ДЛЯ РАЗВИТИЯ ОБЩЕНИЯ СТУДЕНТОВ

Аннотация

В данной статье рассматриваются объяснения общеупотребительных терминов в речи молодежи в сфере перевода на немецком и узбекском языках. Нужно уделить особое внимание укреплению позиций языков среди современного подрастающего поколения, ведь именно в этом возрасте формируются нравственные устои. В этом процессе очень важно правильно их настроить, воспитать определенные нравственные ценности.

Ключевые слова: Молодежь, жаргон, словарь, термин, студент, язык, английский, русский, разговорная речь, литературный язык, компьютер

XXI ASR YOSHLAR JARGONI TALABALAR MULOQOTINI RIVOJLANTIRUVCHI VOSITADIR

Annotatsiya

Ushbu maqolada tarjima sohasida yuzaga keladigan yoshlardan nutqida ko'p uchraydigan terminlarning nemis va o'zbek tillarida izohi ko'rib chiqilgan. Zamonaviy yosh avlod o'tasida tillarning mavqeini mustahkamlasga alohida e'tibor qaratishimiz zarur, chunki aynan shu yoshda axloqiy tamoyillar shakllanadi. Bu jarayonda ularni to'g'ri yo'lga qo'yish, kishida ma'lum axloqiy me'yorlarni tarbiyalash juda muhimdir.

Kalit so'zlar: Yoshlardan, jargon, lug'at, atama, talaba, til, ingliz tili, rus tili, so'zlashuv nutqi, adabiy til, kompyuter

Kirish. Nutq voqelikni aks ettirishning o'ziga xos shaklidir. Bu madaniy yo'naliishlar, qadriyatlar, munosabatlarning o'zgarishi bilan bog'liq hayotimizda sodir bo'layotgan o'zgarishlarni kuzatib boradi. Zamonaviy yosh avlod o'tasida tillarning mavqeini mustahkamlasga alohida e'tibor qaratishimiz zarur, chunki aynan shu yoshda axloqiy tamoyillar shakllanadi. Bu jarayonda ularni to'g'ri yo'lga qo'yish, kishida ma'lum axloqiy me'yorlarni tarbiyalash juda muhimdir. Bunda alohida o'rinni talabalar - jamiyatning kelajakdag'i intellektual qatlami, uni rivojlantirishning asosiy yo'llarini belgilab beradigan va amalga oshiradigan odamlar egallaydi. Qolaversa, bugungi kunda yoshlardan hayotida talabalar fikr yetakchisi bo'lib, yoshlarda qadriyatlarning shakllanishiga alohida o'r'in tutadi. Yoshlardan muhitidagi asosiy muammo tilning yoshlardan jargonlari bilan buzilishidir. Zamonaviy yoshlarni jargonsiz tasavvur etib bo'lmaydi. Bu erda asosiy afzalliklar ekspressivlik va qisqalikdir. Hozirgi kunda matbuotda va hatto adabiyotda nutqni jonlantrish uchun jargon qo'llanishi tabora kuchaymoqda. Bu nutqimizning ajralmas qismidir.

Tilshunos olimlarning fikriga ko'ra, ko'pchilik yangi jarangli so'zlar aniq vaziyatlardan butunlay tabiiy yo'l bilan paydo bo'lib, yangi narsalar, g'oyalar yoki hodisalarini aks ettiradi. Misol tariqasida, kompyuter jarangining tez shakllanishi sabablarini ko'rib chiqishimiz mumkin. L.V. Shcherba shunday deb yozgan edi: "Adabiy til og'zaki til va lahjalar tomonidan unga yuklangan ko'p narsalarni qabul qiladi va shu tariqa uning rivojlanishi sodir bo'ladi, lekin u yangini o'z tizimiga moslashtirganda, uni mos ravishda tuzatib, qayta tuzadi". Bizning zamonamizda, afsuski, shevada

so'zlash xalqning kundalik so'zlashuv tiliga mustahkam kirdi. Va buni tasodif deb qabul qilmaslik kerak, bu muammoni bartaraf etish uchun jiddiy choralar ko'rish kerak. Bugungi kunda yoshlardan almashiladigan CMC xabarlarini odatda tilining barcha qoidalarini rad etadi: tinish belgilari, bosh harflar chiqarib tashlanadi, so'zlarining qisqartmasi faol qo'llaniladi.

Olyi ta'lim muassasasi ijtimoiy institut sifatida zamonaviy yoshlarda axloqiy-me'yorlarni shakllantirish uchun katta imkoniyatlarga ega. Bu imkoniyatlarni o'quv jarayonida ham, darsdan tashqari mashg'ulotlar jarayonida ham amalga oshirish mumkin.

Shunday qilib, yoshlardan orasida nutq madaniyatini shakllantirish va tilining mavqeini mustahkamlash dolzarb vazifa ekanligini ta'kidlash kerak. Yoshlardan nutqi adabiy til va jargon chegarasida muvozanatlashgan holda jamiyatning beqaror madaniy va lingvistik holatini aks ettiradi. Zamonaviy jamiyatda umumiyligi jargon deb ataladigan narsa - til me'yorlarni ham, nutq odob-axloq me'yorlarni ham buzadigan nutq uslubi - kundalik muloqotda tabora faol bo'lib bormoqda. Yoshlardan nutqida jargondan foydalananishning yana bir sababi - yoshlarning o'zini namoyon qilish va o'zaro tushunishga bo'lgan ehtiyojidir. Zamonaviy texnologiyalar aloqa chegaralarini kengaytirmoqda. Misol uchun, Internetning paydo bo'lishi zamonaviy yoshlarga chatlarda (inglizcha chat - chatter so'zidan) ularning muloqot doirasini sezilarli darajada kengaytirdi. Va bu tarzda muloqot qilayotganlarning asosiy qismi yoshlardan bo'lganligi sababli, tegishli nutq normalari o'zlashtirilayotgani ajablanarli emas. Yoshlardan jargonida qo'llaniladigan yana bir o'yin uslubi -

tovush o'xhashligi, tovush uzatish asosida so'zlarning yaqinlashishi: masalan, million o'rniغا "limon", elektron pochta o'rniغا "emela" (inglizcha e-mail so'zidan).

Buni hisobga olgan holda, men faoliyat yuritayotgan oliy ta'lif muassasida bir nechta talabalardan so'ralganda quyidagilar aniqlandi: Barcha so'ralgan talabalar nutqning jargonizatsiyasini tengdoshlari o'tasidagi muloqotning ajralmas qismi deb hisoblashadi. Bunday so'zlar ularga tengdoshlari bilan yaxshi munosabatlarni saqlash, ma'lumot almashish va yangi narsalarni o'rganish imkonini beradi. Bunda: o'g'il bolalar orasida odobisz so'zlar birinchi o'rinni egallaydi. Tadqiqotimzda talabalar tele va radioeshittirishlar, gazeta va jurnallar nashrlarida boshlovchilar nutqining yuqori darajada jargonlashtirilganligini qayd etdilar.

Ijtimoiy munosabatlarning yangi shakllari ma'lum darajada yoshlarga - jamiyatning ijtimoiy jihatdan eng istiqbolli qatlamiga ta'sir ko'rsatdi, ularning lingvistik qobiliyatlar va nutqiy xulq-atvori ko'p jihatdan tilning boshqa ijtimoiy quyi tizimlari, shu jumladan so'zlashuv nutqi va adabiy tilning rivojlanish yo'nalishini belgilaydi. Yoshlar jargoni yoshlar o'tasidagi kundalik muloqot tili sifatida ularning rivojlanish darajasi, qiziqishlari, didlari va ehtiyojlarining o'ziga xos ko'rsatkichidir. Mamlakatdagi ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy islohotlar bilan bog'liq mamlakat ijtimoiy hayotidagi o'zgarishlarni faol aks ettiruvchi talaba yoshlar nutqi eng ko'p ta'sir ko'rsatadi va o'zgartiriladi.

Dialekt, jargon, xalq tili, adabiy til milliy tilning tarixiy mavjudligi shakkalaridir. Jargon (frantsuzcha jargon) nutqning ijtimoiy turi bo'lib, o'ziga xos lug'at va frazeologiya bilan tavsiflanadi. Jargon - umumi manfaatlar, odatlar, kasblar, ijtimoiy mavqe bilan birlashtirilgan odamlarning nisbatan ochiq ijtimoiy va kasbiy guruuhlariga tegishli. Masalan, uchuvchilar, sportchilar, talabalar, aktyorlar va boshqalar jargonlari. Yoshlik jargoni - bu yoshlar tomonidan keng tarqalgan va tez-tez ishlatib turadigan, lekin "kattalar" tomonidan "yaxshi", adabiy til sifatida qabul qilinmaydigan so'z va iboralar to'plами. Ushbu so'z va iboralar faqat ba'zan noan'anaviy imlo yoki so'z shakllanishi tufayli emas, balki, birinchidan, ular ko'proq yoki kamroq cheklangan odamlar doirasi tomonidan qo'llanilishi va ikkinchidan, bu so'z va iboralar keltirilishi tufayli jargonga aylanadi. Yoshlar jargoni boshqa mayjud jargonlardan bir qator xususiyatlар va farqlarga ega, masalan, professional (shifokorlar, yuristlar, buxgalterlar va boshqalar), ijtimoiy qatlamlar boshqalar.

Yuqorida aytiganlar nutq madaniyatni umumiy madaniyatga, uni tashuvchilarning rivojlanishi va savodxonligiga bog'liq degan xulosaga olib keladi. Talabalar auditoriyasining kuzatishlari shuni ko'rsatdiki, yoshlar nutqida jargon iboralarning mavjudligi yoki yo'qligi bevosita ularning o'quv faoliyati bilan bog'liq. Qoidaga ko'ra, agar talaba jarangli so'zlarni ishlatib, o'zi aytganlarini kulgili bo'yab ko'rsatmasa, u holda tilni shu tarzda soddalashtirib, ibtidoiy holatga keladi.

Yosh jargonlarining so'z boyligini to'ldirish usullari juda xilma-xildir. Ulardan eng samaralisi xorijiy tillardan, xususan, ingliz tilidan olingen qarzlardir. Ko'pgina hollarda, bu tilda yozishmalarining etishmasligi yoki tarjima qilingan atamani ishlatishning noqulayligi bilan bog'liq. So'zning ingliz tilida tug'ilishidan to jargonga o'tishgacha bo'lgan yo'lini kuzatib borgan holda, rus tilidagi jargon ingliz tilidagi atamani moslashtirish jarayonini osonlashtirishini tushunish qiyin emas. Til axborot oqimini kuzatib borishga harakat qilganda, jargon bu jarayoni tezlashtirishga yordam beradi. Yoshlar jargonlarining so'z boyligi va so'z yasalish jarayonlari maxsus lug'at ba'zan adabiy tilga kirib boradi hamda ko'p yillar davomida saqlanib qoladi. Lekin shuni ham unutmaslik kerakki, til tirik organizmdir va undagi ayrim jarayonlarni majburan to'xtatib bo'lmaydi.

Yoshlik jargonida yangi so'zlarning bunday tez paydo bo'lishining birinchi sababi, albatta, hayotning tez, shiddat bilan rivojlanishidir. So'nggi paytlarda yoshlar orasida kompyuter o'yinlariga ham havas paydo bo'ldi. Bu yana yangi so'zlarning kuchli manbai bo'lib xizmat qildi.

Bu masalada o'zbek tili, shubhasiz, ingliz va rus tilining bevosita ta'siri ostida. Ko'rib turganimizdek, yoshlar jarangi ko'p hollarda ingliz tilidan olingen qarzlar yoki fonetik birliklar tufauli sodir bo'ladi. Ushbu lingvistik hodisaning rivojlanishi va uning rus tilida so'zlashuvchilar sonining ortib borishi zamonaviy jamiyat hayotiga "chet tili" ning kiritilishi bilan bog'liq

Jargon doimiy bo'lib qolmaydi. Bir moda hodisasini boshqasiga almashtirish bilan eski so'zlar unutiladi, ular boshqalar bilan almashtiriladi. Bu jarayon juda tez davom etmoqda. Agar boshqa jargonda so'z o'nlab yillar davomida mavjud bo'lsa, unda yoshlar jarangida faqat so'nggi o'n yillikda jadal sur'atlar bilan dunyo taraqqiyoti davomida aql bovari qilmaydigan miqdordagi so'zlar paydo bo'ldi va tarixa kirdi. Slang hayotimizning ajralmas qismidir.

O'zbek madaniyatida oila bolaning shaxs bo'lib voyaga yetishishida muhim rol o'ynaydi. Olibavliyananalar va urfdatlar kelajak avlodning Vatanga muhabbat, o'z madaniyat va millatiga hurmat kabi fazilatlarini belgilab beradi. Bugungi kunda, axborotlashtirish va globallashuv davrida, ota-onalar va keksa avlod vakillari oldida yoshlarning ona tili – o'zbek tiliga bo'lgan munosabatlarni o'zgartirish vazifasi yanada kuchaymoqda. Badiiy adabiyotni o'qishga bo'lgan muhabbatni oshirish vazifasi bo'lib, bunda ba'zi tarixiy so'zlar va iboralarining ma'nosini tushuntirib berish, mamlakat, shahar, mahalla tarixini o'rgatib borish ham zarur.

Til me'yordi filologlar tomonidan ixtiro qilinmagan, ular butun xalq adabiy tili rivojlanishining ma'lum bir bosqichini aks ettiradi. Til me'yordi farmon bilan kiritilishi yoki bekor qilinishi mumkin emas; ularni ma'muriy usul bilan isloh qilish mumkin emas. Talaffuz normalriga va so'zlarini ishlatish qoidalari beparvolik, jargon va vulgarizmlardan foydalanish, asossiz chet el so'zlarini ishlatish nutqni zaiflashtiradi, adabiy tilni mavqeini pasaytiradi. Mamlakatimizda nutq madaniyatining pasayish muammolariga alohida e'tibor berilmoqda, chunki nutq madaniyatni ijtimoiy ahamiyatga ega. Kommunikativ nutq madaniyatini shakllantirish muammosi turli yosh guruhlari turlicha ifodalanadi va asosan o'spirin maktab o'qvychilariga taalluqlidir. Binobarin, barcha ta'lif muassasalari va ularda ishlayotgan o'qituvchilarning muhim vazifasi adabiy tilga asoslangan og'zaki muloqot madaniyatini shakllantirish va yuksaltirish uchun qulay sharoit yaratishdir.

Bugun o'zbek tilini takomillashtirish bo'yicha ulkan o'zgarishlar yuz bermoqda va asosiy muammolardan biri bu nutqimizda chet el so'zlaridan tobora ko'p foydalanish bo'lib qolmoqda. Jargon so'zlar madaniy nutqni siqib chiqarmoqda va ommaviy madaniyat tufayli butun xalq tilida o'z ta'sirini qoldirmoqda. Ma'lum bir yoshdan boshlab ko'pchilik "ko'cha" tilidan faol foydalanadi, ammo vaqt o'tishi bilan ular adabiy tildan tez-tez foydalanishni boshlaydilar. Afsuski, ko'p holatlarda keksa avlod vakillari ham jargonga qaramlikni saqlab qolmoqda.

Nutqning zamonaviy shakli yoshlarning nutq madaniyatni darajasiga alohida e'tibor berishni talab qiladi. Biroq so'nggi yillarda yoshlarning nutqi va umumiy madaniyatni sezilarli darajada o'zgardi, axloqiy me'yordi e'tiborsiz qoldirila boshlandi, bu esa jamiyat so'zlashuv madaniyatini tanazzulga uchrashiga olib kelishi mumkin. Buning oqibatida yoshlar orasida ona tilini bilish darajasi, adabiyotga qiziqish pasaymoqda. Zamonaviy yoshlar va katta avlodning aksariyat qismi kitob o'qishni ijtimoiy tarmoqlardan "onlayn" foydalanish hisobiga, kitob mutolaasiga juda oz vaqt ajratishmoqda.

Shunga qaramay, yoshlar tili hali ham marketingda muhim vositadir. Ijtimoiy tarmoqlarda ham, reklamada ham. Chunki Instagram, Facebook, Twitter, TikTok, YouTube va shunga o'xshash ijtimoiy tarmoqlardagi alohida jamoalarda yoshlarning tili odatda kundalik hayotda ishlatalidigan tilga juda o'xshashdir. Shuning uchun kompaniyalar yoshlar tomonidan tez-tez ishlatalidigan atamalarni tushunishlari kerak. Bugungi kunda mumtoz adabiy tilimiz qoidalariga beparvolik odatiy holga aylanib bormoqda. Bu holat ommaviy axborot vositalari va kinoindustriya sohasida ham namoyon bo`lmoqda. Ming afsuski, maktab bitiruvchilarining ozgina qismi yuqori darajadagi kommunikativ nutq madaniyatiga ega.

Agar siz marketingda yoshlarning so'zlarini to'g'ri ishlatmoqchi bo'sangiz, nashr qilishdan oldin ularning matnlari yoki postlari haqida yoshlar bilan maslahatlashish ham yordam beradi. Balki sizda stajyor bordir? Bu, shuningdek, yoshlar tilining haqiqiyligini tekshirish uchun sizning ta'sirchan marketingingizning bir qismi bo'lishi mumkin. Biz sizga ta'sir qiluvchilarni topish bo'yicha 5 ta maslahatdan foydalanib, kompaniyangiz uchun to'g'ri ta'sir qiluvchini qanday topishni ko'rsatamiz.

Albatta, haqiqiylik nafaqat yoshlar so'zlashuvini to'g'ri ishlatishdan kelib chiqadi. Shuningdek, yangilanishlardan xabardor bo'lishingiz ham muhimdir. Yuqorida ayтиб o'tilganidek, yoshlar tili doimo o'zgarib turadi. Bugun urf bo'lgan narsa ertaga chiqishi mumkin. Yilning eng muhim yoshlar so'zlarini kuzatishning yaxshi usuli - Langenscheidttagi Duden nashriyotining veb-sayti. Yilning eng faol yoshlar so'zi uchun ovoz berish ham Langenscheidt Verlag orqali o'tadi.

Nemis yoshlar tilidagi faol so'zlar;

1. akkurat – roziliginibildiradi

2. Cringe – uyaladigan hamma narsani tasvirlaydi

3. Digga – Do'st yoki do'st uchun belgi
4. Geringverdiener – Memlar, yutqazganlar hazil bilan kam maosh oluvchilar deb ataladi
4.Mittwoch – “Bugun chorshanba, birodarlarim” (internet mem)
5. papatastisch – Go'zal, g'ayrioddiy yoki fantastik narsa uchun atama
6. same – roziliginibildiradi
7.Sheesh – Ajablanish yoki tashvish bildiruvchi undov
8.sus – shubhali, soyali degan ma'noni anglatadi:
9.wild –zo'ravon, shafqatsiz yoki kuchli degan ma'noni anglatadi:

10.Karen-norozi kishini ifodalaydi

Cringe, sheesh, sus, Wednesday, papatastisch - bular 2021 yilgi yoshlarga oid so'zlar edi. Kelgusi yilda yoshlar tili bo'yicha eng yaxshi 10 talikka qaysilari kiradi...? Sizning marketingingiz uchun siz, albatta, yoshlar tilini e'tiborsiz qoldirmasligingiz kerak.

O'zbek yoshlar tilidagi faol so'zlar;

1. dnuxa- tug'ilgan kun

2. botanik- o'qishga berilib ketgan kishi

3. dacha-dala hovli

4. dux- qo'rqaq

5. paxan-boshliq

6. jigar-yaqin kishi

7. uxlatmoq-chuv tushirmoq

Xulosa o`rnida shuni aytish kerakki, ko'zlar qalbning ko'zgusi, nutq esa shaxsning ko'zgusi. Biz zamonaviy jamiyat, yoshlarni vatanparvarlik va millatimizga muhabbat ruhida tarbiyalashga befarq bo'lmasligimiz kerak. Ona tiliga muhabbatni kuchaytirish esa komil shaxsni tarbiyalashning yana bir muhim bosqichidir.

ADABIYOTLAR

1. Beregovskaya E.M. Yoshlar jarangi: shakllanishi va faoliyati // Tilshunoslik masalalari. - 2006 yil.
2. Borisova-Lukashenets E.G. Zamonaviy yoshlar jargoni // Ruscha nutq. - 2004 yil
3. Borisova - Lukashenets E.G. Zamonaviy yoshlar jargoni // IT. 2006 yil
4. Grachev M.A., Gurov A.I. Yoshlar jargon lug'ati. - Gorkiy, 2004 yil.
5. Dubrovina K.I. Talaba jargoni // FN. 2004 yil.
6. Zemskaya E.A. Zamonaviy rus tili. So'z shakllanishi. - M., 2004 yil.
7. Matyushenko, E.E. Qarz olish zamonaviy yoshlar jarangi birliklarini
8. shakllantirishning eng samarali usullaridan biri sifatida / E.E. Matyushenko //
9. Tilning ijtimoiy variantlari - II: stajyor materiallari. ilmiy. konf. - N. Novgorod: 10. NGLU im. USTIDA. Dobrolyubova, 2003 yil.
11. Rosenthal D.E., Golub I.B., Telenkova M.A. Zamonaviy rus tili. - M., 2008 yil.
12. Shiryaev E.N. Nutq madaniyati tilshunoslik fani sifatida // Rus tili va
13. zamonaviylik: Russhunoslikni rivojlantirish muammolari va istiqbollari. - M., 2001 yil.
14. <https://www.bedeutungonline.de/jugendworte-und-jugendsprache-des-jahres-2021-liste-uebersicht-worte-beispiele/>



Nargiz NAZAROVA,

Andijon davlat universiteti katta o'qituvchisi

nargizanazarova744@gmail.com

FarDU katta o'qituvchisi, f.f.f.d. Z. Yigitalieva tagrizi asosida

O'ZBEK TILIDA YAXSHILIK VA YOMONLIK KONTSEPTUAL MAYDONINING BADIY MATNDAGI IFODA VOSITALARI TAHЛИLI

Annotatsiya

Ushbu maqolada yashilik va yomonlik kontseptining lingvistik talqin etishda uning leksik, morfologik, sintaktik, stilistik xususiyatlariga ahamiyat beriladi va mazkur kontseptning kontseptual maydoni yadro va periferiya chegaralari badiiy matndagi ifoda vositalari tahlili misolida ochib beriladi.

Kalit so'zlar: Kontsept, kontseptsfera, yadro, pereferiya, leksik, morfologik, sintaktik xususiyatlar

АНАЛИЗ ВЫРАЗИТЕЛЬНЫХ СРЕДСТВ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТЕКСТЕ КОНЦЕПТУАЛЬНОГО ПОЛЯ ДОБРА И ЗЛА НА УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Аннотация

В данной статье обращается внимание на лексические, морфологические, синтаксические, стилистические особенности лингвистической передачи концепта добра и зла, и на примере анализа выразительных средств раскрываются границы ядра и периферии концептуального поля данного концепта.

Ключевые слова: Концепт, концептосфера, ядро, периферия, лексические, морфологические, синтаксические особенности

ANALYSIS OF EXPRESSIVE MEANS IN THE LITERARY TEXT OF THE CONCEPTUAL FIELD OF G'OOD AND EVIL IN THE UZBEK LANG'UAG'E

Annotation.

This article draws attention to the lexical, morphological, syntactic, stylistic features of the linguistic transmission of the concept of g'ood and evil, and on the example of the analysis of expressive means, the boundaries of the core and periphery of the conceptual field of this concept are revealed.

Keywords: Concept, concept sphere, core, periphery, lexical, morphological, syntactic features

Kirish. Hozirgi zamон jahon tilshunosligi paradigmatic kontseptsiyasida kognitiv tilshunoslik o'z o'mini mustahkam egalladi. Uning, aynan, hozirgi bosqichda paydo bo'lishi va jadal rivojlanishi tilshunoslikning o'ziga xos xarakterini namoyon qildi.

V.Z.Demyankov va Ye.S.Kubryakovalarning ta'rifiga ko'ra, kognitiv tilshunoslik tildagi axborotni kodlash va o'zgartirishda muhim ahamiyatga ega bo'lgan kognitiv mexanizm sifatida o'rganadi[1.53-55].

Kognitiv tilshunoslik ikki asosiy yondashuv asosida o'rganiladi: lingvokognitiv va lingvomadaniy yondashuvlar[2.6]. Bu yondashuvlar bir birini to'ldirib keladi.

Lingvomadaniy yondashuv madaniyatdan ongacha bo'lgan milliy kontseptosferani o'ziga xos xususiyatlarni o'rganadi. Kontsept inson ongiga tegishli bo'lgan, aqliy faoliyatni aks ettiruvchi global birlikdir. Insonning ongida tartiblangan kontseptlar to'plami kontseptosferani shakllantiradi. Til inson ongiga hamda fikrlash birligi sifatida tushunchalarning mazmuni va tuzilishiga tegishli uning kontseptual sohasiga kirish vositalaridan biridir.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Yashilik va yomonlik kontseptining badiiy matndagi ifoda vositalari o'zbek asarlaridan olingan matnlarni misolida tahlilga tortildi.

Tadqiqot metodologiyasi. O'zbek tilida yaxshilik va yomonlik kontseptul maydonining badiiy matndagi ifoda vositalari tahlili masalasining tadqiqi uchun tilshunos olimlar G.Shur, Ye.Kubryakova, Ye.Balashovalarning kontsept va kontseptual maydon haqidagi qarashlariga tayanildi.

Tahlil va natijalar. Kontseptualizatsiya-bu insonga atrofdan keladigan ma'lumotlarni tushunish jarayoni bo'lib, bu


jarayon natijasida inson ongida tushunchalar shaklidagi dunyo haqidagi muayyan g'oyalari shakllanadi [3.22]. Inson ongingin tasnifi faoliyati, "kontseptsiya qilingan" ob'ektni uning belgisining ma'lum bir toifasiga ruhiy bog'lash bo'lgan toifalash jarayoni bilan bog'liq. "Tushunchalar alohida holda mavjud emas, ular ob'ektlarning ajralmas sinflari sifatida toifalarga birlashtirilgan"[4.]. "Kategoriyaning shakllanishi uning atrofida quriladigan tushuncha yoki tushunchalar guruhining shakllanishi, ya'ni birlashtirilayotgan birlıklarning o'xshashligini ifodalovchi xususiyatlar to'plamini ajratish bilan chambarchas bog'liqdir"[4.]. Har bir xalq tilida turlicha kontseptlar mavjud bo'lib, ularning lingvistik nuqtai nazaridan chuqur tahlil qilish kontseptual maydonlarga bo'lib o'rganishni taqazo qildi. Yevropa olimlari G.S. Shur, Y. Trir "maydon" tushunchasini "leksik maydon" va "kontseptual maydon" larga ajratib o'rganganlar[5.21]. Kontseptual maydon bir xil mazmunga tegishli bo'lgan til birlıklarini qamrab oladi.

Kontseptni lingvistik maydon nuqtai nazaridan tahlil qilishda badiiy asarlardagi ifodalar til materiali bo'lib xizmat qildi. Yaxshilik va yomonlikni ochib beruvchi o'zbek badiiy asarlarida markaziy o'rinni insonning ma'naviy-axloqiy baholari bilan bog'liq tushunchalar egallaydi: "haqiqat", "yolg'on", "yaxshi", "yomon", "odob", "taqdир" kabi. Yaxshilik va yomonlik tushunchalari badiiy asarlarda keng tarqalgan bo'lib, har doim juft holatda va yaxshilik yovuzlikni yengishi ifodalanadi. Ushbu kontsept ma'no jihatidan bir-biriga qarama-qarshi bo'lsa-da, birgalikda olamning asosini tashkil yetib, uning axloqiy mohiyatini belgilaydi.

Yaxshilik va yomonlik tushunchalarining lingvistik tahlili badiiy obrazlar tarkibini tasvirlash bilan birga o'quvchi

va muallifning ushbu kontseptning jamoaviy ong va individual ongdagi in'ikosini taqoslashga imkon beradi.

Lug'atlarda "yaxshi" tushunchasi axloqiy jihatdan ijobiy, inson uchun yaxshi, foydali, zarur bo'lgan narsa, odamlarning umidlari, erkinlik va baxt haqidagi g'oyalar bilan bog'liqligi aks etadi. "Yovuzlik" axloqiy jihatdan salbiy va tanbehdir, demak yomon, qiyinchilik, azob-uqubat, qayg'u, baxtsizlik kabilar yomonlik kontseptini namoyon qiladi. Ya'ni yomonlik yaxshilikning teskarisidir.



1-chizma. Yaxshilik tushunchasining leksik darajalanishi.

O'zbek badiiy asarlaridan olingan misollardagi tahlillarda yaxshilik 11 ta, ezgulik 4 ta, mehribonlik 3 ta o'rinda kuzatildi, xushmuomalalik bo'lsa kam qo'llanuvchi birlit ekanligi sezildi. Ushbu tahlil quyidagi misollarda namoyon bo'ladi.

Qachondir bu odamlarga bir yaxshilik qilishni diliqa tugib qo'ydi[6.46]. O'lmasa, dardga chalinib qolmasa, bu saxovatli kishilarga bir yaxshilik qilsin, shunday yaxshilik qilsinki, bu nogiron — xasta kishi diliga o'chmas alam solgan bolasining dog'ini unutsin[6.328].

Yigirma bir yil surgan eng ezgu o'ylari, har soatini baxt tilab o'tkazgan kunlari shu kecha tugaganday[6.317]. Shu tongda, shu ezgu ertada u umrining buyog'ini Dildorsiz, o'g'lisiz o'tkazish mumkin emasligini tuydi[6.508].

Rais uni mehribonlik bilan o'nidan turib kutib oldi(670). A'zamjon uning yelkasiga qo'lini tashlab, mehribonlik bilan yuziga tikildi[6.266].

Morfologik darajada yadro maydonini tasvirlash uchun turli so'z turkumlarida ushbu kontseptning ifodalanishi tahlil qilinadi. Bunda:

Ot bilan: yaxshilik, ezgulik, mehribonlik, xushfe'llik,
Sifat bilan: yaxshi, ezgu, mehribon, xushmuomala,

Ravish bilan: yaxsh

Ravishdosh bilan: yaxshilab, do'stona

Fe'l bilan: yaxshilik qilmoq, yaxshilamoq, mehribonlik qilmoq kabi.

Yaxshilik kontsepti periferiyasining o'ziga xos xususiyati uning lingvistik tasvirini turli xil lingvistik usullarda taqdim etilishidadir[7.].

Leksik ifodalishiga ko'ra "yaxshilik" kontsepti yaxshi, chiroqli, aqli, ulug'vor, sodiq, quvnoq, quvonch, rahm-shafqat, xursand bo'lmoq, sevmoq, quvonmoq kabi birlitlar bilan bog'liq ekanligi aniqlandi.

Badiiy matnlarda ushbu tushunchalarning lingvistik talqini leksik, morfologik, stilistik va matn vositalarini o'z ichiga olgan ko'p darajali vositalar tizimini kasb etadi.

Yaxshilik kontsepti kontseptual maydoni yadrosini "yaxshilik" tashkil etadi. Yaxshilik tushunchasining yadro doirasida leksik darajalanish birlitlari uning sinonimlari sanaladi.

Shuningdek, yaxshilikni ifodalovchi yana bir qancha leksemalar ishonchli, mehnatsevar, do'stona, dono, zo'r kabilar kuzatildi.

Badiiy matnda chiroqli 12 ta, aqli 1ta, sodiq 1ta, quvnoq 6 ta, quvonch 19 ta, rahm-shafqat 1ta, xursand bo'lmoq 6 ta, sevmoq 26 ta, quvonmoq 13 ta kabi qo'llanilishi yaxshilikni ifodalovchi birlitlar tilimizda salmoqli ekanligini ko'rsatdi.


Masalan: O'zi bosiq, bir chiroqli yigit bo'pti[6.218]. Shu aqli bo'lgani[6.435]. Endi u o'zini katta qo'shining sodiq jangchisi deb biladi!..[6.365]. U o'zidan-o'zi ichki bir tovush bilan, hech bu dunyoda rahm-shafqat degan narsa bormi, adolat degan narsa bormi, deb nido qilardi[6.23]. Shunday quvnoq, shunday ko'rkan yigit ham halok bo'libdi[6.277]. Nizomjon u yoqdan-bu yoqqa yugurib radioda eshitgan gaplarnnn aytar, ularni o'z quvonchiga sherik qilmoqchi bo'lar edi[6.275]. Qirg'iz yigitlari xursand bo'lib, maqtab-maqtab dasturxonga fotiha o'qishdi[6.123]. — Jannat xolaning nima deganini bilmochimidingiz? Siz Tursunboy ni sevardingiz. Ammo Tursunboy...[6.390]. Do'stining bu martabasi, obro'si uni chindan ham quvontirgan edi[6.210].

Sintaktik jihatdan erkin iboralar, frazeologik birlitlar yoki butun jumlalar yaxshilik tushunchasini tafsiflash uchun ishlataladi.

Matn tahlili yuzasidan tahlil qilinganda yaxshilik kontsepti ifodalovchilar asar qahramonlari hisoblanadi.

Yaxshilik tushunchasining lingvistik tasavvurlarini tahlil qilish asosida badiiy asarlarda yaxshilik kontseptini ifodalovchi vositalar turlicha bo'lib, ularning hammasi ham teng qo'llana olmasligi, albatta, bunda matn mazmunidan kelib chiqib kontsept doirasidagi tushunchalar tanlanishi aniqlandi.

Yomonlik tushunchasining o'zagini yomonlik leksemasi tashkil yetadi.



2-chizma. Yomonlik tushunchasini leksik darajalinishi.

Yomonlik kontseptining yadro va periferiyasini tavsiflash uchun "yomonlik"ning sinonimlari va hosilalari ishlatalidi: yovuzlik, yovuz, g'azab, jaholat kabi. Asarlarda bunday birliklar qo'llanilishi yaxshilikka nisbat berishda, yaxshilikni me'yoriy bahosini oshirishga xizmat qiladi.

Tahlil jarayonida badiy matnda yovuz 5ta, g'azab 22ta, yomon 23ta qo'llanilgani aniqlandi.

Masalan: Olida qonli urush bormoqda, shaharlar yonmoqda, odamlar yovuz dushman bilan jon talashmoqda edilar[6.261]. Shu topda ona ko'nglida ham mehr, ham tashvish, ham g'azab bor edi[6.370]. — Xo'sh, niyatiigni ayt?— dedi butun g'azabini, nafratini to'kib[6.247]. — Esiig bormi? — dedi boshqa bir yo'lovchi. — Har qancha yomonligi bo'lsa melisa jazo beradi. olamon qiladigan paytlar o'tib ketgan[6.18]. — Jon bolam, o'shaqdan yur. Tezroq boraylik ko'nglimga yomon xayollar kelyapti[6.111]. Qaysi yerda ish yomon ketyapti, qaysi yerda yaxshi[6.147].

Yomonlik tushunchasining periferiyasini lingvistik tasvirlash usullari xilma-xil bo'lib, leksik sathda yomonlik so'zi bilan g'am, nomus, g'azab, hasad, aldash, xafa bo'lisch, o'lish, yig'lash, g'azablanish, qatl qilish, o'lish kabi yomonlikni aks ettiruvchi birliklar aniqlandi. Shuningdek, g'am chekmoq, yolg'on gapirmoq, baqirmoq, kasal bo'lmoq, yo'ldan ozmoq, ahmoq, olib qochmoq, qasam ichmoq, isyon qilmoq, ahmoq bo'lmoq kabilalar ham yomonlikni namoyon etishi aniqlandi.

Morfologik sathda turli xil so'z turkumlari doirasida yomonlik kontsepti ifodalanishi aniqlandi:

Ot bilan: yomonlik, yovuzlik, o'lim, g'azab,
Sifat bilan: ahmoq, yovuz, yolg'onchi, kasal,

Fe'l bilan: o'lmoq, aldamoq, tahdid qilmoq, sharmanda qilmoq, xafa qilmoq, yolg'on gapirmoq, baqirish fe'llari, yo'ldan adashmoq, ta'na qilmoq, isyon qilmoq kabilar.

Sintaktik sathda, yaxshilik tushunchasida bo'lgani kabi, yomonlik tushunchasining atrofini tasvirlash uchun erkin iboralar, frazeologik birliklar yoki butun jumlalar ishlataladi.

Masalan, — Ahmoq, bemaza ish qildi. Butun qishloqning boshini yerga egib ketdi[6.91].

Badiy asar misolida olib borilgan tahlil yaxshilik va yomonlik kontseptlari turlicha qo'llanilishi, hamda yaxshilik va yomonlikni matnlarda teng ifodalanishi ularni mohiyatan chuquroq anglashga, shuningdek, ushbu kontseptual qaramaqshilikning badiy asarlarda tahlili matnlarda o'ziga xos xususiyatlarini anglab olishimizga imkon beradi.

Xulosa qilsak, badiy matnlarda doimo jamoaviy lingvistik ongga xos bo'lgan xalq axloqiy qadriyatlarini baholash va idrok etishda kontseptual yondashuv saqlanib qoladi, bunda asarlarda yashilik va yomonlik kabi tushunchalar tarkibiga yangi bilimlarini kiritish emas, balki milliy madaniyatni saqlab qolgan holda yozuvchining boy lingvistik vositalar orqali o'quvchi e'tiborini jalb qilishi tushuniladi.

ADABIYOTLAR

- Кубрякова Е.С. Демьянков В.З. и др. Краткий словарь когнитивных терминов. М.: Филол. ф-т МГУ им. М. В. Ломоносова, 1997. 245 с.
- Балашова Е.Ю. Концепты любовь и ненависть в русском и американском языковых сознаниях. Автореф. дис... канд. филол. наук. Саратов, 2004.
- Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика: курс лекций по английской филологии [Текст] / Н.Н. Болдырев. – Тамбов: Изд-во Тамбовского университета, 2001. – 123 с.
- Qarang: Богданова Е.А. Концепты "добро" и "зло" в русской и французской лингвокультурах: аксиологический аспект: диссертация ... кандидата филологических наук. - Майкоп, 2012.- 162 с.
- Щур Г.С. Теории поля в лингвистике. – М.: 1974. – 256 с.
- Said Ahmad. Ufq.— Toshkent: Adabiyot va san'at, 1976. — 686 b.
- Ли Исинь. Концепты "добро" и "зло" в русском языковом сознании (на материале русских народных сказок и сказок А.С. Пушкина) https://www.g'ramota.net/articles/issn_1997-2911_2017_2-2_40.pdf



Maxfurat OMONOVA,

Қаршии давлат университети мустақил тадқиқотчи

E-mail: maxfurat.omonova@mail.ru

ҚарДУ профессори, филол.ф.д.Хўжамурод Жабборов тақризи остида

NOMINATION OF AMELIORATIVE OBJECTS BY MOTIVATIONAL SIGNS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

Abstract

The article discusses the issues of the process of naming reclamation objects and water resources with words and terms with motivational features in English and Russian. The research was carried out on the basis of theoretical and practical points about the names of ameliorative objects according to motivational features. The conclusion of the scientific article suggests that the form and volume, location, quality and fertility, irrigation of sown areas, reclamation objects formats names and complex terms according to the motivational features of education.

Key words: Reclamation system, reclamation economy, reclamation agriculture, reclamation zoning, area, arable land, cotton, grain, wheat, barley, irrigated area.

НОМИНАЦИЯ МЕЛИОРАТИВНЫХ ОБЪЕКТОВ ПО МОТИВАЦИОННЫМ ПРИЗНАКАМ НА АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Аннотация

В статье рассматриваются процесс наименования мелиоративных объектов и водных ресурсов со словами и терминами с мотивационными признаками на английском и русском языках. Это обследование проводилась на основе теоретических и практических представлений о названиях мелиоративных объектов по мотивационным признакам. Заключением научной статьи выдвигается что, форма и объем, дислокация, качество и плодородность, ирригация посевных площадей, являясь мелиоративными объектами образуют наименования и сложные термины по мотивационным признакам образования.

Ключевые слова: Мелиоративная система, мелиоративное хозяйство, мелиоративное земледелие, мелиоративное районирование, площадь, пашня, хлопчатник, зерно, пшеница, ячмень, орошаемая площадь.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА МЕЛИОРАЦИЯ ОБЪЕКТЛАРИНИ МОТИВЛАНИШ БЕЛГИЛАРИГА КЎРА НОМЛАНИШИ

Аннотация

Мақолада инглиз ва ўзбек тиллари мелиорация ва сув хўжалиги объектларини ифодаловчи терминларга ва унинг кисмларига оид тушунчаларни ифодаловчи сўзларнинг экин майдонларининг мотивланиши белгиларига кўра номланишини ёритишга каратилган. Ушбу тадқиқот мелиорация объектларнинг мотивланиш белгиларига кўра номланиши хақидаги назарий ва амалий фикрларига таянган ҳолда олиб борилган. Мелиорация объекти сифатида экин майдонлари шакли ва ҳажми, жойлашиш ўрни, сифати ва унумдорлиги, сугорилиш ва сугорилмаслиги, карашлилиги, сув хўжалиги соҳасига оидлиги, канал турлари ва насос билан алоқадорлигига кўра турли-туман туб ва биримлами терминларни хосил қиласида деган хулоса илгари сурилади.

Калит сўзлар: Мелиорация тизими, мелиорация объектлари, мелиоратив кишлоқ хўжалиги, мелиоратив районлаштириш, майдон, экин майдони, пахтазор, галлазор, буғдайзор, арпазор, сугорма майдон.

Кириш. Инглиз ва ўзбек тилларида мелиорация объектларини мотивланиш белгиларига кўра номланишини ёритишдан олдин аввало мелиорация фани таркибига кирувчи мелиорация тизими-ameliorative system, мелиорация объектлари-ameliorative objects, мелиоратив кишлоқ хўжалиги-ameliorative agriculture, мелиоратив районлаштириш-ameliorative zoning, мелиорация даври-ameliorative period каби мелиорацияяга умумий алоқадор бўлган тушунчалар ва уларнинг англатган маъноларига тўхталиш зарур.

Мелиорация - бу ишлатилган, яъни экин экилган, сугорилган, ҳосил олинган ерларнинг табиий шароитларини яхшилашни қамраб оладиган халқ хўжалигининг бир соҳаси. Энг катта аҳамияти кишлоқ хўжалигини мелиорациялаштишdir, унинг вазифаси ер ресурсларидан энг самарали фойдаланиш учун шароит яратишидир. Мелиорация объектлари коллектор-дренаж ва ер усти ташлама сувларини тўплаш ҳамда уларни сугориладиган ерлардан ташқарига чиқариб ташлашга кўмаклашадиган, коллекторларни ва коллектор-дренаж

тармоғини, вертикал дренаж кудукларини, мелиорация насос станцияларини (агрегатларини) ва кузатув тармоғини ўз ичига оладиган сув хўжалиги объектлари мажмуудир.

Мелиорация тизими - бу тупроқнинг илдиз катламида оптималь сув, ҳаво, озука моддалари ва кисман иссиқлик режимларини яратиш ва сақлашни таъминлайдиган, барқарор экинлар ҳосилдорлигини олиш ва кишлоқ хўжалигидан юкори маҳсулдорлик билан фойдаланишини таъминлайдиган функционал жиҳатдан бир-бирига боғланган гидротехника иншоотлари ва курилмалари мажмуусидир. Мелиоратив кишлоқ хўжалиги - мелиорация килинган ерларда дәхқончилик. Мелиоратив районлаштириш - ерларни мелиоратив холатга келтириш зарурлигини ва уларни амалга ошириш имкониятларини белгилайдиган табиий омиллар мажмуусига кўра районлаштириш. У мелиорация концепциясини танлаш, унинг атроф-мухитга таъсирини баҳолаш учун атроф-мухит шароитларини таҳлил килишни ўз ичига олади. Мелиорация даври - маҳаллий ва

биологик мелиорация ёрдамида мелиорация қилинган ерларнинг сифати яхшиланадиган ва унумдорлиги тикланадиган вақт оралиги.

Маълумки, мелиорация ва сув хўжалигининг асосий обьектлари суформа ва обикор дехқончиликда фойдаланиладиган экин экишга яроли ерлар мажмумини ташкил этади. Экин экиладиган, сугориладиган ва сугорилмайдиган тупрок қатлами - сугориш майдони, ер, тупрокни ташкил этади. Обикор дехқончиликда сув, лалмикор дехқончиликда ёмғир ва қор сувлари – восита, ер эса объект вазифасини бажаради. Шу сабабли ҳам дехқонлар: “ер – хазина, сув-олтин” дейишиди [1].

Инглиз ва ўзбек тиллари мелиорация ва сув хўжалиги обьектларини ифодаловчи терминларга сугориш майдони-(irrigation area), ер- (field,area), тупрок-(soil) ва унинг қисмларига оид тушунчаларни ифодаловчи сўзлар анчагина. Кузатишлар шуни кўрсатдики, мелиорация ва сув хўжалиги обьектларининг мотивланиш белгилари кўра номланиши турлича. Мелиорация ва сув хўжалиги обьектларидан экин майдонларининг мотивланиш белгиларига кўра номлари экин экиладиган ернинг умумий номи экин майдони-(sown area), дала(-area, field) деб юритилади. Буғдой даласи - wheatfield, паҳта майдони - cotton field, экин майдони – sown area, галла майдони -wheatfield, арпа майдони - barley field .

Демак, ўзбек ва инглиз тилларида мелиорация обьектларини ифодаловчи терминлар гурухига обикор ва лалмикор ерлар- irrigated area and dryland, коллектор - collector, дренаж-drainage, вертикал дренаж- vertical drainage, горизонтал дренаж – lateral drain, вертикал дренаж кудуклари- vertical drainage will, мелиорация насос станциялари – ameliorative pumping station, кузатув тармоқлари-monitoring network, сув хўжалиги обьекти - water management objects ва бошқалар киради.

Мазкур маколада мелиорация ва сув хўжалиги обьектларидан фақат экин майдонларининг мотивланиш белгиларига кўра номланишини ёритишга ҳаракат киласиз. Шу ўринда айтиш ўринлики, ўзбек тилшунослигига обьектларнинг мотивланиш белгиларига кўра номланиши тадқикотчи Х. Жабборовнинг “Ўзбек тилининг дехқончилик лексикаси” мавзуудаги докторлик диссертациясида ғаллачилик экин майдонлари мисолида атрофлича ўрганилган [12]. Биз ушбу маколани ёритишда муаллифнинг обьектларнинг мотивланиш белгиларига кўра номланиши ҳақидаги назарий ва амалий фикрларига таянган холда иш юритишга ҳаракат қиласиз.

Юкорида таъкидланганидек, ўзбек-инглиз тилларида экин майдонлари шакли ва ҳажми, жойлашиш ўрни, қарашлилиги, сифати, унумсиз, унумдорлиги, сугорилиш, сугорилмаслик каби мотивланиш белгиларига турлича номланандир. Икки тилда ҳам бундай мотивланиш белгиларига кўра номланган терминларни қўйидагича гурухлаб ўрганиш мумкин:

1. Мелиорация обьекти экин майдонлари шакли ва ҳажмiga кўра: майдон- field, area, экин майдони – sown area , катта майдон-enormous area, кичик дала-a small field, карта-plantation, дашт-steppe, участок-area, огород-vegetable garden,plot, катта пол- large planting area ва бошқалар.

Демак, ўзбек ва инглиз тилларида экин майдонларини ҳажм ва шакл белгисига кўра карта-area, пайкал-small area, дала-field, майдон-area, экин майдони-agricultural area, паҳтазор-cotton field, ғаллазор-wheatfield, буғдойзор-wheatfield, арпазор-barley field каби сўзлар – катта майдон тушунчасини англатади.

2. Экин майдонларининг жойлашиш ўрнига кўра бой ери – бойнинг уйи яқинидаги ер, яқин майдон, узоқ майдон, баланд майдон (тепалик ёнида жойлашган ер), ёқамайдон, дарёбод // дайровод, ўрталиқ, орамайдон –

йўл ёқаси, дарё бўйи, уйлар ўртасида жойлашган майдон. Шундай килиб, бу обьектлар жойлашиш ўрнига кўра мотивланган бўлиб, томорқа, ҳаят // ҳайат, чорбоғ, агорот, узоқ майдон деб номланган [3]. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, экин майдони номларининг таркибида туб, ясама сўзлардан кўра, бирикмали терминлар анча кўп. Бундай бирикмали терминлар нарса ва ҳодиса, белги ёхуд обьектларни бир-биридан аниқ ажратиш учун туб сўзларга ўша тушунчанинг маъносини янада ойдинлаштирувчи изоҳловчи сўзларни (хўжалик, ер) кўшиш воситасида (фермер хўжалиги ери, бой ери, давлат ери, дехқон хўжалиги) ясалган[6].

3. Экин майдонлари қарашлигига кўра қўйидаги сўз ва терминлардан иборат. давлат ери, бой ери – бойга қарашли экин майдони, камбагал ери, ердор – ер эгаси, фермер ери, мулқдор, совхоз ери, колхоз ери, бригада майдони, звенобой // звено ери, қишлоқ ери, мактаб ер участкаси, шаҳар ери, ер эгалиги, ҳалқ ери, ширкат ери, бўлим ери, хусусий ер ва бошқалар. Бу гурухдаги сўзлар, асосан, қарашлилик мотивига кўра асосланий ясалган.

4. Сифати, рельефи ва унумдорлигига кўра экин майдонлари қўйидагича номланган. Сифатли ер, ҳосилдор ер, унумдор тупрок, ҳосилдор майдон, семиз ер // думба ер, зархок (унумдор) ер, текис ер, табиий унумдор ер, окпоя // обод ер // обод тупрокли ер, қумок // кумлок ер, оби ер // сувли ер, қайроқи ер, зар тупрокли ер ва бошқалар [1].

5. Экин майдонининг сифатсизлиги ва унумсизлигига кўра Юқори Қашқадарё шеваларида сифатсиз, унумсиз, қаттиқ, яроқсиз ҳолга келиб қолган экин майдонларининг ўз номлари мавжуд: гўмпар – гўнгланган, маҳаллий ўғит солинмаган ер; жабиз // жавиз – қотиб қолган ер; лойшақ – лойли ер, шилтали ер, ёмғир кўп ёғиши натижасида яроқсиз бўлиб қолган ер. Ҳар йили экин экилиб, ҷарчаб қолган ер – ҷарчиқ (жер) дейилади. В.Радлов лутатида – бўз «ишланмаган ер, чўл, қаттиқ ер». Шўр ер // шўрхок – шўри (тузи) кўп ер, тўғай ер, даҳхол ер (Чр., Як.), ҳайдалма қавати қалин бўлмаган ер, янги ўзлаштирилган унумсиз ерлар – дашқал // дашқал деб юритилади. Оқова қачкан ер (Чр., Қм.) шўрлаб, ёрилиб кетган ер, чағат – экин экиши мумкин бўлмаган, яроқсиз ер, бузук ер – яроқсиз ер, Шахрисабз туманида кам ҳосилли, унумсиз, яроқсиз, ерлар – ташландик ер деб юритилади. Ҳудра – 1.буғдой ҳосили йигиштирилиб олингач, экин майдонида бир йил қолиб кетган буғдой пояси (Чр.) [2]. Шу каби сўз ва терминлар ҳалқ нутқида кўлланади. Ола ер – унумсиз, қаттиқ ер (тупрок), заҳкаш ер – ер ости суви ери юза жойлашган дала, оқ ер, яроқсиз ер, шўрхак – шўр босган ер, шўртак ер – бироз шўрланган, шўррок ер [7]. Умуман олганда, ердан фойдаланиш учун унинг сифати ва унумдорлиги катта роль ўйнайди. Шу боис ернинг ҳосилдорлиги билан боғлик бўлган сўз ва терминларнинг асосий қисми ер лексемаси иштироқида ясалган бирикмали терминларни ташкил этади. Бу гурухдаги сўзларнинг аталиши, мотивланиши, аниқ сезилиб туради: ҳосилдор ер, сифатли ер, унумдор ер, унумдор майдон, семиз ер, баҳорикор ер ва шу кабилар. Лекин менг//манг, бойир ер, такир, аланг, тархон ер каби лугавий бирликларда эса ернинг сифати ва унумдорлигини англаш хирадашган ёки бутунлай унтилган. Бу сўзлардан менг//манг – тош ва кум, тупрок аралаш қаттиқ ер маъносини англатади [4].

Шуни айтиш лозимки, экин майдони (ер, тупрок) сифати ва унумдорлик даражасига кўра номланишида шевавий ҳарактер қасб этади: менг, бойир ер, бўзлөк ер, бўзлоги қайроқи, думба ер // семиз ер, қумок, заранг ер, оқ пайкал – бир неча йил экин экилмай қолган ер ва шу кабилар. ДЛГда бу турдаги сўзлардан таз, таз ер лексемаси учрайди, холос. Экин майдонининг

унумсизлигига кўра: унумсиз тупроқ, ариқ ер//оррик жер, тархон ер, ола ер ва шу каби сўзларда мотивланиш аниқ сезилиб турса-да, зайдак, аллан, ангар, худра каби сўз ва терминларнинг мотивланиши хиралашган [5].

5. Экин майдонларининг сугорилишига кўра турухига кўйидаги сўзларни киритиш мумкин. Чунончи: сугорма майдон-irrigated area, сугориладиган майдон-irrigation area, оби//ови, обикор- irrigated area, обикор дехкончилик- irrigation agriculture, сугорма дехкончилик, сугорма ер, сугорма массив, сугорма дала, сугориладиган ер, тагоби- маълум каналдан сугориладиган экин майдони [8].

6. Экин майдонининг сугорилмаслигига кўра кўйидаги сўзларни мисол сифатида кўрсатиш мумкин: лалми майдон, лалми ер, лалмикор дехкончилик, дапсан – сугорилмайдиган паст тепалик каби

7. Сув хўжалиги соҳасига оидлигига кўра: сув – Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки, умуммиллий бойлиги хисобланади, у давлат томонидан кўрикландади. Жилғалар, сойлар, дарёлар, сув омборлари, кўллар, денгизлардан, каналлар, коллектор-дренаж тармоклари, булоқлар, ховузларнинг сувлари ва бошқа ер усти сувларидан - Ягона давлат сув фонди ташкил топади. Сув хўжалиги (water reserve)-иктисодиётнинг сув ресурсларини ва сув объектларини ўрганиш, хисобга олиш, бошқариш, улардан фойдаланиш, уларни муҳофаза килиш, шунингдек сувларнинг зарарли таъсирига қарши курашишини камраб олувчи тармоғи. Сув объекти (irrigation object)–сувлар доимий равишда ёки вақтинча тўпландиган ва сув режимиининг ўзига хос шакллари ва белгилари бўлган табиий (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар) ҳамда сунъий (очиқ ва ёпиқ каналлар, шунингдек коллектор-дренаж тармоклари) сув оқимлари, табиий (кўллар, денгизлар, ер ости сувли катламлари) ва сунъий (сув омборлари, сел сувлари тўпландиган жойлар, ховузлар ва бошқалар) сув хавзалари, шунингдек булоқлар ва бошқа объектлар. Сув ресурслари (water reserve) – сув объектларида тўпланган барча сувлар мажмуи, булар мавжуд ҳудуддаги барча ер усти сувлари, ер ости сувларидир. Ер ости сувлари ресурслари (underground water reserve) – ер сатҳидан пастда ер кобиғининг тоғ жиснлари катламларида жойлашган сувлардир, ер ости сувлари одатда 3 тоифага бўлинади (сизот сувлари-subsurface water, артизан сувлари- artesian water, босимли сувлар-pressure water).

Трансчегараий сувлар (transboundary/cross-boundary water reservoir) – икки ва ундан ортиқ давлатлар чегараларини кесиб ўтадиган ёки шундай чегаралarda жойлашган ҳар қандай ер усти ёки ер ости сувлари. Сув кадастри (water register) – мамлакатнинг барча сув ресурслари ҳамда объектларини ҳар томонлама ва батафсил тавсифловчи маълумотлар. Дарёнинг сувлилиги (floody period of rivers) – муайян вақт оралиғи (ўн кун, ой, бир йил)да дарёдан оқиб ўтадиган сув хажми;. Сув истеъмоли (water consumption) - –юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжларини кондириш учун сув ресурсларидан уларни сув объектидан белгиланган тартибда олган ҳолда истеъмолга ишлатиб фойдаланиши. Сувдан фойдаланиш(water utilization)-юридик ва жисмоний шахслар томонидан сув ресурсларини сув объектидан белгиланган тартибда олиб лекин истеъмолга ишлатмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш (буларга гидроэлектростанциялар-hydroelectric power station, саноат корхоналари, балиқчилик хўжаликлари мисол бўлиши мумкин). Сув хўжалиги объекти(water reservoir object)-сув ресурсларини тўплаш, бошқариш, етказиб бериш, улардан фойдаланиш, уларни истеъмол қилиш, ажратиб бериш ва

муҳофаза қилиш мақсадида сув хўжалиги фаолияти амалга ошириладиган сув объекти (дарёлар-river, сойлар-flow, каналлар-canal, сув омборлари-water house, гидроузеллар-hydro-electric site, гидротехник иншоотлар-hydro-system, гидропостлар-hydropost, гидрометрик кўприклар-hydrological gauges, сув таксимлаш иншоотлари-water-distributor);

8. Сувни йиғиш ва саклаш учун куриладиган сунъий сув хавзаларига кўра:

Канал (canal/channel) – ўз оқими билан оқадиган тўғри шакли сунъий ўзантага эта бўлган сув ўтказгич. Машина канали (mechanic channel) – насос орқали чиқарип берилган сувни бошқаришга мўлжалланган канал. Хўжаликларо канал (inter-farm canal) – сув ўтказиш кобилиятидан катъий назар бир нечта хўжалик худудидан оқиб ўтвичи каналлар. Гидротехник – сувдан тўғри фойдаланишга мутасадди шахс. Бош иншоот (head-structure) – магистрал канал бошида курилган, манбаъдан олинадиган сувни созлаб турадиган гидротехник иншоот. Сув иншоотларининг тутуни (гидроузел-hydro-electric site) – дарё ёки каналнинг бир ерида курилган бир нечта гидротехника иншоотлар мажмуи. Гидротехника иншоотлари (hydrotechnic system) – сув тўпловчи, сув ўтказувчи, сув сатҳини кўтарувчи, сув тўсувчи, сув оқимини бошқарувчи ва бўлувчи иншоотлар мажмуи. Сув хўжалигидаги гидротехник иншоотлар (hydrotechnic system of water house) – сув омбори, сел сув омборлари, канал (магистрал, туманларо, хўжаликларо), лоток, насос станция (сугориш ва мелиоратив), тик кудуклар (сугориш ва мелиоратив), коллектор (магистрал, туманларо, хўжаликларо), очик ва ёпиқ дренажлар, пъезометрлар, дюкер, акведук, гидроузел, сув тўсувчи иншоотлар, сув тақсимловчи иншоотлар ва бошқалар. Сув тақсимлагич (water-distributor) – дарё, канал каби катта сув манбаъларидан кичик ариқ ва майда каналларга сув тақсимлаш учун хизмат қиласидан гидротехник иншоот. Сув ўлчаш сув туширгич (водослив-spillway/weir) – кичик каналларда сувни ўлчаш учун сунъий ўзгармас ўзан шаклига келтирилган иншоот. Сув туширгич (водопад-waterfall equipment) – сув оқиши юкоридан пастга кескин тушадиган ерга куриладиган поғонали гидротехник иншоот. Сув урилма (waterfall floor) сув туширгичдан кейин жойлашган дарё ўзани ёки каналнинг мустаҳкамланган кисми. Нов (лоток-flow) – (очиқ нов) ариқ ўрнида фойдаланиш учун ишлатилади. Тўғон (плотина-dam) – сунъий ёки табиий сув йўлларини тўсиш учун турли материаллардан куриладиган гидротехник иншоот. Остона (порог-partition) – гидротехник иншоотларини сув ўтказадиган пастки кисмлари ёки дарё ўзанини ювилишдан саклаш учун унинг остига куриладиган кўндаланг девор. Бўйлама кесим (продольный профиль-longitudinal profile) – гидротехник иншоот йўналишини узунасига бўлаб олинган тик кирқими кўриниши. Кўндаланг кесим (поперечный профиль-cross-section) – гидротехник иншоот йўналишининг эни бўйлаб олинган тик кирқим кўриниши.

9. Каналнинг турлари ва насос билан алоқадорлигига кўра: Акведук (conduit)- жар, дара, дарё, йўл орқали нов ёки кўприксимон кўринишдаги сув ўтказувчи иншоот. Дюкер (duke) – канал сувини темир йўл, катнов йўллари, кўтарма ва бошқа тўсиқ тагидан олиб ўтишга мўлжалланган ёпиқ сув ўтказувчи иншоот. Тўсиқ (зуб- fence) – тупроқдан курилган тўғон ва курилмаларнинг конструктив элементлари сизиб чиқадиган сув йўлларини чўзиш учун флюбет (иншоот асоси) остига ўрнатиладиган тўсиқ. Каскад (cascade) – бир

неча погонали урилиб тушадиган сунъий шаршара; Гидротехник бетон (flexible tanks) – гидротехник иншоотларга ишлатиладиган сув ўтказмайдиган, эгилувчан, совуқ ва иссиққа ҳамда сувдаги агрессив моддаларнинг таъсирига чидамли бетон. Дрена (drain) – зах қочириш мажмуаси, қишлоқ хўжалик экинларини ўсишига мўътадил шароит яратилиши мақсадида сугориладиган майдонда сизот сувлар сатхини пасайтиришга хизмат қиласидиган қувур. Дренаж модули (drainage module) – 1 секундда 1 гектар майдондан чиқиб кетган сув микдори. Зовур (drain) – сугориладиган майдонлардан сизот сувларини олиб чиқиб кетишига, худуддаги ер ости сизот сувлари сатхини меёр даражасида саклашга хизмат килувчи тармоқ. Тик зовур (vertical drain) – бургу билан чукур қазилган кудуқдан сизот сувларини чиқаришига мўлжаллаб қурилган сув тармоғи. Насос (pumps) – ташки куч ёрдами билан харакатга келувчи ва суюқликни бир жойдан иккинчи жойга кўтаришга хизмат қиласидиган машина. Насос

станция (pumping system)- суюқликларни босим остида хайдайдиган иншоот, машина ва қурилма мажмуаси. Насосни сўриш баландлиги (height of pumping system) – насос ўрнатилган жойнинг сатҳи билан мазкур насос сўриб олиши мумкин бўлган сувнинг сатҳи орасидаги масофа (м). Сурма кулфак (задвижка- valve) – сув кувурларидаги сувни беркитадиган қурилма [1].

Хулоса. Умуман олганда, мелиорация обьектларининг мотивланиш белгиларига кўра номланиши 9 грухга ажратилиб таҳлил этилди. Кузатишларимиз шуни кўрсатдикки, мелиорация обьекти сифатида экин майдонлари шакли ва хажми, жойлашиш ўрни, сифати ва унумдорлиги, сугорилиши ва сугорилмаслиги, қарашлилиги, сув хўжалиги соҳасига оидлиги, сувни йигиши ва саклаш учун қуриладиган сунъий сув ҳавзалари, канал турлари ва насос билан алоқадорлигига кўра турли-туман туб ва биримлардан иборатдир.

АДАБИЕТЛАР

1. Жабборов Х. Ўзбек тилининг дехқончилик лексикаси. филол. фан. доктори дисс.. – Т.:2017. – Б.19-23.
2. Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари. – Т.:1969. – Б.47.
3. Ибрагимова З.Ю. Қорақалпоғистон ўзбек шевалар қишлоқ хўжалиги лексикасининг лингвогеографик тадқики: Филол. фанлари номз.дис. автореф. – Тошкент, 2009. – Б.25.
4. Мухиддинов И. Земледелие памирских таджиков Вахана и Ишкашима в XIX начале XX вв. – М.: 1975. – С.127.
5. Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари лугати. – Т.:2011. – Б.466.
6. Рахимов С. Ўзбек тили Сурхондарё шевалари. – Т.:1985. – Б.96.
7. Радлов В.В. Тюркологический сборник. – М.:1972.– С.231-233
8. Шерматов А. Узбекские народные говоры Каракадаринской области. – Т.:1978.– С.144.



Кулдоши ПАРДАЕВ,

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти
E-mail:kuldashparda@mail.ru

Фил.ф.д. Султонбек Нормаматов тақризи асосида

MATERIALS OF LITERATURE IN THE AL-ISLOH JOURNAL

Abstract

Literary materials in the Al-Islah journal which published in the early twentieth century, are classified. The journal's close connection with the socio-political life and literary environment of Turkestan in the early twentieth century, the scope of literary materials, genre features, the essence of literary-critical articles are studied and generalized and scientific-theoretical conclusions are made. The role of the magazine in the press of the national awakening period and in the history of our national journalism was highlighted.

Key words: Iterature, genre, ghazal, article, author, national awakening, jadidism, enlightenment, ignorance, analysis, press.

ЛИТЕРАТУРНЫЕ МАТЕРИАЛЫ В ЖУРНАЛЕ «АЛЬ-ИСЛЯХ»

Аннотация

Классифицированы литературные материалы журнала «Аль-Ислях», изданного в начале XX века. Исследуются тесная связь журнала с общественно-политической жизнью и литературной средой Туркестана начала XX века, объем тематики литературных материалов, жанровые особенности, суть литературно-критических статей и сделаны обобщающие научно-теоретические выводы. Подчёркнута роль журнала в печати периода национальное возрождение и в истории нашей отечественной журналистики.

Ключевые слова: Литература, жанр, газель, статья, автор, национальное возрождение, джадидизм, просвещение, невежество, анализ, пресса.

“АЛ-ИСЛОХ” ЖУРНАЛИДА АДАБИЁТ МАТЕРИАЛЛАРИ

Аннотация

XX аср бошларида нашр этилган “Ал-Ислох” журналидаги адабиёт материаллари тасниф қилинган. Журналнинг XX аср боши Туркистон ижтимоий-сийесий ҳәёти ва адабий мухити билан чамбарчас боғлиқлиги, адабиёт материалларнинг мавзу кўлами, жанр хусусиятлари, адабий-танқидий мақолалар мөхияти тадқик қилинниб, умумлашма илмий-назарий хуносалар чиқарилган. Журналнинг миллый уйғониш даври матбуотида ҳамда миллый журналистикамиз тарихида тутган ўрни кўрсатилди.

Калит сўзлар: Адабиёт, жанр, газель, мақола, муаллиф, миллый уйғониш, жадидчилик, маърифат, жаҳолат, таҳлил, матбуот.

Кириш. Жадидлар кун тартибига қўйилган асосий муаммоларни ҳал этишда матбуотни асосий восита деб билдиар. Улар матбуот воситасида миллат равнакига тўсик бўлаётган муаммоларни ҳал этиш, мутараққий миллатлар даражасига етиш мумкинлигига каттиқ ишондилар. Шу боис матбуот фаоллаша борди. Янги адабиёт, санъат ва шу каби соҳалар ривожида матбуот асосий омил бўлиб хизмат қилиши ҳаётий эҳтиёжга айланди.

Аслида ҳам, маърифатпарвар жадидларнинг мақсади тараққиётга тўсик бўлаётган муаммоларга, миллатни таназзул гирдобига тортаётган иллатларга қарши курашишда матбуотдан фойдаланиш эди. Бу даврдаги бошқа нашрлар сингари “Ал-Ислох” журналида ҳам Туркистоннинг мустамлака ҳолатига тушиш сабаблари, ҳалқнинг оғир иктисодий аҳволи ҳақида мақолалар эълон қилинди. Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари даражасига кўтарилиш зарурати кун тартибига қўйилди.

Маълумки, адабий мухит, жараён XX аср бошларида миллый матбуотда, газета ва журналлар, китоб ва рисолаларда акс этди. Ўша давр ўзбек миллый матбуотининг нуфузли нашрларидан бўлган “Ал-Ислох”

журналининг адабий манба сифатидаги хизмати катта эканини таъкидлаш керак.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. “Ал-Ислох”да чоп этилган адабиёт материаллари бугунги кунга қадар маҳсус тадқиқот обьекти сифатида ўрганилган эмас. Журналда ўз даврининг долзарб мавзулари юзасидан таҳлилий мақолалар, баҳс-мунозара материаллари чоп қилинган. Журнал ҳақида дастлабки маълумотлар Абдулла Авлоний, Чўлпон, Воҳид Абдуллаев, Ботирхон Валихўжаев, Гулом Каримов, А.К.Боровков, З.Ражабов тадқиқотларида учрайди. Ўзбекистон давлат мустакиллигига эришгандан сўнггина С.Ахмедов, Н.Абдуазизова, М.Худойқулов, К.Воҳидова, Р.Тожибоев, Қ.Пардаевлар “Ал-Ислох” ҳақида ижобий фикрлар билдирган[1]. Ушбу тадқиқотларда “Ал-Ислох” журналидаги адабиётга оид материаллар маҳсус ўрганилган эмас. Мазкур мақолада юқоридаги ишлардан фарқли ўлароқ, мавзу кенг ёритилмоқда.

Тадқиқот методологияси. Адабий меросни ўрганиш борасида Президент Ш.Мирзиёев асарларидағи методологик аҳамиятта молик қарашлар, адабий манбашунослик ва матншунослик ҳамда адабиётшунослик соҳасида ўзбек олимларининг, гарб ва шарқ тадқиқотчиларининг кўп асрлик тажрибалари тадқиқот

учун методологик асос вазифасини бажарди. Ишда адабиётшуносликда синалган, бу соҳадаги илмий тадқиқотларда юқори натижга бериб келаётган қиёсий-тариҳий, герменевтик методлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. “Ал-Ислоҳ” журналининг 1915-1918 йилги сонларида 101 та адабиёт материаллари босилган. Буларнинг аксарияти назмий асарлардир. Шу йиллари нашр этилган 101 асардан 74 таси шеърий, қолган 27 таси эса насрый асарлардир.

“Ал-Ислоҳ”да чоп этилган соф адабий асарлар таснифига ўтишдан аввал, таъкидлаша керакки, бу адабиёт намуналарининг барчаси ҳам юксак бадиият талабларига жавоб бера олмайди. Бинобарин, жадид адабиёти ҳакида ёзар экан, профессор Б.Қосимов бу хусусиятни алоҳида кайд этган эди: “Бу адабиётнинг илк намуналари бадииятига кўра у кадар юксак эмас, ғоялар яйдоқ берилади. Ялонғоч даъват ва чакириқлар, шиорбозлик кўзга ташланади. Жадид адабиёти 10-йилларнинг охири, 20-йиллар бошидагина тўлақонли адабиётга айланди” [2].

“Ал-Ислоҳ” журналидаги адабиёт материалларни бадиий савиисига кўра икки гурухга тасниф этиш мумкин. Биринчиси, ғояга бирламчи аҳамият берилган асарлар, иккинчиси, юксак бадиият намуналари. Таъкидланганидек, журналда нашр этилган адабиёт материаллари орасида салмоқ жиҳатдан шеърий асарлар етакчи ўринда туради. Журналдаги шеърий асарларни мавзууга кўра қўйидагича тасниф этиш мумкин:

- а) маърифий шеърлар;
- б) диний шеърлар;
- в) ижтимоий-сиёсий шеърлар;

Биринчи гурухга оид шеърлар: “Кўрмадим”, “Иттифоқ хусусинда”, “Ислоҳи тадрис ҳакинда”, “Миллий алоқа”, “Мубашишрхондан мухаммас”, “Илоҳ ҳакинда”, “Бахор”, “Туркистон шоирларина хитоб”, “Камийдин Тошхўжа Асирийга марсия”, “Таассуф”, “Танбех”, “Ташвиқот”, “Азмийдан ташаккур”, “Мана шеърий жавоб”, “Очиқ ҳакиқат”, “Таълим даркор”, “Сахилярким”, “Заруратдин”, “Таълими илоҳ”, “Муносиб замон”, “Хайратийдин мухаммас”, “Васлийдин Тошхўжа Асирийга марсия”, “Жавхарийдин Асирийга марсия”, “Мирза Аҳмаддин шеър”, “Ибратдин “Илоҳ”га изҳори ташаккур”, “Бахтсиз миллат” ва шу кабилар.

Бу сингари шеърларнинг деярли барчаси маърифатга тарғиб этувчи асарлардир. Бинобарин, маърифатга тарғиб этиш ўша давр шеъриятиниг етакчи хусусияти эди.

Иккинчи гурухга доир шеърлар: “Мавлуди шариф”, “Муножот”, “Ҳижоб хусусинда”, “Тасаттири нисвон”, “Тажвиди Куръон”, “Мавлуди шариф ҳакинда”, “Диний мухаммас”, “Очиқлик”, “Хоибдин ҳижоб тўғрисинда”, “Уламодин эмас, шоирдин Тўлаган Хўжамёровга шеърий жавоб” ва ҳоказо.

Учинчи гурухга оид шеърлар: “Хуррият ҳакинда”, “Хуррият”, “Мұхтарам Шўро идорасига”, “Замона аҳволи”, “Хуррият замонаси”, “Туркистон идораларига”, “Ишчи талаб қилмок” ва ҳоказо.

“Ал-Илоҳ”да нашр этилган 74 та шеърдан 51 таси ўзбекча, 23 таси эса форс-тожик тилида. Уларда анъанавий мумтоз шеърий жанрлардан ғазал-45 та, мухаммас-14 та, мусаддас 7-та, таърих -3 та, марсия-4 та, қасида-1 та бўлиб, шеърларнинг умумий ҳажми 1077 байт (2154 мисра)ни ташкил этади.

Бу шеърларнинг муаллифлари: Саидаҳмад Васлий, Каримбек Камий, Сидкӣ Кондайлий, Зафархон Жавхарий, Ҳамза, Шамсиддин Ҳоиб, Бахридин Азмий, Исҳоқхон Ибрат, Тавалло Хўжамёров, Мирзо Аҳмаджон, Абдураҳмон Муфтизода, Махмуд Ализода Тошкандий, Мулла Абдухолик, Мулла Абдужалил, Мирсадор қори,

Мулла Толибжон, Мулла Ҳошим Ҳайратий, Нусрат Абдушоқилярдир.

Шеърларнинг ичидаги энг кўп учрайдиган ғазалдир.

Маълумки, ғазал шарқ ҳалклари классик поэзиясининг энг кўп тарқалган лирик жанрларидан. Факат мумтоз шеъриятида ғазал асосан ишқ-муҳаббат мавзууда битилган бўлса, XX аср бошида ғазал миллат дардини ифодалади, юрт истиқболи учун қайгуриш, унинг таназзул гирдобига тушганидан изтироб туйғуларини акс эттири.

Ижтимоий мавзудаги шеърлар орасида табиат тасвирига бағишлиланглари ҳам бор. Саидаҳмад Васлийнинг “Бахор” шеъри бунинг иботидир. Зоҳирин табиат тасвири ифодаланган шеър моҳиятдан шоирнинг ички, руҳий ҳолатини акс эттирган. Бу шеърда табиат тимсоллари ҳам ўз маъносида, ҳам рамзиј маънода келган.

Васлий табиатнинг реал тасвирини мақсад килмаган. Миллат дардини, жамиятдаги инқироз ҳолатини рамзлар воситасида таъсирчан ва ёрқин ифодалайди. Шоир:

Бир ёнда гул чечаклар отуб нур чаман,
Бир ёнда булбул оҳ чекур эътизордан.

Ағёринг олди гулнинг гулобин териб-териб,

Гулшан ҳазона дўнди тушиб эътибордан, –
дэя мустамлака сиёсатининг оғир оқибатларини
гул, булбул, гулшан, ҳазон сингари анъанавий
тимсолларга янгича мазмун юқлаш орқали тасвиirlайди.

Журналда Тошхўжа Эшон Асирий вафотига бағишиб ғазал жанрида ёзилган 4 марта нашр этилган. Бу марсиялар Каримбек Камий[3], Саидаҳмад Васлий[4], Зафархон Жавхарийлар[5] қаламига мансуб. Шундан 2 таси Жавхарийга тегишили бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида битилган.

Жумладан, Каримбек Камий ёзади:

Тошхўжа Эшон номи мулаққаб ба Асирий,

Йўқ эрди жаҳон ичра одили ва назири.

Ағесус бевақт вафотидин у зотнинг,
Доф ўлди Хўжанд аҳли сафирию кабири.

Кел эмди дуои фотиха руҳига онинг,

Билғилки киши қолмагай оламда охири.

Камий Тошхўжа Асирий билан жуда яқин дўст ва адабий ҳамкор бўлган. У 1912-1914 йиллар давомидаги шогирди Хислат билан бирга бир неча бор Хўжандга Тошхўжа Асирий ҳузурига борган. Мактублар орқали бир-бирларидан ахвол сўраб турган[6]. Тошхўжа Асирий вафот этганида, Камий, шоирга бўлган чексиз хурматини изҳор этиб, таъзия билдириб, шу марсияни ёзиб таърих туширган.

Журналда босилган қасида жанрига мансуб асар битта бўлиб, муаллифи ўратепалик Зафархон Жавхарийдур[7]. Қасида шарқ шеъриятининг хос жанрларидан экани маълум. “Ал-Илоҳ” журналида босилган қасида журнал идорасига ва Абдураҳмон Сайёҳномига бағишлиланган.

“Ал-Илоҳ” журналида чоп этиш жараёнидаги насрый асарлар ҳам давр руҳидан келиб чиққан ҳолда маълум даражада сараланганди ва шундан кейингина журналхонлар эътиборига ҳавола қилинган. Назмий асарларда бўлгани каби насрдаги ижод намуналарида ҳам бадиийликдан кўра ижтимоийлик биринчи ўринда турган.

Журналда асосан ахлоқий мавзудаги ва дин тарихига оид ҳикоялар, ҳикматли сўзлар билан биргаликда адабиёт назарияси ва адабий танқидга доир адабий мақолалар босилган. Жумладан, “Одил киши” (1915, 2-сон), “Қойил қилмок” (1915, 1-сон), “Саъй ва кўшиш” (1915, 1-сон), “Музокараи “Илоҳ”” (1915, 4-сон), “Усули тараққий” (1915, 10-сон), “Уламои салаф ва толиби илм” (1915, 1-сон) каби ахлоқдан баҳс юритувчи

хикоятлар шулар жумласидандир. “Дунё ва охиратнинг саодати” (1915, 2-сон), “Дин ва дунёнинг баробарлиги” (1915, 1-сон) “Мұхаммад пайғамбарнинг туғилиши” (1915, 2-сон), “Хадича ойим” (1915, 2-сон), “Куръони карим надур?” (1915, 2-сон), “Тарихи ислом” (1915, 2-сон), “Иймон надур?” (1915, 3-сон) сингари хикоятлар эса дин ва жамият, дин ва дунё мавзуларини ёритишга бағишлиган.

Бу хикоятларнинг барчасида муаллиф номаълум бўлиб, имзосизdir. Масалан, “Усули тараккӣ” хикоятида маданий инсон илмиллик, ёвойи одам эса илмисизлик тимсолида кўрсатилган. Унда инсон камолоти ва жамият равнаки учун маърифатнинг нечоғлик зарур эканлиги хаётий мисоллар орқали тасвирланади.

Журналда нашр этилган насрый асарларнинг бадиий тафakkur савияси юкори бўлмаса-да, улар миллатни фикрий уйғоқликка чакириши, ўша замоннинг долзарб ижтимоий муаммоларини муолажа этишига қаратилгани, энг мухими, самимияти билан алоҳида ажralиб туради.

“Ал-Ислоҳ” журналида соф бадиий асарлар билан бирга адабиёт назариясига оид ва адабий-танқидий мақолалар ҳам чоп этилган. Шубҳасиз, бу мақолалар ҳам адабий жараён, адабий мухит тарихини ўрганишда мухим адабий манба вазифасини ўтайди.

Адабиёт назариясига оид “Адабий шижиоат нимада?” деб номланган мақола журналнинг 1917 йил 5-6-11-сонларида чоп этилган. Унда миллий адабиётимизнинг XX аср бошларидағи ва ўтган асрлардаги ахволи киёсий таҳлил этилган. Журналдаги адабий танқидга доир мақолалар ҳам эътиборга моликдир. Иброҳим Тоҳирийнинг “Матбуот ва ислоҳ” (1915, 5-сон), “Матбуот ва ислоҳ бақияси” каби адабий мақолалари (1915, 6-сон), “Шўро” журналидан кўчириб босилган “Интиқоднинг

(танқид) шартлари” деган адабий танқид назариясига оид тадқиқот “Ал - Ислоҳ”нинг 1917 йил 1-2-3 сонларида идора номидан босилган; Мулла Баҳриддиннинг “Шоирларга савол” (1916, 11-сон), Мақсудхўжа муфтиининг “Жавонбозлик тухмини миллати ислом ораларига сочадурғон шоирларимиз” (1916, 12-17 сонлар), Завқийнинг “Иштибоҳ” (1916, 17-сон), Абдураҳмон Муфтизоданинг “Жавонбозлик балоси” (1916, 21-22) сингари мақолалари шулар жумласидандир.

Ушбу мақолаларни адабий-танқид, илмий баҳс-мунозара намуналари сифатида баҳолаш мумкин.

Иброҳим Тоҳирийнинг “Матбуот ва ислоҳ” мақоласида Туркистонда нашр этилаётган асарлар ва газета-журналлар тили танқид килинади, муаллиф “Тўй” ва “Падаркуш” драмалари хусусида “адиблик магрурияти илиа ёзилган” мактаб болаларининг ишо ва имлоларидан булининг фарқи борми?” деган савонни кўяди.

Умуман, булар барчаси “Ал-Ислоҳ” журнали адабий маңба сифатида аҳамиятли эканини кўрсатади. “Ал-Ислоҳ”да чоп этилган замонавий адабий танқиднинг илк куртаклари бўлган танқидий мақолаларда адабий жараёнга, янги асарларга фикр билдириш билан бирга, ўша асарнинг бадиий савияси, имло ва тилида йўл кўйилган хато ва камчиликлар ҳакида ҳам сўз юритилган.

Хулоса ва таклифлар. “Ал-Ислоҳ” журналида 101 та адабиёт материаллари босилган. Булардан 74 та назмий, 27 та насрый асарлар чоп этилган бўлиб, шундан 13 таси хикоят, 3 таси адабиёт назариясига оид, 11 таси эса танқидий мақолалардир. “Ал-Ислоҳ” журналидаги адабий материалларнинг барчаси ҳам бадиияти юксак бўлмаса-да, ўша адабий жараёнда майдонга келиб, ўзининг ютуқларига эришган реалистик адабиётнинг илк намуналари сифатида кимматлидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Аҳмедов С. Мунавварқори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2003.-Б. 32; Дўскораев Б. Бехбудий “Шўро” журналида // Филология масалалари. – Тошкент, 2005, №1. – Б. 88; Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи. – Т.: Академия, 2000.- Б. 197; Худойқулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикаси шаклланиш ва ривожланиш тамоилилари. – Т.: Университет, 1995.- Б .45; Худойкулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 2001. - Б. 19; Тожибоев Р. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. Филол. фанлари номзоди..... дисс-я. – Т.: 1993. - Б. 108; Пардаев Қ. Миллий уйғониш даври манбаларида адабий ва публицистик муаммолар талқини (“Ал-Ислоҳ” журнали материаллари асосида). Филол. фанлари номзоди..... дисс-я. – Т.: 2008. - Б. 121.
2. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. –Т.:
3. Маънавият, 2002, 124- бет.
4. //Ал-Ислоҳ, 1917, 15-сон, 164-бет.
5. //Ал-Ислоҳ, 1916, 11-сон, 67- бет.
6. Шу журнал 1916, 10-сон, 127-бет.
7. Шу журнал 1916, 11-сон, 98-бет.
8. Жалалов А. Ўзбек маърифатпарвар демократик адабиёти. 1905-1917.-Т., Фан, 1978.-Б.168; Асирий Тошхўжа. Мактуб, “Баёзи мужалла”, Т., О.А.Порцев типолитографияси.104-бет.



УДК:159.92+81'23

Дмитрий ПОПОВ,

Андижон давлат университети доценти
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: hey-day85@mail.ru

доцент, филол.ф.ф.д. Н.А. Хайдарова тақризи асосида

THE INFLUENCE OF THE SECOND LANGUAGE ON HUMAN LANGUAGE CONSCIOUSNESS

Abstract

The purpose of the study is to determine the role of the influence of the second language on the formation of human linguistic consciousness. The article considers the linguistic consciousness of the Uzbeks, formed in the conditions of bilingualism, in particular, under the influence of the Russian and Tajik languages. It is shown that a person who knows two or more languages has a greater range of opportunities than a person who speaks one language. The second language should be considered not only as a means of communication, but also as a social, moral, psychological, aesthetic means that develops thinking, encouraging a deeper understanding of the world.

Key words: linguistic personality, linguistic consciousness, native language, bilingualism, second language, other language, cognitive aspect.

ИНСОН ЛИСОНИЙ ОНГИГА ИККИНЧИ ТИЛНИНГ ТАЪСИРИ

Аннотация

Тадқиқотнинг мақсади – инсоннинг лисоний онгини шакллантиришда иккинчи тилнинг таъсирининг ролини аниqlаш. Мақолада икки тиллилик шароитида, хусусан, рус ва тожик тиллари таъсирида шаклланган ўзбекларнинг лисоний онги ўрганилади. Икки ёки ундан ортиқ тилни биладиган одам бир тilda гаплашадиган одамга караганда кўпроқ имкониятларга эга эканлиги кўрсатилиди. Иккинчи тил факатгина мулокот воситаси сифатида эмас, балки тафаккурини ривожлантирувчи, дунёни чукурроқ англашга ундовчи ижтимоий, руҳий-психологик, эстетик восита сифатида ҳам каралиши лозим.

Калит сўзлар: лисоний шахс, лисоний онг, она тили, икки тиллилик, иккинчи тил, бошқа тил, когнитив жиҳат.

ВЛИЯНИЕ ВТОРОГО ЯЗЫКА НА ЯЗЫКОВОЕ СОЗНАНИЕ ЧЕЛОВЕКА

Аннотация

Цель исследования – определить роль влияния второго языка на формирование языкового сознания человека. В статье рассмотрено языковое сознание узбеков, сформированное в условиях двуязычия, в частности, под влиянием русского и таджикского языков. Показано, что человек, знающий два и более языков, имеет больший спектр возможностей, чем человек, говорящий на одном языке. Второй язык следует рассматривать не только как средство общения, но и как социальное, нравственно-психологическое, эстетическое средство, развивающее мышление, побуждающее к более глубокому пониманию мира.

Ключевые слова: языковая личность, языковое сознание, родной язык, двуязычие, второй язык, другой язык, когнитивный аспект.

Кириш. Тил индивидни инсон, инсонни эса шахс сифатида шакллантирадиган курол. Инсон ўз она тилини яхши, бекму-кўст билса, фикрини оғзаки ва ёзма шаклда равон ифода этиб, тафаккур килиб, воқеликни таҳлил қила олиш кўнникмасига эга бўлади. Инсон камолга етиши жараённида бошқа тил(лар)ни ҳам ўзлаштиrsa, унинг дунёкараши, оламни англаши, ўша тил эгалари маданияти, маънавий бойликларини ўрганишига кенг йўл очади.

Икки тиллилик ҳамда кўптиллилик хотиранинг ривожланишига, тил ҳодисаларини тушуниш, таҳлил килиш ва муҳокама килиш маҳоратига, зеҳнилика, тезкор жавоб кайташига, математик кўнникмаларга ва мантинка ижобий таъсир кўрсатади. Тўлиқ ривожланаётган билингвлар, мултилингвлар, одатда, яхши ўқийдилар ва абстракт фанларни, адабиётни ва чет тилларни бошқалардан кўра яхшиrok ўзлаштирадилар[15, 97-б.].

“Иккинчи тил” атамаси икки маънога эга:

1) тил ўрганиш хронологиясига тааллуқли, яъни она тилидан кейинги тил;

2) тилнинг бошлангич ёки доминант тили билан таққосланадиган даражасига мурожаат қилиш учун ишлатилади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Тил ва онг ўртасидаги муносабатлар муаммолари маҳаллий ва хорижий олимларнинг фундаментал ишлари катта ахамиятга эга (каранг: А.Н.Леонтьев [4], А.А.Леонтьев [3], И.А.Стернин [8], Е.Ф.Тарасов [9; 10], Н.В.Уфимцев [11], Н.Д.Арутюнова [1] ва бошқалар).

Тил жамиятда ахборот алмасиши учун имконият яратади ва онг мазмунини кузатиш учун мавжуд қиласи, “когнитив онг янада аникроқ бўлади” [8, 44-51-б.].

Н.В.Уфимцеванинг тадқиқотларида лисоний онг “тил ёрдамида қайд этилган инсон онги” сифатида тавсифланади ва маънолар онгнинг энг муҳим таркибий кисмига айланади [11].

Е.Ф.Тарасов лисоний онгни инсоннинг реал дунё обьекти ҳақидаги идрок ва концептуал билимлари мажмуйи сифатида тушуниладиган онг тасвиirlари билан боғлайди, бу инсондаги ментал мавжудлиги учун ташқи

кузатувчи учун очиқ бўлган тушунтиришни талаб қиласди [9].

Тиллараро алоқа, муносабат натижалари лисоний тизимнинг барча сатҳларида акс этади. Бундай алоқа шароитида тилларнинг бир-бира га тасир ўтказиши муқаррар. Она тили тизимиға хос бўлган хусусиятларнинг янгидан ўзлаштирилган тилга кўчими (инг. transfer) юзага келишининг сабаблари турлича. Лекин илмий адабиётларда трансференция (transference) ёки интерференция (interference) атамаларини олган ушбу ходисанинг когнитив ва миilliй-маданий моҳияти етарли даражада ёритилмаган. Зотан, икки тилда мулоқот юритиш қобилиятига эга бўлиш осон эмас, уни шакллантириш мураккаб лисоний тафаккур фаолияти бўлиб, ижтимоиймаданий ҳамда оংгли-когнитив омилилар билан боғликдир [7, 25-б.].

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда иккинчи тил сифатида, асосан, рус тили кўлланади. Бунинг ўзига хос ижтимоий сабаблари мавжуд. Собиқ совет иттифоқи ташкил топгандан сўнг бизнинг мамлакатимизда руслаштириш сиёсати олиб борилди, барча ҳужжатлар рус тилида юритилади. Ўша ва кейнги авлод вакиллари рус тилини яхши ўзлаштириди. Чунки бевосита ўша милят вакиллари билан яхин муносабатда бўлинди. Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган рус тили билан бир қаторда ҳудудларда бошқа тиллар ҳам иккинчи тил сифатида кўлланади. Мисол учун, Қорақалпогистон Республикасида қорақалпок тили расмий тил ҳисобланади. Фарғона вилоятининг Сўх туманида эса аҳолининг аксар қисми этник тожиклар бўлиб, у ерда тожик тилида таълим олиб борилувчи мактаблар, олий таълим йўналишлари мавжуд. Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Наманган ва бошқа ҳудудларда ҳам тожик тилидаги ОАВ, мактаблар олий таълим муассасаларининг бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Тошкент ва Навоий вилоятларида, шунингдек, Қорақалпогистон Республикасида қозоқ тилида ўқитиладиган мактаблар ва олий таълим муассасаларининг бўлимлари мавжуд. Хоразм вилояти ва Қорақалпогистон Республикасида туркман тилида таълим берилувчи мактаблар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбеклар лисоний онгига асосан, рус ва тожик тили иккинчи тил мақомида туради. Иккинчи тилни билиш эса ҳар бир шахсада турли даражада. Иккинчи тилда бемалол, равон, хатосиз гапира оладиган одамнинг лисоний онги бой бўлади. Зеро, икки тилни билган одам битта тилни билган одамдан икки баравар кўпроқ имкониятга эга. Учта тилни биладиган одамнинг эса иккита тилни билувчи одамдан имконият доираси каттароқ бўлади. “Битта тил билган одам – битта одам, иккита тил билган одам – иккита одам”, – деб ўринли таъкидланган.

Тадқиқотчи Ш.Аскарова ўринли таъкидлаганидек, она тили фильтри ёки яхширок ўзлаштирилган тил орқали янги тил қабул қилинади [2, 12-б.]. Янги тил иккинчи тил мақомига кўтарилиши учун мамлакатда кўпгина аҳолининг мулоқотга киришувига хизмат қилиши керак.

Иккинчи тилни ўрганувчи шахснинг нутқий фаолияти дастлаб бевосита она тили таъсирида шаклланади. Ўзбекистонда муқим яшаётган руслар учун ўзбек тили иккинчи тил мақомида. Эътибор берилса, аксар руслар ўзбек тилида бемалол фикр алмаша олади. Уларнинг лисонида кўп ўзбекча сўзлар ўзлашиб, нутқий мулоқотга киришганда намоён бўлади, жумладан, одам (одам), ҳамам (ҳаммом), пияла (пиёла) ва х.к.

Ўз она тилини ҳамда иккинчи тилни биладиган инсон қобилияти когнитив ва коммуникатив компонентларни таҳлил қила олишида намоён бўлади.

Икки тилда сўзлашувчи инсон когнитив жиҳатдан устунликка эга бўлади, чунки уларда дунёни англша, анализ ва синтез қилиш тезроқ амалга ошади.

Ўзбекистоннинг аксар ҳудудлари учун иккинчи тил саналадиган рус тилининг ўзбеклар лисоний онгига бир қатор ижобий жиҳатлари билан бирга, айрим салбий томонларини кузатиш мумкин. Бу ўзбекларнинг ўз она тилида гапира туриб, рус тили сўзларини кўшиб фикр ифола этишида кўринади. Бу ҳодиса лингвистик нуқтаи назардан варваризмлар дейилади. Куйидаги сўзлар ўзбеклар нутқида она тилида гапирганда кўлланади (кавсда ўзбекча муқобили берилган): *аванс* (бўнак), *аклад* (ойлик, маош), *астанофка* (бекат), *балниса* (касалхона), *брат* (ака), *ватие, обие* (умуман), *голубси* (карамдўлма), *да* (эшиштаман, лаббай), *издиваца қилмоқ* (устидан кулмок), *здачи* (кайтим), *канкул* (таътил), *капчўни* (дудланган, кок), *карочи* (қисқаси), *којса* (тери, чарм), *мазги* (мия), *маладес* (яшанг, яша, яшавор), *маразилник* (музлатгич), *машеник* (фирибгар, қаллоб), *медсестра* (хамшира), *мўшиний* (кучли, зўр), *нармални* (тузук, яхши, дуруст, чидаса бўлади), *наски* (пайпок), *отдих* (дам олиш), *пашти* (деярли), *поткорн* (бодорк), *прайезд* (кира ҳақи, йўлҳақи), *пропка* (тиқилинч (йўлда); *тиқин* (идища)), *райён* (туман), *салтўний* (тузланган, тузлама, шўр), *свежий* (янги), *свет* (чироқ), *травма* (жароҳат), *уже* (бу сўз алоҳида сўз билан таржима қилинмайди, кўшимчаларда ёк маъноси ифодаланади. Масалан, “*Уже келиб бўлдим*” дейиш ўрнига “*келиб бўлдим*” дейилади), *устепт қилмоқ* (ултурмок), *халадилник* (совиткич), чтобы (учун. Масалан, “*Атайн тўлиқ гапириб бердим. Чтобы сен тушунгин*”. Тушунишинг учун атайин тўлиқ гапириб бердим.), *эканом қилмоқ* (тежамок).

Иккинчи тилнинг инсон лисоний онгига таъсири катта. Замонавий ёшлар ўз она тилисида гапирганда иккинчи тилда мавжуд бўлган лексемаларни кўшиб фикр ифодалаш ҳоллари кўп учрайди. Фикримизни замонавий бадиий асанлардан олинган мисоллар орқали далилласак:

— Сен ҳозир “*ўғай дадам*” дединг. Ўз даданга нима бўлган?

— Ў... онамга *развод* бериб, бошқага уйланиб кетган. Аллақаиси гўрда яшайди, дейшишади. Мен уни умуман кўрмаганман. Мендан кейинги иккита укам онамнинг иккинчи эридан...

— Униси қаерда қолган?

— Унисини онамнинг ўйнашлари заҳарлаб ўлдиришиган. Армани бўлсаям яхши одам эди, раҳматли, *чем* учинчиси... – анча маъюслик билан жавоб берди Кўйидрги” [13, 9-б.]

Ушбу парчада қаҳрамон *развод* (ажралиш), *чем* (-дан кўра) каби русча сўзларни кўллайди.

— Мени... ўн яшар бегуноҳ, етимча қизни бўлгамоқчи бўлган ўша *паразит* ҳам... ўзбек эди, – деди у ниҳоят қатъиятлироқ оҳангда. – Ўйдан чиқиб кетганимча не-не даргоҳлардан таноҳ топмадим. Лекин бирон жойда менга холис ният билан меҳрибонлик кўрсатишмаган. Ҳамма жойда “чироҳи қиз бола” сифатида қабул қилишган. Қани айтинг-чи, журналист ака, сиз қайси ўзбеклар ҳақида гапиряпсиз?” [13, 9-10-б.]

Бу ўринда *паразит* (зааркунданда) сўзи қизнинг ўтай отасига нисбатан кўлланиб, ўзбек тили меъёридан чекиниш кузатилган.

“Сезизимча, аллақандай *мафия* гуруҳи билан алоқадор. Қўини регионлардан турли маркалардаги автомашиналар келиб тураркан. Ҳозир четдан назорат олиб боряплиз. Шояд сиз туфайли ишишимиз тезлашиб кетиб, истеъфога чиқши олдидан хайфсанимдан халос топсан” [13, 24-б.]

“*Мафия*” сўзининг ўрнига ўзбекча “уюшган жиноий тўёда” биримаси кўлланиши мумкин.

“У мани жияниммас, жўрттага шундай дедим. Бу қиз... гастролда юрган қумрилардан. Тўғри, бундақаси қармоққа камдан-кам тушади, лекин кетворган, **сволов**” [13, 34-б.].

— Чиройли бўлмай ўлсин, шуям от бўлди-ю!

— Нега энди. Аслида Тахмина эмас, Тахмина бўлиши керақ Арабчада кучли, иродали деган маънони билдиради.

— Йўғ-е, бунисини энди эшитяман.

— Ана шундай. Сен ҳам иродали, ўзингни қўлга ололидиган бўлишинг керак.

— **Серавно**, бу от менга ёқмайди. Ҳеч қатта йўқ от.

— Ундаи дема. Масалан мен, Тахмина исмини сендан олдинам икки марта учратганман” [13, 42-б.].

Ушбу парчаларда кўлланган **сволов**, **серавно** сўзлари ўзбек кизи нуткида кузатиляпти.

“Демак, Кораев бизга қарши. Дорилфунун домласи бўлмиси бир **ҳамсоям**: “Ҳаким Саматовдан ҳушиёр бўлинг. Кораев иккиси бир охурдан ем еб юрган одамлар” дегандা, бу гапга эътибор бермаганини эсладим. Яна ким билади...

— Пашишадан фил ясаманг, Кораев, — уни жеркиб берди Тальят ака. — Мақоланинг бош мавзуси уюшган жиноий гурухнинг фош этилишидир, наҳотки шуни тушунмаётган бўлсангиз?” [13, 16-б.].

Ушбу парчада тожикча “ҳамсоя” сўзи кўлланган. “Ўзбек тили изоҳли лугати”да бу сўзга шундай таъриф берилган: “ҲАМСОЯ [ф. – соя остида бирга: қўшни] иш. Ёнма-ён ҳовлида яшовчи; қўшини. Бир фақир бир бадавлат одамга ҳамсоя экан. “Эртаклар”. Салом-аликдан сўнг, албатта, ҳамсоянгиз “хўши, хизмат?” деб сўраши тайин. Газетадан. Бизда йўғи – ҳамсояда, уларда йўғи бизда бор. Газетадан” [12, 503-б.].

Кўринадики, бу сўз шевада ишлатилиб, тожик тилининг таъсирида кишилар лисоний онгига сингиб, нутқда воқеланганд.

Шуни англаш мухимки, ҳар қандай она тилини ўзлаштириш билан боғлиқ назарий ва услубий муаммоларга ечим иккинчи, учинчи ва бошқа она тили бўлмаган тиллар билан шуғулланаётганда жуда мухим. Она тилини ўзлаштиришнинг умумий масалаларини мухокама килиш билан бирга, иккинчи тилни ўргатишнинг турли ҳолатларига эътибор қаратиш лозим.

Она тили бўлмаган тилларни ўзлаштирища янги янги ҳолатлар, вазиятлар пайдо бўладики, маълум бир вазиятда ўқитиши жараённида (масалан, кўп тилли ва кўп маданиятли минтақада иккинчи тилни ўқитиши) она тилини абстракциянинг юкори даражасида ўзлаштириш жараёни тўғрисида назарий тушунча бериш жуда мухимдир.

Она тилини ўзлаштиришнинг умумий назариясини яратиш зарурати мавжуд бўлиб, бу таълимнинг турли шаклларида турли тилларни ўқитишининг ўзига хос усусларини ишлаб чиқиши ёрдам беради.

Шуни қайд этиш керакки, тилни эгаллаш жараёнининг ўзи (институционализация қилинган шаклда), педагогика ва педагогик психологиянинг замонавий тенденцияларига мувофиқ, тобора кўпроқ ўқитувчи ва талабанинг икки томонлама қарама-қарши фаолияти сифатида талқин қилинмоқда. Яъни, она тилини ўзлаштириш назарияси талабанинг тилни эгаллашдаги фаолиятига, бу жараёнда тил ўрганувчининг шахсий хусусиятларига ва талаба стратегиясининг ўқитувчи стратегиясидан устунлиги юясига қаратилиши мумкин эмас.

Айтилганларнинг асосида, она тилини ўзлаштириш назарияси моҳиятан фанлараро бўлиши кераклиги аниқ. У, бир томондан, маълум бир умумий

психологик ва умумий дидактик ёндашувни назарда тутади ва шу билан ривожланиш таълими деб аталағиган фояларга мос келади. Бошқа томондан, у иккинчи тилларни ўқитиши методикасининг маълумотлари ва назарий қоидаларини кенг ҳисобга олади. Учинчи томондан, талабанинг ижодий фаолиятига йўналтириш умумий, ёш ва педагогик психология маълумотларига мурожаат қилишни талаб қиласи [5].

Иккинчи тил инсон когнитив-коммуникатив фаолиятига куйидагича таъсир этади:

узатиладиган ва қабул қилинадиган ахборот, маълумот, билим сифатини ошириш;

мулоқот жараённида тушунарлилик тамоилини таъминлаш;

ахборот алмашинув жараённида турли муаммоларга ечим топиб бериш;

хис-туйғуларни назорат қилиш;

бошқа шахснинг фикри ва хис-туйғуларини аниқлашни ўрганиш;

мулоқот натижаларига таъсир кўрсатиш;

ўз гоялари билан атрофни жалб қилиш ва фикрига ишонтириш.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, икки тилли одам бир тилдан фойдаланса, бошқаси бир вақтнинг ўзида фаол бўлади. Одам бирор сўзни бирданига ўшитмайди, товушлар кетма-кетлиги асосида англайди. Сўз тугасидан анча олдин миянинг тил тизими қандай сўз бўлиши мумкинлигини тахмин кила бошлайди ва сигналга мос келадиган кўплаб сўзларни фаоллаштиради. Икки тилли одамлар учун эса бу фаоллаштириш битта тил билан чегараланмайди; ўшитиши усули қайси тилга тегишили бўлишидан қатби назар, бир қанча сўзларни фаоллаштиради.

Икки тилни билиш нутқ ҳосил қилишда лингвистик рақобатни келтириб чиқаради. Масалан, икки тилни билган одам она тилида сўзлашаётган бўлса, қайсиdir сўзни эслолмай қолса, тил учидаги ҳолатлар сони кўпайиши мумкин. Натижада, икки тилнинг доимий равишида жонланиши инсоннинг исталган вақтда тилига назорат қилиш заруратини тутдиради. Коммуникатив нуктаи назардан, бу мухим маҳоратдир – агар кишининг иккинчи тили доимо ҳалакит берадиган бўлса, хабарни битта тилда тушуниш кийин бўлиши мумкин. Худди шундай, агар сұхбат давомида икки тилли одам тез-тез тиллар ўртасида алмашса, бу тингловчини чалкаштириб юбориши мумкин, айниска тингловчи сўловчи биладиган тилнинг факат биттасини билса.

Шахс икки тил ўртасидаги нисбий мувозанатни сақлаш учун ижро функцияси, дикқат ва зийраклик каби жараёнларни ўз ичига олган умумий билим кобилияtlарини тартибга солувчи тизимга таяниши мақсадга мувофиқ. Икки тилли одамнинг иккала тил тизими ҳар доим фаол ва рақобатдош бўлганилиги сабабли, бу одам ҳар доим мулоқотга киришганда ёки тинглагандага ушбу бошқарув механизmlаридан фойдаланади.

Икки тилли одамлар бир тилли одамларга караганда иккита вазифани кетма-кет алмаштиришга кийналмайди. Масалан, икки тилли одамлар вокеликни мазмун бўйича таърифлашдан уларни шакли бўйича таснифлашга ўтишлари керак бўлганда, улар буни бир тилли одамларга караганда тезроқ бажарадилар.

Кўринадики, иккинчи тилни ҳам ўзлаштирган одамлар когнитив устунликка эга бўлади.

Иккинчи тилни ўрганишнинг бир қатор афзалликларини кўрсатиш мумкин: мияни кучайтиради (1), хотирани яхшилайди (2), иш имкониятларини оширади (3), кўп вазифа бажариш қобилиятини оширади (4), бошқа тилни ўрганишни осонлаштиради (5), сайёхлик имкониятини кенгайтиради (6), она тилининг

имкониятини англашга ёрдам беради (7), оламнинг лисоний манзарасини тушунишга йўл очади (8), янги мадания билан танишидири (9), қобилиятни оширади (10), нутқ билан боғлиқ касалликларнинг хавфини пасайтиради (11), мия ўсади (12) ва х.к.

Билиш қобилиятини, айниқса, муаммони ҳал килиш учун иккинч тилни ўзлаштириш мухим аҳамият касб этади. Икки тилни билиш ҳам иктисодий, ҳам ижтимоий, ҳам коммуникатив манфаатларга эга. Америка тадқиқотчилари икки тилни бўлишнинг бир қанча афзалликларини баён киласди [14]:

- 1) янги сўзларни тезда олиш қобилияти;
- 2) янги маълумот ўзлаштириш қобилиятини ошириш;
- 3) муаммони ҳал килиш;
- 4) тинглаш қобилиятини яхшилаш;
- 5) воқеликни анализ/синтез килиш ва онгли муносабат билдириш.

Тилнинг моҳияти, вазифаси қўпинча бениҳоя жўн талқин этилади. Гўёки тил – энг муҳим алоқа воситаси бўлган ижтимоий ҳодиса. Тилнинг алоқа воситаси эканлиги унинг жуда қўплаб вазифаларидан факат битташнасиидир. Аслида тил, энг аввало, дунёни кўриш, эштиши, билиш, идрок этиши воситасиидир. Айни пайтда тилнинг руҳий, эстетик ҳодиса ҳам эканлигини уннутмаслик лозим [6, 12-б]. Шунинг учун ҳам иккинчи тилга факат алоқа куроли деб эмас, балки тафаккурни ўстирадиган, оламни теран тушунишга, мушоҳада этишга ундейдиган ижтимоий, руҳий-психологик, эстетик восита сифатида караш керак.

Хулоса. Демак, инсонни шахс сифатида шакллантирувчи омиллар ичida тилнинг ўрни, аҳамияти бўлакча. Инсоннинг ички ва ташки олами билан боғлиқ ҳар кандай ҳодиса тил орқали содир бўлади ва намоён этилади. Она тили ва иккинчи (учинчи, тўртинчи...) тил когнитив-коммуникатив жараённи ривожлантирадиган, аклий ўсишни таъминлайдиган энг муҳим фактордир.

АДАБИЁТЛАР

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М.: Языки русской культуры, 1999. – 896 б.
2. Аскарова Ш. Лингвистик интерференциянинг хусусиятлари ҳақида (Фарғона вилоятида немис тилини ўрганиш мисолида): Филол. фанлари бўйича фалсафа д-ри дис. ... ав-ти. – Фарғона, 2022. – 56 б.
3. Леонтьев А.А. Языковое сознание и образ мира // Язык и сознание: парадоксальная рациональность. – М., 1993. – Б. 16-21.
4. Леонтьев А.Н. Избранные психологические произведения: в 2х томах. – М.: Педагогика, 1983.
5. Маркосян А. Овладение вторым языком как теоретическая и лингводидактическая проблема (На примере французского и армянского языков): Дис. ... д-ра пед. наук. – Москва, 2004. – 156 б.
6. Махмудов Н. Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – 42 б.
7. Рахимов Ф. Инглиз тилининг ўзбекистонда тарқалиши (социолингвистик ва прагматик жиҳатлар): Филол. фанлари д-ри (DSc) дис. ... ав-ти. – Тошкент, 2018. – 97 б.
8. Стернин И. А. Коммуникативное и когнитивное сознание // С любовью к языку. – М.: Федеральное государственное бюджетное учреждение науки Институт языкоznания Российской академии наук, 2002. – Б. 44-51.
9. Тарасов Е.Ф. Тенденции развития психолингвистики. – М.: Наука, 1987. – 155 б.
10. Тарасов Е.Ф. Язык как средство трансляции культуры. – М.: Наука, 2000. – 312 б.
11. Уфимцева А.А. Лексическое значение: Принцип семасиологического описания лексики. – М.: Наука, 2008. – 239 б.
12. Ўзбек тили изоҳли луғати: 5 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Бешинчи жилд: Шукрон – X. – 591 б.
13. Қаххор Солих. Дайди қизнинг дафтари. – Тошкент: «Шарқ», 2001. – 336 б.
14. Ikkinchil til chaqaloqlarda bilim ko'nikmalarini oshiradi [Elektron resurs]. URL: <https://uz.drafare.com/ikkinchi-til-chaqaloqlarda-bilim-konikmalarini-oshiradi/> (мурожаат килинган сана: 7.03.2022).
15. Zaripov R. Mustaqillik yillarda O'zbekistonda til siyosati: bilingvizm va pluralizingvizm: Filol. fanlari bo'yicha falsafa d-ri dis... – Andijon, 2021. – 152 б.



УДК: 81'01:811.512.19

Kamola RIXSIYEVA,
ToshDO'TAU o'qituvchisi,
E-mail: krikhsiyeva85@mail.ru

ff.d., prrof. Z.Xolmanona taqrizi ostida

ON THE ETYMOLOGY OF THE LEXEMA "KOFTA"

Abstract

This article discusses the nature of lexical units and grammatical indicators in the language, in particular, the features of the lexical structure of the ancient Turkic language, the semantic nature of the units in it. The historical etymological formation of Uzbek lexicology is briefly analyzed. Scholars have interpreted the use of Turkic words as a linguistic fact that reflects the origin, formation, and development of the Turkic languages, as well as the historical and life history of the people who speak that language. It also describes the semantic development and etymology of the kaftan lexeme, which has a Turkic basis and is assimilated from Old Turkic into Old Russian, Slavic and other foreign languages.

Keywords: Turkish root word, semantic development, semantic sign, etymology, root word, root word, blouse, bag, ton.

К ЭТИМОЛОГИИ ЛЕКСЕМЫ "КОФТА"

Аннотация

В данной статье рассматривается природа лексических единиц и grammatischen показателей в языке, в частности, особенности лексического состава древнетюркского языка, семантическая природа единиц в нем. Кратко анализируется историческое этимологическое формирование узбекской лексикологии. Употребление тюркских слов интерпретируется учеными как лингвистический факт, отражающий происхождение, становление и развитие тюркских языков, а также историческую и жизненную историю народа, говорящего на этом языке. Также описывается семантическое развитие и этимология лексемы кафтан, имеющей тюркскую основу и ассилированной из древнетюркских в древнерусские, славянские и другие иностранные языки.

Ключевые слова: Турсцкое корневое слово, семантическое развитие, семантический признак, этимология, корневое слово, корневое слово, кофта, сумка, тонна.

"KOFTA" LEKSEMASINING ETIMOLOGIYASIGA DOIR

Annotatsiya

Ushbu maqlada tildagi lug'aviy birliklar va grammatick ko'rsatkichlarning tabiat, xususan, qadimgi turkiy tilning lug'at tarkibiga xos xususiyatlari, undagi birliklarning semantik tabiat haqida fikr yuritilgan. O'zbek tili leksikologiyasining tarixiy etimologik shakllanishi qisqacha tahlil qilingan. Turkiy tub so'zlarning turkiy tillar kelib chiqishi, shakllanishi, taraqqiyotini ko'rsatuvchi, shu tilda muloqot yurituvchi xalqning tarixiy va hayotiy kechimini yorituvchi til fakti sifatidagi olimlarning talqinlari yoritilgan. Suningdek, turkiy asosga ega bo'lgan, qadimgi turkiy tildan qadimgi rus tili, slavyan tillari hamda ular orqali boshqa xorijiy tillarga o'zlashgan kaftan leksemasining semantik taraqqiyoti va etimologiyasi yoritilgan.

Kalit so'zlar: Turkiy tub so'z, semantik taraqqiyot, semantik belgi, etimologiya, tub so'z, o'zak so'z, kofta, qop, to'n.

Har bir tilning lug'at tarkibi uning bosib o'tgan tarixiy yo'lini ko'rsatib turadi. Bu uning ijtimoiy tabiatidan kelib chiqadi. Zero tilning tarixi jamiyat tarixi bilan o'zarobog'liqidir. Shuning uchun ham aynan leksik sath jamiyatdagi har bir o'zgarishni har taraflama tadqiq qilish imkonini beradi.

O'zbek tili lug'at tarkibi hamda grammatick vositalari shu tilning boyligi hisoblanadi va bu birliklar tilda birdaniga paydo bo'lib qolmaydi. Tildagi har bir birlikning o'ziga xos tarixi, taraqqiyot yo'li bor. O'zbek tilining lug'aviy tarkibi juda uzoq davrlardan beri leksik semantik hamda shakliy tuzilishiga ko'ra ma'lum o'zgarishlarni boshidan kechirgan.

Bizga ma'lumki, har qanday tilning lug'at tarkibi faqat o'z so'zlaridan iborat bo'lmaydi. Unga boshqa tillardagi so'va vositalar ham o'tishi mumkin.

O'zbek tili ilk davrlarda turkiy qabila va chet tillarga xos ayrim leksik birliklardan tashkil topgan bo'lsa, keyinchalik o'zbek tili lug'at tarkibiga fors-tojik, arab, rus tillaridan so'zlar o'tib o'zlashadi va o'zbek tilining lug'at tarkibi boyidi.

O'zbek tili leksikasining tarixiy shakllanishini bilish uchun so'zlarini tarixiy etimologik jihatdan o'rganib, ularning etimologik qatlamlariga ajratish zarur.

O'zbek tili O'rta Osiyodagi qadimiylar xalqlarning turkiy tillar sistemasidagi tillardan biri bo'lib, uning lug'at sostavi ham qadimiyidir.

O'zbek tili leksikologiyasining tarixiy etimologik shakllanishini tahlil qilishda dastlab o'zbek tilining qardosh tillar bilan aloqasi, so'ngira qardosh bo'lмагan tillar bilan aloqasi aniqlanadi. Bu bilan ularning o'zarobog'liyini ko'rsatib o'tildi.

Turkiy tillar boyligining shunday qatlami ham borki, u shu turkiy xalklar bir jamoa bo'lib yashaganligi va shu jamoa birlashuvida, o'zarobog' munosabatida sabab ekanligi, qanday doirada aloqa qilganlarini bildiruvchi detallarni ko'rsatib beradi[3].

Buning uchun turkiy tub so'zlarda yetarli fakt bor, degan fikrni qozoq tilshunosi Ye.Z.Kojibekov ilgari surgan va Britaniya turkologi G.Klavzonning: "Har qanday tilda: yunon, lotin, arab tiliga uxshash mumtoz tillarni ham o'rganish uchun, albatta, fakt topiladi", -degan fikrini keltirg'an.

I.A.Boduen de Kurtene esa: "Ma'lum tilda boshqa til kategoriyasini bevosita kurmoq ilmiy bo'la olmaydi. Tilga begona bo'lgan kategoriyami tiziqstirmay, qatori va tarkibida yashovchi kategoriyani izlash ilm hisoblanadi", -deb yozadi.

Turkiy tub so'zlar turkiy tillar kelib chiqishi, shakllanishi, taraqqiyotini ko'rsatuvchi, shu tilda muloqot yurituvchi xalqning tarixiy va hayotiy kechimini yorituvchi til fakti ekan, uning bor xususiyati bilan tadqiq etish, o'rganish turkologiya uchun zaruriy masala bo'lib qoladi. Buning uchun, avvalo turkiy "tub so'z" tushunchasining mohiyatini tushunish zarur. Umuman, turkologiyada turkiy tub so'zni "o'zak so'z (korennoe slovo)" termini bilan ataydilar. Ya'ni tub so'zni o'zak bilan boglaydilar. O'zak kommunikatsiyadagi so'zning eng kichik ma'noli qismi qismlaridan biridir. So'zning eng kichik ma'noli qismi morfema deb qaratildi[3].

M. Mirtojiyevning yozishicha, agglyutinativ tillarda, shu jumladan turkiy tillarda ham, o'zak morfema tub so'z sifatida tilda mustaqil hayot va yasama so'z tarkibida o'z fonetik butunligini saqlagan holda, semantik mohiyatini yo'qotmay yashayotgan bo'ladi. U flektiv tillarda, fleksiyaga ko'ra so'z yasalar ekan, uning tarkibiga, fonetik butunligini yukotib, unga so'zning ma'noli qismi sifatida singib ketgan, mustaqil so'zligini yo'qotgan bo'ladi. Turkiy tub so'zlar kommunikatsiya jarayonida mustaqil so'z sifatida ham, yasama so'zning o'zak moremasi sifatida ham fonetik butunligi va semantikasi mohiyatini buzuy namoyon bo'ladi. U o'z xususiyatiga ega. Bu xususiyatlar fonetik tarkibi va qurilishi, semantik tizim va unda tutgan o'rni, grammatisasi, konversiyasi va unda tashkil qilgan tizimi, fonetik kuriishi va tarkibidagi tovushlar o'zgarishi, modiyati tizimi kabilardan iborat. Ularning har birini birma-bir tadqiq etishga harakat kdshndi. Kirg'iz tilshunosi B.M.Yunusaliyev qayd etganimday, o'zak morfologik qismlarga bo'linmaydigan va buyum haqidagi aniq tushunchani yoki harakat-holatni ifodalash uchun xizmat kiluvchi tovushlar kompleksidir10. Ya'ni, uning ta'biriha, turkiy so'z o'zaklari bir tovush yoki tovushlar kompleksidan iborat bo'ladi. Bu qarashga ko'ra, turkiy so'z o'zaklarining fonetik tarkibi necha tovushdan iborat bulishi uchun chegara yo'q. Haqiqatan ham u shu fikrida sobit bo'lib, o'z monografiyasida ularning bir tovushdan tortib yetti tovushgacha bo'lgan turini ko'rsatib tahlil etib bergan [3].

Rus turkologi N.A.Baskakov qadimgi turkiy til xususiyatlarini tahlil qilar ekan, yuqorida qarashlarga qarama-qarshi tarzda: "Turkiy so'z o'zaklarining o'ziga xosligi K +V +K tarkibli tovushlardan to'zilgan o'zakdan iborat ekanligidir" - degan fikrni aytadi. Turkolog E.V.Sevortyan dam xuddi shu fikrda bo'lgan. U shundan kelib chiqib: "Fe'l-ot o'zakli so'zlarining o'ziga xosligi yopiq buginli bulishi va auslauti undosh tovushdan iborat ekanligidir" - deydi. Boshqa bir necha turkologlar dam shu fikr tarafdir bo'lganlar [3].

Qadimgi turkiy tilga oid K+V+K tarkibli tarixan va hozirgi davrda ham keng iste'molda bo'lgan birlikdan biri "qap" dir. Tilshunos va turkolog olimlar "qap" va uning asosida yasalgan leksemalarning bir nechta semantik belgilarini keltirib o'tadi. Shulardan biri "ustki kiyim" semantik belgisidir.

Qadimgi turkiy til lug'at tarkibidagi so'zlar turkiy xalqlarning qadim madaniyati, urf-odatlari, yashash tarsi, mashg'ulotlari, turmush sharoiti kabilarni aks ettirib turadi. G.Gumbatov "Istoricheskaya prarodina tyurkov" kitobida turkiy bo'lmagan xalqlar tili leksik qatlamiga o'zlashgan turkiy so'zlar haqida yozar ekan, qadimgi turkiy xalqlar qo'shni xalqlar bilan yaqin aloqada bo'llib, hayvonlarni xonakilashtirish va ekin yetishtirish borasida katta tajribaga ega edi. Shu sababli ulardan qo'shni xalqlarga nafaqat so'zlar, balki katta madaniy tajriba ham o'zlashgan. Bu fin-ugor, sharqiy slavyan, eron, kavkaz va mo'g'ul tillarida, ayniqsa, yaqqol ko'rindi. Lingvistik ma'lumotlar bizga qadimgi turkiy

va fin-ugor tillari o'rtasidagi dastlabki aloqalar miloddan avvalgi III ming yilliklardan boshlangan deb taxmin qilish imkoniyatini beradi. Shuni ta'kidlash kerakki, armanlar turkiy tillarning (Oguz, Ozarbayjon, turkcha) kuchli ta'siriga duch kelishdi. Mashhur arman yozuvchisi X. Aboyan o'z asarlarida turkiy so'zlar ularning, hatto, qo'shiq, ertak, hikmatli so'zlariga ham singib ketganligini, arman xalqi juda ko'p turkiy so'zlarini o'zlashtirib, bugungi kunda ulardan foydalananayotganligini, nafaqat so'zlar, balki so'zlashuv nutqida butun jumlalarni ham ishlashini yozadi. Shuningdek, arman tilida turkiy tilda o'zlashgan 50 ta so'zni keltiradi. Ularning orasida "kapa" ustki kiyim turini anglatishini qayd etadi[1].

Shipovaning qadimgi turkiy tildan rus tiliga o'zlashgan so'zlar aks etgan lug'atida kaftan leksemasi qadimgi erkaklar qalin ust kiyimi sifatida izohlangan. Uning asosi "kapa" (ya'ni qop) va ko'yak ma'nosini bildiruvchi "ton" (xususan, ishton leksemasi ham ich va to'n birliliklaridan iborat) qismlaridan tashkil topgan. Ognienkoning fikricha, kaftan rus tiliga tatar tilidan XIII-XV asrlarda o'zlashgan. Padlov kaftanni xalat, plashga o'xshash uzun ustki kiyim, deb ta'riflaydi. Vamberi esa bu so'zning kelib chiqishini fors tili bilan bog'laydi. Shuningdek, kapchan qalin ustki kiyim hamda bosh kiyimi turini ham anglatgan.

Ingliz tilida caftan/kaftan so'zi ishlatilgan badiiy va publisistik matnlardan 160 jumlanli tahlil qilib, bu turkiy so'zning ikki ma'noga ega ekanligini aniqlangan: Unga ko'ra: 1. Caftan (tarixiy)- Usmoniylar imperiyasi hududida keng tarqalgan erkaklar kiyimining turi. 2. Caftan (hox.) - Ayollar kiyimining turi, odatda, uning alohida bir xususiyati, boshqa kiyimlardan istisno tarzda tizzadan pastda turadi: As her perfect body leaves its lotus cradle, she seems calm and serene in the short silk caftan that softly drapes her firm shoulders. Bundan tashqari, uning bir qator konnotativ funktsiyalar aniqlandi, masalan: 1. Caftan dizaynerlar va shou-biznes yulduzlar orasida mashhur: Nicole Richie made a big statement in a vintage Missoni caftan with blooms and birds...; One person is keen on fly-fishing and the other is worried that the trout will splash her Gucci caftan. 2. Caftan mashhur brend nomlari bilan bog'liq ekan, demak u qimmatbaho toshlar bilan bezatilgan tantanali marosimlar uchun tikilgan qimmatbaho ayollar libosini anglatadi. 3. Noodati tasvir va bosmalarini anglatadi: Polly Allen Mellen, legendary fashion editor (who once worked under Diana Vreeland), is mad for Ford's YSL leopard-print caftan. 4. Kaftanlarni ishlab chiqarishda asosan ipak matodan foydalaniлади, lekin tafta, barqut, parcha, ba'zan jun ham ishlatiladi. Kaftanlar zargarlik buyumlari, taqinchoqlar va turli xil bosh kiyimlari bilan uyg'unlikda kiyiladi: She wears a brocade caftan and plumed turban. Ko'pincha kaftanlar qo'lida ishlangan kashta bilan bezatilgan bo'llib, ularni noyob san'at asariga aylantiradi. Caftan turkiy leksemasining ingliz tiliga o'zlashish darajasi yuqori baholanadi. Chunki caftan otiga -ed qo'shimchasini qo'shish orqali caftaned sifati hosil bo'ladi: He has not yet spun that web of propaganda where disease, prostitution, the caftaned Jew lurking in the alley waiting to defile the Aryan woman blur together and become one[2].

Kaftan qadimgi turkiy tildan slavyan tillariga ham o'zlashgan. XV asr turkiy yozma manbalarida kaftan – "ustki kiyim, to'n" degan ma'nolarni anglatgan. Forsiy til orqali arab tiliga häftan shaklida o'tgan. Kaftan leksemasining turkiy tabiatiga ko'pchilik etimolog olimlar e'tiroz bildirmaydi. Lekin N. K. Dmitriyev qo'shimcha dalil talab qiladigan so'zlar qatorida kaftanni ham tilga oladi. Ukrain tilidagi kaptan va Belarus tilidagi kaptun//kaptan turkiy birliklar etimologiyasidagi "qorong'i" masalalarga oydinlik kiritish uchun yordam berishi mumkin. Mahmud Koshg'ariy lug'atida bu so'z qaftan shaklida mavjud.

Kaftan leksemasidagi kap va ton qismrlarning ikkalasi ham qadimgi turkiy asos hisoblanib, umumturkiy shakllar qatoriga kiradi. Har ikkala qism hozirgacha mustaqil qo'llana oladi, har biri o'z mustaqil ma'nosiga ega. Birinchi qism - kap – eski turkiy shaklni saqlagan holda ko'p turkiy tillarda o'z vazifasiga ega. qozoq, qumiq, qaraim, qirg'iz, uyg'ur tillarida qop, jild, xalta; gagauz tilida - idish, baland; no'g'ay. sumka; boshq. Va tatar quti kabi. –kap juda ko'p turkiy tillarda faollik darajasi turlichadir. Lekin ularning aksariyatida –kap xalta, qoplam, jild asosiy ma'nolariga ega hamda shu ma'nodagi leksemalarni hosil qildi. Masalan: 1) tat, boshq, uyg', qirg', o'zb, qumiq, no'g', ozar, turk. kapka//kapi//qapu//gapi//kap, qap "darvoza", "eshik"; 2) tat, qumiq, qaraim, tat., no'g', ozar, turk, gagauz, qirg'. kapkach//kapkats//kapkash//kapak//gapak//kapkan "qopqoq", "qoplov"; 3) tat, boshq, uyg', qirg', o'zb, qaraim. kaplam //kaplama//qaplamoq//qaplav//qplash "qoplam", "yopinchiq", "o'rash" 4)) tat, qumiq, qaraim, no'g', ozar, turk, gagauz, qirg'. kapkin//kapkan//kapgun//kapan "qopqon", "tuzoq"; 5) tat, qumiq, qaraim, tat., kumyik., karaim., no'g', ozar, turk, gagauz, qirg'. kapla//kaplau//kaplamak//kapamak//kaplimak//kaplamok //kapt "yopmoq", "o'ramoq". Ton (tun) hozirgi turkiy tillarda qalin mo'ynali kiyimlarni anglatса, qadimgi turkiy tilda "umuman kiyim" ma'nosida qo'llanilgan, keyinchalik esa ustki kiyimni anglata boshlagan. XVI asr manbalari tilida ton "ustki kiyim" ma'nosini bildirgan, kaftan esa bu davrida maxsus ustki kiyim turi sifatida mashhur edi. Demak, kapton//kaptan, kaptal - bu qoplab turuvchi kiyim", "tashqi, ustki kiyim" va boshqa tillarga uzun bo'yli kiyim nomini bildirgan. Ushbu so'zning shakllanishi turkiy so'z-qurilish tizimining muayyan turiga mos keladi. Masalan: 1) tat, boshq.

ishtan: ičton = ič "ichki" + ton "kiyim", ya'ni "ichdan kiyiladigan kiyim"; 2) gag. turtan – "mo'ynali kiyim", tur – "echki bolasi", "buzoq" +ton, ya'ni "echki, buzoq terisidan tikilgan kiyim". Pomir tillarida shunga o'xshash o'zlashgan so'z qurish modellari mavjud: yomadon "kiyim uchun dumaloq savat", paisadon "pul sumkasi", radon "yog" (chiroq zaxirasi uchun)", fuxadon "feridan ishlangan buyum soladigan xalta". -ton/-tan/-tun qismi bilan so'z yasalgan misollarning har biri alohida semantik tabiatga ega. Masalan, birkina kiyim ma'nosini anglatuvchi bu leksema vazifasiga ko'ra (kaptan), moddiy ishlab chiqarishga ko'ra (turtan), maqsadiga ko'ra (ishtan) semantik belgilarni ifodalaydi.

Ko'rib chiqilayotgan so'z yasalish turining umumiy semantikasidagi qop, xalta, zaxira, idish, qobiq belgilari kiyim nomlarida o'ziga xos semantik belgini aks ettiradi [4].

Kaftan leksemasining ukrain tilida kaptan, belorus tilida kaptun shakllarida uchrashi sharqiy slavyan bu so'zning qadimgi turkiy kaptan bilan aloqasi mavjud ekanidan darak beradi. Bizningcha, kaptan/kaptun shakllari nisbatan qadimiy shakl, A.Y.Surunning fikricha, kaftan zamonaviy shaklni ifodalaydi. Belorus tili shevalarida turkiy –kap asosdan yasalgan bir necha birliliklar mavjud: 1) kapti "uyda kiyiladigan oyoq kiyim"; 2) kapsa "xalta", "quti": eski o'zbek tilida kapsak "qoplash uchun ishlatiladigan mato", veng. kapsa "quti"; kopshur "qopcha"; tat. kapchik "qop"; olt. kapchur "teridan ishlangan qopcha".

Ushbu misollar kaptan/kaftan leksemasi genetik jihatdan bu leksemalar bilan uzviy aloqada ekanligini hamda ushbu birliliklari qadimgi o'zlashmalar qatoriga kirishini isbotlaydi. ularning semantikasidagi xilma-xillik esa ularning tarixan va hozirda ham faol birliliklar qatoriga kirishini ko'rsatib turadi.

ADABIYOTLAR

1. Gumbatov G. Istoricheskaya prarodina tyurkov. Baku: Elm i taxsil, 2012. 205 б
2. Власичева В.В.Тюркизмы в современном английском языке. Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер.2, Языкозн.2010.№ 2
3. Миртожиев М. Туркий туб сўзлар тадқиқи. –Т.: Фан, 2017.
4. Юналеева Р.А. Тюркизмы русского языка (проблемы полиаспектного исследования) Казан: Таглимат, 2000.- 172 с.



Гавҳархон САЙДАЛИЕВА,

Тошкент ахборот технологиялари университети катта ўқитувчиси

E-mail:gavharwl@mail.ru

ТАҚИ доценти, Н. Салойдинова тақризи асосида

THE PLACE OF LEXICAL DOUBLETS IN THE SYSTEM OF STYLISTIC SYNONYMS

Abstract

One of the leading tasks in the field of speech culture is to study the functional features of the means of speech in the modern Uzbek language. Consequently, this issue is related to one of the manifestations of written literary discourse - the use of words and phrases in the language of the newspaper, both appropriately and in moderation. The study of the functional features of modern Uzbek speech is one of the leading tasks in the field of speech culture. Therefore, this issue is related to one of the manifestations of written literary discourse - the use of words and phrases in the language of the newspaper.

Key words: archaism, discourse, variant, doublet, synonym, semantics, etymology

МЕСТО ЛЕКСИЧЕСКИХ ДУБЛЕТОВ В СИСТЕМЕ СТИЛИСТИЧЕСКИХ СИНОНИМОВ

Аннотация

Одной из ведущих задач в области культуры речи является изучение функциональных особенностей средств речи в современном узбекском языке. Следовательно, данная проблема связана с одним из проявлений письменного художественного дискурса - употреблением слов и словосочетаний в языке газеты как уместно, так и в меру. Изучение функциональных особенностей современной узбекской речи является одной из ведущих задач в области культуры речи. Поэтому данный вопрос связан с одним из проявлений письменного художественного дискурса - употреблением слов и словосочетаний в языке газеты.

Ключевые слова: архаизм, дискурс, вариант, дублет, синоним, семантика, этимология.

ЛЕКСИК ДУБЛЕТЛАРНИНГ СТИЛИСТИК СИНОНИМЛАР ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

Аннотация

Хозирги ўзбек тилидаги нутқ воситаларининг функционал хусусиятларини ўрганиш нутқ маданияти фанининг етакчи вазифаларидан биридир. Бинобарин, бу масала ёзма адабий нутқнинг кўринишларидан бири – газета тилидаги сўз ва ибораларнинг ҳам ўринли, ҳам меъёрида қўлланилиши билан боғлиқ. Хозирги ўзбек нутқининг функционал хусусиятларини ўрганиш нутқ маданияти соҳасидаги етакчи вазифалардан биридир. Шу боис бу масала ёзма адабий нутқнинг кўринишларидан бири – газета тилидаги сўз ва ибораларнинг қўлланилиши билан боғлиқ.

Калит сўзлар: архаизм, дискурс, вариантдорлик, дублет, синоним, семантик, этимология

Кириш. Нутқ маданияти соҳасининг етакчи вазифаларидан бири хозирги ўзбек тилидаги нутқий воситаларнинг функционал хусусиятларини ўрганишдир. Бинобарин, бу масала ёзма адабий нутқнинг кўринишларидан бири – газета тилида ҳам сўз ва ибораларни ўринли ва ўз меъёрида ишлатиш билан боғлиқдир.

Газета тилини ўрганиш ёзма адабий тилнинг энг оммавий ва энг халқчил таромогининг маданийлигини ўрганиш демақдир. Ёзма адабий тилнинг энг ҳозиржавоб ва оммабоп шакли бўлган газета тили маданияти нутқ ҳакидаги таълимотни юксалтирувчи муҳим омиллардан биридир.

Тил тараққиётидаги энг актуал ходисалардан бири вариантдорлик ўзбек тилшунослигига ҳали маҳсус ўрганилганича йўқ.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Рус тилшунослигига эса бу соҳа бўйича баъзи тадқиқотлар юзага келган [1]. Бу ишларнинг барчасида вариантдорликнинг айрим томонлари текширилиб, вариантдорлик тил тараққиётининг натижаси эканлиги, унинг доираси кенг ва имкониятлари серкирра эканлиги алоҳида таъкидланади. Масалан, К.С. Горбачевичнинг мақоласида вариантдорлик тиллар ва диалектларнинг контакт муносабатлари туфайли, шунингдек, кўп сонли ва турли характерли ички омиллар натижасида рўй берган эволюция деб изоҳланади [2].

“Грамматическая правильность русской речи” китобида вариантдорликнинг факат бир томони - грамматик вариантлар ҳакида фикр юритилиб, жумладан, морфологик ҳамда синтактик вариантлар, уларнинг турлари кенг ва батафсил тасниф қилинган.

“Трудности словаупотребления и варианты норм русского литературного языка” (словарь-справочник) китобида эса факат фонетик, морфологик вариантлар ва уларнинг турлари (ҳар хил фонетик ва морфологик ҳолатлар) хусусида қисқача фикр юритилган. Бинобарин, бу китобларда вариантдорлик оиласига кирувчи лексик дублетлар ва айрим синонимлар ҳакида ҳеч кандай фикр айтилмаган. Аммо, шу соҳага (вариантларга) оид айрим мақолаларда баъзи синонимик ходисалар ва дублетлар ҳам вариантдорликка мансуб деб талқин килинади. Масалан, баъзи тилшунослар ишларида бир қатор дублет ва стилистик синонимларни (самолёт - аэроплан, летчик - авиатор каби) вариантдорлик доирасига киритиб, уларнинг баъзиларини вақтнча вариантлар деб атайдилар [3].

Т. А. Якубайтис, А. В. Рубиналар «лексик вариант» ибораси билан “дублет” сўзини ўзаро синоним сифатида параллел кўллаб: Стилистик фарқ, экспрессив-эмоционал характерга эга бўлмаган лексик вариантлар асосан дублетлардир. Булар (дублетлар) кўлланишида асосан, бефарқ, функционал жиҳатдан эса айнан бир хил бўлган жуфтликлардир», -деб изоҳлайди [4].

Ўзбек тилшунослари Ш. Шоабдураҳмоновнинг «Лексик дублетлар ва уларнинг адабий нормасини белгилаш», О. Усмоновнинг «Гил маданиятининг муҳим масалалари» мақолаларида ҳам вариант ва дублет сўзлари ўзаро синоним тарзида кўлланилади[5].

Тадқиқот методологияси. Шунингдек, бу мақолалар тилшунослигимизнинг мана шундай муҳим масалаларини муҳокама этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлиdir. Мақолаларда дублетлар ва стилистик синонимлар “эскирган” деб ноўрин тамға босилган сўзларнинг қайта истеъмолга кириб, фаол кўлланилаётганлиги, умуман, халқ тилини бойлиги, имкониятларининг кенглиги характерли далиллар асосида ёритилган.

Этимологик дублетлар атамаси билан тилшунослика бир сўздан келиб чиқсан, аммо турли шакл ва маънога эга бўлган сўзлар тушунилади, буни мисоллар ёрдамида тушунтиришга уриниб кўрамиз. Лотин тилидаги *discus* (доира) сўзи инглиз тилига бир неча марта ўзлаштирилди. Биринчи марта бу сўз кадимги инглиз тили даврида “*disc*” шаклида кириб келди ва кейинроқ ўз шаклини ўзгартириб “*dish*” (идиши маъносида) шаклини олди.

Ўрта давр инглиз тили томонидан бу сўз “*desc*” шаклида ўрта аср лотин тилидан ўзлаштирилди. (яъни *discus-desc*). Ўрта давр инглиз тилида бу сўз *deske-desk* шаклида ишлатилди ва унинг маъноси “конторка” (столнинг бир тури). Сўз хозирги инглиз тилида “*desk*” шаклида ва “стол” маъносида хозир ҳам ишлатилади.

Худди ўша даврда (ўрта давр инглиз тилида) француз тилидан “*dais*” помост, хоналарда маҳсус вазълар айтиш мақсадида ишлаб чиқсан “минбар” маъносида пайдо бўлди (французчиаси *deis*). Бу сўз ҳам ўз навбатида лотин тилидаги “*discus*” сўзидан ривожланган бўлиб, асрлар ўтиши мобайнида француз тилида ўз фонетик структураси ва маъносини ўзгартирган эди.

Шундай қилиб, бир лотин сўзи инглиз тилидаги учта сўз учун манба бўлиб хизмат килди. Бу учта сўз турли вақт ва турли йуллар билан инглиз тилига кириб келган. Буларни этимологик дублетларга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу сўзларнинг турли манбадан келиб чиққанлигини факат этимологик таҳлил ёрдамидагина аниқлаш мумкин холос. Этимологик дублетлар фақаттагина бошка тиллардан кириб келган сўзларда кузатилади, дейиш бироз хато бўлади. Бу ҳолат инглиз тилидаги бир сўзнинг талафзуи ва маъносида руй берадиган ўзгаришлар натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Масалан, инглиз тилидаги *shade* (қоши қорайши, қоронгу тушиши) ва *shadow* (соя) сўзлари кадимги инглиз тилидаги *sceadu* сўзидан келиб чиқкандир. Ҳозирги “*Shade*” сўзи қадимги инглиз тилидаги “*sceadu*” сўзининг бош келишикдаги шаклининг ривожланиши натижасида пайдо бўлган бўлса, “*shadow*” сўзи эса бу сўзнинг датив келишикдаги шаклидан ривожланди. (қадимги инглиз тилидаги *sceadwe*).

Таҳлил ва натижалар. Дублетларнинг бу тури миқдоран нисбатан катта кўпчилликни ташкил этмайди. Инглиз тилида этимологик дублетларнинг асосий манбаси бўлиб сўз ўзлаштирмалар хизмат қиласи.

1) Инглиз -скандинав дублетлари. Бу гурухга мансуб дублетларнинг бир элементи инглиз тилидан ва бошқаси эса скандинав тилларидан келиб чиқсан сўзлар бўлади. Бу дублетларнинг пайдо бўлишининг асосий сабаби уларнинг бир тил гурухига мансублиги билан изоҳланади. Бир гурухга мансуб бўлганлиги учун уларда кўп ҳолларда бир хил ёки ўхшаш фонетик жараёнлар кузатилади ва улар сўзларга турли хил шакллар берини мумкин бўлади. Скандинав тилларидаги бу сўзлар инглиз

тилига кириб келгач, улар инглиз тили қонуниятларига мослашди ва дублетлар ҳосил килди. Инглиз- Скандинав этимологик дублетларининг кўпчиллиги таркибида “sk” ундош кластерига эга бўлган сўзларни кўриш мумкин. Бунда “sk” элементли сўзлар скандинав тилларидан кирган сўзлар бўлса, “sh” элементли сўзлар инглиз тилининг ўз таркибидаги сўзлар бўлади.

Масалан: *skirt* (юбка) - *shirt* (кўйлак), *screech* (кулоқни кар қўлгудек қичқирмок) - *schrieck* (бақирмок); *scar* (чандик) - *share* (улуши); *screw* (вичт) - *shrew* (лўйисифат, чакаги учмайдиган хотин); *scabby* (типпрақи, қараб бўлмайдиган ифлос) - *shabby* (оҳори тўйқилган, увадага айланай деб қолган). Инглиз-скандинав дублетлари орасида талафзуида ўзгариш содир бўлган ва бир-биридан анчайин узоклашиб кетган дублетлар ҳам бор. Масалан:

Скандинав	тиллари
Инглиз тили	
Hale (сог-саломат, бардам, (бутун)	whole
бакувват)	
raise (кутартмок, катта килмок)	rear
(тарбияламок)	
egg(on)	(гиж-гижламок,
edge(чекка)	
уриштиромок)	
loose (эркин, кенг)	less
(инкор суффикси).	
2) Француз тилидан кириб келган дублетлар. Француз тилидан кириб келган дублетларнинг пайдо бўлишининг сабаби шимолий ва марказий шева гурухлари ўртасида фарқларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Инглиз тили ҳар иккала шева гурухларидан сўз ўзлаштирганлиги сабабли инглиз тилида бир катор дублетлар пайдо бўлган.	
Марказий шевалар гурухи	Шимолий
шевалар гурухи	
Chase (овламок, кетидан (ушламок, тутмок)	catch
бормок, изидан бормок, кувламоқ)	
Chieftain (дохий(кабила бошлиги (капитан)	captain
маъносида)	
chattel (кўчадиган мулк)	cattle
(хайвон, қорамол подаси)	
chart (денгиз харитаси)	card
(карта)	
chivalry (рицарлик)	cavalry
(кавалерия)	
chant (поэтик, черковга оид. (жаргон)	cant
кўшик айтиш)	
channel (бўғоз, ўзан)	canal
(канал)	
guard (кўриқлаш хизмати, (таянч,кўмак)	ward
гвардия, коровул)	
gage (гаров)	wage(s)
(иш хаки)	

Француз тилидан ўзлаштирилган дублетларнинг яна бир гурухи - бу турли даврда сўз ўзлаштириш натижасида пайдо бўлади. Биринчи қатлам ўрта асрларда кириб келган сўзлар бўлса, иккинчи қатлам эса XVIII асрларда қабул қилинган сўзлардан иборат бўлган.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қиласидаган бўлсак, вариант ва дублетлар бир-биридан тамоман бошқа-бошқа нарса эмас. Улар (вариантлар ва дублетлар) бирдан ортиқ шаклга (кўринишга) эгалиги билан бир-бирига ўхшаб, маълум даражада бир-бири билан умумийликка эгадир. Аммо кўп шакллилик (иккidan ортиқ) ва икки шакллилик

жиҳатидан уларнинг бири иккинчисидан фарқ килади, вариандорлик кўп шакллилик бўлса, дублетлилик асосан икки шакллиликдир. Демак, икки сўзнинг ўзаро

вариандорлиги дублетлар деб аталса, иккidan ортиқ сўзларнинг ўзаро вариандорлиги вариантлар дейилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Граудина Л.К., Ицкович В. А., Котлинская Л. Н. Грамматическая правильность русской речи (опыт частотно-стилистического словаря вариантов). М., 1976; Трудности словоупотребления и варианты норм русского литературного языка (словарь-справочник). Л. 1974; Вишнякова О.В. Паронимы в русском языке. М. 1974, с. 25; Горбачевич К.С. Вариантность слова как лексика-грамматический фономен. М., 1975. № 1, с. 55; Ахманова О. С., Бельчиков Ю.А., Веселитский В. В. К вопросу о “правильности” речи. Ж. “Вопросы языкоизнания”, 1960, №2, с. 33-42; Крысин Л.П. К социальным различиям в использовании языковых вариантов. ВЯ, 1973, № 3 с. 37-49; Михайловская. К вопросу о категории вариантности, вопросы культуры речи. М., 1967, №8, с. 113-127. Якубайтис Т. А., Рубица А.В. Варианты слов и стилистика - В сб. Языковая норма и стилистика. М. 1977. с. 118-123.; Толикина Е.Н. Синонимы или дублеты. В сб. Исследования по русской терминологии. М., 1971, с.78-79; Крысин Л. П. Иноязычные слова в современном русском языке М., 1968, с. 61-84.
2. Горбачевич К.С. Вариантность слова как лексика-грамматический феномен. ВЯ, 1975, № 1, с. 55.
3. Ахманова О.С., Бельчиков Ю. А. Веселитский В. В. К вопросу о “правильности” речи. ВЯ, 1960 № 2. с. 35-42.
4. Якубайтис Т.А., Рубица А. В. Варианты слов и стилистика. В сб.: Языковая норма и стилистика. М., 1977, с. 119.
5. Шоабдураҳмонов Ш. Лексик дублетлар ва уларнинг адабий нормасини белгилаш. “Ўзбек тили ва адабиёти» журн., 1966, 6-сон, 20-23-бетлар; Усмон О. Тил маданиятининг муҳим масалалари «Ўзбек тили ва адабиёти журн., 1970, 1-3-4-сонлари.



Манучехр САЛОХИДДИНОВ,
Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчisi

ҚардУ доценти В.И. Жуманов тақризи асосида

ФАЗА ФЕЙЛЛАРИНИНГ ТУРЛИ ТИЛЛАР ТИЗИМИДА ИФОДАЛАНИШИ

Аннотация

Мақолада инглиз ва ўзбек тилларидағи феълларнинг акционал хусусиятлари таҳлили кўриб чиқилган. Бу орқали, биринчидан, феъл лексемаларининг семантик жиҳатдан очилмаган кирраларини ёритишга эришилган, иккинчидан, феълларнинг акционал хусусиятларини аниқлаш жараённида, уларни функционал-семантик майдонда таҳлил этиш орқали киёсланаётган тиллардаги аспектуал маънолари белгилаб берилган.

Калит сўзлар: Феъл, аспектуаллик, фаза, бошланганлик, процессуаллик, давомийлик, тугалланганлик

ВЫРАЖЕНИЕ ГЛАГОЛОВ ФАЗ В РАЗНЫХ ЯЗЫКОВЫХ СИСТЕМАХ

Аннотация

В статье проводится анализ признаков действия глаголов в английском и узбекском языках. Это позволяет, во-первых, пролить свет на семантически нераскрытые аспекты глагольных лексем, а во-вторых, в процессе определения функциональных свойств глаголов видовые значения в сопоставимых языках определяются путем их анализа в функционально-семантическом поле.

Ключевые слова: Глагол, аспектуальность, фаза, начало, процессуальность, непрерывность, завершение.

EXPRESSION OF PHASE VERBS IN DIFFERENT LANGUAGE SYSTEMS

Annotation

The article analyzes the features of the action of verbs in English and Uzbek. This allows, firstly, to shed light on the semantically unrevealed aspects of verbal lexemes, and secondly, in the process of determining the functional properties of verbs, aspectual meanings in comparable languages are determined by analyzing them in the functional-semantic field.

Key words: Verb, aspectuality, phase, beginning, processuality, continuity, completion.

Кириш. Аспектуал фазалар борасидаги тадқиқотлар сирасига бир қанча номзодлик диссертациялари, монографиялар ва мақолаларни келтириши мумкин (Б. Ризаев, 1999), (Ф. Мирсанов, 2009), (С. Татевосов, 2005). Ушбу ишларда инглиз, рус, немис тиллари мисолида бошлангич фаза феъллари ва инфинитив ёки герундийли бирикмалар, ўзбек тили мисолида эса маълум кўмакчи ва етакчи феълли аналитик шакллар англатадиган бошлангич, давомли ва тугалланиш фазалари аникланган ва тадқиқ қилинган. Мазкур ишлар муаллифлари турли тилларда учта аспектуал фазанинг учраши хақида фикр юритишади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Сифат сўз туркумiga мансуб бўлган бирликлар аспектуаллик нуткаи назаридан сифат маъно гурухларидан ранг- тус маъно гурухи фазалар орқали ҳам ифодаланиши мумкин бўлиб, бунда унинг маълум бир фазада рўй бериши, яъни гапдаги иш ҳаракатининг бошланиши, давомийлиги, охирининг берилиши кўзда тутилади. Бу борада Ю.С. Маслов бош, ўрта ва якуний фазаларнинг борлигини қайд этган [7]. Фаза тушунчаси ифода камрови борасида бошка нуткаиназарлар ҳам мавжуд бўлиб, В.С. Храковский фаза маъноларини ранг-тус билан боғламаган ҳолда унинг унверсал тизимдаги семантик майдонини таҳлил килар экан, у бешта турли фазани яъни бошлангич фазаси, янгидан бошланиш фазаси, давомийлик фазаси, танаффус фазаси, тугалланиш фазасини келтириб ўтади [11]. С.П. Тиунова эса, инглиз ва рус тилларидаги фаза ифодасини лексик сатҳ доирасида кўриб чиқади ва мазкур тушунчани “кичик фаза”лар ҳисобига йигирмага яқин фаза маъносига эга бўлиши ҳамда уларнинг бирикниш ҳолатлари таҳлилини санаб ўтади [10]. Умуман олганда, фаза

маънолари ҳам синтетик (морфологик) ҳам аналитик (синтактика) воситалар орқали ифодаланиши мумкин.

Инглиз тилидаги фазалилик, фаза феълларнинг шахсис шакллар билан бирикуви орқали ҳосил қилинади. Хусусан, аспектуалликда семантик воситаларнинг ўрни айникса, фазали феълларнинг герундий ва инфинитив билан бирикуvida мухим ўрин тутади. Бундай бирикувларда фазали феъллар (begin, continue, stop) иш ҳаракатнинг бошланишини, охирини ва давомини кўрсатувчи восита вазифасини бажаради. Фазали феълнинг лексик маъносига кўра иш ҳаракатининг турли усулларини: бошланганлик, финитив (тугалланганлик), дуратив (давомийлик) турларини ажратиш мумкин. Фазали феълларнинг инфинитив ва герундий билан бирикиши орқали шахсиз шакл билан ифодаланган иш ҳаракатининг бажарилиш усули аникланади, яъни аспектуал маъноси фарқланади. Фазали феълнинг инфинитив билан ишлатилиши давомийликка эга бўлмаган иш ҳаракатини ҳарактерлайди, герундийнинг ишлатилиши эса унинг процессуаллигини билдиради. Кўриниб турибдики, Б.Х. Ризаевнинг “фаза маънолари ҳаракат оқимининг унверсал семантик хусусиятига тааллукли” деган фикрини ўринли таъкидлайди [9].

Аспектуал фаза борасида гарб тилшунослари фикрлари ҳам турличалигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан, В. Крофт фазаларни икки турли таҳлил килади: ҳодисаларнинг темпорал чекланганлик фазаси таҳлили ва фазларнинг чекланмаган турлари таҳлилини тўртга бўлади ҳамда ҳолатнинг миқдорий ўзгаришларни ҳам фаза ҳодисасининг бир бўлгаги деб ҳисоблайди [2]. В. Крофт фақатгина учта фазани ажратиш маълум ҳодисаларни эътиборга олмаслик деб қарайди ва

фазаларнинг мослашуви ҳодисаларнинг аспектуал контурини ифода этади, деган фикрни илгари сурди. Унинг қарашларида фаза таҳлили жараёнида темпорал хусусиятга алоҳида аҳамият каратилади [2].

Парсонс эса фазалар таҳлилини З. Вендлернинг аспектуал таснифига боғлади ҳамда фазанинг уч турини санаб ўтади: ривожланиш фазаси (*development*), кульминация ёки тугаланиш фазаси (*culmination*) ва турғунлик фазаси (*holding*) [4]. Муаллифнинг таъкидлашича ҳолат (*States*) турини англатувчи предикатлар “турғунлик” фазасини ташкил этади. Тугалланганлик (*Accomplishments*) ва натижага эришиши (*Achievements*) аспектуал турлари кульминация ёки тугалланганлик фазасига тегиши. Хусусан, Henry won the race мисолида мусобакани ютганлик кульминация фазасига тегиши бўлса, ушбу мисолдаги феълнинг давомли замон шакли “ривожланиш” фазасини англатади.

Аспектуал фазаларнинг ифодаланиш қарорини мълум бирималар доирасида тадқиқ этиши юзага келадиган аспектуал маъноларни турли туманлигини чеклаб қўйиш мумкин. Шунинг учун ҳам фаза тадқиқларини предикат доирасидаги мълум бирималар таркиби боғламасдан, балки бутун грамматик, лексик воситалар таҳлили доирасида амалга ошириш мухим хисобланади.

Фазалар мълум маънода грамматик мазмун билан бевосита боғлик. Хусусан, давомли замон шакли ўрта фазани ифодалайди. Албатта фазаларнинг ифодаланиш мазмуни бевосита феъл семантикаси билан алоқадор хусусият хисобланади. Маълум ҳолат феъллари to get, to become, to get used to, давомли замон шаклларида қўлланилиши ривожланиш фазани англатади. He is getting well. It is becoming cold. I am getting used to become a director.

Фикримизча аспектуал фазаларнинг турлари ҳам грамматик ҳам лексик хусусиятларга боғлиқ ҳолатда таҳлил этилиши лозим. Бунда, предикатларнинг грамматик ва семантик хусусиятлари аспектуал фазаларнинг семантик тури сонини янада ошириши мумкин. Бу нарса замон шаклларининг қўлланилиши ва предикат вазифасидаги феълларнинг қандай семантик маънода қўлланилишига боғлиқ:

1. бошлангич аспектуал фазаси: to begin, to commence;
2. ривожланиш аспектуал фазаси: to become, to get, ёки маълум динамик хусусиятлари феълларнинг ҳозирги замон давомли шаклида қўлланилиши;
3. ўрта аспектуал фазаси: ҳолат ва ғаракат феълларининг давомли замон шаклда қўлланилиши;
4. сўниш аспектуал фазаси (маълум предикат маъноларининг тугалланиш пунктига интилиши); масалан he is dying,

Фаза феълларни феъл ҳаракатидаги тавсифи ўзига хос. Улар феъл ҳаракатлари билан модификациялашади деган тушунча мавжуд. Аникроғи улар ҳаракатни амалга ошишида ва ривожланишида босқичлар кўрсатгичи, вақт жараёнида эса, уларни амалга ошиш ориентири хисобланади. Бунда фаза лексемалари ёрдамида узатилаётган маъноларнинг чегараларини англаб олиш мақсадга мувофиқдир. Лекин дискурсив контекстда уларни боғловчилик хусусиятлари нисбатан ортади. Айрим ҳолларда фаза феъллари бутун айтилаётган маънонинг амалий хусусиятини аниқлаб беради. Бу ҳол «фаза феълларда комплимент» боғланишини узилиши рўй берганда, аникроғи бошланган ҳаракат ўзининг бошланиш «ядроҳига ўтмаганда содир бўлади (S.Rothstein Verb Classes and Aspectual Classification // www.blackwellpublishing.com/content/BPL/Rothstein).

Бундан ташқари олима «У акса урмоқчи эди, лекин акса

урмади» гапида start феъли иштирокидаги гапларни мисол тарикасида келтиради, яъни акса уриш жараёни маълум билан сабабларга кўра амалга ошмади. Худди шу феъл билан «гуллар гуллай бошлади» гапида совуқ, кор натижасида гуллар гулламади гапида феъл тайёр, бошланиши зарур бўлган босқич билан ҳаракатни бошланиши, ёки ривожланиши оралигида чегара борлиги тўғрисида фикр юритади. Аникроғи бир томонда ҳаракатни бошланиши, иккинчи томонда субъектни фазавий ҳолатга кириши айтилади. Фазавий лексемаларни таътифлашда функционал – типологик томони нафакат фазавийликни назарий ишлаб чишик концепти, балки уларни нуктда амалий қўлланиши хусусияти билан ҳам тушунтирилади. Кўп ҳолларда у ёки бу лексемани танланиши «хосил бўлган ҳолатга» боғлиқдир [6]. «Фаза феъли + комплимент» биримасини таҳлили у ёки бу предикат турларини биримга хосил килиш имконияти даражасидаги тадқиқотлар ўтказган тилшунос олимлар (С.П. Тиунова, 1986), (А. Нурумхамедов, 1976) ишларида кўзга ташланади. Улар ҳаракатларда фазаларнинг мавжудлиги хусусида айтишган бўлса, феъл турлари ва фаза феълларни биримга хосил килиш шаклларида феъл маъносининг ҳаракатни бошланиши, давомийлиги ва яқунийлиги хусусидаги ғоялари билан мос эмаслиги кўринади.

Фаза феълларининг ҳаракат тарзини ясашдаги семантик маъноларини Вендлер классификацияси асосида таҳлил килган Edwards куйидаги фикрни билдиради. “Тугалланишнинг ифодаланиши тўлдирувчи вазифасида келган комплиментнинг турига боғлиқ ҳолда воқеа ёки ҳаракатнинг кулиминацион нуқтаси аниқланади” [4]. У тугалланиш фазасини билдирадиган to finish, to stop фаза феъллари ва унга бирикадиган герундийни таҳлил киларкан куйидаги мисолларни келтиради.

Kim finished writing the letter. (accomplishment)
Dana finished pushing the cart. (activity)

(Биринчи мисолда ҳаракатнинг ниҳоясига эришилганлиги ифодаланган бўлса, иккинчи гапда “cart” араванинг маълум масофани босиб ўтиши фаолликни билдиради ва у тугалланиш даражасинини билдirmайди деб талқин килинади)

Kelly finished blinking. (semelfactive)
Муаллиф ушбу мисолда итератив ҳаракатнинг тугалланишини назарда тутган ҳолда, тугалланишини хисобга олмайди.

Ashley finished noticing the spot. (achievement)
Pat finished being hot. (state)
Ashley stopped arriving at the station. (achievement)
Kim stopped writing the letter. (accomplishment)
Dana stopped pushing the cart. (activity)
Kelly stopped blinking. (semelfactive —iterated)
Pat stopped being hot. (state)

Фаза лексемалари актуал агентив ҳаракат доирасидаги макон ва замон маъносини англатибгина колмасдан диєтик маънога эга бўлган it, all, everything, nothing олмошлари билан ифодаланадиган бутун ситуацияни ҳам англатиши мумкин. Ушбу олмошлар контекст билан боғлиқ бўлиб, улар воқеа, ходиса содир бўлган макон ёки вақтни бошланганлиги, тугалланиши тўғрисида маълумот беради, яъни дијетик вазифани ўтайди. Масалан: That's how it started. Фаза маъноларини камраб оладиган аспектуал атамаларни Ж. Байби куйдагича изоҳлайди: Аспектуал терминлар ичida феълнинг фазали парадигмаси деб аталувчи атама ҳам мавжуд бўлиб, у лексик ва грамматик маъноларнинг узвий боғланишига нисбатан қўлланилади. Ушбу маънолардаги лексик маъно соҳиблари семалар ва грамматик маъно соҳиблари граммалар хисобланишади [1]. Д. Насиловнинг таъкидлашича “Фазовая парадигма глагола включает все

дериваты противоположного вида, находящиеся в отношениях прямой мотивации. Фазовую парадигму можно сравнить с приставочной парадигмой глагола. Приставочная парадигма не является частным случаем словообразовательной парадигмы. Семантически близкие глаголы имеют сходные приставочные парадигмы. Анализ приставочных парадигм дает основания для семантической классификации бесприставочных глаголов” [8].

Фазавийлик аспектуал майдоннинг периферияси сифатида каралади. Фазавийлик семантикаси келтирилган вакт жараёнидаги вазиятнинг мавжудлигини таъкидловчи холат деб баҳоланади. Фаза маънолари тадқиқотида тилшунослар асосан икки йўналишга бўлинишади. Биринчи йўналиш асосчилари фаза маъноларини учга (бошланганлик, давомийлик, тугалланганлик) ажратишади. Иккинчи йўналиш тарафдорлари кейинги ўйиллика вужудга келиб, улар тўртта фаза (инҳоатив, терминатив, континуатив, пунктатив) мавжудлигини таъкидлашади [8].

Фазали вазият ибора шаклларини танлашда гапираётган субъект фаза лексемаларининг ўзига хос хусусиятларини, унинг морфология ва синтаксисга нисбатан муносабатлар имкониятини инобатга олиши зарур. Бу илликутив мақсадда иборани туғри тузишга ёрдам беради. Р. Лэнгакернинг ёзишича: «дискурсив контекстларда грамматик замон ва турни таърифланиши синтаксис, семантик ва прагматик интеграцияларни талаб қиласди. Бундай интеграцияни амалга ошиш жараёни эса ҳалигача тўлалигича аникланган эмас» [3]. В. Всееводованинг фикри ҳам ушбу карашга аналогик хосдир: «бизнинг мазкур магистрлик диссертациямизда фаза бирикмаларининг нафақат семантикани гап дараражасида кўллаш, балкин фаза бирикмаларидағи отларнинг гапнинг турли позициялардаги ва уларнинг лексик маънолари таъсирида юзага келадиган семантик маънолар ва шунингдек фаза феълларидан кейин келадиган инфинитив ёки герундийнинг акционал (чегараланганилк / чегараланмаганилк) семантикасида ҳосил бўладиган аспектуал вазиятлар ҳамда уларнинг

турлари таҳлил этилади. Вазиятнинг стативлиги ва динамикаси вактга оид шакллар билан берилганидек, фаза феълларга бирика оладиган феълнинг шахсиз шаклларидан бўлган герундий, сифатдош, инфинитив ҳамда воқеа-ходисаларга оид бўлган отлар билан ҳам узатилади. Ҳаракатнинг босқичма-босқич ёки астасекинлик билан содир бўлаётган динамик вазиятларнинг юзага келиши ва ҳаракатни яқунланишини тасвирлашда, феълнинг бошланиши ва яқунланишга оид бирикмаларда ўтган замондаги сифатдош ёки сифат, ҳолат категориясига оид сўзлар ёдамида кўлланилиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Инглиз тилида ушбу гурухга давомли фаза феълларидан куйидагилар бўлиб, уларнинг семасида ҳаракатнинг интесивлик, персистентлик каби ҳаракат ривожланиши маънолари мавжуд: to hold on, to keep on, to carry on, to last, to remain, to stay, preserve, to maintain, to endure. Масалан: She sat day after day on her large hams, knitting, and reading, she kept a sharp eye on the corn. Generally, Mrs. Caray remained in on Sunday evenings. Битта гап доирасида иккита қарамакарши фаза маъноларининг ифодаланиши мумкин. Масалан: The war for the liberty of freedom had just ended and the war for the freedom of liberty was just getting ready to start. Давомли фаза феъллари контекстдаги конкретизаторлар таъсирида бирор ривожланган ҳаракатнинг вакт доирасини кўрсатиб келиши мумкин. For fifteen minutes more the conversation continued. The joyful celebration lasted long into the night. Контекст квантifikаторлари фаза феълларининг тус-замон шаклидаги давомли ҳаракатини ҳам чегаралаб келиши мумкин. The trend has been going on for some time and it remains important for 20th century writer like Bennet. Давомли фаза феъллари билан ифодаланадиган ҳаракат номаълум характерга эга бўлиши мумкин. Масалан: The aimless, riotous celebration continued. Meanwhile the prosecuted Adeline continued to travel with little interruption all right. Ҳаракатнинг давомийлиги маълум муддат танаффусдан кейин қайта ривожланган сифатида талкин килиниши мумкин бўлган ҳаракатни ҳам билдириб келиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Bybee J. Morphology. Amesterdam: Benjamins, 1985. –234p.
2. Croft W. Verbs: Aspect and causal structure. – Oxford: Oxford University Press, 2012. – 448 p.
3. Langacker R.W. Grammar and conceptualization.–Berlin / New York. 1999. –427 p.
4. Vendler Z. Verbs and Times // Philosophical Review 56, 1967.–P. 143 –160
5. Verkuyl H. J. Formal Semantics Course. Lectures delivered in the St. Petersburg State University, 2002. –P. 71-109. Z. Vendler, 1974; P. 4-23
6. Булыгина Т.В. К построению типологии предикатов в русском языке // Семантические типы предикатов. – М., 1982. – С. 7-85
7. Маслов Ю.С. Результатив, перфект и глагольный вид // Типология результативных конструкций: Результатив, статив, пассив, перфект. – Л., 1983. – С. 41-54.
8. Насилов Д.М. Формы выражения способов глагольного действия в алтайских языках. // Очерки сравнительной морфологии алтайских языков. – Л.: Наука, 1978.– С. 88-177.
9. Ризаев Б.Х. Проблема аспектной семантики временных форм немецкого глагола. Аспектная семантика претерита.– Ташкент: “Фан”. 1999. –121 с.
10. Тиунова С.П. Способы выражения фазовых значений в английском и русском языках. Кемерова, 1986. 84 с.
11. Храковский В. С. Пассивные конструкции // Теория функциональной грамматики. Персональность. Залоговость. Санкт-Петербург. 1991. –С.141-180.



Муяссар ТҮХТАБОЕВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти мустақил изланувчи
e-mail:mtukhtabayeva@mail.ru

ЎзДСМИ профессори М.Йўлдошев тақризи асосида

БОТУ ИЖОДИДА ТАКРОРИЙ БИРЛИКЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Аннотация

Маколада Боту шеъриятада кўп кузатиладиган такрорий бирликлар бадияти хусусида сўз юритилади. Шоир шеърияти учун хос бўлган синтактик такрор турларидан ташобехул-атроф, ҳалқа, мисра ва банд тақрори орқали лингвопоэтик маъноюнга ишлаб, шеърий мисраларнинг жонли, таъсирчан ҳамда жозабали бўлишига замин хозирланган.

Калит сўзлар: Боту, тақрор, синтактик тақрор, ташобехул-атроф, ҳалқа, мисра, банд тақрори.

ПРИМЕНЕНИЕ ПОВТОРНЫХ ЕДИНИЦ В СОЗДАНИИ БОТУ

Аннотация

В статье рассматривается искусство повторяющихся единиц, часто наблюдаемое в поэзии Боту. Лингвопоэтический смысл осмысливается из характерных для поэзии поэта типов синтаксических повторов через ташобехул-атроп, обруч, стиховой и полосовой повтор, и закладывается основа для того, чтобы поэтические стихи были живыми, выразительными и привлекательными.

Ключевые слова: Боту, повторение, синтаксический повтор, ташобехул-атроп, кольцо, мисра, полосное повторение.

APPLICATION OF REPEATED UNITS IN BOTU CREATION

Annotation

The article discusses the art of repetitive units, which are often observed in Botu poetry. Linguopoetic meaning is understood from the types of syntactic repetitions characteristic of the poet's poetry through tashobehul-atrop, hoop, verse and band repetition, and the ground is laid for the poetic verses to be lively, expressive and attractive.

Keywords: Botu, repetition, syntactic repetition, tashobehul-atrop, ring, misra, band repetition.

Кириш. Дунё тилшунослигига тил ва маданият, тил ва тафаккур ўртасидаги алоқа масаласи ўз долзарблигини йўқотмайдиган масалалардан хисобланади. Лингвомаданиятшуносликка оид тадқиқотларда маънавий кадриятлар тўплами ва маълум бир миллий-маданий жамоанинг тилшунослик тажрибаси ўрганилиб, тил ва маданиятнинг ўзаро боғликлар белгиларига бевосита эътибор қаратилган. Лингвопоэтикада эса бадиий матн тили, шакли ва мазмуни бирлиги, тил бирликларининг эстетик вазифаси, бадиий қиммати ҳамда унинг ўкувчига эстетик таъсирини ўрганиш асосий вазифа бўлиб келди. Кейинги тадқиқотларда эса лингвомаданий бирликларнинг бадиий асардаги эстетик хусусиятларини тадқиқ этувчи илмий қарашлар ҳам юзага келганини кузатиш мумкин[1]. Боту ва бошқа давр маърифатпарварвр олим, ижодкорлари ўзбек тилини илмий илмий тақомиллаштириш билан бирга бу тилнинг бадиий имкониятларини бевосита ўз ижод намуналари билан ҳам ишботлаб беришиди.

Мавзуға оид адабиётлар таҳлили. Боту бадиий матннинг лингвопоэтик ўзига хосликларидан бир кўриниши ва образли тасвир воситаси хисобланган фонетик унсурлардан ўзига хос тарзда, мохirona фойдаланган мумтоз ижодкорлардан биридир. Унинг лирикасида фонетик бирликлар бадияти маҳорат билан кўлланилган. Маълумки, аллитерация шеърнинг талаффуз гўззалиги ва қуляйлигини таъмин этадиган бадиий-тасвирий воситадир. Унинг “Кучли борлик ...” деб бошланувчи шеърида ушбу санъат ўзига хос уйғунликни хосил қилган:

Қайси тоғда, қайси боғда, қайси чоғда сайр этар,
Эрка кўнгил эркини тун-кун кўриқловчи малак[2]?
Байтидаги Қайси тоғда, қайси боғда, қайси чоғда
мисрасидаги қайси бадиий тақроридан кейин мутлақ

қоғияни шакллантираётган тоғда-боғда-чоғда сўзлари ўзига хос товушлар гармониясини хосил қилган.

Унинг “Навоий” шеъридаги ўз ва ўзга сўзлари ўзига хос бадиий тақрор ва фонетик уйғунликни хосил қилган.

Ўз тилини ёмонлаб,

Ўзга тилни севдилар.

Араб, форсий тилларин

«Гўзал тилдир», дедилар[3].

Шунингдек, ушбу шеърдаги қуйидаги мисраларда отини сўзи олтин сўзи билан аллитерацияни вужудга келтирган:

Шунинг учун, болалар,

Навоийни севайлик.

Навоийнинг отини

Олтин билан ёзайлик[4].

“Сўрма” шеърида эса фонетик бирликлар гармонияси тарсе бадиий санъати орқали юзага чиқкан.

Сўрма, ўртоқ, кўзларимда ўтли ёш қайнашганин,

Сўрма ҳеч бир юзларимда қайгулар ўрнашганин,

Сўрма бу мажнун кўнгилнинг дард ичидা ёнганин,

Сўрма бу маҳзун хаёлнинг қай очунда юрганин[5].

Сирғалувчи ва жарангиз товуш сифатида қараладиган с ундошининг тасвирий имконияти матн таркибида товушларнинг умумий фонида уччалик сезилмас-да, поэтик асарларда аллитерация элементи сифатида кўлланганда уларнинг моҳияти ўзгариши, замиридаги кескинлик, катъият, баъзан майнинлик каби оттенкаларни намойиш этиб, экстралингвистик ва лингвистик омиллар уйғунлигини таъминлашига, ижодкор руҳий оламидаги түғёнларнинг юзага чиқишига кўмаклашиши маълум бўлди[6]. Юкоридаги шеърда ҳам с ундоши ушбу хусусиятни таъминлаган.

Қуйидаги мисраларда эса сатр бошидаги сўзлар ушбу бадииятни таъминлаган.

Бирор билар, бирор билмас.

Бирор балки кўзга илмас...

Бироқ тўлқин тошар, тинмас,

Унинг товши яшар, синмас...[7]

Боту шеърлари тилининг жозибали бўлишини таъминлаган воситалардан бири такрордир. Бадий матнда такрорларнинг кўлланиши ўзига хос кўтариликни, тантанаворликни вужудга келтиради, шунингдек, айтилаётган фикрни алоҳида таъкидлаш, тасдиқлаш, кенгрок ифодалаш каби вазифаларни бажаради. Илмий адабиётларда таъкидланишича, такрор лафзий санъат бўлиб, бу санъат билан боғлиқ услугубий воситалар нутқ бирликларининг лингвопоэтик жиҳатдан актуаллашишига хизмат килган. Шоир шеърияти учун хос бўлган синтактик такрор турларидан ташобехул-атроф, ҳалқа, мисра ва банд тақорор орқали лингвопоэтик маъно англазилиб, шеърий мисраларнинг жонли, таъсирчан ҳамда жозибали бўлишига замин ҳозирланган. Бадий матндағи синтактик такрор грамматик такрор таркибиға киради, грамматик такрор эса бирор кўшишмча, сўз бирикмаси, гап, шеърий мисра ёки банднинг матнда ёки шеър мисраларида ижодкор томонидан мақсадли такрор кўлланиши тушунилади. Бундай такрор кўлланиш кўшишмча маъно оттенкасига эга бўлиб, турли услугубий вазифаларни бажаришга хизмат килади. Грамматик такрорларнинг, айниқса, синтактик такрорларнинг бошқа такрорлардан фарқи шундаки, бундай такрорлarda гап, мисра ёки банд тўлигича такрорланиб, кенгрок ва тўликроқ фикр ифодалашга, мазмунни батафсил ёритишига қаратилган бўлади[8].

Боту ижодий оламида такрорлар ўзига хос бадийятга эгалигини кузатиш мумкин. Шоир шеъриятида энг фаол кўлланилган синтактик фигурулардан бири такрор хисобланади. “Бадий услубда такрорнинг вазифаси фақатгина маълум нарса-ходисани ёки ҳолатни ажратиб, таъкидлаб кўрсатиш билангина чегараланмайди. Бадий асарда, барча бадий воситаларда бўлгани каби, тақрорнинг зиммасига ҳам тил бирликларига эмоционал бўёқ, алоҳида оҳанг, жозиба бериш вазифаси юкландади”[9].

Ўз даврида Фитратнинг назарига тушиб, бадий жиҳатдан юксак баҳоланган машхур “Сўрма” шеърининг ҳам дастлабки тўрут қатори сўрма сўзининг тақорор билан бошланади. Ушбу сўзининг тақрор кўлланиши шоир ичида дарднинг юки ниҳоятда оғир экани, бу юк унинг ичу ташини, яъни кўзу юзи, кўнглию, хаёлини эзаётганини яна-да ёркин ифодалашга хизмат килган. Натижада, шеърнинг бадий руҳи кучайиб, фикр таъсирчанлигига эришилган:

Сўрма, ўртоқ, кўзларимда ўтли ёш қайнашганин,

Сўрма, ҳеч бир юзларимда қайгулар ўрнашганин,

Сўрма, бу мажнун кўнгилнинг дард ичида ёнганин,

Сўрма, бу маҳзун хайлнинг қай очун‘да юрганин. (Сўрма. БШ. 33)

Бир қараганда ҳамма айта олиши мумкин бўлган оддий гапдек, бироқ шоир қалби бу сатрларни канча дард билан ёзгани бизга қоронғу.

Ҳар бир қалам ахлининг ижодий хазинасида ял-ял ёниб турувчи гавҳари бўлганидек, Боту ижодида “Сўрма” шеъри нафакат гоявий-бадий жиҳатдан, балки поэтик ва бадий тил маҳорати жиҳатидан ҳам алоҳида ўрин тутади. Шоир бу шеърини ижодининг энг кизгин паллаларида яратган. Ўз даврида бу шеър адабиёт ахлининг тез назарига тушганини жадидлар ҳаётни ва ижодини чукур ўрганган адабиётшунос Наим Каримов шундай ёритади: “Фитрат ўзининг илмий рисолаларида шогирдининг бу шеърида кўлланган поэтик усул ва воситаларга эътибор қаратиб, уларни бир неча бор таҳлилга торганки, бу хол “Сўрма” нинг унга айниқса манзур бўлганидан шаҳодат беради”[10].

Мазкур шеърни бир неча томондан ёндашиб таҳлил килиш мумкин. Биз шеърдаги интертекстуаллик масаласига эътиборимизни қаратмоқчимиз. Маълумки, “жуда кўп ҳолларда ҳалқ мақолларининг иштирокига кўра бадий матн интертекстуаллик касб этади. Бунда мазмуний уйғунлик баробарида дейдилар, деганларидек, шундай мақол(гап, нақл, айтим) бор каби бир қатор лисоний ифодалар асосий ва интерматн алоқасининг зичлигини таъминлайди”[11].

Бироз шоир руҳиятига яқинлашишга ҳаракат қиласиз... Ичиди яширин дард, овозсиз ийги, сўнгсиз ва ечимсиз муаммо билан яшаган инсон качон енгил бўлади? Қачонки, дардоши, дилдоши билан дилдан сўзлашса, муаммо ечиласа-да, умид ғунчлари пайдо бўлади. Ботунинг дарди ҳам гоҳ шоир ичиди овозсиз кийналарди, гоҳ ўзини намоён килиб сўзлар воситасида шеър бўлиб яраларди. Бироқ уни эшитгувчи, ўқиши керак бўлганларнинг дарди ўзга эди, шоир қалбидаги буюк дардни англашга ожиз эдилар, англаганлари ҳам ўз таналарида бу дардга ўрин ажратмасдилар.

Мисра бадийи таъсирчанини овозсиз кийналарди, дард асосдошининг уч марта кўлланиши бадийлик билан тўйинглан гўзал оҳангдорликни юзага келтирган. Ўзаро қаршилантирилган отлашган сўзлар (дардли, дардсиз) биргина каторда катта маъно муносабатини ташишга хизмат килган.

Кўрсатиб бўлмас кўёши кўзсиза мақтов билан каби давом этган кейинги катор олдингсини тўлдириб, гоявий ва бадий жиҳатдан мукаммал бўлган мисра яралишига эришилган. Бу ўринда шоирнинг яна бир маҳорати шундаки, у кўзи ожиз одамни салбий оттенкага эга бўлган кўр сўзи билан атамади, балки кўзсиза дея замирида кенг маъно ётган отлашган сўз билан ифодалади. Ваҳоланки, Кўрсатиб бўлмас кўёши кўзмақтоз билан тарзида ёзиши ҳам мумкин эди. Албатта, бу катор метафорик мазмун ҳам касб этади, бунда нафақат тана, балки қалб кўзининг ожизлиги мазмуни ҳам англазилиди. Шунингдек, жўналиши келишиги қўшимчасининг кисқарган варианти (-а) ни кўллаш фазал жарангини ёдга солади. Шоир ижодида кўп кузатиладиган бу ҳолат, бир томондан шеър шакли, кофия масалалари билан боғлиқ бўлса, бир томондан ўша пайтда турк, озарбайжон тилининг таъсири натижасида ўғуз элементларининг кўлланиши билан баҳоланади. Жадидлар тилидаги бу ҳолатга А.Аҳмедов шундай муносабат билдиради: “ХХ асрнинг бошларида Туркистонда миллий уйғониш ҳаракатининг бошланиши муносбати билан жадидларнинг маърифий, бадий ва публицистик асарларида турк тилига хос бўлган сўз, фонетик ва морфологик шаклларни кўллаш русумга айланди. Бунда турк жадидларига тақлид – асар ва унинг тилини замонавийлаштириш, қотиб қолган эски ҳаёт ва тафаккур тарзига қарши чиқиши сифатида қабул килинди[12]. Шунингдек, “поэтик нутқда метрик талаблар (шеър вазни, ўлчови)га кўра бу даврда ҳам ўғуз кўринишларининг кўлланиши давом этди. Ёпик бўғинни очиш, очик бўғинни ёпиш, сўз таркибидаги бўғинлар сонини камайтириш ёки ошириш учун ўғуз лисоний шаклларидан кенг фойдаланилди”[12].

Таъкидлаш керакки, шеърий матнларда тақрорларнинг кўлланиш ўрни ўзига хос бўлиб, улар, одатда, горизонтал ва вертикаль ҳолатда кўлланади. Бу эса гўзал оҳангдорликни юзага келтиради.

Таъкидлаш керакки, Боту ижоди тақрорларни ўрганиш учун яхши манба бўла олади. Унда тақрорнинг барча кўринишларига кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Бизнингча, Ботунинг тақрорга кўп мурожаат килишида ҳам рамзий маъно бор. Одатда, бирон мухим масалани ҳал килишда унинг натижаси учун айрим масалаларни тақрор-тақрор айтишдан толиқмаймиз. Боту ҳам ўз истаклари

рўёбини кўриш учун тақорлардан чарчамаган. Бироқ баттол замон бунга имкон бермаган. Тўғри, айrim ўринларда ортиқча тақорлар шеърнинг поэтик қимматига таъсир қилиган бўлса-да, бу ёш, эркесвар шоирнинг қалб мавжлари ҳосиласидир.

Хулоса ва таклифлар. Боту асарлари тилини ўрганишда тақорор алоҳида эътибор талаб этувчи воситалардандир. Шоир мазкур тил имкониятидан унумли фойдаланиб, уни нафақат матнни шакллантирувчи, балки турли бадиий ниятини ёритишга хизмат қиливчи поэтик восита дарајасига ҳам кўтара олган.

АДАБИЁТЛАР

1. Мукимова З. Ўткир Ҳошимов асарлари тилининг лингвопоэтик ва лингвомаданий хусусиятлари. Фил.фан.бўй. фалсафа доктори дисс. афтореферати. Тошкент – 2020. 59. 5-бет.
2. Боту. Танланган асарлар. –Т.: Шарқ, 2004. 190. 72-бет.
3. Боту. Ўша асар. 31-бет.
4. Боту. Ўша асар. 32-бет.
5. Боту. Ўша асар. 33-бет.
6. Умирова С. Ўзбек шеъриятида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърияти мисолида). Фид.ф.бўйича фал.док.дисс. автореферати. Самарқанд – 2019. 48. 5-бет.
7. Боту. Ўша асар. 36-бет.
8. Юлдашева Д. Синтактик тақорларнинг бадиий-эстетик имкониятлари. // Молодой ученый. — 2019. — № 40 (278). — С. 258-261. — URL: <https://moluch.ru/archive/278/62707/> (дата обращения: 30.06.2020).
9. Каримов С. Бадиий услугуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУнашри, 1994. – Б. 54-55.
10. Каримов Н. Истиқлол йўлида кечган умр. “Жаҳон адабиёти”, 2013, 5-сон
11. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. Тошкент, 2018. – Б194.
12. Ахмедов А.Р. Ўзбек адабий тили тарихида ўғуз унсур ва кўринишларининг кўлланиши: Филол.фан. номз...дисс. автореф. – Самарқанд: 2006. – Б. 21.



Абдумажид УРИШЕВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Амалий фанлар 1 кафедраси (PhD) мустақил изланувчиси
E-mail: madjidmajidov@gmail.com

ЎзДЖТУ, Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Мураткасимова К. Ш. тақризи асосида

THE ROLE OF CLT IN DEVELOPING LEARNERS' LANGUAGE SKILLS

Abstract

The purpose of this article is to explore CLT (Communicative Language Teaching) teaching conducted at the university classes of Uzbekistan. This research study involves 20 participants and one teacher who implemented CLT activities in two classes. It mainly aims at investigating the impacts and the values of CLT activities on the participants' language skills and communication skills. It also explores the appropriateness of CLT in this context from the point of view of participants. This study involves two research tools, the first one is classroom audio-recordings that include the recordings of two lessons and questionnaires taken by 9 participants. This research study has explored several findings in terms of CLT. Namely, participants claimed that pair-work activities improved their language skills, social skills and etc, but not all participants agreed with this case and several participants gave unbiased viewpoint as well.

Keywords: CLT teaching, pair-work activities, language skills and communication skills, social skills, classroom interactions, challenges, pair-work interaction.

РОЛЬ CLT В РАЗВИТИИ ЯЗЫКОВЫХ НАВЫКОВ

Аннотация

Целью данной статьи является изучение преподавания CLT (Коммуникативное обучение языку), проводимого в университетских классах Узбекистана. В этом исследовательском занятии приняли участие 20 участников и один учитель, который проводил CLT занятия в двух классах. В основном оно направлено на изучение влияния и ценности деятельности CLT на языковые навыки и коммуникативные навыки участников. В нем также исследуется целесообразность CLT в этом контексте с точки зрения участников. Это исследование включает в себя два исследовательских инструмента, первый из которых - аудиозаписи в классе, которые включают записи двух уроков и анкеты, заполненные 9 участниками. В этом исследовательском занятии были изучены несколько результатов с точки зрения CLT. А именно, участники утверждали, что работа в паре улучшила их языковые навыки, социальные навыки и т.д., но не все участники согласились с этим случаем, и несколько участников также высказали непредвзятую точку зрения.

Ключевые слова: обучение CLT, работа в паре, языковые навыки и коммуникативные навыки, социальные навыки, взаимодействие в классе, проблемы, взаимодействие в паре.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ТИЛ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КОММУНИКАТИВ ТИЛ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация

Ушбу мақоланинг мақсади Ўзбекистонда университет дарсларида олиб бориладиган CLT (коммуникатив тил ўқитиши) ни ўрганишdir. Ушбу тадқиқот сессиясида 20 та иштирокчilar ва иккита синфда CLT дарсларини ўтказган битта ўқитувчи иштирок етди. Бу асосан CLT фаoliyatining иштирокчilarning тил қобилиятлари ва мулоқот қобилиятларiga таъсири ва муҳимлилигини ўрганишга қаратилган. Шунингдек, иштирокчilar нұқтаи назаридан, бу доирада CLT имкониятларини текширдир. Ушбу тадқиқот иккита тадқиқот воситасини ўз ичига олади, улардан биринчиси синфдаги аудиоёзувлар бўлиб, унда 9 та иштирокчи томонидан тўлдирилган иккита аудиоёзувлар ва сўровномалар мавжуд. Ушбу тадқиқот сессиясида CLT нұқтаи назаридан бир неча натижалар кўриб чиқилди. Иштирокчilar жуфт бўлиб ишлаш уларнинг тил ва ижтимоий кўникамларига ижобий таъсир килди деб таъкидлади.

Калит сўзлар: тил кўникамлари, мулоқот қобилиятлари, ижтимоий кўникамлар, коммуникатив тил ўқитиши, жуфт бўлиб ишлаш.

Introduction. English language is taught as a foreign language and nowadays, more emphasis is being given to English language by government and by education system. Also, many education reforms and developments have been done in order to implement English language as a medium of instruction in public schools, colleges, institutes and universities. Among these reforms, CLT (Communicative Language Teaching) teaching in the class plays one of the essential roles as well, and as a researcher it is very interesting to research the actual CLT in terms of language skills and identify issues and challenges or interesting findings related to CLT are worth to consider. The context that I am going to investigate is university named Uzbekistan State World

Languages University, in this university the priority is given to English language, and it is taught more frequently than other languages and modules. Teachers at this university are more experienced in terms of their English language than other universities as well as freshman students are required to obtain at least pre-intermediate level from English language. I decided to collect data from postgraduate students who are pursuing the course named "English language and linguistics". Further information about research and participants will be given in the chapter named Methodology.

Literature review. Before exploring CLT in-depth, the background information about CLT will be stated below. According to Farooq (2015), CLT (Communicative Language

Teaching) was presented in 1960s by British linguists and it turned into predominant approach in language teaching in 1970s. Nowadays, CLT is one of the popular and productive approaches in ESL and EFL, this approach is conducted in the classes of many countries where English language is taught as a foreign or second language (Anderson 1993, Chang 2011, cited in Dorji 2017). It's very common to be curious about the nature of the CLT and this curiosity can be satisfied by addressing to literatures, namely Savignon (2007), identifies that the nature of the CLT is the learners' involvement in communication with the intention of enhancing "communicative competence" (Savignon, p209). This concept also was stated by Littlewood (2011) namely, "the term CLT still serves as a valuable reminder that the aim of teaching is not to learn bits of language but to 'improve the students' ability to communicate'" (Littlewood 2011, p542). According to Larsen-Freeman and Anderson (2011 cited in Jafari, Shokrpour and Guetterman 2015) CLT is most successful teaching approach in terms of communication development of the learners as well as popular technique in the context of ESL and EFL. Moreover, the main aim of the CLT is to build successful rapport by not confronting any obstacles while communicating (Ahmed, 2016). Additionally, Alamri (2018) claimed that CLT is being commonly used and it motivates students to learn in the classroom and he also stated that the central objective of the CLT is to maintain proficiency in learners' communication. Furthermore, one of the aims of CLT is to improve learners' language fluency namely, fluency can be enhanced by conducting activities that are focused on negotiation of meaning (Richards 2005). Taking into consideration all the information above that is expressing the background of CLT, it is worth considering to be aware of the role of pair work interaction in CLT, the next section below will discuss about the connection of pair work with CLT. Pair work interaction is key part of the Communicative Language Teaching (CLT) because, the key aspect of CLT is communication and pair-work activities are considered to promote that. According to Richards (2005), CLT started to move away from conventional classes and focused on different classroom activities like "memorization of dialogs and drills, and toward the use of pair work activities, role plays, group work activities and project work" (Richards 2005, p4). As it is stated above, CLT includes not only pair-work activity but also other communicative activities, pair-work is part of CLT and it has a leading role in the CLT. This statement can be proven by addressing to different literatures that will be stated below. Namely, the CLT approach focus on communicative learning activities in L2 and aims at establishing authentic classroom context in L2 classes also, CLT classes can include collaborative exercises like pair and group work (Savignon 2010 cited in Garton and Graves 2014). Moreover, in the study of Hiep (2007), there was stated the term which is related to the CLT originated by Holliday (1994) and it is named 'the learning group ideal' or 'optimum interactional parameters' (Hiep 2007, p195). To foster this group of learning that is stated above, Brown (1994, cited in Hiep 2007, p195) outlines three ways of conducting the class:

1. A significant amount of pair work and group work is conducted.
2. Authentic language input in real life context is provided.
3. Students are encouraged to produce language for genuine, meaningful communication."

In these three statements above, it is obvious that the first one claims that a considerable amount of pair and group work should be implemented in order to develop CLT. In addition, Walia (2012) stated that CLT is considered as student-oriented method and it involves activities such as,

"games, role play and pair/group work" and these exercises have essential role in language teaching (Walia 2012, p128). Apart from that, the study conducted by Eveyik-Aydin (2003) shows that CLT was classified into four areas in order to identify the attitudes of teachers on CLT: "group/pair work activities, place of grammar, student/teachers roles and peer/teacher corrections" (Eveyik-Aydin 2003, p8). It means that, group and pair works are considered to be one of the key parts in CLT, this statement can be another evidence that pair work interaction has a role in CLT and overall, it can be stated that pair work is related to Communicative Language Teaching.

Research Methodology. In the literature I have found many theories and studies related to my research topic. For example, it is stated that pair work can be very helpful for students to communicate through their L2, namely students are likely to ask questions, making guesses and giving feedback. (Storch, Aldosari, 2012, p32). Leaning on this theory, I understood that through this way students are expected to increase their communication skills and their classroom participation will be boosted. Moreover, Johnson and Johnson 1991 (cited in Baleghizadeh, 2010, p407) states that pair work can create collaborative learning atmosphere, and Barkley, Cross and Major 2005 (cited in Baleghizadeh, 2010, p407) highlights several techniques related to collaborative learning, for instance, in the technique called "Think-Pair-Share" students can share their ideas with their peers, by this way students are expected to participate confidently in the classroom, another technique called "Round Robin" focuses students' participation in taking turns, in this technique all students will have a chance to speak, one more technique called "Critical Debate" where students criticize their views, discussing dilemmas, as it is mentioned in the article this technique can strengthen communication skills of learners. Another literature states that, pair work creates positive and funny classroom atmosphere and promotes English conversation, and increases students' communication (Martine 2005, p35-37). "The integration of CL into second language classrooms is considered likely to facilitate optimum development of a learner's ability to communicate in the target language because it provides increased opportunities for comprehensible input, real-life experience of language use, and positive peer interaction" (Holt 1993; Jacobs and McCafferty 2006; Jacobs and Goh 2007, cited in Ning, 2010, p62). Researchers proved that students interact with each other more easily rather than their teacher. (Tsui 1995, cited in Achmad and Yusuf, 2014, p151). Also, "Recounts from previous studies illustrate that students feel comfortable working, interacting and making mistakes with their partners rather than with their teachers, and corrective feedbacks from peers are found to be less daunting than the correction by teachers (Westbrook, 2011, cited in Achmad and Yusuf, 2014, p152)." In pair work students are expected to communicate with each other more practically than working individually and in groups as some learners may control the class. (Jones, 2007, cited in Achmad and Yusuf, 2014, p152). However, there are also disadvantages of using pair work in the classroom, for example, as Harmer (2001, p116) mentioned that pair works can be very noisy and teachers think that the classroom can be uncontrolled and also, students tend to use their L1 with their peers.

I am planning to collect data from the learners of Uzbekistan pursuing postgraduate degree at the university. The learners' main subject area is English language so there is possibility that they are taught English language on a daily basis. In the class there are going to be around 14-20 students. One of the ways that I am going to collect data to address my research question is through combining qualitative and quantitative methods. According to literature, for example, "Greene et al. (1989) reviewed studies taking a mixed

methods approach and argued that combining the two paradigms is beneficial for constructing comprehensive accounts and providing answers to a wider range of research questions." (Litosseliti, 2010, p30) Furthermore, "There can be little doubt that research that involves the integration of quantitative and qualitative research has become increasingly common in recent years." (Bryman, 2006, p97). Taking these theories into consideration, I am planning to collect large amount of data and it requires interpretation of teaching process, so I think combining these two approaches can be useful to achieve my aim. Apart from that, I am going to ask several teachers in Uzbekistan to record their lessons and send them to me by internet, after obtaining recordings I am going to transcribe them and thoroughly investigate the process of the lesson by analysing transcriptions. In addition, I am going to ask teachers to conduct a number of pair work lessons in order to obtain more data and variation in the classes. Apart from that, I am going to design questionnaires for the learners and for the teachers as well. The questionnaires will include specific questions related to my topic area that I am going to carry out investigation. Finally, all the participants will be asked to sign ethics forms, namely, teachers, students and head of department will be provided with ethics approval in order to protect their anonymity.

Analysis and Results. This "Findings" chapter revealed the outcomes from this data, in other words, what I have discovered from this set of data, classroom extracts showed that the teacher used pair-work activities to implement speaking skill and encourage them to work collaboratively with their peers. Also, classroom extracts revealed that the pair-work activities took up the half part of the lesson which is 40 minutes. Furthermore, questionnaires were analyzed by coding the participants' responses, such as finding general patterns in the data, sorting them into groups and combining them. As described earlier, the perceptions and attitudes of participants towards pair-work interactions were determined and represented in figures and charts. Namely, figures indicate

that majority of students would like to work in pairs, and it improves communication skills, speaking skills and enhances their confidence. Furthermore, it shows that the pair-work activities were easy for them and not all of them encountered difficulties. It is also worth mentioning that there were participants who gave unbiased viewpoint in terms of the questions provided in the questionnaire and there were participants who prefer to work individually and does not like pair-work activities.

Moreover, according to figures, participants confirmed that they are taught in pairs almost every time in the class. Overall, these findings can now clearly address research questions because I was able to know the answer through analyzing the research data and illustrating them in the "Findings" section.

Conclusion. To summarize, as mentioned above in this chapter I discussed my findings that were seen in two research tools, namely classroom extracts and participants' questionnaires. In the classroom extracts the first research question was addressed while second research question was addressed by analyzing the students' questionnaires. Also, there were observed obvious connections in these two research tools with my Literature review and various results have been seen. Namely, in the participants' questionnaires there were found diverse responses and perceptions of students towards CLT and pair-work interaction. Specifically, as it is mentioned above according to participants' responses pair-work activities increase students' confidence, communication skills and eye-contact, also it strengthens fluency of students nevertheless, not all students expressed positive viewpoint in terms of this, for instance there are several learners that prefer to work by themselves, or they are not interested in pair-work activities. In addition, weaker students can be dominated by stronger students, teacher may struggle to manage the class due to noisy classroom and leaners do not get individual feedback from teacher in terms of their mistakes.

REFERENCES

1. Ahmed, K., 2016. Communicative Language Teaching: A Practical Scenario in the Context of Bangladesh. *Advances in Language and Literary Studies*, 7 (5).
2. Alamri, W. A., 2018. Communicative Language Teaching: Possible Alternative Approaches to CLT and Teaching Contexts. *English Language Teaching*, 11 (10), 132.
3. Bryman, A. (2006). Integrating quantitative and qualitative research: how is it done?. *SAGE*. 6 (1), 97-113.
4. Chang, M. and S. Goswami, J. (2011). Factors Affecting the Implementation of Communicative Language Teaching in Taiwanese College English Classes. *English Language Teaching*, 4(2), p.3.
5. Farooq, M. U., 2015. Creating a Communicative Language Teaching Environment for Improving Students' Communicative Competence at EFL/EAP University Level. *International Education Studies*, 8 (4).
6. Garton, S. and Graves, K. (n.d.). *International perspectives on materials in ELT*.
7. Litosseliti, L (2010). *Research Methods in Linguistics*. London: Continuum International Publishing Group. p1-227.
8. RICHARDS, Jack C. (2005). Communicative language teaching today. *Cambridge, Cambridge University Press*
9. Savignon, S. J., 2007. Beyond communicative language teaching: Whats ahead? *Journal of Pragmatics*, 39 (1), 207–220.
10. Storch, N. and Aldosari, A., 2012. Pairing learners in pair work activity. *Language Teaching Research*, 17 (1), 31–48.



Мухтар ХУДАЙКУЛОВ,

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий
коммуникация университети профессори, филология фанлари доктори
E-mail. masalchi@rambler.ru

Ўзбекистон Миллий университети профессори, тарих фанлари доктори К.Т.Эрназаров тақризи остида

THEORY OF MEDIALOGY AND JOURNALISM

Annotation

This article is devoted to defining the essence of a new science – medialogy, which appeared at the beginning of the twentieth century, about its subject, object and other features. At the same time, the relation of medialogy to the science of the theory of journalism, their common criteria and other features are researched.

Keywords: Media, mass media, medialogy, types of mass media, media philosophy, media education, media management, theory of journalism, functions of journalism, principles of journalism.

МЕДИАЛОГИЯ И ТЕОРИЯ ЖУРНАЛИСТИКИ

Аннотация

Данная статья посвящена определению сущности новой науки – медиалогии которая появилась в начале XX века, о ее предмете, объекте и других значений. Вместе с этим исследуется отношение медиалогии к науке теории журналистики, общие критерии с ней и другие значения.

Ключевые слова: Медиа, массмедиа, медиалогия, виды массмедиа, медиафилософия, медиапросвещательства, медиаменеджмент, теория журналистики, функции журналистики, принципы журналистики.

МЕДИАЛОГИЯ ВА ЖУРНАЛИСТИКА НАЗАРИЯСИ

Аннотация

Мазкур маколада XX асрда вужудга келган медиалогия фани, унинг предмети, объекти ҳамда бошқа хусусиятлари баён этилади. Шу билан биргаликда медиалогиянинг журналистика назарияси фани билан ўзаро муносабати, умумий хусусиятлари борасида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Медиа, массмедиа, медиалогия, медиамакон, медиафалсафа, медиасоводхонлик, медиаменеджмент, журналистика назарияси, журналистика функциялари, журналистика тамойиллари.

Кириш. Мъйлумки медиалогия фани XX аср охирлари ва XXI аср бошларида вужудга келган янги ижтимоий фандир. Бу терминни биринчи бўлиб француз олими Р. Дебре 1990 йилда билим ва анъаналарни, яъни маданий қадриятларни етказувчи таълимот сифатида биринчи бўлиб тилга олган эди. Мазкур атаманинг ўзаги бўлмиш медиа сўзи асли лотинча бўлиб ўрта, ўргада турувчи, воситачи деган маънони билдиради. Ҳозирга келиб эса бу атаманинг мазмуни янада кенгайиб оммавий ахборот ва коммуникация, яъни алоқалар тизими воситаси деган маънони билдиради. Массмедиа термини эса оммавий ахборот воситаларининг йигиндиси маъносига эгадир. Массмедиа терминини биринчи бўлиб немис сиёсатшуноси Магнус Энценбергер медианинг оммалашуви маъносида ишлатган. Аммо бу терминни оддий оммавий ахборот воситаларининг йигиндисигина деб бўлмайди, балки у кенгроқ маъно беради. Яъни, массмедиа оммавий ахборот воситалари – босма матбуот аудо-визуал – радио, телевидение, интернет, китоб нашриётларидан ташқари фотосурат, кино каби тушунчаларни ҳам ўз ичига олади. Бу жихатдан у культурология фани билан туташиб кетади. Массмедиа термини асосан оммавий ахборот воситалари йигиндиси тушунчаси сифатида тушунилади ва ўзбек тилида медиамакон сифатида ишлатилади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки медиалогия оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий моҳияти, унинг чукур ички қонуниятларини ҳам ўрганади. Бу жихатдан у журналистика назарияси фанининг кенгайтирилган, чукурлаширилган мантикий давомидир. У худди

журналистика сингари оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрни, моҳияти, ички қонуниятлари, пайдо бўлиши ва ривожланиши тамойиллари, ҳозирги замон инсоният ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганади.

Асосий қисм. Медиалогия маълум даражада синтетик, яъни янгидан яратилган гуманитар фан бўлиб ўз ичига культурология, философия, педагогика, политология ва менежментни ҳам камраб олади. Медиалогиянинг предмети медиамаконда медиамаданиятнинг келиб чиқиш ва ривожланиши тамойиллари, ижтимоий фаолияти, жамиятдаги ўрни ва жамият ҳаётига таъсири ҳисобланади. Унинг объекти эса массмедианинг турли кўринишлари ва ҳозирги замон воқелигига юз бераётган ижтимоий ҳодисалар жараёни ҳисобланади. Образли қилиб айтганда медиалогия инсоният жамиятининг медиамаконда олаётган ижтимоий нафаси, медиамаконнинг унинг ҳаётига таъсири, жамиятда медиамакон билан боғлик ҳолда юз бераётган ижтимоий воқеа ва ҳодисалар ўтказилаётган жараёнларда иштироки, шахснинг ижтимоий фаоллиги, маънавий ҳаёт имкониятларининг ижтимоий даражаси, информацион урушлар ва бошқалардир. Мазкур фаннинг энг мухим масалаларидан бири глобал мелиомаконда медиамаданиятнинг турли хиллиги ва этник борада, яъни турли халқлар ўртасида ўзаро ҳамкорлигини ҳам ўрганишдир. У илмий соҳа сифатида ўзининг ички илмий тушунча ва қонуниятларига, ўз атамалар ва тушунчалар тизимига эгадирки буларнинг барчаси ахборотлашган жамият тараққиёти билан боғлиқдир. Мазкур фан таркибига медиамаданият, медиафилософия, медиасиёсат,

медиасанъат, медиапедагогика, медиаменежмент ва бошқа замонавий ижтимоий ҳодисалар ва тузилмалар киради.

Кўриниб турибдики, медиалогия фани күльтурология фани билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Культурология инсоният маданиятини ўрганадиган фандир. Культура сўзи лотинча ишлов бериш, етиштириш, тарбия бериш деган маънени билдиради.(Логос атамаси эса юононча маълум сабаб бўйича юритилган фикр деган маънени билдиради.) Бинобарин культурология, яъни маданиятишунослик инсоният томонидан яратилган барча маданий воситалар – моддий ва маънавий маданият, яъни санъат, театр, кино ва бошқаларни ўрганади, масс-медиа, яъни оммавий ахборот воситалари ҳам шулар категорига киради.

Медиалогия фани медиафилософия фанининг таркиби кисмига киради. У массмедиа, яъни медиамаконнинг ички, фалсафий хусусиятларини ўрганади. Мазкур фан XIX аср охири ва XX аср бошларида европалик олимлар Рудольф Фитс ва Франк Хартманлар томонидан ишлаб чиқилди. Мазкур фан медиамаконнинг ички конуниятлари, моҳияти, жамият билан алоқаси, ҳозирги глобаллашув даврида медиамаконнинг аҳамияти ва бошқа илмий-фалсафий масалаларни ўрганади.

Медиалогия фани шу қадимги замонлардан бери иш кўриб келаётган фалсафа, тарих, жамиятшунослик, филология ва бошқа ижтимоий фанлар билан ҳам яқин алоқада бўлиб келади. Бинобарин, медиалогия фани асосан медиамаданият ва унинг фаолиятини тадқик киласди. Медиамаданият эса юкорида айтиб ўтганимиздек техника ва ижоднинг синтези, яъни бирлашмасидан иборатdir. Яъни у замонавий техник усувлар билан ёзув, овоз ва тасвирни оммага етказиб беришdir. Демак, медиамаданият инсониятнинг сўзлар, овоз, тасвир ва уларнинг техника воситасида ўйғунлашуви натижасида оламни билиши, англаши ва унга ўз муносабатини ишлаб чиқишидир. Яъни у инсониятнинг тарихий-маданий ривожланиши натижасида ишлаб чиқилган ахборий-алоқа мажмуи бўлиб шахснинг ижтимоий онги ва жамият хаётидаги фаоллигини шакллантиришга хизмат қиласди. Медиамаданиятнинг турли функциялари мавжуддир. Улар – информацион-ахборий, коммуникатив – инсоннинг бошқа инсонлар ва жамият билан алоқада бўлиши, ижтимоий, яъни инсоннинг жамият хаётига аралашуви ва унинг нормаларига риоя килиши, релацион, яъни инсоннинг ўзича хордик чиқариши, креатив – яъни инсоннинг медимаданият воситалари ёрдамида жамият хаётига фаол аралашуви, интеграцион, яъни инсонлар, халқлар, миллатлар ўргасидаги маданий алоқаларнинг ўйлга қўйилиши, воситачилик – яъни шахс билан бошқа гурухлар, жамият ўртасидаги ўзаро боғликларни таъминлаш ва бошқалардир. Биз медиалогиянинг функцияларини журналистика функциялари билан солиштириб маълум хуласалар чиқарамиз.

Медиалогия фанида медиасемиотика, яъни тиллар ҳақидаги фан ҳам муҳим аҳамият қасб этади. Маълумки медиамаконда тил масаласи муҳим ўрин тутади. Сўзлардан тузилган ва тугал маъно берувчи гап ҳамда гаплардан ташкил топган матн муҳим аҳамият қасб этади. Медиатекст инсониятнинг тарихий шаклланиши ва у яратган маданиятнинг тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Европалик олим М.Малюэн инсоният тамаддунининг ва шу жумладан медиамаданият тарихининг тўрт даврини кўрсатиб ўтади. Улар: 1-ёзув пайдо бўлган пайтгача бўлган жоҳилият даври, 2- фонетик ёзув мингийликлари, 3- Гуттенберг ихтироси, 4- Маркони ихтиросидан иборатdir. Ушбу рўйхатга биз 5- давр, яъни Халқаро электрон-ахборот тизими - Интернетни ҳам кўшиб қўямиз. Буларнинг ҳаммасида тил,

сўз, матн, овоз, тасвири овоз муҳим ўрин тутади. Сўз ва тақстнинг такомиллашуви, уларни ёзib олиниши ва сақланиши, оммага етказилиши медимакон фаолиятида табора муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Медиалогияда медиасиёсат ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Медиасиёсат доимо жамиятни бошқариша, инсонлар оғнини шакллантириш ва уларнинг жамият хаётидаги фаол, оқиллик билан иштирок этишларида муҳим ўрин тутади. Халқаро маданий ишлар билан шугулланувчи ташкилот ЮНЕСКОнинг “Ахборатлаштирилган жамиятда инсон хуқуқларини таъминлаш ҳақидаги Деклорацияси”да информацион коммуникацион технологияларга юкори баҳо берилиб, уларни ахборотлаштирилган жамият куришдаги муҳим ҳаракатлантирувчи куч эканлиги таъкидланган. Информация олиш ва тарқатиш эркинлиги, матбуот эркинлиги ҳамиша жамиядаги энг муҳим масалалардан бири бўлиб келган. Ўзбекистон Конституциясининг 67-моддасида “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва конунга мувофиқ ишлайди... Цензурага йўл қўйилмайди”, деб таъкидлаб ўтилган ва бунга оғишмай амал қилиб келинмоқда.

Медиалогия фанида медиапедагогика ҳам муҳим ўрин тутади. Бу эса бир томондан медиа материалларидан фойдаланишини ўшларга ўргатиш билан бир категорда медиа ходимларини тайёрлаш ва уларга медианинг ички конуниятларини ўргатиш, журналистиканинг турли соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаш масалаларни киради. Медимаконда фаолият кўрсатадиган журналист кадрларни тайёрлаш бутун дунё миқёсида олиб борилади.. Бу билан асосан юкори даражадаги олий ўкув юртлари – университетлар шугулланадилар. Ўзбекистон республикасида ҳам юз йиллар давомида журналист кадрлар тайёрлаш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Бу жиҳатдан Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети муҳим ўрин тутади. Бу олий ўкув даргоҳида 1947 йилда тузилган журналистика факультетида неча минглаб стук кадрлар билим олдилар. Шунингдек, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетининг Халқаро журналистика факультети ҳам анчадан бўён фаолият кўрсатиб ҳалқаро журналистлар тайёрлаш келмоқда. Ўтган йили Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг очилиши бу борада муҳим янгилик бўлди. Бу даргоҳда кўплаб бўлгуси журналистлар медиамаконнинг турли соҳаларини кунт билан ўрганмоқдалар.

Медиалогия фани ўрганадиган муҳим соҳалардан бири медиаменежментdir. Мамлакатимиз миллий мустақиллик даврига қадам босгани ва ижтимоий-иктисодий хаётда амалга оширилган кўпгина ислоҳотлар, бозор иктисолиётига ўтиш бошқа соҳалар категорида медиамаконда ҳам муҳим масалаларни кўндаланг қилиб қўйди. Шулардан бири менеджмент тушунчаси бўлиб, бу медиа маҳсулотларини чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ масаладир. Яъни, эндилиқда медиамаконнинг газета, журнал, радио, телекўрсатувлар, ахборот агентликлари, китоб нашириётлари, интернет каби кўринишлари ўз маҳсулотларини тайёрлаш ва оммага етказиб беришда бозор иктисолиётига талабларига бўйсунишлари шарт бўлиб қолди. Бунда менеджмент асосий ўрин тутиб ҳарқандай медиамаҳсулотнинг тайёрланишидаги сарф-харажатлар ва уларни оммага етказиш, кисқача қилиб айтганда сотиш муаммосини ҳал этишда кўл келади. Газеталар, журналлар, китоб нашириётлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар тўғридан-тўғри сотисса, радио, телекўрсатувлар, интернет сингари медиамаҳсулотлар эса кетган харажатларни қоплашда реклама ва эълонлар тарқатишдан фойдаланадилар. Бунда

харидорларни аниқлаш, реклама берувчиларни жалб этиш сингари иқтисодий омиллар мухим ўрин тутади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики медиалогия фани журналистика назарияси билан чамбарчас боғлиқдир. Яъни массмедианинг асосини оммавий ахборот воситалари ташкил этар экан унинг фаолиятида асосий ўрин тутувчи журналистика назарияси фани асосий ўрин тутади. Бу эса аввало журналистика тарихи билан, яъни массмедианинг пайдо бўлишигазета, журнал, радио, телевидение, ахборот агантликлари ва интегретнинг вужудга келиши билан боғлиқдир. Хозирги замон массмедиаси, яъни медиамакон оммавий ахборот воситалари типологияси билан бирлашиб кетади. Шунингдек, журналистика назариясининг бош масаласи бўлган унинг функциялари, фаолият тамойиллари, журналистиканинг информацион, таҳлилий ва бадий публицистик жанрлари борасидаги назарий ва амалий қарашлар ҳам медиалогияда мухим ўринт тутади. Оммавий ахборот воситалари фаолиятида жамоатчилик фикрининг шаклланиши ва бу борада асосий ўрин тутувчи ўзига хос ижод тури – публицистика ҳам медиалогия назариясига тааллуклидир. Шуни айтиш керакки, медиалогияга доир айrim илмий адабиётларда бу масалага етарли эътибор берилмайди ва журналистика назарияси медиалогия фани билан чамбарчас боғлиқлиги эътибордан четда колади.

Медиада жанрлар ҳам асосий ўрин тутади. Жанрлар бу маълум шаклга ва ички ўзига хос хусусиятларга эга бўлган журналистика асарларидир. Улар информацион, таҳлилий ва шу билан биргаликда бадий-публицистик турларга бўлинади ҳамда кичикдан каттага, яккадан умумийга қараб ўсиб боради Информацион жанрларда ижтимоий ҳаёт воқеалари, янгиликлар, фактлар ва ҳодисалар киска шаклда баён этилади. Ўз моҳиятига қараб информациялар ижобий ва танқидий хусусиятга эга бўлади. Мазкур жанр асосан медиамаконнинг газета, радио, телекўрсатувлар каби

турлари ҳамда интернет тармокларида асосий ўрин тутади. Ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларни бевосита тасвирилаш билан боғлиқ бўлган репортаж ҳамда сўраб билиш воситаси – интервью медианинг энг кенг тарқалган информацион жанрлари ҳисобланади. Таҳлилий жанрларга эса мақола, сұхбат, тақриз, шарҳ, кузатиш, журналист текшируви кабилар киради. Мазкур жанрлар ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини, ички сабабларини очиб бериш, баҳолаш, маъкуллаш ёхуд танқид килиш вазифаларини бажаради. Журналистиканинг бадий ижод билан туташиб кетувчи бадий публицистик жанрлар ҳам мухимдир. Улар орасида информацийнинг бадийлаштирилган кўриниши – лавҳа, воқеа ва ҳодисаларни образ ва бошқа бадий воситалар орқали очиб берувчи очерк, ижтимоий ҳаёт масалаларини кенг ва ҳар тарафлама ёритишга хизмат киладиган эссе жанрлари ҳам мавжуддир. Ҳаёт воқеаларини ижтимоий кулгу воситаси билан ёритувчи ҳажвий публицистика жанрлари ҳам медиада ўзига хос ўриннинг эгаллайди. Шунингдек, медианинг мухим бўлаги бўлган фотожурналистика, кинопублицистика, тасвирий санъат таркибига кирувчи графика, дизайн, сатирик журналистикага хизмат килувчи кулгили суратлар – карикатура ва бошқалар ҳам бу борада ўзига хос мухим ўрин эгаллайди ҳамда ўзига хос санъат қоидалари билан бир каторда журналистика тааааааалабларига хизмат киласи.

Хулоса килиб айтганда хозирги замон илмий тафаккурининг маҳсулни бўлган медиалогия фани журналистика назарияси билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар иккни фан бир-бирини тўлдириб келади ва ижтимоий ҳаётни акс эттириш орқали инсонлар онгига ҳамда жамият ҳаётига таъсир этишдек улкан вазифани бажариша хизмат киласи.

АДАБИЁТЛАР

1. Кириллова Н. Б. Медиакультура: теория, история, практика. М. : Акад. проект, 2008. 496 с.
2. Кириллова Н.Б. Медиалогия как синтез наук. - М.: Академический проект, 2013. - 368 с.
3. Кириллова Н. Б. Медиаменеджмент как интегрирующая система. М., 2008.
4. Дебре Р. Введение в медиалогию. Пер. с франц. Б. М. Скуратова. - М.: Практис, 2010. 368 с.
5. Введение в теорию журналистики: Учеб. для студентов вузов, обучающихся по направлению и специальности «Журналистика»/Е.П. Прохоров. М.: Аспири Пресс, 2003.
6. Ворошилов В.В. Журналистика. Учебник 2-е издание. СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2000.
7. Гавра Д.П. Основы теории коммуникации. - СПб.: Питер, 2011. - 217 с
8. Колесниченко М.Б. Современные социологические теории: учеб.пособие. Пермь: Изд-во Перм. гос. техн. ун-та, 2008.
9. М.Худойқулов. Журналистика ва публицистика. Т., “Тафаккур”,2013.
10. Т.Қозоқбоев, М.Худойқулов. Журналистикага кириш.Т.”Иқтисод-Молия”, 2018



УДК859.9(865.1)

Рахима ШАРИПОВА,
НавоїДПИ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Бухоро давлат университети доценти, ф.ф.ф.д.(PhD) М.Б. Ахмедова тақризи асосида

ТАБИАТ РАМЗЛАРИНИНГ ШЕЪРИЯТДА УЙҒУН КЕЛИШИ

Аннотация

Замонавий ўзбек шеъриятида шамол, ёмғир, кор, булут сингари табиат рамзлари талқини алоҳида ўрин тутади. Бу тимсоллар инсон рухияти, хис кечинмаларини очиб беришнинг образли воситасидир. Мақолада замонавий ўзбек шеъриятида шамол, ёмғир, булут кабиларнинг тимсолий-рамзий маънолари баҳор, куз, киш фасллари талқини билан уйғунликда очиб берилган.

Калит сўзлар: Мотив образ, шамол, булут, ёмғир, ташхис, лирик қаҳрамон, рамз, рухият.

СОВМЕСТИМОСТЬ СИМВОЛОВ ПРИРОДЫ В ПОЭЗИИ

Аннотация

В современной узбекской поэзии особое место занимает интерпретация природных символов, таких как ветер, дождь, снег, облака. Эти эмблемы являются образным средством раскрытия человеческой психики, чувств. Статья раскрывает символические значения ветра, дождя, облаков и т.д. В работе в современной узбекской поэзии раскрыты гармонии с интерпретацией весны, осени и зимы.

Ключевые слова: Мотив изображения, ветер, облако, дождь, диагностика, лирический герой, символ, психика.

COMPATIBILITY OF THE SYMBOLS OF NATURE IN POETRY

Abstract

In modern Uzbek poetry, interpretation of natural symbols such as wind, rain, snow, clouds occupies a special place. These emblems are a figurative means of revealing the human psyche, feelings. The article reveals the symbolic meanings of wind, rain, clouds, etc. In the work of in modern Uzbek poetry, harmonies with the interpretation of spring, autumn and winter are revealed.

Key words: Image motive, wind, cloud, rain, diagnostics, lyrical hero, symbol, psyche.

Кириш. Адабиётда табиат ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг берилishi бу ҳар қандай асарнинг юраги хисобланади. Инсон табиатнинг таркибий қисми ва фарзанди сифатида вужудга келган ва ривожланган. Инсоният ўз хис туйг`уларини, кечинмаларини таъсирироқ ифодалаш мақсадида шеъриятдан фойдаланган. Турли рамзлар, образлар, тимсолларни келтириш уларни янада о'қимиши бо'лишига ёрдам берган. Замонавий ўзбек шеъриятида табиат рамзлари уйғунликда, ёнма-ён келиши жуда кўп ўринларда кузатилади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Шеъриятида табиат рамзлари уйғунликда, ёнма-ён келиши орқали рамзий маънони кучайтиришга, лирик қаҳрамон рухиятини ёрқин ифодалашга эришилган. Шеърията бу ҳолат бир неча кўринишида намоён бўлган.

1. Булут-кор-шамолнинг уйғун келиши.
Абдулҳамид Чўлпон ижодида буни кузатиш мумкин:

Ҳар томон кор, кор, кор// Ел билан тушар, чиқар.
Булутлар элаб элак// Сепар оппоқ капалак.

Тўда-тўда учарлар// Айланишиб қочарлар
Елларга йўл очарлар. //Мана ҳар томон оппоқ,
Майдон, кўча, том, чорвок.//Ерлар тўнган, кўк

тўнган,
Хаво ҷарчаб бўғилган.//Кўкрагига тушган қор
Ўзига жой ахтарар,//Жимжит ўйларни ўрар.

Оғир-оғир ёйилар.//Қафан каби керилар
Қип-ялангоч далага,//Қуши кетган уяга.

Қишлоқ бироқ кўринмас,//Бошидан булут кетмас,
На йўл, на из билинмас[1].

“Кор” шеъридан олинган юқоридаги сатрларда шоир табиат мўъжизаси хисобланган оппоқ қорнинг ёғиш ҳолатини тасвирлайди. Қорнинг майин шамолда ўйнаб

тушиши элақдан тушаётган оппоқ унга ўхшатилган. “Оppoқ капалак” – корга нисбатан қўллаган шоирнинг янги ташбехи. Бунда ўхшашлик қорнинг ерга иниши капалакнинг канот қоқиши билан уйғунлик. Шу уйғунликни шоир қалдан хис этган. Демак, бунда булут-кор-шамол учлиги асосида поэтик манзара яратилган. Аммо кейинги сатрлар ижтимоий мазмунга йўғрила боради ва шеърга маҳзун рух кириб келади. “Тўнмок” музламоқ деганидир. Кор айни замонда совукларни хам бошлаб келади ва жимжит уйларни ўраб олади.

Тадқиқот методологияси. Жимжит уй деганда шоир камбағал хонадонларни назарда тутади. Чунки кор юпун хонадонлар учун хурсандчилик эмас. Шунинг учун “жимжит уй”, “қип-ялангоч дала”, “куши кетган уя” сингарилар киши атрибуторлари сифатида юпун халқ ахволини акс эттириб келади.

Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,
Нега сенинг бошингда қуюқ булут кўланка?

Ужмоҳларнинг кавсаридек покиза,
Садафларнинг донасилик топ-тоза

Салкин сувлар тогдан қуий тушаркан,
Томчилари ёмғир каби учаркан,

Нима учун ийғлар каби инграйлар?
Ёв борми, деб тўрт тарафни тинглайлар?

Табиатнинг ўтини йўқ ўтида,
Шарак-шарқ кайнаб чикқан булоқлар

Ҳар коронги, кўркинч туннинг бетида
Шифо истаб келмасин дер, қўноқлар[2].

“Бузилган ўлкага” шеъридан олинган бу сатрлар исён руҳи билан сугорилган. Ҳусусан, “тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка” – Туркистоннинг бошида “қуюқ булут кўланка” пайдо бўлганлиги тасвирини буни тасдиқлаб туради. “Қуюқ булут кўланка” рамзий маънода

эрк ва озодлик йўлларини тўсиқ бўлган собиқ тузум назарда тутилади. Шоир ватанда кечачтган ижтимоий жараёнларни ифода этар экан, пейзажга ҳам мурожаат килади. Тоғдан эриб тушувчи томчилар ёмғирнинг ёғишига ўхшатилади. Айни чоқда дастлабки сатрлардаги фикр тадрижлантирилди. Яъни тоғдан ёмғир янглиф тушаётган томчиларнинг “инграши” Чўлпон яшаган даврнинг моҳиятини очиб беради. Бунда булат ва ёмғирнинг бирга келиши натижасида поэтик фикри кучайтишига хизмат килган.

Кўзимда эрта ва кеч бир йигин хийл очилар,
Хаёл билан кўраман, кўк юзи булатли каби,
Бутун кўнгил ва юраклар оловли, ўтли каби;
Булат кўзидан эса ерга оғу – ёш сочилар.
Менинг ўйимми кора? Ёки юрт кўкида булат,
Қуюқ булат тўдаси конли ёш тўкиб юйлар?
Меним бу хаста дилимни яна нечун тифлар?
Меним-да қўксима бўқмоқчи истар ул бир ўт?[3]

Юкоридаги сатрлар ҳам “Бузилган ўлка”даги поэтик фикр давом эттирилган. “Кўк юзи булатли” ифодаси ҳам рамзий. Чунки юрт осмонидаги булат мустамлакачилар тимсолини ифода этади. “Булат кўзи” метафора бўлиб, ундан ёмғир тўқилиши тасвирини беради. Ёмғир томчилари эса ерга тушаётган оғуга менгзалади. Оғу – заҳар. Шу жиҳатдан халқнинг оғир ва мустамлака аҳволини разми ифода этади. Бунда ҳам булат ва ёмғир ёнма-ён келганилиги кузатилади.

Ҳамид Олимжоннинг «Дарё кечаси» шеърида ҳам борликнинг қор ёққан вактдаги сокин манзараси чизилган:

Тоғлар боши корга кўмилган
Кор устида оппоқ бир тумон...
Тумон хаёлига қуялган
Пага булат, феруза осмон
Дарё тўлқин шамол кўйинда
Порилламоқдадир чироқлар
Ёришмоқда унинг аксидан
Чўққилар, адирлар ва тоғлар[4].

Баланд қорлар чўққисида ҳамиша қор бўлади. Бунда қор-туман-пага булат-шамол тўртлиги табиатнинг гўзал манзарасини яратиш учун асос бўлган. Қор парчалари ялтираб туради. Шуни шоир чироқнинг пориллашига ўхшатади. Қор учқунлари адир, чўқки ва тоғларни ойдинликка буркайди. Шу табиий ҳолатлар пейзаж тасвири сифатида хис этилган поэтик оламнинг сержозиб манзараси сифати лирик қаҳрамон рухиятини акс эттириб келади.

Қиши ёмишдир оқ қанотини
Шамол ўтар юзларни ялаб.
Тўзон каби совурилар қор,
Қуон чопар ерни тимдалаб.

Қор керакдир дала, чўлларга,
Уни кутар зориқиб баҳор.

Қор керакдир тоғлар, кўлларга,
Уни кутар ҳар бир паҳтакор...[5]

Юкоридаги сатрлардаги қор тасвири бетакрор. Яъни шоир кишини күшга, унинг қорини эса күшнинг оқ қанотига менгзайди. “Оқ қанот” қорга нисбатан кўлланган янги метафора. Шамол таъсирида қор эпкинлари юзларга урилади. Шиддат билан ёғадиган қор тўзон каби совурилади – ҳар ёққа сочилади. Биринчи банда пейзаж тасвирини ифода этган бўлса, кейинги банд ижтимоий мазмун касб этади. “Қор дала, чўл, тоғ, кўллар керак”, дер экан шоир, унинг дехқон учун мўл ҳосил манбаи эканлигини таъкидламоқчи бўлади.

Тоғлар боши корга кўмилган
Кор устида оппоқ бир тумон.
Тумон хаёлига қуялган
Пага булат, феруза осмон[6].

Бунда қор-туман-булат учлиги тадрижий равища поэтик фикрни ифодалашга хизмат килган. Шоир пейзаж устаси сифатида қиши манзарасини усталик билан чизади. Ҳақиқатан, шеърхон кўз ўнгидаги гавдаланадиган тоғлар бошидаги қор, унинг устидаги оппоқ туман, пага булат ва феруза осмон табиатнинг гўзал ҳолатини ифодалаб келади.

Таҳлил ва натижалар. Усмон Азим шеърларида булат-кор-шамол учлиги кузатилади:

Булатлар тўхтади, шамол тўхтади.
Қорнинг учкунлари қотди муаллақ.
Согинган дунёни сукут йўклади,
Сенинг йўқлигингни эслатди барҳак.
Чопкир дақикалар йиқилди беҳол,
Лаҳзалар кенгайди – дунёча тошиди.
Умрим вайронадир, вужудим – завол,
Рухим – бир хўрсиниш, бир катра ёшдир.
Софинг! Бениҳоя, бесарҳад соғинч,
Сенинг паймонанга қачон стурман?
Хозир дунё – сокин, Хозир дунё – тинч,
Шамоллар кўзголоса, тўзиб кетарман...[7]

Бунда булатларнинг шамолнинг тўхтапши, кор учкунларининг муаллақ қотиши сингари табиатдаги ҳолатлар билан лирик қаҳрамон рухиятида уйғунлик бор. Сабаби, шоир бу манзараларда соғинчини туйяди.

2. Булат, ёмғир ва шамолнинг бирга келиши. Ойбек шеърнинг бу ўзига хос хусусият сифатида кўзга ташланади:

Илдам оқ туялар каби чопаркан
Шамоллар булатни узоқдан кувди
Ёзнинг чангли яшил сочини ювди
Булатнинг терлари қуилиб бирдан
Япроқлардан томган томчилар билан
Очилидди мудраган кўзлар соядা
Ёмғирнинг тўрига ўралди шўх-шан
Богида чуғурчук кўрган қизча-да
Қоп-қора соchlар-да порлади ёнди,
Ёмғирнинг топ-тоза брилиантлари
Қовжира -қақшаган ернинг қўйинига
Ёш баҳор киргандек ҳар ёқ жонланди[8]

Бунда тасвир бетакрор. Шамол-булат-ёмғир учлиги орқали табиатнинг турфа ҳолатлари ифода эттирилган. Булатларни шоир “оқ түя”га менгзайди. Кейинги мисраларда табиат манзараси янгича ташхислар орқали ифодаланган. Жумладан, шамолларнинг булатни қувиши, ёзнинг чангли яшил сочини ювиши сингариларда кузатилади. Ёки булатдан ёмғир ёғиши – унинг терлари қуилишига нисбат берилади. Яна бир ўзига хослик – ёмғир томчиларининг брилиантга ўхшатилишида кўринади.

Рауф Парфи шеърларида табиат рамзларининг уйғун келиши лирик қаҳрамон қалбидан кечган изтироби кечинмалар ифодасига хизмат килган:

Ёмғир ёғмоқдайди алла айтгандай,
Олтин доначалар сачратар ҳар ёқ.
Шамол ҳам гувиллар бетиним сойдай,
Бир зум, севгилим, узокларга бок.
Олислар турибди мунгли бир тусда,
Дараҳтлар тўқмоқда маржон-маржон ёш...
Паришон булатлар эса осмонда
Қора қанотларин ёзган қайғудош[9].

Юкоридаги сатрларда ёмғир-шамол-булат кетма-кетлиги кузатилади. Бундаги образлар охорли. Ёмғирнинг ёғиши ҳолати, ундаги сокинлик алла айтишга қиёсланган. Шамолнинг гувиллаши эса бетиним сойга монанд. Бунда изтироби кечинмалар кечираётган лирик қаҳрамондаги маҳзунлик кайфиятига уйғун. Дараҳтларнинг маржон-маржон ёш тўкиши – оригинал тасвир. Сабаби, дараҳтларга энган ёмғир томчилари маржон янглиф ерга

тўқилади. Булутларнинг осмоннинг ҳар қаер, ҳар қаерида кўриниши эса ташхис орқали образлантирилган. “Паришон булутлар” айини чоқда сифатлаш ҳамдир. Улар “кора қанотларини ёзган”. Ундан тўқилувчи томчилар эса лирик қаҳрамон дардларига қайгудош.

Усмон Азим шеърларида ҳам табиат рамзлари тасвирида муҳаббат ошуфта қалб кечинмалари ифода этилган:

Охиста-охиста ёғади ёмғир,
Охиста-охиста қўзгалар шамол.
Охиста-охиста тўқар юмшоқ нур.
Булутлар бағридан кўринган хилол.
Охиста-охиста йиглади бир киз.
Каптар патидан ҳам майин дардлари...
Тун тирик... Яхшилаб тинглаб кўрсангиз
Эшитилар унинг юрак зарблари...
Не нағис түғёнлар ичидаги қолдик!
Севгилим, гапирма, ўлтирган тиниб –
Гўё дунё гўдак қалбидан нозик,
Гўё энтиксант ҳам кетади синиб[10]

Ёмғирнинг ёғишида ўзига хос сокинлик бор. Шунинг учун шоир унга нисбатан равиш туркумiga мансуб “охиста-охиста” тақорор сўзини кўллади. Қолаверса, шамолнинг эсишида ҳам шундай ҳолатни кўради шоир. Ёмғир ёғиб бўлгандан сўнг булутларни ёриб осмонга ҳилол – ой чикади. Табиатдаги маҳзун ҳолатлар ва лирик қаҳрамон кечинмалари уйғунлик касб этган. Охиста-охиста йиглаётган кизнинг дардлари майин ёғаётган ёмғирга монанд. Муҳаббат шунчалик нағис туйғуки, у шоир наздида гўдак қалбидан ҳам нозик.

Иқбол Мирзо шеърларида шамол-булут-чакмоқ уйғунлиги кузатилади:

Даврон шамоллари йиғди булатни, Халқим селдўлларда зор-зор суринди. Чакмоқ яраклатди шамшир, совутни – Темур тимсолида Хизр кўринди![11]

Юқоридаги сатрлар шоир табиат рамзлари орқали ижтимоий мазмунни ифодалаган. “Даврон шамоллари” бунда истиқололга ишора қиласи ва метафорадир. “Халқим сел-дўлларда зор-зор суринди”, дер экан шоир собиқ тузумга, халқнинг яқин тарихига ишора қиласи. “Чакмоқ яраклатган шамшир – Темур тимсолидаги Хизр” истиқол ва унинг бунёдкорини билдиради. Демак, шамол-булут-чакмоқ учлик рамзи шу жиҳатдан рамзий-тимсолий маъно ташишид.

Хулоса ва таклифлар. Табиат рамзларининг уйғунликлда ифода этган поэтик маънолари таҳлили асосида куйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Булут-кор-шамолнинг уйғун келиши рамзий маънода ижтимоий ҳаётни акс эттиради. Жумладан, “жимжит уй”, “кип-ялангоч дала”, “куши кетган уя” сингарилар киши атрибуллари сифатида юпун халқ ахволини акс эттирилган бўлса, “куюқ булат кўланка” рамзий маънода эрк ва озодлик йўлларини тўсик бўлган собиқ тузумни (Чўлпон) билдириб келади. Пейзаж тасвири сифатида хис этилган поэтик оламнинг сержозиб манзараси чизилган, шу билан бирга тимсолий маънода бу учлик дехкон учун мўл ҳосил манбаи яратиши (Х.Олимжон) таъкидланган.

Булат, ёмғир ва шамолнинг бирга келиши, аввало, табиат манзараси лирик қаҳрамон рухиятига уйғунлик касб этади (Ойбек), унинг қалбидаги кечган изтироби кечинмалар суратини билдириб келади (Р.Парфи), муҳаббатга ошуфта қалб изҳорлари, соғинч ҳислари (У.Азим) акс этади, ижтимоий мазмун рамзий маънода собиқ тузум манзаралари ва истиқололга шукроналик туйғусини (И.Мирзо) ифодалаб келади.

АДАБИЁТЛАР

1. Чўлпон.Асарлар. 4 жилдлик. 1– жилд. Шеърлар, мансуралар, шеърий хатлар. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 217.
2. Чўлпон.Асарлар. 4 жилдлик. 1– жилд. Шеърлар, мансуралар, шеърий хатлар. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 88
3. Чўлпон.Асарлар. 4 жилдлик. 1– жилд. Шеърлар, мансуралар, шеърий хатлар. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 102
4. Олимжон Х. Дарё каби уйғоқ ўтурман. Сайланма. – Т.: Шарқ, 2009. – Б. 32
5. Олимжон Х. Дарё каби уйғоқ ўтурман. Сайланма. – Т.: Шарқ, 2009. – Б. 39
6. Олимжон Х. Дарё каби уйғоқ ўтурман. Сайланма. – Т.: Шарқ, 2009. – Б. 32
7. Усмон Азим. Сайланма.Шеърлар. –Тошкент:”Шарқ” –Б. 326
8. Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. 19 томлик. 1-том. Шеърлар (1922-1935). – Т.: Фан, 1975. – Б. 299
9. Рауф Парфи. Сакина (шеърлар). – Т.: “Muharrir”, 2013. – Б. 73
10. Усмон Азим. Сайланма.Шеърлар. –Тошкент: Шарқ. 1995. –Б.40.
11. Иқбол Мирзо. Агар жаннат кўқда бўлса... Шеърлар. –Тошкент:Шарқ, 2010.– Б. 20.



Гавҳар ШЕРБЕКОВА,
Бухоро давлат университети таянч докторанти¹
E-mail: g.y.sherbekova@buxdu.uz

БухДУ профессори, ф.ф.д. Ўраева Д.С. тақризи остида

ARTISTIC EXPRESSION OF BUKHARA WEDDING TRADITIONS IN RELATIVE SONGS

Abstract

The Bukhara wedding customs are unique, and most of them contain folk songs. In particular, they perform rituals such as "uy ko'rди", "kelin uzatish", "kelin va kuyovni kutib olish", blocking their way, and so on. In this process, it is observed that the songs performed give an artistic expression of the situations directly related to these vocabularies.

Key words: Wedding, marriage, bride, groom, yor-yor, ritual, wedding songs.

ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ВЫРАЖЕНИЕ БУХАРСКИХ СВАДЕБНЫХ ТРАДИЦИЙ В ОТНОСИТЕЛЬНЫХ ПЕСНЯХ

Аннотация

Бухарские свадебные обычай уникальны, и большинство из них содержат народные песни. В частности, они совершают такие обряды, как «уй курди», «келин узатиш», «келин ва күёвни кутиб олиш», преграждая им дорогу и так далее. При этом отмечается, что исполняемые песни дают художественное выражение ситуаций, непосредственно связанных с этими словарями.

Ключевые слова: Свадьба, венчание, невеста, жених, ёр-ёр, обряд, свадебные песни.

БУХОРО НИКОҲ ТЎЙИ УДУМЛАРИНИНГ ҮНГА АЛОҚАДОР МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИДАГИ БАДИЙ ИФОДАСИ

Аннотация

Бухоро никоҳ тўйи удумлари ўзига хос бўлиб, уларнинг аксарияти мазмунига мос халқ қўшиқлари мавжудлиги алоҳида эътиборни тортади. Жумладан, уларда “уй қўрди”, “келин узатиш”, “келин ва күёвни кутиб олиш”, бунда уларнинг йўлини тўсиш ва ҳоказо сингари удумлар амалга оширилади. Шу жараёнда ижро қилинадиган қўшиқларда бевосита бу воқнеликлар билан боғлиқ вазиятларнинг бадиий ифодаси берилгани кузатилади.

Калит сўзлар: Тўй, никоҳ тўйи, келин, күёв, ёр-ёр, удум, тўй қўшиқлари.

Кириш. Жаҳон фольклоршунослигига турли худудларда яшовчи аҳолининг миллий ўзлигини англатадиган маросим фольклори ва бу фольклор жанрлар тизимининг ўзига хос локал жиҳатлари, тарихий-генетик асослари, маросим қўшиқларининг структурал-семантик, поэтик хусусиятларини тадқиқ этиш долзарб илмий йўналишлардан биридир. Шу жумладан, Бухоро никоҳ тўйи фольклорининг жанрий таркиби, ижро хусусиятлари, тили, образлар олами ҳам ўзига хос бўлиб, яхлит тизим сифатида ўрганишни тақазо қиласди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ўзбек фольклоршунослигига никоҳ тўйи маросими фольклорининг ўзига хос хусусиятлари, жанрлар таркибининг таснифи, тарихий асослари ва поэтикаси масалалари С.Давлатов, Н.Куронбоева, О.Исмонова, Л.Худойкулова, М.Муродова, Ш.Имомназарова диссертацияларида [3, 14, 7, 13, 8, 6], М.Алавия, М.Жўраев, У.Жуманазаров, Г.Тошева, Ф.Ҳайитоваларнинг монография ва илмий мақолаларида таҳлилга тортилган [1, 5, 4, 12, 18]. Бирок Бухоро воҳаси ҳудудида истиқомат килувчи зуллисонайн аҳолининг никоҳ тўйи фольклори ҳозирга қадар филологик жиҳатдан маҳсус илмий тадқиқот объекти бўлмаган эса-да, бу ҳакда бухоролик фольклоршунослар О.Сафаров, Д.Ўраеваларнинг айрим монография, тўплам ва мақолаларида баъзи фикрлар айтилган [10, 11, 15, 16, 17].

Тадқиқот методологияси. Жаҳон фольклоршунослигига ўзбек фольклорининг туркий ва бошқа халқлар эпик анъаналари билан генетик алоқадорлиги, жанрий таркиби, сюжет, мотив ва образлар

структурасида баъзи умумий ва дифференциал жиҳатлар борлиги айрим тадқиқотларда кайд этилгани эътиборни тортади. [2, 9].

Таҳлил ва натижалар. Тўйдан олдин келин борадиган хонадонни суриштириш, бориб қўриш, танишиш удуми ҳалигача сақланиб келаётир. Одатда, кекса аёллар иштирокида ташкил қилинадиган бу удум халқ орасида “Уй қўрди” деб номланади. Үнга ишоралар куйидаги ёр-ёрда ифода этилган:

Кекса-кекса хотинлар

Бориб келинг, ёр-ёр.

Икки ёкни кўндириб,

Тўйни қилинг, ёр-ёр.

Тўй бўлажак ҳовлини

Кўриб келинг, ёр-ёр.

Домотимиз онасини

Сўраб келинг, ёр-ёр.

Кўёвнинг уйини қўришга келган аёлларга кўёв хонадони, одатда макталган, таъриф-тавсифланган:

Келин тушган уйнинг

Нақши бордир, ёр-ёр.

Бизга келган келиннинг

Бахти бордир, ёр-ёр.

Кўёвнинг уйини, хонадон аҳлини қўриб келган аёллар эса қиз томонга шу мақтов ва таъриф-тавсифларни етказишиган:

Келин тушган уйнинг

Свети бор, ёр-ёр.

Ҳамма халқнинг дунёдан

Умиди бор, ёр-ёр.

Ёки:

Хай-хай ўлан, хай ўлан,
Хай саники, ёр-ёр.
Тўрт бурчаги кумушдан
Уй саники, ёр-ёр.

Ёр-ёлларда “уй кўрди” натижаларини баъзан қизнинг дугонаси сўраб, билиб бериши ифода этилган:

Тогда кийик сайр этиб,
Сойга тушди, ёр-ёр.

Манинг севган дугонам
Қайга тушди, ёр-ёр.

Уй кўриб келган аёлнинг келин дугонаси саволига жавоби:

“Кайга тушди?” – деманглар,
Ишқ боғида, ёр-ёр.

Энди ўрин қолмайди

Дил доғига, ёр-ёр.

Агар “уй кўрдичи”ларга куёв томон маъқул келмаса, бу хам рўй-рост айтилган:

Жерси кўйлак эгнида

Гули майда, ёр-ёр.

Танимаймиз күёвни

Уйи қайдা, ёр-ёр.

Кўйидаги мисралар ўтмишда келин ўз сепи билан күёвникига маҳсус ясатилган катта араваларда (баъзи жойда укаси билан отга мингаштирилган ҳолда) олиб борилганини тасаввурда жонлантиради. Ҳозирда эса келин машинада олиб кетилиади.

Араванинг оёғи

Дол бўлмасин, ёр-ёр.

Бориб кўринг күёвни

Кал бўлмасин, ёр-ёр.

Бунда келин янгалардан бирининг кўлида, албатта, ёқилган чироқ ёки ун солиб, ичига иккита ёқилган шам сукиб кўйилган бир товоқ бўлади. Бу удум хам Бухоронинг Олот ва Қоракўл худудларида ҳамон сақланган:

Аравакаш қаламқош,

Чироқ ушланг, ёр-ёр.

Қошингиз кора экан,

Йўлни бошланг, ёр-ёр.

Келин кетиши олдидан у минган арава йўлига кепак сочишган. Ёки арава ортидан сув сепилган. Бу одатга ишора ёр-ёлларда мавжуд:

Аробанинг йўлига

Сепдим капак, ёр-ёр.

Келин синглим кийгани

Зару ипак, ёр-ёр.

Баъзida узатилаётган қизнинг араваси олди кетмон билан текисланган. Бу ирим икки маънода амалга оширилган. Биринчиси – ҳалқ мақолида “Кетган келар, кетмонлаган келмас” деб айтилганидек, қиз ортига қайтиб келмасин деган ниятда. Иккинчиси – келинларга олқиши сифатида айтиладиган “Борган жойида тошдай ўрнашсин”, ортига кайтмасин, хаёти текис бўлсин” деган мақсадда. Ушбу ирим ифодаси Ёр-ёр”ларда “кетмон олиб ўйларини тузатайлик” мотиви сингишига олиб келган:

Тенг ўсганим жўнаса,

Узатайлик, ёр-ёр.

Кетмон олиб ўйларин

Тузатайлик, ёр-ёр.

Бухорода келин, одатда, куёв хонадонига эрталаб саҳарда узатилади. Камдан-кам ҳолларда кечда олиб кетилиади. Шу сабабли худуддан ёзиб олинган қиз узатиши кўшиклари – ёр-ёлларда бунга алоҳида ишора қилингани намоён бўлади:

От келтиринг отлансин,

Келин ахир, ёр-ёр.

Рухсат беринг, қиз чиқсан,

Бўлди сахар, ёр-ёр.

Қиз узатилаётганда унга янгалар ҳамроҳ бўлиши хам одатий ҳолдир. Шунингдек, қизнинг сеп билан жўнатилиши яна бир шундай анъанавий одатлардан биридир. Буларнинг бари ҳаётий воқелик ифодаси сифатида ёр-ёлларда алоҳида мотивлаштирглан:

Қизил-қизил атиргул,

Жуфтланди, ёр-ёр.

Қизни олиб янгалар,

Отланади, ёр-ёр.

Сават-сават узумлар

Чўпли бўлар, ёр-ёр.

Биздан сизга қиз борар,

Сепли бўлар, ёр-ёр.

Келинни узатиш олдидан уни дугоналари “олиб кочиши” ва бирор хонадонга вактинча яшириб, эвазига “ҳақ” олиши удуми ҳам ханузгача айрим жойларда сақланиб келмоқда. Ёки, умуман, тўйдан олдин “келин олиб кочиши” одати бавзи туркий ва туркий бўлмаган ҳалқлар орасида мавжудлиги маълум. Айтайлик, қозоқ ҳалқида бу одат зарур ва муҳим хисобланади. Агар куёв тўйдан олдин келинни олиб кочса, совчи кўйиб, келиннинг отга-онаси билан “яраш тўйи” килинади.

Қозон-қозон ковурмоч

Тўлди, тошди, ёр-ёр.

Менинг акам зўр чикиб,

Олди-кочди, ёр-ёр.

Ўтмишда келинни күёвникига етказиб боргунларича йўл бўйи “ёр-ёр” айтиб боришиган. Куёв томон миннатдорчилик рамзи сифатида ёр-ёрчиларнинг белига чорси-белбоғ боғлаб, хурмат билан кутиб олишган: Ёр-ёр айтиб борамиз

Элингта, ёр-ёр.

Шохи чорси боғлатинг

Белингизга, ёр-ёр.

Куёв хонадонида ёр-ёллар икки куда томоннинг “ўлан айтиш” мусобақасига уланиб кетган. Голиблар куёв томонидан такдирланган:

Ўланчига шохи тўн

Солсанг кетар, ҳой ўлан.

“Йўлтўсарлик” никоҳ тўйи удумлари орасида алоҳида ўринга эга. Унинг “келин йўлини тўсиш”, “Куёв йўлини тўсиш” сингари икки типи мавжуд. Бунда “бакан тутиш”, “арқон тутиш”, “кунда ташлаш” удумлари амалга оширилади. Йўлтўсарлар жамоа бўлиб фаолият кўрсатишади. Бундай жамоа таркибини йигитлар, болалар, хотин-халажлар ташкил қилиши мумкин. Келин олиб келаётганлар ёки куёв томондан пул ёхуд озиқ-овқат, сарпо-сурук олингач, уларнинг йўли бўшатиб кўйилади, акс ҳолда, йўли тўчиб турилаверади. Кўйидаги матнда чимилдик тутилгач, аёлларнинг куёв йўлини тўсиши одатига ишора қилинган:

Чимилдикнинг ичиди

Гул кўйманлар, ёр-ёр.

Куёв бола келяпти,

Йўл кўйманлар, ёр-ёр.

Навбатдаги матнда эса келин олиб келаётганлар ёки келинни олиб келиш учун бораётган **куёв томон йўлини тўсилиши** ҳакида тасаввур ҳосил қилиш мумкин:

Ҳай-хай ўлан, жон ўлан,

Бир боғ ўсма, ёр-ёр.

Узоқ ердан келамиз,

Йўлни тўсма, ёр-ёр.

Ҳозиргача **келиннинг йўлига ўт ёқиб, кутиб олиниади**. Бу билан у инсу жинслардан покланиши назарда тутилади. Оловга сифиниши удумининг қолдиги сифатида сақланиб келаётган бу одатга ишора ёр-ёлларда шундай талқин топган:

Келинчакнинг йўлида,
Ўт ёқайлик, ёр-ёр.

Одатда, келин күёвниги ўз оёги билан юриб кирмайди. Уни күёв ичкарига кўтариб олган ҳолда, олов (гулхан) атрофидан уч марта айлантириб, сўнгра олиб киради. Шунинг учун куйидаги “ёр-ёр”ларда “Күёв кўлида кушдай енгил келин” ҳакида сўз юритилмоқда. Бу пайтда күёвга атрофидагилар, хусусан, күёв жўралари “Кўтар, кўтар” деб, руҳий мадад бериб туришган. Келинни полвонлардай кўтариши учун даъват этишган:

Хай-хай ўлан, жон ўлан,
Алвон бўлинг, ёр-ёр.
“Кўтар, кўтар”, – деганда,
Полвон бўлинг, ёр-ёр.

Хозиргача келин тушиб келиши билан унинг оёги остига кўй сўйиб, кон чикарилади. Куйидаги мисраларда шу анъавий одатга ишорани кузатиш мумкин:

Ёр-ёр айтиб борамиз,
Тўйлар бўлсин, ёр-ёр.
Шундай кунга сўйилган
Кўйлар бўлсин, ёр-ёр.

Кўринадики, Бухоро никоҳ тўйи удумларга бой. Унга алоқадор удумларнинг аксарияти никоҳ тўйи маросими жараёнда айтиладиган кўшикларда ҳам ўз бадиий тажассумини топганлиги билан эътиборни тортади.

Хулоса ва таклифлар. Бухоро никоҳ тўйига алоқадор удумлар тасвири, талқини хозиргача жонли ижорда сакланиб келётган ёр-ёр, ўлан, келин салом сингари жанрларда ўзига хос бадиий ифодасини топганлиги алоҳида диккатга савозор. Воҳа ахолисининг никоҳ тўйи фольклорини яхлит тизим сифатида ўрганиш хозирги замон этнофольклористикаси тараққиёти учун муҳим хисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиклари. – Тошкент: Фан, 1974. – 222 б.
2. Vambery A. Travels in Central Asia. – London, 1996. – 443 р.
3. Давлатов С. Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари фольклори: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996.
4. Жуманазаров У. Тўй маросим фольклорида олқиши жанри / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.100–107.
5. Жўраев М. “Келин тушиб” маросими. – Тошкент: Республика халқ ижодиёти маркази, 2002. – Б. 7-8.
6. Имомназарова Ш.Х. Ўзбек фольклорида ўлан жанри (ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва бадиияти): Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. ... автореф. – Тошкент, 2018. – 57 б.
7. Исмонова О. Ўзбек тўй маросим фольклорида “келин салом” жанри (генезиси, ўзига хос хусусиятлари ва поэтикаси): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1999.
8. Муродова М.Ш. Ўзбек никоҳ тўйи фольклорининг жанрлар таркиби ва бадиияти (Ўрта Зарафшон воҳаси материаллари мисолида): Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 53 б.
9. Райхл К. Тюркский эпос: традиция, формы, поэтическая структура / Карл Райхл: пер. с анг. В.Трейстер под.ред. Д.А.Функа. – Москва: Восточная литература, 2008. – 383 с.
10. Сафаров О. “Келин ўтирсин” ва “Кўёв ўтирсин” маросими қўшиклари (Бухоро никоҳ тўйлари мисолида) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1989. – №5. – Б.35–36.
11. Сафаров О. “Кўёв элтиш” ва “Келин элтиш” удумлари ва жанрлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1991. – №6. – Б.35–36.
12. Тошева Г. Ўзбек-тожик тўй маросими фольклори алоқаларининг йўналиш ва принциплари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1993. – №4. – Б.39–42.
13. Худойқулова Л. Сурхондарё тўй маросими қўшиклари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011.
14. Куранбоева Н.Р. Хоразм тўй қўшиклари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998.
15. Ўраева Д., Ражабов Д. Бухоро халқ қўшикларининг тўпланилиши ва бадиияти ҳакида / Бухор элда гул сайли: Бухоро халқ қўшиклари ва термалари. – Т.: Муҳаррир, 2010. – Б.3-15.
16. Ўраева Д. Халқ мухаммасхонлиги // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. Илмий маколалар тўплами. YI китоб. – Т., 2017. – Б.99-107.
17. Ўраева Д. Бухоро фольклорини тўплаш ва ўрганишнинг долзарб муаммолари. / “Навқирон Бухоро” гуманитар тадқиқотлар маркази. “Филология фанларининг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари. 2-қисм. – Бухоро: “Дурдана”, 2017. – Б.55-59.
18. Ҳайитова Ф. Тўй қўшикларида дуо мазмунининг ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – №4. – Б.64–65.



Asqar ESHMUMINOV,
Termiz davlat universiteti dotsenti
E-mail:easqar@list.ru

TerDU professori, filol.f.d. Umurqulov B. taqrizi asosida

IMPLEMENTATION OF MAYDON'S THEORY IN LINGUISTICS

Abstract

This article discusses in detail the application of field theory to linguistics and theoretical ideas about field theory. The study of linguistic phenomena on the basis of the semantic field has become more developed in the system-structural period of linguistics. The introduction of the phenomenon of field theory into Uzbek linguistics is also described in detail.

Key words: Field theory, microfield, macro field, semantic field, associative field, field.

ПРИМЕНЕНИЕ ТЕОРИИ ПОЛЯ В ЛИНГВИСТИКЕ

Аннотация

В этой статье подробно рассматриваются приложения теории поля к лингвистике и теоретические представления о теории поля. Изучение языковых явлений на основе семантического поля получило большее развитие в системно-структурный период языкоznания. Также подробно описано внедрение феномена теории поля в узбекское языкоzнание.

Ключевые слова: Теория поля, микрополе, макрополе, семантическое поле, ассоциативное поле, поле.

TILSHUNOSLIKDA MAYDON NAZARIYASINING TADBIQI

Annotatsiya

Ushbu maqolada tilshunoslikka maydon nazariyasining tadbiqi va maydon nazariyasi haqidagi nazariy fikrlar atroflichayoritilgan. Til hodisalarini mazmuniy maydon asosida o'rganish tilshunoslikning sistem-struktur davrida ancha kuchayganligi Yevropa tilshunos olimlarining maydon, maydon nazariyasi, assotsiativ maydon haqidagi bir-biriga qarama-qarshi fikrlari va bahs munozaralari ilmiy nuqtai nazardan tahlilga tortilgan. Shuningdek, o'zbek tilshunosligiga maydon nazariyasi hodisasining kirib kelishi batafsil yoritilgan.

Kalit so'zlar: Maydon nazariyasi, mikromaydon, makromaydon, mazmuniy maydon, assotsiativ maydon, maydon.

Kirish. Borliqdagi barcha narsa-hodisalar o'zaro sistema sifatida birlashgan. Yigirmanchi asrning 40-yillarda shveytsariyalik tilshunos olim Sharl Balli "assotsiativ maydon" atamasini fanga kiritdi. U yozganidek, "assotsiativ maydon" tushunchasi qayishqoq (elastik) tushuncha, bu assotsiatsiyalar hajmining har xil odamlarda bir xil emasligi bilan dalillanadi: negaki bunda maydonning yaqin va uzoq uyushmalarni o'z ichiga olishi mumkinligini e'tiborda tutish lozim. Olimming fikricha, agar belgida motivatsiya bo'lsa, u holda ichki assotsiatsiyalarga asoslangan (daraxt, uning assotsiativ taksoni: shoxcha, barg, qobiq, qayin va boshqalar) va aksincha, ichki assotsiatsiyalarga asoslangan meronimlik belgisiga asoslanadi (butunning bir qismi, masalan, tom yoki rul; butun obyekt bilan bog'lanish: uy, mashina) [1].

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Keyingi yillarda tilshunoslikda sistemaviy tadqiqotlarga jiddiy e'tibor berila boshlandi. Bu tadqiqotlarning o'ziga xos xususiyati shundaki, lingvistik faktlarga avtonom holda yondashmay, har qaysi hodisaning ostida yashirinib yotgan mohiyatning ochilishiga e'tibor beriladi. Tadqiqotchi e'tibori ko'proq lingvistik hodisalar o'rtasidagi munosabatni yoritishga qaratiladi.

Struktur tilshunoslikning asoschisi F.de Sossyur tilshunoslari diqqatini lingvistik birlıklar orasıdagi munosabatni ochishga qaratib, munosabatning paradigmatic va sintagmatik turlari mayjudligini aniqlagan edi. Lingvistik birlıklarning muayyan birlashtiruvchi ma'no asosida ma'lum paradigmalarga birlashuvni keyinchalik tilshunoslikda maydon nazariyasini vujudga keltirdi. Lingvistikada esa "ma'no" (mazmun) umumiyligi bilan birlashgan va belgilanoyotgan hodisalarining tushunchaviy, predmetlik yoki vazifaviy

(funksional) o'xshashligini aks ettiruvchi til birlıklari (asosan, leksik birlıklar) yig'indisi maydon sifatida belgilanadi [2].

Lingvistik birlıklarning ma'lum ma'no asosida birlashuvni, ma'lum bir tildagi lug'aviy birlıklarni ana shunday mazmuniy uyalarga birlashtirish Sharq tilshunosligida rivojlangan. Keyinchalik XIX asrda lingvistik birlıklarni mazmuniy guruhlarga birlashtirish yoki butunni ma'lum mazmuniy guruhlarga ajratish g'oyasi Yevropada avj oldi. Shunga ko'ra, bu nazariya Yevropa tilshunosligi bilan uzyiy bog'lanib qoldi. XIX asrda leksik (umuman, til) birlıklar(i) umumiyligiga M.Pokrovskiy tomonidan e'tibor qaratildi.

Tadqiqot metodologiyasi. Maydon tushunchasining nazariy talqini I.Trir, G.Ipsen, V.Porsig, L.Vaysgerber, A.Yolles ishlarida ko'zga tashlanadi, keyinroq A.A.Ufimseva, N.I.Filicheva, Y.N.Karaulov, G.S.Shchur kabilalar ishlari bilan bu nazariya rivojlantirildi. Shuni ta'kidlash lozimki, lingvistikaga maydon nazariyasi mazmuniy maydon tushunchasi sifatida kirib keldi. Xo'sh, mazmuniy maydon nazariyasi paydo bo'lishining qanday asoslari mavjud? Bu nazariyaning paydo bo'lishi o'tgan asrning 20-30-yillariga to'g'ri kelib, u V.Gumboldtning "tilning ichki shakli" xususidagi ta'lomitining qayta - yangi yo'nalishda ko'rib chiqilishi bilan bog'lanadi. Bu davrda uzoq davom etgan lingvistik tadqiqotlarning asosiy obyekti bo'lgan "tilning ichki shakli" sifatidagi ilmiy bahslar ushbu nazariyaning dunyoga kelishi uchun asos bo'ldi.

"Mazmuniy maydon" termini o'sha paytda tadqiqotchilar tomonidan turlicha izohlandi. I.Trir mazmuniy maydon sifatida "tushunchalar maydoni", "tushunchalar doirasini nazarda tutdi. L.Vaysgerber "til mazmunining ma'lum qismi", "tarkibining bo'lagi", V.Porsig "ma'nolarining mohiyatan bog'liqligi", G.Ipsen mazmuniy va Grammatik

jihatdan bog'langan so'zlar guruhini semantik maydon tarzida talqin etadi. A.Yolles esa uni "semantik birlashish" deb nomlab, uning doirasida antonimik juftliklarni belgilaydi. F.Dornzayf va V.Vartburglar til lug'aviy tarkibi – ajratilish mumkin bo'lgan semantik guruhlarida mazmuniy maydonni ko'radilar. Yuqoridagi tadqiqotchilar mazmuniy maydon atamasini har xil tarzda izohlashlariga qaramay, ularni semasiologik tadqiqotlar asosi bo'lgan "tilning ichki shakli"ni tushunishda tilni har tomonlama va turlicha munosabatlarda o'rganishlari bilan birlashtirish mumkin [3]. V.Gumboldtning "ichki shakl" ta'limotini L.Vaysgerber va I.Trir tushunchaviy mohiyati jihatidan, G.Ipsen va V.Porsig so'zlarning mazmuniy guruhi hamda sistemasi tomonidan, F.Dornzayf va Vartburg esa tilning lug'at tarkibiga xos predmetlilik va tushunchalar guruhi nuqtai nazaridagi rivojlanigidilar.

Semasiologiyadagi yangi gumboldtchilik yo'nalishining nazariy asosi tilning leksik bo'linish qonuni hisoblanadi, til strukturasingin bo'linish qonuniyatlarini "tilning ichki shakli"dan kelib chiqadi. V.Gumboldt "tilning ichki shakli" sifatiga, avvalo, chiqayotgan tovushning fikr ifodalash darajasiga ko'taruvchi aql faoliyatining doimiy elementini tushunadi. Uning keyingi davrdagi izdoshlari til o'rganishning asosiy vazifasi "turli tillar semantik strukturasida yangi-yangi ko'rinishda, jumboqli tarzda namoyon bo'luchchi o'ziga xos tushunchaviy g'oya"ni izlashga olib keladi, deb ta'kidlaydilar [4].

F.de Sossyur yuqoridagi masalani oydinlashtirishda yangigumboldtchilarga yo'nalish yaratib berdi, deyish mumkin. F.Sossyurning fikricha, tilning o'z sistemasi mavjud bo'lib, u o'zaro shartlangan ishoralar sistemasisidir [5]. Sossyur tilni bir-biriga qarama-qarshi qo'yilgandagina ahamiyatliti bo'lgan shartli belgilarning yopiq sistemasi sifatida tadqiq etib, tilning bo'linish qonunini yangidan ko'rsatib berdi. Tilning ma'lum tuzilma sifatidagi bo'linish mexanizmini tushuntirib, u shunday yozadi: "lotinchada artikulus – narsalar qatorining a'zosi, qismi, bo'lagi degan ma'noni anglatadi, har qaysi til elementi o'z ichida g'oyanining tovush bilan birlashtirgan kichik bir bo'lak – artikulusdir, tovush esa g'oya uchun belgidir" [6].

Har bir so'z ortida tovush, vaziyat va tushunchaviy aloqalar sistemasi yotadi. So'z ko'p o'lchamli aloqalarning to'ri (setkasi) hisoblanadi. Normal holatda ba'zi uslubiy aloqalar (masalan, obrazlilik) e'tiborga olinmaydi, bunda ma'noviy aloqalar yetakchilik qiladi. Sossyur: "Tilning fikrga bo'lgan munosabati – xarakterli vazifasi g'oyani ifodalash uchun moddiy tovush vositasini hosil qilishda emas, balki uning tafakkur va tovush orasidagi vositachiligidadir. Bunda ularning birlashuvি birlıklarning ikki tomonlama chegaralanishiga olib keladi. Tabiatan ayqash-uyqash (xaotik) bo'lgan tafakkur bo'lna turib biror ehtiyoj natijasida oydinlashadi", - deb tilning bo'linish qonuniyatlarini falsafiy asoslaydi. V.Gumboldt va uning keyingi davrdagi izdoshlarini F.de Sossyur bilan til strukturasi xarakterini o'z qonunlari bilan tashkil etilgan yopiq sistema sifatida tushunish birlashtiradi. "Har bir til obyektiv reallik ustida turuvchi va unga qarama-qarshi qo'yiluvchi tanlovlardan sistemasidir", - deb ta'kidlaydi I.Trir.

Tilshunoslikda "maydon" tushunchasining uzil-kesil shakllanishiga yordam bergen, hal qiluvchi tadqiqotlardan biri L.Vaysgerberning ishlari bo'ldi. L.Vaysgerberning fikricha, tilni ruhiy mazmunning oddiy vositasi sifatida emas, balki dunyoning intellektual shakli sifatida o'rganish zarur, uningcha, semasiologiya ma'nolar xususidagi fan bo'lmay, tushunchalar haqidagi ta'limot bo'lishi kerak. I.Trir va L.Vaysgerber talqinidan farqli holda yangi gumboldtchilikning keyingi guruhi olimlari G.Ipsen, V.Porsig, A.Yolles, F.Dornzayf, F.fon Vartburg singarilar lingistik

tadqiqotlar obyekti qilib so'zlar guruhi yoki tilning butun lug'aviy tarkibini oladilar. G.Ipsen qadimgi Hind-Yevropa tillari leksikasini qiyosiy-tarixiy jihatdan o'rganish davomida "mazmuniy maydon" terminini birinchi marta Sharq tillaridagi metall nomlarini belgilovchi so'zlar guruhiha nisbatan qo'llagan bo'lib, u bu so'zlarining Hind-Yevropa tillarida funksional jihatdan chegaralarini, alohida guruhiha tashkil etishiga asoslangan. V.Porsig esa semasiologiya faniga mazmuniy maydonning o'ziga xos tushunchasini olib kirdi, u maydon nazariyasini nutqni o'rganish asosida ochib berishga intildi. Uningcha, mazmuniy maydon ma'lum tildagi so'zlar orasida o'rnataluvchi asosiy munosabatlar bilan bog'lanadi hamda predikativ vazifani bajaruvchi fe'l, sifat va otlar orasidagi bog'liqlikdan kelib chiqadi. V.Porsig bilan bir vaqtida F.Yolles ham tilshunoslikka mazmuniy maydonning yangicha talqinini kiritdi. U ma'lum butunlikka mansub birliklar shu butunlikning biror jihatini ifodalashi bilan shu guruha xoslanishini ko'rsatdi.

Maydon nazariyasi muammolari bo'yicha keyingi yillarda qator tadqiqotlar olib borildi. G.S.Shchur maydon muammolari yuzasidan mingdan ortiq maqolalar e'lon qilinganini ta'kidlaydi. Bunday nazariy tadqiqotlarni atroficha o'rganib, ularni umumiy tarzda tarixiyligi nuqtasi nazaridan va qo'yilgan muammolar jihatidan ma'lum guruhlarga ajratish mumkin. Bunda asosan nazariyaning alohida tushunchalarini xronologik yo'nalishda ko'rib chiqib, ularning isbot qilinishi, nazariyaning qo'yilayotgan muammolari jihatidan o'rganilishi, shuningdek, maydon nazariyasini tarixiylik va muammolar tahlili bilan birgalikda olib borilishini hisobga olib farqlash mumkin.

Xulosa va takliflar. Lingistikada maydon nazariyasingin keyingi yillardagi rivoji shu darajaga yetdi, uning g'oyalari va metodlari tilning leksik sathidan boshqa sathlarga nisbatan ham tatbiq qilina boshlandi. Dastlabki tadqiqotlar mazmuniy maydon doirasidan kelib chiqib, turli lug'atlar (ko'proq tezauruslar) tuzish uchun umumiy qonuniyatlarini ochishda nazariy asos bo'ldi. Keyinroq bu yo'nalishda tilning boshqa sathlari, jumladan, morfosemantika, grammatika singarilar doirasida ham jiddiy asarlar yuzaga keldi. Maydon tushunchasining talqini hamda unga xos xususiyatlarga ayrim holda yondashuv maydon nazariyasini tadqiq etishning turlicha muammolarini vujudga keltirdi. Bunda maydon chegaralarining aniqligi, maydonning avtonomligi, butunligi, uzlusizligi jihatidan til birligi sifatida qaralgani holda yoki maydon mustaqilligining nisbiyligi, maydonlar o'zaro munosabatining keng xarakterga egaligi bo'yicha til birliklaridan farqlanuvchi tomonlari asosidagi muammolar; maydonlar tuzilishi (maydonda ochiq - bo'sh o'rinning bo'lmasligi) muammolari; ko'p ma'noli so'zlarning faqat bir maydonga mansubligi yoki bir necha maydonning elementlari bo'lishi mumkinligi asosida maydon va polisemiya munosabatlari muammolari o'rtaga tashlandi. Maydonning u yoki bu xususiyatlarga tayanib, ushu muammolar tadqiqotchilar tomonidan turli-tuman ravishda o'z yechimini topmoqda. O'zbek tilshunosligida ham maydon talqini bilan bog'liq bir qator qarashlar yuzaga chiqmoqda [9].

Shunday qilib, o'zbek tilshunosligida til birliklarini maydon asosida o'rganish keng yo'nga qo'yilmoqda. Bu usul, bizning nazarimizda, ayniqsa, leksikani o'rganishda katta ahamiyatga ega. O'zbek tili leksikasini makromaydon sifatida qaralgani holda, uni mikromaydonlarga ajratish tezauruslar, ideografik lug'atlar tuzishda katta samara beradi. Shuning uchun ham lingistik maydon va til lug'at tarkibini bunday maydonlarga ajratishning nazariy asoslarini chuqur, atroficha o'rganish hozirgi o'zbek tilshunosligi oldidagi eng dolzarb muammolardan sanaladi [10].

ADABIYOTLAR

1. Каспрук Д. И. Антрополингвистические аспекты сопоставительного исследования лексики на примере семантического поля «fitness». канд.филол.наук. дисс.- М. 2018. Б 19
2. Лингвистический энциклопедический словарь. – М., СЭ, 1990. – С. 380.
3. Уфимцева А.А. Теории «семантического поля» и возможности их применения при изучение словарного состава языка // Вопросы теории языка в современной зарубежной лингвистике. –М., 1961. – С. 31.
4. Звегенцев В.А. Семасиология. – М., МГУ, 1957. – С. 266.
5. Усмонов С. Умумий тиљшунослик. – Т., Ўқитувчи, 1972. – Б. 92.
6. Соссюр Ф. Курс общей лингвистики. – М., 1977. – С. 112.
7. Щур Г.С. Теории поля в лингвистике. – М., Наука, 1974. – С. 19.
8. Щур Г.С. О морфосемантических полях, функционально-инвариантных группах и категориях //Вопросы лингвистики. – Томск., 1970. – С. 3-10; Филичева Н.И. Синтаксические поля. – М., – ВЯ,1977.
9. Мирзакулов Т. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари: Филол.фнал. докт....дисс. автореф. – Т., 1994; Абдувалиев М. Тўсиксизлик майдони ва уни ташкил этувчи синтактик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. -1988. - № 4. – Б. 62-66.
10. Нурмонов А. Танланган асарлар III жилд. Тошкент. 2012. – Б. 55.



Gulruk ESHONKULOVA,
O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti tayanch doktoranti
e-mail: gulroeshonkulova@gmail.com

O'zMU dotsenti I.O'sarov taqrizi asosida

PROVERBS AS A PAREMIOLOGICAL UNIT OF LANGUAGE (LINGVODIDACTICS AND METHODOLOGICAL ISSUES)

Abstract

The article deals with the problem of a proverb as a kind of paremiological cliche, provides an overview of the scientific literature, and identifies the features of proverbs that have theoretical and methodological significance. Proverbs are considered as a reflection of the culture, history and language of the people.

Key words: paremiology, proverbs, folklore, wisdom, linguistics

MAQOLLAR TILNING PAREMIYALOGIK BIRLIGI SIFATIDA (LINGVODIDAKTIKA VA METODIKA MASALALARI)

Annotatsiya

Ushbu maqolada maqol muammosi paremiologik klishening bir tur sifatida ko'rib chiqilib, ilmiy adabiyotlar haqida umumiy ma'lumot berilgan, maqollarning nazariy va uslubiy ahamiyatga ega bo'lgan xususiyatlari aniqlangan. Maqollar xalq madaniyatini, tarixi va tilining ko'zgusi sifatida qaraladi.

Kalit so'zlar: paremiyalogiya, maqol, xalq og'zaki ijodi, donishmandlik, tilshunoslik

ПОСЛОВИЦЫ КАК ПАРЕМИОЛОГИЧЕСКАЯ ЕДИНИЦА ЯЗЫКА (ЛИНГВОДИДАКТИКА И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ)

Аннотация

В статье рассматривается проблема пословицы как разновидности паремиологического клише,дается обзор научной литературы, выявляются особенности пословиц, что имеет теоретическое и методическое значение. Пословицы рассматриваются как отражение истории культуры, и традиции народа в языковом оформлении

Ключевые слова: паремиология, пословицы, фольклор, мудрость, языкознание

Kirish. XX asrning oxiri XXI asr boshlarida tilshunoslikning bir fani sifatida o'rganilgan paremiyalogiya - qisqa badiiy matnlar haqidagi fan bo'lib, faqat murakkab klisherlar to'g'risida ish olib boradi. Murakkab klisherlar tillarda o'z ifodasini topgan bo'lib, kamida ikkita so'zdan iborat bo'ladi. G.L. Permyakovning fikricha, murakkab klisherlarga maqollar, matallar, frazeologizmlar, topishmoq, mualliflik va xalqning hikmatli so'zlari va boshqalar kiradi [1]. "Paremiyalogiya-yunoncha "paromia"-masal, ramzli hikoya; "logos"-so'z, fan degan ma'nolarni anglatadi. Paremiyalogiya-ma'lum bir tildagi avloddan-avlodga og'zaki shaklda ko'chib yuruvchi, ixcham, sodda, qisqa va mazmundor mantiqiy umumlashma sifatida paydo bo'lgan turg'un ibora, maqol va matal-paremalarni o'rganuvchi fan"[2].

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Mamlakat rivojlangan sari insonlarning ongi ham o'sib boradi. Yurtimizda olib borilayotgan samarali ishlarda yoshlarga qaratilgan e'tiborni alohida ta'kidlab o'tishimiz lozim. Yoshlarni ma'naviyat ruhida tarbiyalashda yoshi ulug'larning roli muhimdir. Bunda albatta biz ajdodlarimizning ma'naviy meroslariga tayanamiz. Har bir millatning o'ziga xos milliy urf-odatlari, yuksak madaniyati, dunyoqarashi va ahloq – odobi, maqollar, matallari mavjuddir. Hozirda biz, paremiyalogiya sohasi doirasida o'rganilib paremiyalogik birlik-parema hisoblangan, maqollar xususida to'xtalib o'tamiz.

Badiiy adabiyotda til,falsafa va ular orqali vujudga kelgan xalq og'zaki ijodining mahsuli bo'lgan maqollar folklorning sodda,ixcham, lo'nda va albatta mazmun jihatdan teran bo'lgan janrlaridan biri hisoblanadi.

Paremiyalogik birliklardan paremiologlar, tilshunoslar, adabiyotshunoslar, folklorshunoslar, etnograflar va boshqalar o'z ilmiy-tadqiqot ishlarida unumli foydalishgan. Maqollar qisqa lo'nda aniq ixcham shaklda bo'ladi. Ulardagi fikr to'liq tugallangan shaklda bo'ladi. Maqollar asrlar davomida sayqallanib, dunyo hodisalarini kuzatadi, uning rivojlanish qonuniyatlarini o'rganadi. Maqollarni alohida shaxslar emas, balki ona tilida so'zlashuvchilarining barchasi o'zlashtiradi. Xalq bilan tug'iladi va xalq ichida yashaydi.

Dunyoviy donishmandlik durdonalari hisoblangan maqollar, xalqning ma'naviy boyligi va madaniy merosi bo'lib, ko'p asrlik tajribalar bilan isbotlangan. XIX-asrning mashhur yozuvchisi, tilshunosi, etnografi, rus maqollar va maqollarining eng keng to'plami muallifi V.I[3].

Insoniyat hayotida maqollar va so'zlearning ahamiyati tobora ortib bormoqda. Ularning ko'rinishi qadim zamonalarga tegishli, chunki ular uzoq vaqt davomida xalqning hayotiy tajribasini, axloqiy sifatlari va asoslarini aks ettiradi. Dunyoning paremiologik qatlamida folklojni qayta tiklaydigan va aniq bir vaziyatda qanday harakat qilish kerakligi haqida to'g'ridan-to'g'ri maslahat beradigan, dolzarb ma'lumotlarni o'z ichiga olgan barcha xalq donoligi mavjud.

Maqol "arabcha" so'zdan olingan bo'lib, maqola, kichik asar, so'z, nutq degan ma'nolarni anglatadi. Maqollar hayotiy tajriba asosida xalq tomonidan yaratilgan, odatda pand-nasihat mazmuniga ega bo'lgan ixcham tugal ma'noli gapdir. Maqollarda avlod-ajdodlarning jamiyat va tabiatga munosabati, tarixi, ruhiy holati, etik va estetik tuyg'ulari ijobjiy va salbiy fazilatlar haqida mulohazalar aks ettiriladi[4].

Xalq og'zaki ijodining mahsuli bo'lgan maqollar –bu xalqning donoligini, millatning ruhini, uning madaniyatini

ko'rsatib turadigan xalq og'zaki ijodining mahsulidir. Maqollar ustida tinimsiz izlanishlar xalq ijodiyotini o'rganish bugungi kunda muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Maqollarda xalqning ichki kechinmalari aks etgan, xalqning ijtimoiy-tarixiy, hayotiy-maishiy tajribasi umumlashgan badiiy, obrazli mulohazalar ,hikmatli so'zlar aks ettiriladi. Maqollarning atalishi tillarda har hil bo'lsada,har birining ma'nosi alohida ahamiyat kasb etadi. Masalan, o'zbek tilida maqol, tojiklarda zarbulmasal, ruslarda poslovisa, arablarda naql, turklarda ata so'zi atamasi bilan yuritiladi.

Teylor va Uaytinglar fikriga ko'ra maqollarga izoh berish go'yatda murakkab masaladir. Ular ko'rsatgan sabablarga qo'yidagicha: berilgan iboraning maqol yoki maqol emasligi tushuntirib bo'lmas asoslarga ega, lekin ma'lum bir til foydalanuvchilari biron bir gapning maqol yoki maqol emasligini osongina ajratadilar[5].

Maqollarda xalqning ichki kechinmalari aks etgan, xalqning ijtimoiy-tarixiy, hayotiy-maishiy tajribasi umumlashgan badiiy, obrazli mulohazalar ,hikmatli so'zlar aks ettiriladi. Maqollarning atalishi tillarda har hil bo'lsada,har birining ma'nosi alohida ahamiyat kasb etadi. Masalan, o'zbek tilida maqol, tojiklarda zarbulmasal, ruslarda poslovisa, arablarda naql, turklarda ata so'zi atamasi bilan yuritiladi. Olimlarimiz tomonidan maqollar chuqur tahsil qilinib, bir necha xususiyatlarga bo'lib o'rganiladi:

Xalqchillikni maqollarda namoyon bo'lishi. Aynan shu xususiyat maqollarni aforizmlardan ajratib o'tadi. Xalqchillik maqolning ichki strukturasi, ya'ni ma'nosini yo'q bo'lib ketmasligini isbotlab beradi. Taniqli, mashhur tilshunos Dal aytib o'tganidek, "maqollar ortidan xalq tomon borish mumkin ekanligini hech kim rad eta olmaydi". Maqollar- bu xalq tajribasi, uning nafasini, yig'isini, shodligi va sevinchi, qayg'usi va ovunchi, bu xalq xaqiqati, uni to'g'ri yo'lga eltuvchi, ruhiy kechinmalarini aks ettiruvchi hikmatli so'zlardir. "Xalq asrlar mobaynida to'plangan hayotiy tajribasini turli vositalar yordamida kelajak avlodga me'ros qilib qoldiradi. Maqollar ana shunday bebaho me'ros namunasi hisoblanadi. Ular zamonlar osha, xalq donishmandligining muhim manbai sifatida, og'izdan-og'izga o'tib sayqallanib kelgan. Maqollar xalq og'zaki ijodining boshqa janrlari singari, har bir halqning milliy adabiy va madaniy boyligi hisoblanadi. Ular xalqning milliy-madaniy xususiyatlari va uning qirralarini, dunyoqarashi, axloqiy me'yor va prinsiplarini, millatning ruhiy holatini to'liq ifodalaydi"[6].

Kelib chiqishining qadimiyligi. Maqollarning tarixi o'zoq o't mishga borib taqaladi. Borliq paydo bo'libdiki, unda insoniyat vujudga keladi va u asta sekinlik bilan tabiat, jamiyat bilan muloqotda bo'ladi, ular haqida o'ziga kerakli bo'lgan xulosalar chiqaradi. Ana shu xulosalar-maqollarning kelib chiqishiga zamin yaratadi. Biz shuni ayta olishimiz kerakki, maqollar bir kishi tomonidan emas, balki butun bir jamiyat tomonidan yaratiladi. Kelib chiqishi uzoq o't mishga borib taqalmasin, maqollar hech qachon eskirmaydi.

Maqollarning hikmatlilik xususiyati. Bu xususiyatda, yani maqollarda pand-nasihat berish, talim-tarbiya yetakchilik hisoblanadi. Quyidagi misollarda biz ularni qay tarzda o'z aksini topganligini ko'rishimiz mumkin:

O'zbek tilida: "Qish g'amini yozda ye", "Suv ko'rmasdan etik yechma".

Ingliz tilida: "Live and learn", "Don't cross the bridge until you come to it"

Anonimlik holatini namoyon bo'lishi. Asar muallifi nomining ma'lum emasligi, anonimlikdir. Bizga ma'lumki, maqollar bizga ajdodlarimizdan qolgan noyob durdonadir. Ana shunady noyob xazinani asrash burchimizdir.

Metaforalik. Maqollarda metaforalik alohida ahamiyat kasb etadi, ya'ni ularda obrazlilik kuchli ifodalanadi. Metaforada kuchli ko'chma ma'noda ifodalanadi. Misol tariqasida quyidagi maqollarni keltirishimiz mumkin:

O'zbek tilida: "Pul- qo'lning kiri"

Ingliz tilida: "Walls have ears" [7]

Ko'p ma'noviylik va umumlashtiruvchanlik. Bu xususiyatda maqollar bitta ma'noga emas, balki ko'p ma'noga ega bo'ladi, ya'ni ko'chma ma'noda qo'llaniladi va umumlashtirilganholda ishlataladi. Masalan: "Pichoqni avval o'zingga ur, og'rimasa birovga", ya'ni bundan ko'rinish turibdiki, o'zingga ravo ko'rgan narsani birligda ham ko'r.

Emotsianallik. Emosianallik deganda biz, his-tuyg'uni tushunamiz. Maqollarda insonlarning his-tuyg'ulari, g'amtashvishlari, uy-fikrlari, kulgi-quvonchlari o'z aksini topadi va ana shu holatlar emosianallik belgilari hisoblanadi. Bunga misol qilib, "Qovun yesang sahar ye, sahar yemasang zahar ye".

Xalq og'zaki ijodida, butun dunyo bo'ylab hamma xalqlarda maqollarchalik shaklan va mazmunan o'zaro yaqin janr deyarli yo'q. Masalan, o'zbeklarda "O'z uying o'lan to'shaging" bo'lsa, inglizlarda, " East and West, Home is best" ma'nolarini anglatadi. Taniqli tilshunoslar maqollarning o'ziga xos xususiyatlarini atroflicha o'rganib chiqib ajratadilar. P.U.Bakirov maqollarni 10 taga ajratib o'rgansa, A. Dandes 7 bosqichga bo'ladi, V.I.Dalning fikricha maqollar 2 qismidan iborat. Internet ma'lumotida maqollarning janr xususiyatlari quyidagilardan iboratdir[8] va biz ularni misollar bilan to'ldirib o'tamiz:

1. Maqollarning hajmi qisqa va cheklangan. Bunga misol qilib, "Birovga choh qazima" ni keltiramiz.

2. Maqollar mazmunan serko'lam va chuqur ma'noni ifodalarydi. Masalan, "Oyni etak bilan yopib bo'lmas".

3. Xalq maqollari shaklan she'riy va nasriy bo'ladi. Ammo nasriy maqollar ham she'riy misralarni eslatadi. "Vale kiyasang atlas, unutma bo'zing" misrasi, "boy bo'lsang, chirog'ingni unutma" ma'nosida keladi.

4. Maqollarda hayotiy voqe-a-hodisa haqida qat'iy hukm ifodalanadi. Bu hukm musbat va manfiy mazmunida aks etadi. Masalan, musbat mazmuniga, "Beshikdan to qabrgacha ilm izla" maqolini keltirsak, manfiy mazmuniga, "Tirikligida siylamasang, o'lganida yig'lama" misolini keltirib o'tamiz.

5. Maqol shaxsi hayotidagi xususiy vaziyatni xalq, omma, hayot nuqtai nazaridan umumlashtiradi."Bulbul chamanni sevar, odam-vatanni"

6. Tilshunoslikda maqol shaxsi umumlashgan gap hisoblanadi."Ota rozi- Xudo rozi" kabi misollarni keltirishimiz mumkin.

Shunday qilib, xalq og'zaki ijodining mahsuli bo'lgan maqollarda qaysi mavzu, hayotning qaysi sohasi haqida fikr yuritilmasin, tanlangan muammo atroflicha o'rganilib, yoritiladi. Aslida hajm va shakl qanchalar ixcham, mohiyat va mazmuni qanchalar keng ko'lamga ega bo'lsa, yaratilayotgan asar shunchalar qadrli bo'ladi. Va albatta bunday holat, xalq og'zaki ijodida, ko'pincha maqollarda namoyon bo'ladi. Shuni alohida ta'kidlab o'tishimiz joizki, maqollar xalqning noyob durdonalaridan biri hisoblanadi.

ADABIYOTLAR

- Dal V.I. Rus xalqining maqollari. - M.: Astrel, AST, 2000. - P.1.
- Пермяков Г.Л. От поговорка до сказки. Заметки по общей теории клише.-М:Наука, 1970.
- fikr.uz>samgiyya>favourites>topics.
- Mirzayev. T. O'zbek xalq maqollari.- Toshkent: Sharq, 2012.
- Бакиров П.У. Семантика и структура номинацентрических пословиц (на материале русского, узбекского и казахского языков).-Ташкент: Фан, 2006.

6. Oxford Concise Dictionary of Proverbs .-Oxford University Press, 2003.
7. e-adabiyot.uz>...>Qo'llanmalar.
8. Джусупов, Алибекова, Мажитаева, "Специальная Лексика и Пословицы" 2013,41с